



СЕРГЕЙ ГРИГОРЬЕВ

МАЛАХОВ
КУРГАН

ЎЗДАВ НАШР

Г83

СЕРГЕЙ ГРИГОРЬЕВ

P2

Г-83

МАЛАХОВ КУРГАН



ТАРИХИЯ РОМАН

БИБЛИОТЕКА НГП

ИНН.

34335

07

БИБЛИОТЕКА НГПИ

ИНВ. № 422.97

195

УЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ - 1959

Одил Раҳимий таржимаси

Биринчи боб

ҚОРА БУЛУТ

Веня ўз уйларининг қизил черепица томида мўри трубасини ушлаб, денгизга қараб турарди.

Лукул бурунidan чапроқда, Севастополь бухтасига кираверишдан норд-норд-ост¹да, кўкимтири-қора булут ўнг томонга силжиб келар, тарқалиб, йўқ бўлиб кетарди. Денгиз юзида бундан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Веня томдан сакраб тушиб, денгиз тепасида булутга ўхшаган тутун пайдо бўлганини дарров Наташа опасига етказди,

Тўр тўқиб ўтирган Наташа ҳатто бошини кўтариб қарамади ҳам. Чевар бармоқлари билан коклюшкаларни² тез-тез алишириар экан, фақат бошини силкитибгина қўяқолди:

— Тағин нима бор экан? Яна қара-чи.

Наташани ҳеч ҳайратда қолдира олмайсан, жаҳлини ҳам чиқара олмайсан. Маринка уйда бўлганда эди, Веня билан дарров томга чиқарди-да, то уришиб кетишмагунча тортишаверган бўларди. У осмоннинг бир четида булутга ўхшаб турган тутун ичидан елканлар ва пароход трубалари кўриняпти деган бўлар ва ҳатто флотнинг қанча вимпелдан³ иборат эканлигини ҳам биламан деб даъво қилган бўларди. Аммо, елканни Веня олдин кўриб қолгудек бўлса, Маринка қота-қота куларди: у елкан эмас, қорайиб турган булут-ку, ҳатто булут ҳам эмас, шунчаки куз ҳавоси қовоғини солиб турипти, норд-ост⁴дан қаттиқ шамол турса керак, деган бўларди. Сентябрда шундай ҳам бўлади: жазирама иссиқ, офтоб ҳамма ёқни қизитиб туради-да, бирдан шамол қўзғалиб, аллақаёқдан совуқ ёмғир келтириб қуяди.

Маринка ҳозир уйда йўқ: эрта саҳарда елканхонага кетган. Бугун ҳеч ким тинч ухлай олмади, одатдагидан анча вақтли туришди. Отаси бир бокал чойини ҳам ичиб

бўлмасдан, қопқоғини ёпди-да, оғир уҳ тортиб: «Энди нима бўларкин» деди ва штабга хизматига кетди. Нимага у бугун ҳамма медалларини тақиб олдийкин? Онаси билан «энага» Хоня, худди байрам арафаси келиб қолгандай, тонг отмасданоқ дунёнинг кирини ювишга киришиб кетишиди. Улар бир талай кирни ювиб, икки бандли саватга босишиди-да, чайгани олиб кетишиди. Зил-замбил саватни ердан узишар экан, улар ҳам: «Энди нима бўларкин-да!» деб, уҳ тортишиди.

Бир бўлак нонни рўмолчага туғиб олган Ольга ҳам, Маринканинг кетидан югуриб чиқиб кета туриб, опалари га ва онасига:

— Оҳ, бир гап бўладиганга ўхшайди, жонгиналарим!— деб чиқиб кетди.

Веня унинг кетидан эргашиб:

— Нима бўлади, Ольга, айтсангчи?— деб сўраган эди, Ольга:

— Бўладигани бўлади-да, нима бўларди!— деб жавоб берди.

— Ўзинг қаёққа кетаётисан?

— Ўзим биламан!

Веня уйда Наташа билан ёлғиз қолди. Наташадан бир гапни сўраб билиш қийин, қайтангга ўзи: «Тағин нима? Тағин нима?» деб гап сўрайверади.

Венянинг ўртоқлари ҳам тарқалишиб кетишиган. Қаёққа? Қаёққа бўларди: Граф пристанига, бульварга, рейд⁵-га кетишиган-да. Флотда нималар бўлаётганини кўргани кетишиган. У ерда ҳамма нарса маълум. Бу ердан, томдан ёса Веняга фақат мачталарнинг уни кўринади. Веня «Уч авлиё» кемасининг мачталарини қидириб топмоқчи бўлади: эскадра қўмондони вице-адмирал Нахимов ўз байроғини шу кемада кўтарган. Нималар бўлганини, нималар бўлаётганини ва нималар бўлишини шу одам билади. Ў билгандан кейин, Венянинг акаси Миша ҳам билади. Веня билан хайрлашар экан, Михайл акаси: «Нахимовнинг қўлида ишлаган матрослар ҳамма нарсанинг ипидан игна-сигача билишлари керак» деб кетган эди. Энди Миша анчагача қирғоққа тушолмайди.

Катта бухтадаги мачталардан бирида Веня «рейддаги кемалар старшийсининг тайёргарлик» сигнали кўтарганини кўрди, бу сигнал барча кемалардан диққат қилишни талаб этар ва: «Хозир команда бераман» деган маънони билдиради.

Мачтани паға-паға бўлиб чиқаётган қора тутун ўраб олди. Веняning юраги гупиллаб уриб кетди: пароходлар сафарга отланмоқда эди. Эҳтимол, флагман ҳозир денигизга, душман қархисига чиқишга сигнал берар. Турган гапки, «Владимир» пароходи флагман⁶ кемасини шатакка олиб, бухтадан олиб чиқади. Веняning акаси Трифон «Владимир»да. Трифон ҳамма нарсани Венядан олдин кўради, аммо Венядан жуда каттами у? Кеча кечкүруъ овқат устида Трифон жуда керилиб ўтирди, отаси билан худди катта одамлардай гапиришди:

— Биз антрацит⁷ юкладик. Чакки бўлди!

— Нимага?

— Антрацит билан буғ босимини ошириб бўлармиди! Роса қийналасан!

— Кардифчи⁸, йўқ эканми?

— Инглиз кўмирини эҳтиёт қилмаса бўлмайди. Бошқа келмайди...

Шамол пароход тутунини ўнг томонга, Қора дарё водийси томонга учириб кетди. Яна флагман кемасининг мачтаси кўринди. Семафор икки марта «A» ҳарфини ишора қилди.

— Аз! Аз! — деб тақорлади Веня, сигнални.— Демак: «Тушундим, аниқ кўриб турибман» дегани. Аммо, ниманя кўряпти экан?

Веня атрофга қаради. Шаҳар томонда, баланд тепаликдаги Денгиз кутубхонаси биносининг манорасида икки киши турипти. Биттаси узоқни кўрсатадиган трубани маноранинг панжараси устига қўйиб, денигиз томонга кўз узмай қараб турипти. Иккинчиси унга қўли билан алла-қаёқни кўрсатиб турипти.

«Владимир Алексеевич Корниловнинг ўзи бўлса керак!» деб ўйлади Веня.

— Демак, «ҳазил тамом», — деди овоз чиқариб Веня, бу гапни отаси кўп ишлатарди.

Сал ўнгроқда, шаҳар телеграфининг манорасида «шапп» гир айланиб, қанотларини силкитади. Телеграф худди нима қилишини билмай қолган одамга ўхшайди: гоҳ икки қўлини осмонга кўтариб, нажот сўрайди, гоҳ икки сонга уради, гоҳ ҳайрон бўлгандай қўлларини икки ёнга керади. Телеграф қўлини яна бир марта силтади-да, кейин шалпайиб жим қолди. Сигнал шу қадар тез берилдики, Веня яхши уқиб тушуна олмади. Аммо Қрим ярим оролидаги қўшинлар бош қўмондони князь Меншиковнинг

Петербургга, подшонинг ўзига юборган депешаси Бельбекка ва ундан нарига узатилаётганлиги равшан эди.

Телеграфнинг Севастополдан кейинги манораси Бельбек тоғига жойлашган. Кўм-кўк тиниқ осмонда манора аниқ кўриниб туради. У ерда ҳам телеграф, қўлларини гоҳ силтаб, гоҳ кериб, Севастополдан берилган депешани тақорлайди. Учинчи манора Альмада, бундан ўн беш чақирим нарида, бу ердан кўринмайди. Шундай тарзда депеша⁹ юз мартараб тақорланиб, узоқ масофалардан ҳаттай-ҳаттай, ахир туманли Нева қирғозларига етиб боради. У томонларда, Питер атрофларида, Новгороднинг нарёқларида ҳозир ёмғир ва туман бўлса керак. Ҳазрати олий князь Меншиковнинг депешаси бирон ерга, қалин туманли жойга бориб таққа тўхтаб қолади*. Севастополдан то Новгородгача қўйилган ҳамма сигналчилар бу депешани сувдай ичиб юборадилар. Аммо Новгородга етиб тўхтаб қолиши аниқ! Депеша гербли қофозга кўчирилади-да, телеграф бошлигининг столига келиб тушади. Телеграф бошлиғи, подшоҳ номига юборилган депешани ҳеч кимга айтиб қўймасин ва даҳшатли хабар ҳеч кимнинг (ҳаттоқи губернаторнинг ҳам) қулоғига етиб қолмасин деб, сигналчини манорага қамаб, устидан қулфлаб қўяди. Телеграф бошлиғи трубкасини тутатиб, ўзидан мамнун бўлиб ўтиради: пойтахтда ҳеч ким, ҳатто император Николай Павловичнинг ўзи ҳам унинг столида ётган хабарни билмайди. Телеграф бошлиғи эса билади. Депешанинг гоҳ: «Император ҳазратларига камол эҳтиром билан маълум қилғайманким...» деган дастлабки сўзларига, гоҳ «князь Меншиков» деган имзога қаараркан, телеграф бошлиғи маҳфий хабарни ўз кўзидан беркитиш учун қоғознинг ўртасига тутун пуркайди-да, депешани апир-шапир пакетга солиб, устига: «Уни бундан нарига телеграф орқали беришнинг иложи бўлмаганидан, Санкт-Петербургга, император ҳазрат олийларининг ўз қўлига топшириш учун фельдъегер орқали юборилди» деб ёзади, кейин пакетнинг тўрт бурчагига иккни бошли бургут сурати солинган тўртта кичкина муҳир, ўртасига эса катта муҳир босади. Шундан кейин фельдъегерь депешани сумкасига солади-да,

* Илгари вақтларда телеграф маълум масофаларга ўрнатилган иккни қанотли семафордан иборат бўларди. Сўзлар бир семафордан маълум ишоралар воситаси билан иккинчисига етказилар, иккинчи-си учинчисига, учинчиси тўртинчисига ва шу тарзда охирги машзилга етказилар эди.

чопқир тройкага¹⁰ миниб, туман ичиға кириб кўздан ғойиб бўлади...

Нарва қолқасига етганда, шлагбаумнинг ёпиқлигини кўриб:

— Оч! — деб бўкиради.

Чаққонгина инвалид югуриб келиб, олачипор ходани кўтарди. Тройка яна келиб кетди. Одамларни чўчитиб, пойтахт кўчаларидан тарақлаб ўтди. Сарой олдига қушдай учиб келди. Фельдъегеръ уч зинадан бир ҳатлаб, қаддини букмай турган одамлар ёнидан елиб ўтиб, тўппа-тўғри Флигель-адъютант¹¹ ҳузурига киради. Генерал шошиб-пишшиб паркетдан юриб, подшоҳ ётоқхонаси эшигини тақиллатди. Подшоҳ чўчиб ўрнидан турди, елкасига шинель ташлаганча чиқди. Генерал унинг қўлига депеша тутқизди. Николай муҳирларни синдириб, қофозни очди. Бармоқлари қалтираб кетди.

«Инглиз, француз ва туркларнинг олтмишта кема, ўттизта пароход ва қўшин тушган бирталай транспортдан, ҳаммаси бўлиб уч юзга яқин вимпелдан иборат бўлган душман флоти бугун Севастополь яқинига келди...»

Наташа «Веня томда жимиб қолди, яна нима бўлдийкин?» деб, ташқари чиқди. Веня эса том тепасида бошини икки тиззасининг орасига олиб, ухлаб ўтирас эди...

Опаси, уйқусираб яна томдан йиқилиб тушмасин деб, уни секин чақириди:

— Ухлаб қолибсан, опаси жонидан! Денгизга қара, денгизда нималар бўлаётган экан,— деди Наташа ва хомизак тортиб, яна уйга кириб кетди.

Замбарак гумбурлади. Веня кўзларини ишқалаб қараган эди, замбаракнинг Александр батареясидан отилганини кўрди. Замбаракдан чиққан қалин тутун денгиз томонга, тўлқинлар устидан аллақандай пароходнинг қаршиисига елиб борар эди; тутун ёйилди-да, шамолнинг зўри билан орқага қайта бошлади. Пароходнинг ёт пароход эканлигини Веня дарров пайқади: бизнинг флотда бундай узун, уч мачтали, икки трубали, винтли фрегат¹² йўқ. Ҳамма елканларини ўйган бегона фрегат елиб келарди, оппоқ трубаларидан билинар-билинмас тутун чиқиб турарди. Фрегат кетидан кўпирган оппоқ сув худди фаранг рўмолга ўхшайди. Замбарак пароходни тўхтата олмади. Пароход ҳеч қаёққа бурилмасдан, тўппа-тўғри бухта томонга елиб келмоқда. Бегона пароход қаршиисига рейддан елканларини йигиштирган бизнинг пароход чиқиб, сувни кўпирти-

риб ела кетди. Веня дарров уни таниди: бу «Владимир» эди.

— Эхе. Тришка ахир пароходини юритипти-ку! Тағин «антрацит» деб нолийди-я! Қани, бўш келма! Илгак ташла! Абордажга¹³,— деб қичқиради Веня, том тепиниб. У назарида томда эмас, балки пароходнинг капитан кўприкласида тургандай, том мўрисини эмас, балки муздек мис бандни ушлаб тургандай ҳис қиласр эди.

Пароход тумшуғи билан ёрган тўлқиннинг оппоқ кўпиклари «Владимир»нинг бакига¹⁴ қуйилади. Бегона фрегат тобора яқинлашиб келаверди. Веня фрегат командасининг вантларга¹⁵ югуриб тарқалганини кўриб турди, бир дамдан кейин бегона фрегат «ўнг бортга бурул» деб команда беради, елканларини туширади-да, бир айланис, бутун бортидан¹⁶ «Владимир»ни ўққа тутади. Веня душманнинг маккорона ҳийласини дарров пайқади.

Веня иккала қўлини оғзига карнай қилиб, тумшуқдаги замбарак командорига¹⁷:

— Ҳой, тумшуқдаги замбарак! Бомба билан ўт оч!— деб қичқирди.

Мортира¹⁸ оғиздан оппоқ тутун бурқситиб, ўқириб орқага тисланди. Бегона пароходнинг биринчи мачтаси тепасидаги юқориги стеньга¹⁹ қулаб тушди. Бегона фрегат елканларини йиғиштирди, аммо ўт очишига улгуролмади. «Владимир» ёни билан ўгирилиб, бутун бортдан залп берди. Веня қўлини чап кўзига дурбин қилиб қаради: бегона пароход орқага қайрилиб, жавоб бермасдан, денгизга, вест²⁰ томонга кетди.

— Ҳа-ҳа, думингни қисдингми! Қўрқдинг-а! Ура, оғайнилар! Биз ютдик! Ура!

Венянинг қулоғига бутун бортдан отилган залпнинг гумбура-гумбуридан кейин «Владимир» командасининг «ура» садолари эшитилиб кетгандай бўлди... Бироқ, бирдан капитан кўприкласининг банди Венянинг қўлидан сирғаниб ҳиқиб кетади. Шундай бир тўлқин келиб урдики, Веня том тепасидан умбалоқ ошиб пастга думалаб тушди. Веня тарновни ушлаб қоламан деб эди, ушлай олмади, узумлари қоп-қора бўлиб пишиб ётган ток новдалари ичиди ўралишиб қолди-да, кейин ерга сакраб тушди.

— Биз мана шунақамиз! Ура!— Веня иргиб туриб чоп-галича уйга кириб кетди.

Салқин ва ярим қоронғу уйда, дераза олдида Наташа холстдан эвлироқ тўрни гўё тезроқ тўқиб битирмоқчи бўл-

гандай, коклюшкаларни одатдагидан кўра илдамроқ алиштирас эди: ахир, тўрни уч йилдан бери тўқир эди-да!

Наташа, бирталай игна санчиб қўйилган ястиқ жилдидан бошини кўтармай, секин ва бамайлихотир:

— Нимага тўпбозлик бўлди? — деб сўради.

— Нимага дейсанми? Вой, сени қара-ю! — деб қичқирди, опасининг бемалол ўтирганидан жаҳли чиққан Веня. — Бизнинг рейдимизга Британия фрегат-пароходининг бостириб киришига сал қолди...

Аллақаердан отилган замбарак гумбуридан дераза ойнаси дириллаб кетди... Яна тўп отилди... яна...

— Бир чиқиб қарайчи, нима гап ўзи, — деди Наташа, коклюшкаларини йиғиштириб.

Наташа узумдан бир шингил узиб, татиб кўрди-да:

— Узум узиладиган бўпти... Юрчи, опаси, меҳмонхонага кириб ўтирамиз. Томдан бир марта йиқилиб тушганинг етар. Мен тўр тўқиб ўтираман, сен менга эртак айтиб берасан...

— Опажон, эртак айтгим келмаяпти, яххиси, Граф пристанига борай, «Владимир»га ўқ тегдими-йўқми — шуни билиб келаман.

— Йўқ, бормайсан, дадам тайинлаб кетган.

— Дадамга айтмагин-да!

— Айтмасам ҳам билади.

— Барибир қочиб кетаман.

— Қочиб кўрчи!

Наташа Венянинг қўлидан ушлаб уйга судради. Веня оёқларини тираб олди, қочмоқчи бўлди, чинқирди...

Ховлига бушлат²¹, оёғига қўнжи узун этик кийган бир матрос кириб келди:

— Нима жанжал, нима шовқин? — деб сўради у.

— Стрёма, бормисан! — деб қичқирди Веня. — Ура! «Владимир» уларни роса болладими!

Наташа Венянинг қўлини қўйиб юборди. Веня Стрёманинг олдига югуриб келиб, уни турта ва торта бошлади.

— Яхшимисан, оғайни!

Матрос Веняни сал нари итариб, бошидан шапкасини олди-да, таъзим қилди:

— Яхши ухлаб турдиларми, Наталья Андреевна?

— Раҳмат. Сизчи?

— Саломат бўлсинлар, ёмон эмас.

— Дадам олдига иш билан келгандирсиз ё ўзингиз шундайми?

— Ўзингизда ишим бор эди, Наталья Андреевна.

— Менда қандай ишингиз бўларди, Пётр Иванович?— деб сўради Наташа, ерга қараб.

Стрёма бошига шапкасини кийиб, ток чирмасиб ётган деворга қаради-да:

— Узумингиз пишипти. Узса бўлади,— деди.

— Ойим айтсалар...

Стрёма бир оз жим қолди, яна шапкасини ечди, бoshини эгиб шапкасининг ичига қаради, унинг астарига 232-номер билан «Стрёмин» деб унинг фамилияси ёзиб қўйилган эди.

Наташа муғомбирона жилмайди.

— Ишингиз бўлса — айтинг. Менинг вақтим йўқ: тўр тўқишим керак... Қани, ичкари киринг.

— Иш-ку бор-а,— деди Стрёма, Наташанинг кетидан киришга ботинмай.— Ёнингиздан ўтиб кетаётган эдик, штабга юборишган эди, йўлимиз тушгани учун... Тўрингизни бир томаша қилсам дедим. Денгиз тўлқинлари, кемалар жуда яхши чиқипти.

— Арзимаган иш экан... Неча марта кўргансиз ҳам! Веня,— деди Наташа, укасига қараб,— томга чиқиб яна бир қара-чи...

Веняни бу қармоққа илинтириш осон эмас.

— Яна томга чиқ эмиш! Йиқилиб тушдинг деб ўзинг уришмадингми боя!— деди-да, матросга қараб кўзини қисди.— Сизлар бу ерда ундан-бундан гапиришиб бўлгунларингча мен ғизиллаб Граф пристанига бориб келардим-у, йўқ деялсан-да.

— Укангиз бориб кела қолсин,— деб илтимос қилди Стрёма, Наташадан.

Наташа қовоини солди:

— Мумкин эмас. Хайр, бўлмаса.

Наташа қайрилиб, ичкари кириб кетди, эшик очиқ қолди.

Стрёма Наташанинг кетидан уйга кирди. Матрос кетидан Веня кирди. Наташа дераза тагига бориб ўтириб, тўрини тўқий бошлади. Стрёма унинг орқасига келиб тўхтаб, ингичка бармоқларига қаарarkan, уҳ тортди:

— Жудаям ажойиб тўр бўпти!

Кўк ястиқ бетига жимжима тўрлар билан бешта кема сурати солинган. Кемалар жингалак-жингалак тўлқинлар устида шамолда елканларини очиб, елиб боради, тип-тиниқ дengиз суви остида дельфинлар бир-бирлари билан

ўйнашиб ва ўткир орқа қанотларини сувдан чиқариб кемалар кетидан эргашиб борадилар.

Наташа тўқиган кемаларидаги елканларнинг таранг тортилиб туришига қараб, Стрёма шамолнинг қандайлигини аниқлади ва бир хўрсиниб,— Бейдевинд²² кучли экан! Ҳамма елканлари жойида-я! Ҳаммаси тўппа-тўғри!— деди.

— Ўтиринг! Нимага турибсиз?— деди меҳрибонлик билан Наташа, матросга.

— Шошиб турибмиз, тўғрисини айтганда... Бизни штабга юборишган эди, йўлимиз тушиб қолиб...

— Ҳа ўтира қолсанг-чи!— деб буюрди Веня, матросга.

Матрос Наташа олдидаги скамейкага ўтирди.

Ўртага чўмган жимликни фақат коклюшканларнинг шакиллаши ва матроснинг хўрсишигина бузарди. Наташа ишдан бошини кўтариб жилмайди-да:

— Флотда нима гаплар, Пётр Иванович?— деб сўради.

— Ишлар пачава! Матрос оғайниларнинг жиги-бийрони чиқиб ётипти. Чиқади ҳам-да! Душман бизнинг қирғоққа бирталай куч тортиб келяпти. Аскар туширмоқчи...

— Флотдан ҳам кўп одамни тушириб бўлармиди? .. Унчалик эмасдир, Пётр Иванович!

— Шубҳангиз ноўринроқ бўлса керак, Наталья Андреевна. Инглиз флоти жуда катта. Телеграф хабарларига қараганда, кемаларидаги одамларнинг сони олтмиш мингча келармиш, бутун бир қўшин деса бўлади!

— Қирғоқ ёнига яқин йўлатманглар-да. Вой, сенларни қара-ю!— деб койий кетди Веня.— Ана, «Владимир»га ўхшатиб...

— Адмираллар ҳам, жаноб офицерлар ҳам, командалар ҳам худди шундай фикрдалар: туширтирмайлик дейишади. Адмираллар оқшомлари тўпланиши. «Бу қандай шармандалил!— деди Владимир Иванович Истомин...— Душман жуда кўп куч тўплаб Қрим бўйларига келиб турган бўлса-ю, Қора денгиз флотини рейдга беркиниб олса! Денгизга чиқиб, душман флотини тор-мор этиш керак. Аскар тушган ҳамма транспортларини ёндириб, чўқтириб юбориш керак».

— Шунча одамни-я? Ахир, улар ҳам одам-ку!— деди Наташа, бошини ишдан кўтармай.

— Муштлашишгacha ҳамма ҳам одам. Босқинчи деразангизни бузиб, бостириб кираётган бўлса-чи, Наталья Андреевна?

— Қўйинг, бундай гаплар билан одамни қўрқитманг, Пётр Иванович! Юрагим орқасига тортиб кетди.

Коклюшканларнинг шақиллаши тинди.

— Уша заҳоти юрагим ёрилиб ўлардим,— деди Наташа, бир оз ўйлаб туриб.

— Мен бўлсам қўлимга дазмол олиб, душманинг бошини уриб ёардим,— деди Веня.— Қўрқма, Наташа!

— Биттаю-битта ишонган тоғим — сенсан,— деди Наташа жилмайиб ва яна тўрини тўқий бошлади.

— Ҳатто ёш-ёш болалар ҳам ўз уйларини ҳимоя қилишни хоҳлайди. Аммо сиз ташвиш тортманг, Наталья Андреевна, сизнинг Венядан бошқа ҳам ҳузур-ҳаловати-нгизни ҳимоя қиласидиган одамлар топилиб қолади,— деди ҳаяжон ичидаги Стрёма, шапкасини кўкрагига босиб.

— Павел Степанич адмираллар билан нимани гапиришди?— деб сўради Наташа.

— У-ку Владимир Иванович билан бир фикрда-я. «Севастополь — бизнинг уйимиз,— деди у.— Денгизчининг иши — денгизда. Шундай бўлса ҳам, қирғоқни ўйламаган денгизчи — денгизчи эмас». Тўғри айтади. Биз денгизда туриб Севастополни, ўз уйимизни қўриқлаймиз. Ўз оти билан қирғоқ-да. Масалан, мени олинг. Нима учун биз Синоп жангига Туркия флотини тор-мор этдик, барини ёндириб юбордик? Инглизлар билан топишиб, бизнинг қирғоққа келмасин учун. Шахсан мен ўзим жанг маҳалида крюйт-камерадан²³ картуз* олиб бериб турдим. Крюйт-камера деб, мен сизга айтсам, порох омборини айтадилар.

— Узи билади!— деди Веня, бошини силкитиб.

— Палубанинг люки²⁴ очиқ турипти. Бирдан бомба келиб тушиб, тепадаги брезентни ёндириб, тилка-тилка қилиб юборди. Мумланган брезент ловуллаб ёнганича биз турган крюйт-камерага тушаверди...

— Мен сиздан Нахимовни сўрасам, сиз нуқул ўзингиздан гапирасиз Пётр Иванович! Сизнинг қаҳрамонлигингизни кўп эшигтанмиз...— деди Наташа, муғомбирана кулиб.

Стрёма лоладай қизариб кетди, шапкасини скамейкага бир уриб:

— Павел Степанич нима бўлса, мен ҳам шу!— деб қичқирди.— Барибир! Портда бекорга ўлиб кетгандан, денгизга чиқиб жангда ўлган яхши! Яхши қолинг, На-

* Уқ, снаряд солянган халта.

талья Андреевна! — деб гапини тугатди Стрёма ва ўрнидан сакраб турди.

Шапкасини бошига бостириб кийди-да, эшик томонга юрди. Веня унинг йўлини тўсди:

— Шошма, Стрёма, олдин гапириб бўл. Сен, Наташенька, қўй уни ўз холига, гапириб бўлсин... Шундай қилиб, крюйт-камерадаги порох портлаб кетмадими?

Стрёма кулиб тўхтади.

— Портласа сен билан биз бу ерда гапиришиб турмаган бўлардик. Опанг ҳам мени мунча масхара қилмаган бўларди. Бизнинг «Мария»миз ҳам асфаласофинга қараб кетган бўларди! Унинг билан бирга Павел Степанич ҳам, унга қўшилиб беш юз киши ҳам кетарди...

— Кейин сен нима қилдинг, Стрёма? — деб ҳамон қўй-масди Веня.

Стрёма худди истамайгина Наташанинг олдидағи скамейкага келиб ўтириди ва унинг қалтираб турган бармоқларидан қўзини узмай, ҳикоясини давом эттирди:

— Майли, бу кишининг эшитгилари келмаса — эшитмасинлар, агар эсингдан чиққан бўлса, сенга айтиб бера қолай.

— Ҳеч эсимда йўқ! Ҳеч нарса!

— Ростдан-а? Хўп, майли. Қарасам, мумланган бревент парчалари худди печкага тушган пўстлоқдай ловуллаб ёнаяпти. Матрослар трапга²⁵ қараб югуриб қолишли. «Тўхта!» — деб уларнинг олдини тўсадим мен. Дарров люкни беркитдим, оғайнилар ҳаммамиз крюйт-камерада, ёниб турган ўт ичида қолдик. Уч юз пуд порох билан-а! «Ушла, йигитлар!» деб бақирдим. Латтани қўлим билан ушладимда, эзиб, оёғим билан босиб ўчирдим. Ҳаммамиз ўтни босиб ўчирдик, кеманинг портлаб кетишига йўл қўймадик! Үзимизнинг тутундан бўғилиб ўлишимизга сал қолди. Люкни очдик. Тепадагиларнинг биронтаси бизда бўлиб ўтган ҳодисани пайқамади, нуқул: «Порохдан бер! Сенларга нима бўлди, ухлаб қолдингларми?» дейишади.

— Кафтларингни кўрсатчи,— деб сўради Веня.

Стрёма шапкасини қўлтиғига қистириб, ўтда куйибтиришиб кетган кафтларини очиб кўрсатади.

— Наталья, бунга қара! — деб буюрди Веня, опасига.

Наташа Стрёманинг қўлларига қаради. Худди нордоя узум егандай, лаблари буришиб кетди.

— Бунга қандай юрагингиз борди, Пётр Иванович? .. Азизим! — деди-да қип-қизариб кетди.

Унинг кўзларида ёш кўринди. Бошини икки қўли билан ушлади.

— Полундра! — деб қичқирди Веня, кулиб.

— Денгиз уставига тўғри келмайди! — деб Веняниң гапини тўзатди Стрёма. — Кройт-камерага ўт тушса, ўт тушди деб бонг урмайдилар, балки люкларни маҳкам беркитиб, шоналарни уриб чиқарадилар-да кройт-камерага сув кўйиб юборадилар. Насос ҳам ишлатилмайди. Бекорга кўз ёши тўкаётисиз, Наталья Андреевна. Кўкрагимда шунақангиланга ловуллаб ёняптики, уни катта насос билан ҳам ўчира олмайсиз.

— Сен ҳам уставни бузгансан: ўтни қўл билан ўчирадиларми? — деди Веня.

— Тентак экансан-ку, ахир, ивиб қолган порох билан тўпни ўқлаб бўладими? Буни бир билиб қўйинг, Наталья Андреевна.

Наталья йифидан тўхтади, кўзларини арти-да, яна ишига киришди.

— Наталья Андреевна! — деди Стрёма. — Шу чўплянгизни бир пас қўйинг. Тақдиримизни ҳал қилинг. Кўкрагимдаги ўтнинг шунча ўртаниб ёнгани ҳам етар!

— Нима истайсиз мендан, Пётр Иванович?

— Сизнинг қонуний матросингиз бўлишни истаймиз!

— Ийел Ийел! Гапни жуда ҳам буриб юбордингиз-ку! Шундай гапларнинг вақтими ҳозир? Уруш бўлиб турган бўлса, сиз ўт мижоз одамсиз, Пётр Иванович, бирдан, худо кўрсатмасин, ўлдиришса, мен матрос бёваси бўлиб қолавераманми... Яхши бўлmas!

— Эҳ, Наталья Андреевна: матросдан қолган ёш беваширин мева билан баравар!

— Ошиқманг, Пётр Иванович, яқинда бундай мевалар жуда кўпайиб кетади. Тўйгуниңгизча ейсиз!

— Яхши қолсинлар, Наталья Андреевна!

— Сиз ҳам яхши боринг, Пётр Иванович.

Стрёма аччиқланиб чиқиб кетди, Веня скамейкадан иргиб турди-да меҳмонхонада гир айланди, кейин опасини келиб қулоқлади.

— Қотирдинг, Наталья! Боплаб жўнатдинг! Топган гапини қара: уйланаман эмиш!

Укасини нари итараркан, Наташа йиғи аралаш:

— Йўқол кўзимдан! Кўчага чиқсангчи! — деди.

Веня кўчага югуриб чиқди-да, Стрёманинг кетидан:

— Жадал сузиб бора туриб, саёзликка роса тиқилдинг-да!— деб қичқирди.

Стрёма орқасига қайрилиб қарамади. Уңинг рўпарасидан Наташанинг онаси Анна Могученко билан опаси Хоня бир сават кирни чайиб, икки кишилашиб кўтариб келишмоқда эди.

Матрос шапкасини олиб, уларнинг ёnlаридан ўтиб кетаверди. Аёллар дам олгани ва Стрёма билан у ёқ-бу ёқдан пича гапиришгани оғир саватни энди ерга қўймоқчи бўлиб туришган эди.

— Стрёма нимага кепти?— деб сўради онаси Венядан, қўрага кира туриб.

— Уйланмоқчи эмиш.

— Вой ўлай! Обба шум-ей!

— Ойижоним, ойижон!— деб қичқирди Наташа ва ҳўнграб йиғлаб юборди.

Қўрадан аллакимларнинг овози келди. Онаси эшикдан қаради-да, кула-кула Наташага:

— Яна битта-куёв келди!— деди.

Веня ҳовлида суюнганидан чинқира-чинқира, янги меҳмонни кутиб олмоқда эди.

— Митя! Ручкин! Менга қара... Қандай депешалар юбординг? Подшоҳга депеша бориб етилтими? Князга жавоб келдими!

— Шошмай тур, Венъка, сенинг навбатинг кейинроқ келади. Олдин Февронья Андреевна билан сўрашиб, гапиришиб олай...

— Мен билан кўп гапиришнинг кераги йўқ, Митрий Иванович,— деб жавоб қилди Хоня,— меҳмонхонага киринг, ойим билан Наташа ўша ерда ўтиришипти.

— Менга сиз билан гапиришиш кўпроқ ёқади... Қаранг, ҳамма ёққа ёйиб ташлаган кирингиз худди байроқ-қа ўхшайди, худди Синон ғалабаси муносабати билан флотда байрам бўлаётгандай!

Хоня лабларини қаттиқ қисди, Ручкиндан юзини ўғирди-да, гўё бир нарсани тузатмоқчи бўлгандай, қўранинг энг олис бир бурчагига қараб кетди.

Ручкин Синон жангини ножӯя тилга олгани учун ўзини:

— Вой, аҳмоғ-е!— деб сўка-сўка, ичкари кириб кетди.

— Дежурликдан бўшаб, уйга кетаётган эдим, йўлдан бир кириб кетай дедим...— деди Ручкин, оғзи қулоғига етиб.

— Нима бало, бугун ҳамманинг йўли бизникига тушиб қолдими,—деб жавоб берди Анна,—ҳадемай Мокроусенко билан Погребов ҳам келишиб қолмаса эди.

— Мокроусенкони боя кўрувдим, айтуди, Ольга Андреевнани бир кўрмасам бўлмайди девди.

— Кечакуни бульварда кўришишган эди,—деди Наташа.

— Ҳозир уруш вақти. Бир соат бир кеча-кундуз билан баробар. Бугун инглизлар Евпаторияга аскар туширади деб кела кимнинг хаёлига келган дейсиз?

— Қўйинг ёлғонингизни!—деб Ручкиннинг сўзини кесди, Анна.

— Менинг ёлғон гапиришга ҳақим йўқ, Анна Степановна, мен присяжний одамман. Бельбекдан берилган дешани ўз қўлим билан қабул қилиб олдим ва бланкка ўз қўлим билан кўчириб, князга жўнатдим... Командант майор Браницкий Евпаториядан Симферополь йўлига чекинган... Инглизлар уч минг аскар билан ўн иккита тўп туширипти.

— Нега энди майор жанг қилмасдан чекинади? Шармандалил-ку!

— Унинг қўлидан нима ҳам келарди? Унинг икки юз кишилик командаси бор, холос. Шунча қўшинга бас кела олариди! Инглиз адмирали пароходда шаҳарга яқин келипти да, агар шаҳар таслим бўлмаса, ўт қўйдирман деб қўрқитипти!

— Князь қўшинни нима қилмоқчи экан?

— Князь қўшинни әҳтиёт қилмоқда. Қўшин Альма дарёси бўйида марра эгаллаб турипти. Қуруқликдан флотга яқинлашиб бўлмайди. Жой ҳам яланг жой. Князь ҳаммаси қирғоқقا тушиб бўлсин, ана шундан кейин бир зарба билан тор-мор қиласиз, деб ўйлаяпти.

— Князь ўз фикрини сенга айтибиди?— деб пичинг билан сўради Анна.

— Князь билан шахсан ўзим сухбатлашганим йўқ-ку-а, аммо ҳамма нарса бизнинг қўлдан ўтади. Миям бутун, ақлим етади! Бизнинг телеграфда...

— Телеграфингдаги ишлардан камроқ гапиранг бўларди,—деб койиб берди уйга кириб келган Хоня.

Ручкин хафа бўлиб, жим қолди. Билган-эшитганларини ҳозир, айниқса Хоня киргандан кейин гапириб бериб, роса мақтангуси келиб турган эди.

Наташа яна коклюшканарини шарақлатади.

Анна Ручкини назар-писанд қилмасдан, худди у бу ерда йўқдай, печка ёнида ғивирлаб алланималар қила бошлади. Хоня эса, гўё Ручкин унинг йўлини тўсиб тургандай, бир-икки марта ёнидан четлаб ўтди.

— Саломат бўлсинлар! — деди хафа бўлган Ручкин.

— Яна пича ўтирангиз бўларди?

— Йўғ-е, шундай, йўлим тушган эди.

Ручкин хотинлар гапга ўч бўлади, яна уруш хабарларидан сўраб қолишар деб пича кутди. Бироқ аёллар ломмим демас эди.

Веня меҳмоннинг қўлидан ушлади-да, секин қулоғига:

— Нега хотин-халажлар билан гаплашасан-а? Сен менга гапир гапларингни. Бундай ишларга уларнинг ақли етармиди!.. Юр, мен сени бир оз кузатиб қўяман,— деди.

Ручкин ўй ичига яна бир кўз ташлаб чиқди. Уйнинг тўрт девори тагида тўртта сандиқ туарди, сандиқларда Могученколарнинг тўртта қизи: Хоня, Наташа, Ольга ва Мариналарнинг сеплари бор. Тўртта сандиқ бутун меҳмонхонани тўлдириб туарди. Хонянинг сандиғи каттагина бўлиб, деңгиз сафарига мослаб чармдан ясалган, қоңқоғи букир, тасма бандли, устига қора темир қоқилган инглиз сандиғи эди, уни Хонянинг чўқинтирган отаси адмирал Нахимов ҳадя қилган эди. Кўш қулфли, каттагина, бақувват сандиқ.

Наташанинг сели Тюменъда ишланган ва устига оқ тушука қоқилган катта сандиқда турар эди.

Ольганинг сандиғи ҳамманикидан баланд, Мокроусен-конинг қайиқсозлик ишхонасида эман дарахтидан ясалиб, алифланган оддий сандиқ эди. Қайиқсознинг сандиқни жуда ҳафсала билан ясагани кўриниб туарди. Ҳаттоқи сандиқ билан қоңқоқ ўртасида тирқиш борлиги ҳам билинмасди. Мокроусенко агар кема фалокатга учраб, сандиқни сувга ирғитганингда ҳам ичига бир томчи сув кирмайди, ўзи ҳам чўкмайди, қуруқлигича чиқади, деб Ольгага мақтанарди.

Мокроусенколарнинг энг кичик қизи Маринанинг сандиғи ҳаммасиникидан ҳам кўркам: тўртта ғилдиракчага қўндирилган полтавача сандиқ эди. Сандиқнинг шакли ва ҳажми худди кўмир конидаги вагонеткага ўхишайди: паст тамони тепасидан анча энсизроқ, фақат қопқоғи бор. Сандиқнинг тўрт томони ва қопқоғи қип-қизил қилиб

бўялган, устіга яна жуда ғалати ўтлар ва гуллар солинган. Филдираклари эса кўм-кўк. Сандиқни қўлда кўтаришнинг ҳожати йўқ, текис йўлдан ғилдиратсанг — ўзи юриб кетаверади.. Айниқса, ўт тушиб қолса қулагайлиги катта!

Анчадан бери кўриб юрган бу сандиқларнинг тўртталаси ҳам Ручкинга ёқарди. Опа-сингилларнинг ҳам тўртталаси ёқарди. Агар совчи юборса, тўрттала қиздан хоҳлаганини йўқ демасдан беришларига Ручкин шубҳа қилмасди. Аммо, қайси бирига совчи юборсин? Ольгагами? Мокроусенко нима дейди?

Қайиқсознинг ваъдага вафо қилиб сандиқни битириб олиб келгани Ручкиннинг эсида; Мокроусенко, сандиқ гўё ўзиникидай, устини силар, уриб-уреб қўяр эди. Сувда чўкмайдиган, жуда қойил сандиқ, бундай сандифинг бўлса, ҳаёт денгизига қўрқмасдан шўнгийверасан!

Наташанинг сандиги ҳам ёмон эмас. Телеграфда ишлаб, бирон мансаб эгаси бўлиб чиқишига Ручкин қаттиқ ишонар эди. Албатта, коллегия регистратори²⁶ Ручкин бармоқлари нозик қизга уйланса ёмон бўлмайди. Тўр тутилган ястиқлар-чи? Голландия полотносидан тикилган, учлари попукли сочиқлар-чи? Тюмень сандифида бундайлардан қанчаю-қанчайикин! Бироқ Стрёма бор-да! Бир куни Ручкин бульварда Наташани бир гала опа-сингилларидан ажратиб, олиб кетди-да, гапга сола бошлади. Бирдан ёнларига Стрёма келди-да, бир сўз ҳам демасдан, Ручкиннинг тумшуғига муштини келтириб кўрсатди..

Ручкин умидсизлик билан кўзларини Маринанинг гулдор сандифига тикади. 'Кўйсанг-чи, ўша читтакни! У сўлоқмон Погребовни ёқтиради Гарчи Погребов Ручкинга мушт дўлайтирган бўлса-да, қўлни сиққанда шуна-қанги дўстона сиқиб кўришадики, бармоқларнинг бирбирига ёпишиб қолади, кейин анчагача қўлингга пуфлаб юрасан. Бадқовоқ одам!

Йўқ, ҳамманикidan Хонянинг сандифи яхши! Жаноби олийлари билан ҳам танишиб олардинг: «Марҳамат, танишинг, менинг рафиқам — адмирал Нахимовнинг чўқинтирган қизи» деб юрардинг. Қойил! Ручкин, кўзини инглиз чемоданидан узолмай, адмирал амал ҳам, орден ҳам олиб беради деган хаёлга кетди. Ана, бир маҳал титуляр советник²⁷ Ручкин ёшгина хотини билан (хотини ўзидан уч-тўрт яшар катта бўлса ҳам, бунинг зарари йўқ) Петербургга кетаётган бўлади. Тарантаснинг орқасига каттакон инглиз чемодани бойлаб қўйилган бўлади. Ўтган-

кетганлар кўриб қолиб: ажойиб гўзал хотини билан бирга Петербургга кетаётган ким экан? деб ҳайрон бўлади. Анча юргандан кейин орқасига қайрилиб қарайди ва сариқ чомодани кўриб: катта амалдорга ўхшайди, балки коллегия асессоридир, ё статский советникдир, деб ўйлади.

Ручкиннинг хаёли жуда тез учарди, шу қадар тез учар эдики, айтаман десанг улгура олмасдинг. Ручкин бир минутча хаёл суриб қолди-да, бирдан кетиш кераклиги эсига тушиб, бошини кўтарган эди, кўзлари Анна-нинг кўзларига дуч келди.

— Ручкин дейман, назаримда Хонянинг чомодани ёкиб қолганга ўхшайди-а? — деди Анна.

Ручкин хўрсиниб туриб:

— Феврония Андреевнани жуда ҳурмат қиласман ва, албатта, ўзимни баҳтли деб ҳисоблардим... аммо сипоҳлигим туфайлидан...

Анна кулиб юборди.

— Айтмадимми, бунинг муддаоси шу деб! Гапир, Хоня, тегасанми?

Ҳамма Хоняга қаради.

— Бўйи бир оз ўссин, тегаман!

Ручкин уялганидан ва ғазаби келиб кетганидан йифлаб юборишига сал қолди.

Жиги бийрони чиқиб:

— Хавронъя! — деб пицирлади, аммо шундай секин айтдики, ҳатто ўзи ҳам эшитмади. Ютурганича уйдан чопиб чиқиб кетди.

Веня унинг кетидан эргашиб, француз ва инглизлар тушган эски истеҳком ёнида нималар бўлганини айтиб бер деб шунча ялинса ҳам, бўлмади.

Уй ичida Хоня онаси билан бакиришиб уришмоқда. Яхиси, ҳозир уларнинг кўзига кўринмай қўя қолиш. Веня яна томга чиқмоқчи бўлди.

Томдан ҳам ҳеч нарса кўринмайди. Бурун ортидаги булутга ўхшаш тутундан асар ҳам кўринмайди. Жимирижимири этиб турган денгиз юзига худди кумуш танга сочиликанга ўхшайди. Балиқчиларнинг турк фелюгалирига²⁸ ўхшаган елканлари ўткир бурчакли қайиқлари денгиз томондан эсаётган енгил шабада остида бухтага қайтиб кирмоқда. Кун ботишда шамол тинади, кечаси эса қирғоқ томондан шамол туриб, эрталаб кун чиқаргача тўхтамай уриб туради. Балиқчилар кечаги тонг отиши биланоқ қирғсқ шамоли остида денгизга чиқиб кета-

дилар... Бугун улар нечукдир эрта қайтишибди: инглизлардан қўрқишидимикин ё ҳаво айнишини пайқашдимикин? Шамол рейддаги кемаларнинг вимпелларини ҳилпиратади. Шаҳар телеграфи қимир этмай шалвираб турипти. Ёзинг мулоийм ва илиқ дайди шамоли бирдан зюйд томонга оғиб, кучайиб кетди. Денгиз тепасини қора парда боса бошлади, аммо у тутун пардасига ўхшамайди. Осмоннинг узоқ чекасидан қирғоқ томонга аллақандай қорамтир парда сузиб кела бошлади. Балиқчиларнинг қайиқлари тўлқин чўққиларида силкина бошлади ва қасирғанинг уриб бериши билан ўнг томонга қийшайиб қолди. Бўрон қирғоққа етиб келди-да, денгиз бўйи қояларига урилиб, чанг-тўзон кўтарди... Япроқлар чирпирақ бўлиб уча бошлади. Барглар билан бирга қарғалар ҳам осмонда умбалоқ оша бошлади. Қасирға ўтиб кетди, аммо денгиз худди вайсагандай шовуллай бошлади. Даастлабки қасирғадан кейин иккинчиси, кетидан учинчиси келиб урди, қасирғалар ахир тинимсиз қаттиқ шамолга айланди. Денгиз юзи қорайди. Чорак соат ҳам ўтмасдан бутун осмонни қора парда қоплаб олди. Кун кўринмай кетди. Қиялаб жадал ёмғир қуя бошлади. Денгиз даҳшатли бир суратда бўкира кетди. Тўлқинларнинг қирғоққа келиб ургандаги товуши худди замбаракдан берилган салют овозларидаи, денгиз ҳайқириғига жўр бўлар эди. Рейдга тўлқин бостириб кира бошлади. Кема мачталарининг чўққилари чайқала бошлади. Ёмғир чанг-тўзонни бостириди.

Денгиз бўмбўш. Ёмғир пардасидан олислар кўринмайди. Денгизда фақат икки-уч кабельтов²⁹ жой кўринади, ундан нарисини кўз илғамайди. Энг ботир адмирал ҳам бундай пайтда нотаниш, бегона қирғоқларга ҳужум қилишга журъат этолмайди. Ундан кўра очиқ денгизга чиқиб тургани яхши. Инглизлар билан француздар ҳам, эҳтимол, шундай қилишгандир, балки ҳамма қўшин ва тўпларини туширишга улгурмай, денгизга қайтиб кетгандир...

Қўрага юргурганча брезент бушлат кийган Марина кириб келди. Тўхтамасдан:

— Венъка, нимага ёмғирда ивиб турибсан? Туш пастга! — деб қичқирди.

Марина меҳмонхонага елдай учиб кирди-да, ўзини скамейкага ташлади ва иккала қўлини тизза орасига олиб, хаҳолаб кулиб юборди:

— Ойижон, опаларим, Погребенко! Оҳ! Ҳозир ўламан... Ҳа-ха-ҳа! Қеляпти!

— Қаёққа келяпти?

— Қеляпти, келяпти, ойижон! Буёққа келяпти! Менниг кетимдан... Кўприкдан ўтиб келаётсам — у кетимдан келяпти. Тепага югуриб чиқсан, у ҳам кетимдан югуриб чиқди. Ўзимни кўчага урувдим, яна кетимдан қолмади. Мени бирон жойга беркитинглар, жон опалар! ..

Марина ҳаҳолаб кула-кула ўрнидан сакраб турди-да, онасиининг иккала елкасидан ушлаб, уй ичидаги айлантира бошлади, сўнгра эшик томонга буриб, ўзи унинг орқасига беркиниб олди.

Эшик очилди. Уйга матрос кириб келди-да, шапкасини қўлига олди.

— Ҳаммаигизга соғ-саломатлик тилайман,— деди у, шўх овоз билан. Унинг шўх овози қовоқлари солиқ ва кескин қиёфасига мос келмас эди.

— Саломатмисан, Погребенко,— деб ҳамманинг номидан жавоб берди она.— Нима иш билан келдинг?

— Марина Андреевнани бир кўриб кетай деб келдик. Назаримда, уйга киргандаи бўлдилар шекилли.

— Йўқ, уйда йўқ, матрос! Ҳали келгани йўқ!

— Чинингизми ё ҳазилингизми, Анна Степановна? Ўз кўзим билан кўргандай бўлувдим...

Марина, онасини матрос олдига итарди. Матрос эшик томонга тисланана бошлади.

Анна матрос устига бостириб бораркан:

— Бу нима деган гап, ҳой матрос, қиз болани кўчада қувиб юрибсанми? Ё бундан бошқа ишинг йўқми?

— Ахир ўзлари менга обед маҳалида кўприкка кел деганлар, жавобини бераман деб ваъда берган эдилар-да, Анна Степановна...

— Қиз бола қандай жавоб бериши мумкин?

— Ҳамманинг олдида очигини айтиб қўя қолай: мен у кишига бутун юрагимни очиб ташладим. У киши менга шу бугун, нақ уч склянка³⁰ урганда, кўприк олдида учрашамиз, мени яхши кўрадиларми ё шунчаки майна қилиб юрибдиларми, анигини айтишга ваъда берган эдилар...

— Розиман! Яхши кўраман! — деб шивирлади Марина, ойисининг елкасига қараб ва боши билан бир сузуб олди.

Бу туртқидан Анна худди сакрашга шайланиб турган мушукдай букчайди-да:

— Вой, беҳаё одам, сени қара-я! Уйда уч қизнинг бўйи етиб турган бўлса-ю, сен кичкина қиз боланинг кетидац судралиб юрсанг!

— Менинг ғамимни емаиг, ойи,— деб овоз берди Хоня.— Мен ҳеч кимга ҳалақит бермайман.

Погребенко Хоняга: «Ҳа, сиз менинг ёнимга тушинг» дегандек назар билан қаради. Наташа, атрофда бўлаётган гапларга эътибор бермай, ҳамон коклюшкаларини шақиллатиб ўтиради. Погребенконинг кетидан кирган Веня совуқдан ва завқдан титраб, одамларнинг оғзига маҳлиё бўлиб қараб турарди. Гоҳ скамейкага ўтирас, гоҳ Маринканинг кўйлагидан тортиб ойисининг теварагила айланар, гоҳ Маринканинг қаердалигини Погребенкога имлаб кўрсатар, гоҳ Наташанинг ёнига югуран эди.

— Бор ишингга, отахон,— деб қичқирди Анна, Веняни қўли билан нари итариб.— Маринканинг ҳали сепи ҳам йўқ. Сандиги бўш турипти!

Маринка нақ комендорнинг рўпарасида турган Анна-нинг орқасидан итарар эди, бироқ Погребенко худди кемада командир олдида тургандай, иккала қўлинни ёнига қўйиб тик илжайиб турар ва бир қарич ҳам орқага силжимас эди.

Марина онасининг орқасидан туриб ҳаҳолаб кулиб юборди.

Унинг кулгисини эшитган Погребенконинг юзи ёришиб кетди. Меҳрибон кўзлари чақнаб кетган Хоня бир хўрсинди-да, секингина:

— У Маринкани сандиқсиз ҳам олаверади. Маринишкамизнинг бахти кулди,— деди.

— Жуда тўғри айтдингиз, Феврония Андреевна,— деди жиддий оҳанѓда Погребенко.— Инсоннинг бахти сандиқда эмас.

Чеҳраси очилиб кетган Марина комендорнинг юзидан кўзларини узмай қараб турар ва ўзига ҳам зўрға эшитилган овоз билан:


— Бугун кечқурун бульварга музика эшитгани келинг! — деб шивирлар эди.

— Саломат бўлинглар! Хайр, Марина Андреевна...

Погребенко орқасига тислана-тислана, эшикдан чиқиб кетди.

— Уҳ! — деб оғир нафас олди Анна Степановна.— Келмаган энди битта Мокроусенко қолди... Вой! ..

Анна вой деганича қолди. Погребенко энди эшикни



ёпиб чиққан эдики, эшик яна секин очилиб, уйга Мокроусенконинг калласи суқилди:

— Кирсак бўладими ё йўқми?— деб сўради Мокроусенко, кўзларини мугомбирана қисиб.

У ҳўл шапкасини ерга текизиб, Анна Степановнага эгилиб таъзим берди.

— Саломат бўлсинлар, марҳаматли Анна Степановна!

Кейин Хоняга ҳам худди шундай эгилиб таъзим қилди, кейин Наташага сал әпилиброқ салом берди, Маринка билан бошини силкитиб кўришди.

— Утиринг,— деб таклиф этди Анна.— Меҳмошимиз бўласиз... Агар Ольгани йўқлаб келган бўлсангиз, Тарас Григорьевич, ўзингиз кўриб турибсиз, ҳали келгани йўқ.

— Нега Ольгани йўқлаб келай? Ольгани бугун кўрдим. Анна Степановна, азизим, қадирдонимсиз! Эшик орқасида туриб, ҳамма гапни эшитдим. Жуда тентак экан-ку, улар! Шундай улуғ айём кунда уйланамиз дейишадими? Мокроусенко сизникига келган бўлса, бу иш билан келгани йўқ... Сизни ҳам, ўзимни ҳам хафа қилмасдан айтиб қўя қолай: Мокроусенко сизнинг олдингизга яхши ният билан келди. Могученколар отлана бошлашгандир деб ўйладим. Мол-бисотлари бирталай, ортаман деса, уч аравага ҳам сиғмайди, йиғиштириш керак, тугиш-бойлаш керак, ҳар ҳолда, бу — аёлларнинг иши эмас, деб ўйладим...

— Отланиш дейсизми? Қаёққа отланамиз? Нимага отланамиз?— деб ховотирланган она ва қизлар бирдан сўрашди.

— Ҳали эшитганларинг йўқми? Қирғоққа ёв тушганини-я? Бунинг сири йўқ, қарийб эллик мингга яқин... Замбараклари ҳам бирталай... Қуруқдан айланиб келса, бу ерга эртамас-индин келиб қолади...

— Қўшинларимиз нима қиласи экан? Ёвни биратўла тор-мор қилиш учун қирғоққа тушишига йўл қўйилган эди-ку? Ҷенгида уларга қучимиз етмайди: кемаларининг деярлик ярми пар билан юрармиш.

— Модомики ҳазрати олийлари уларнинг қирғоққа тушишига йўл берибдими, шаҳарга ҳам йўл очиб беради...

— Йўғ-е, ундаи бўлмас, жонларим!

— Бўлмасачи? Уларнинг ҳамма аскарлари минг қадам наридан мўлжални уриб туширадиган штуцерлар³¹ билан қуролланган. Роса рождество куни душман биз-

нинг Шимолий томонга бостириб келмаса, мени аҳмоқ экансан денглар.

— Шимолий томонни олиш унга йўл бўлсин! У ерда қанча истеҳкомлар бер! — деди Хопя.

— Гапингизга ҳеч ҳам эътиroz билдира олмайман, маликалар маликаси Феврония Андреевна, бирон эътиroz билдира олмайман, истеҳком бор деганингиз тўғри! Аммо у истеҳкомлар қандай истеҳком, мен сиздан сўрасам? Одамлар айтишаяпти, мен ҳам ёлғон айтмайман: ўтган ҳафта гаризон инженери Шимолий томондан рапорт юборипти. Рапортдан: менинг қўлим остидаги мудофаа истеҳкомларида Антошина деган бир матрос бевасининг эчкиси ўтлаб юради. Шохини истеҳком деворига суриб қашинган эди, девор қулаб тушди, деб ёзилти.

Хотинлар кулиб юборишли.

— Роза гапларни топасиз-да, Тарас Григорьевич! Сиз гапирсангиз-у, биз эшитсак!

— Ёлғон айтган бўлсам, дўзахда ётай. Истеҳком девори бир ғиштли, аммо инженерлар ўзларига шунақанги мустаҳкам уйлар солиб олишганки, замбарак ўқи тесга ҳам ёрилмайди.

— Ўғирлик бу!

— Бизнинг флотда ўғирлик деган нарса йўқ. Раҳматлик адмирал Михаил Петрович Лазарев флотда ўғирликка барҳам берган... Назаримда, ҳали отланишга киришмаганга ўхшайсизлар. Тезроқ бўлинглар, Боқчасарой йўли беркилиб қолмасин...

— Бизга нимани раво кўраётибсиз, Тарас Григорьевич? Биз матрос хотинлари ва қизларига эр ва қалликларингни ташлаб, ўзларинг қочиб қолинглар демоқчимисиз?

— Мен бундай деганим йўқ, қимматли Анна Степановна. Агар мен шундай демоқчи бўлсам, бетимга туфденг. Биз сизлардан ажralиб, қаерга борардик? Ҳеч ҳам бундай хаёл қилганим йўқ! Мен мол-бисотларни айтаман... Йиллаб тўпланган мол-бисотдан бир нафасда ажralиш мумкин: уйингизга битта бомба тушса — бас, чанг-тупроқ қолади, холос!

— Вой-бо-о-й! — деб завқланиб кетиб қичқирди Вени.— Бирданига учта бомба тушса-чи?

— Биринчисини қўлинг билан ушлайсан-да, пастга думалатиб юборасан, йигитча! Иккинчиенини шапканг билан беркитсанг — дарров ўчади: майли, сатқий сар,

нафаси қайтса зарари йўқ! Учинчисини жомашовга ташла: маъзава тиқилиб ўлсин!

Қия очиқ эшик олдида турган Веня яна бир нимани сўрамоқчи бўлиб:

— Агар бомба... — деб энди оғиз очган эдики, бирдан эшикни бирор зўр билан итариб юборди, Веня межмонхонанинг ичига учиб тушди, кетидан уйга Ольга елдай кириб келди.

Ольга тўхтамасдан Веняни кўтариб турғизиб қўйди, югуриб печка ёнига борди, печканинг ичидаги турган алланимани жойидан суриб қўйди, печка оғзидағи пардани ёниб, ўзини ойнага солиб қаради, бошидаги рўмолини юлиб олди-да, қалин соchlарини қўли билан силаб, кўкрагига тушиб турган ва йўғонлиги кема арқонидай кела-диган бир ўрам қалин сочидағи лентани тўғрилаб қўйди.

— Нимага ҳаммаларинг қаққайиб турибсизлар? — деб дарғазаб бўлиб қичқирди Ольга. — Сизлар билан бўладиган иш доим хунобгарчилик! Мен бўлсанм ҳаммаларингиз кетгандирсизлар деб ўйлабман...

— Қаёққа кетишимиз керак? — деб сўради шошиб қолган Анна.

— Қаёққа деб сўрашади-я! Ойижон, қопларимиз қаерда?

— Қопни нима қиласан?

— Қоплар қани? Белкурак қаерда? Метин қаерда?

— Ҳужрада. Ҳа, метинни нима қиласан, жинни-пинни бўлдингми ўзинг?

— Сизлар билан турган одам жинни бўлмай қолмас!

Ольга қозиқдан калитни олди-да, югуриб даҳлиэга чиқиб кетди. Ҳужрадан темир-терсакларининг тарақлагани эшитилар эди.

— Қиз эмас, ўт! — деди Мокроусенко, томоғини қириб. — Назаримда, худди олти пудли мортира оғзида учиб чиққандай бўлади-я!

— Ойижон! — деб пиқиллай бошлади Веня, тиззасини ишқалаб. — Ольга мени ўллирди-ку!

Ольга уйга қайтиб кирди. Қўлтиғига буқлаб боғланган қопларни қистириб олган, бир қўлида — отга сув ичирадиган чепак билан курак, бир қўлида — белкурак.

— Нимага отланмай турибсизлар?

— Қаёққа отланади ахир, тушунтириб гапирсангчи, хой қиз ўлмагур! — деб ўшқириб берди онаси, Ольгага. — Нимага отангнинг этигини кийиб олдинг?

Ҳамма Ольганинг оёғига қаради: ҳужкрага кирганида отасининг шим билан киядиган қўнжи сариқ ва юзи қора этигини кийиб олган эди, бу этикни отаси фақат байрам кунлари кийгучи эди.

— Ростдан эшитмадингларми ё ҳазил қиляпсизларми? Бутун ёшу-қарпি Перссиининг өртидапи тепаликка қараб кетепти-ку!

— Нимага энди, бир нима бўлдими? Нимага?— деб сўради Наташа, ишини эски латта билан беркитиб.

Наташа ўрнидан турди, эшик ёнидаги қозиққа югуриб, кофтасини олиб кийди ва қалтираган бармоқлари билан тугмаларини қадай бошлади.

— Бутун шаҳарда аврал³² бошланди: қалъя қуриш, валлар қуриш керак. Веня, ол белкуракни, мен билан бирга борасан!

Веня Ольганинг қўлидан белкуракни юлиб олиб:

— Ура! — деб қиңчиқирди.

Белкуракни худди милтиқ ўхталгандай ушлаб, уни билан эшикни бир уриб очди-да, оқсоқлашиб югуриб чиқиб кетди. Унинг кетидан челякни тарақлатиб Ольга югурди, Ольга кетидан устидаги кийими билан Марина ҳам чопиб чиқиб кетди...

— Ёш болани қаёққа судраяпсизлар?— деб қизларининг кетидан қичқиради, эшикдан кўчага чопиб чиққан она.—Уст-боши ҳўлку! Венъка! Сенга айтаман, қайт!

Венъка зинғиллаганича қочиб қолди.

Анна ҳовлига қайтиб кирди. Хоня шамол учириб туширган кирларни олиб, қоқиб яна арқонга ёймоқда эди.

— Ё биз ҳам борсакмикан-а, Хоня?— деб иккиланиб сўради Анна.

— Бизсиз ҳам одам етиб ортади! — зарда билан жавоб берди қизи.— Бари бир, ҳаммага белкурак ҳам етишмайди. Бекор гап сотишади... Яхшиям, ёмғир тинди...

— Ҳа-а! — деб қизининг гапига қўшилди Анна ва уйга кириб кетди.

Наташа кофтасини ечиб қозиққа илди, ойна олдига келиб бошидаги оқ рўмолини бошқатдан ўради-да, ишга ўтирди.

Мокроусенко скамейкада бошини эгиб ўтиради. У алланималарни ўйлаб, баҳтиёр илжаярди.

— Сен нима қилиб ўтирибсан, Тарас?— деб бақириб берди Анна.— Ё қиласиган ишинг йўқми?

— Жуда тўғри айтдингиз-да, қимматли Анна Степа-

новиа: энди ҳаммага ҳам иш етиб ортадиган бўлди... Эҳ, бирам қизингиз борки, Анна Степановна, қиз эмас, ўт-ал
— Эҳ-ҳа, ҳали бошингда ёнғоқ чақади... Тур, кет кўзимдан, Тарас Григорьевич!

— Кўзимга кўринма, Тарас, денг! Ҳа майли, кетсак кетаверамиз! Биз ҳам бекорчи эмасмиз. Яхши қолинглар!

Кечга бориб шамол тинди, ҳаво илиб, сукунот чўқди. Осмондаги булутлар тарқалди. Ёмғир чанг-тупроқни босиб кетган, қёш ҳам денгизга худди олтиндай товланиб ботмоқда. Қуёшнинг сап-сариқ шуъласи анчагача ўчмай турди. Кундуз куни қуёш кетидан билдириласдан қувиб келаётган ёш ой кун ботгандан кейин атрофдаги тоғлар ва денгизга ўз ёруғини сочиб юборди. Севастополга сутдек ойдин кеча кирди.

Оқшом ёз оқшомларига ўхшаб кетди. Худди ёз фаслидагидек, тепаларда чигирткалар чириллай бошлади. Докларда³³ темирчи ва қозончилар болғаларининг овози тинмасданоқ. Қора дарё қамишлари орасидан қурбақалар сайрай кетди, кўлбуқанинг овози эса худди темир қозонга каттакон болға билан ургандай жарангларди. Қузги денгиз шамоли тинди, Малахов қўрғондан кема-созлар слободкасига³⁴ эрман ўтининг кучли ва хушбўй ҳиди келиб урилди.

Кун ботиш пайтда Ольга билан Маринка чарчаб, сочлари чангга беланган ҳолда уйга қайтдилар. Қудуқ ёнида анчагача кула-кула ювенишди, улар дам ўтмай муздек сувдан ичар эдилар. Усти-бошларини ечиб ювилар, арқонга ёйиб, яланғоч ҳолда уйга чопиб кирдилар-да, тоза ва қуруқ усти-бош кийиб олдилар.

— Қоплар қани? — деб сўради Анна, қизларидан.

— Қопларни ташлаб келдик. Тупроққа тўлдириб. Ҳамманинг қопи ҳам ўша ерда қолди: амбразурлар³⁵нинг атрофи беркитилди. Тур³⁶ етишмади, тупроқ ҳам етмай қолди. Шағалгача ковладик.

— Унақа ишга ҳазина қоп берсин. Билсан — бермасдим! — деди Анна, жаҳли чиқиб.

— Ойиёнким,— деб жавоб берди Ольга,— қопларимиз йиртиқ эди-ку! Қайтангга, бизни мақташганини айтмай-сизми! Жийрон от минган бир сапёр қисмлар полковниги келиб қолди. Жуда бақувват киши экан, гавдаси худди от билан бирга қўшиб қўйилганга ўхшайди. Ҳаммадан ҳам қизларнинг яхши ишлаётганини кўриб: «Баракалла, қизлар! Энди бу батареянинг отини «Қизлар бастиони»

деб қўямиз!» деди. Сиз эса уйда ўтирибсизлар, қизлар, биз ана шундай мақтовга сазовор бўлдик!

— Веняни қаерга ташлаб келдиларинг?

— Ҳали келгани йўқми? Вой, шўрим! Уёққа кетаётганимизда, йўлдаёқ бир бола билан топишиб, аллақаёққа қочиб кетган эди: рейдда тентираб юргандир...

— Қанақа опасизлар ўзи, кичкина болани ёлғиз ташлаб келибсизлар! Билганимда, сира ҳам юбормаган бўлардим,— деб пўнфириларди Анна.

— Арзандангич бирор бошига урадими, ойижон? Келиб қолар! Қачон қарасанг «кичкитой... кичкитой» деяверар экансанда... Қачон катта бўлади? Ана, ўзи ҳам келиб қолди! Венъка, қаерга йўқолдинг? Ойи, бунга бир қара, ҳамма ёғи — смола... Қўллари қоп-қора...

— Стенкага блокишив³⁷ тортдик... Биз ҳам бекор ўтирганимиз йўқ, оғайни. Энди ҳаммага иш кўпаядиган бўлди! Одам етишмайди. Ҳамма ёқ иш, иш!..

— Даданг келсинчи, ишнинг қандай бўлишини кўрсатиб қўяди...

— Дадам бугун келмайди. Мени кутманглар, кечки овқатни ўzlаринг еяверинглар деб айтиб юборди, ойижон. Штабда ётиб қоларкан...

— Қаерда кўра қолдинг?

— Штабда кўрдим. Граф пристанида кўрдим. Шимол томонда кўрдим. «Уч авлиё»да кўрдим. Деловой двор³⁸ да кўрдим...

— Тентирамаган жойинг қолматти!—деб койиди онаси.

— Тентираган мен эмас, дадам! Мен дадамнинг кетидан эргашиб юрдим. Ёлғиз мен эмас. Ёнимда Митъка ҳам бор эди.

— Қайси Митъка?

— Қайси Митъка бўларди! «Владимир»даги механик офицер Михайловнинг ўғличи!.. Тришкани ҳам кўрдим. Машиналарни кўрсатди. Бирор қизиқ экан-еї, опаларим!

— Михайлони ҳам кўрдингми?

— Нега кўрмас эканман? Уни ҳам кўрдим. Отам билан бирга атайлаб унинг кемасига бордик.

Опа-сингиллар, укаларининг гапини тинглашар экан, ўз аро ва оналарига кулиб қараб-қараб қўяр эдилар. Бу табассумдан улар бир-бирларига жуда ўхшаб кетдилар. Осмондан қўйилиб турган сутдек ойдин Анна юзидаги ажинларни текислаб юборган, ҳозир у она эмас, балки Маринканинг опасига ўхшарди.

Хонянинг жиiddий юзи ой шуъласида майин ва содда бўлиб кўринар, ингичка бичим қирғий бурни (Веня шунинг учун уни «Қирғий» деб атарди) ҳам Маринканинг «чекушка»сига ўхшаб кетарди. Ольганинг олтин соchlарини оқшом қоронғусида Наташанинг қорамтири соchlаридан ажратиш қийин эди.

— Ҳаммасини бирма-бир айтиб бер, Веня, нималарни кўрдинг?— деди Наташа.

— Мен жуда кўп нарсаларни кўрдим!

— Мени чўқинтирган отамни ҳам кўрдингми?— деб секин сўради Хоия.

— Бўлмасачи! Ҳамма кўрган нарсаларимни айтиб бераман.

— Кўрмаганингни ичингдан тўқи,— деб маслаҳат беради Ольга.

Кечки овқатдан кейин Анна:

— Чироқ ёқмай пича ўтирайлик, қизлар!— деди.— Жудаям ўтиришли бўпти!

Ҳовлидаги қайнин дарахти тагига скамейка олиб чиқиб қўйдилар. Анна скамейка ўртасига, юзини ойга қаратиб ўтирди. Веня худди беланчакка жойлашгандай ойисининг тиззалири орасига жойлашиб олди.

— Мен-ку Маринка ва Ольгалар билан қалъа қургани борар эдим-а, бироқ йўлда Митъка учраб қолди. «Қаёққа кетаётисан?» деб сўради, Митъка. Мен: «Қалъа қургани. Сенчи?» дедим. Митъка: «Штабга. Соатнинг ичидаги как-кукуш бузилиб қопти. Менга Ручкин айтди, ўзи каккуни тузатгани кетди. Бориб кўриб келиш керак!» деди. Кейин Митъка иккимиз ўша тарафга югурдик. Штабга ҳовли томондан кириб бордик. Буфетга калламизни суқиб қарасак, рост, соат олдида стулда Ручкин турипти...— Веня Хонянинг елкасини секин туртиб қўйди.— Боя уни бекор мазах қилдинг-да, Хоня: у ёмон одам эмас. Ўзи пакана бўлса нима қипти... Механик!.. Қарасак, ростдан ҳам какку бузилиб қолган экан. Ручкин қопқоғини очиб, ипни тортиб кўрган эди—какку индамади. Соат стрелкалари худди ўн яримда тўхтаб қолган экан. «Бутунлай бузилип-тими, Ручкин?» деб сўрадим мен. Ручкин менга қайрилиб қаради-да, бир хўрсиниб қўйди. Ипни яна тортган эди, соатнинг ичи вишиллаб, дарчаси очилиб, какку бошини чиқарди-да, «Ку-ку!» деди, кейин яна соатнинг ичига беркиниб олди... Бундан чиқди — ҳали тирик экан! Ишлар экан! Ручкин стрелкаларни буради. Ўн иккига қўйди.

Шундан кейин какку сайрай кетди. «Қу-ку! Қу-ку!» Митъка иккимиз санаб турдик: «Бир, икки, уч...» Ручкин ҳамон стулда ғамгин, хаёл суриб турар эди... Ҳатто, раҳмим келиб кетди бечорага... «Үн икки, үн уч...» Какку йигирма уч марта сайради. Шу пайт залдан дадам катта патнис кўтариб чиқиб қолди. Патнисда битта шиша билан чашкалар турибди. Дадам патнисни қўйди-да, Ручкин турган стулни ёёғи тагидан тортиб олди. «Нимага бу ерда каккулаб қолдинг? — деб бирдан Ручкинга бақириб берса бўладими! — Жаноби флагманлар ичкарида Қора денгиз флотининг тақдирини ҳал қилиб ўтиришса-ю, сен бу ерда какку-какку қиласан!» «Ҳа, каккуни тузатиб бер деб ўзингиз айтмадингизми, Андрей Михайлович!» деди Ручкин. «Мен сенга тузатгин дедим, какку бўлиб сайра деганим йўқ!» Ручкин шапкасини бошига кийди-да, қаттиқ хафа бўлиб чиқиб кетди.

— Бугун Ручкиннинг иши юришмаган кун экан,— хўрсинди Хоня.— Дадам сенга нима деди?

«— Бу ерда сенлар нима қилиб юрибсанлар? Жўналинг, қаердан келган бўлсанглар ўшақقا!» деди. Митъка иккимиз энди эшикдан чиқиб кетаётган эдик, дадам: «Тўхта! Буйруқ кутинглар!» деди.

Кейин чашкаларни чайиб, чой қўйди. Столда самовар қайнаб турипти... Шкафдан битта шиша олиб оғзини очди, патниснинг ўртасига қўйди-да, залга олиб кириб кетди. Мен югуриб бориб эшикни очиб бердим. Залнинг ичига мўралаб қарадим. Ҳаммалари жам экан! Залнинг ичини тутун босиб кетган дeng! Ҳамма бир-бирига гап бермай гапиради, ҳатто қулоқларим битаёзди. Дадам кириб кетгандан кейин кетидан эшикни ёпиб қўйдим. Бирпасдан кейин дадам бўш патнисни кўтариб чиқди, бир қўлида пакет. «Мана буни ушланглар, югуриб пристанга боринглар-да, яликка³⁹ тушиб, пакетни «Громоносец»га элтиб беринглар. Бу — жаноби олийлари адмирал Нахимовнинг князь Меншиков ҳазратларига ёзган шошилинч хати. Башарти, нега одатдан ташқари ип тақилган дафтар билан бирга олиб келинмади, нега ёш болалардан бериб юборди деб сўраб қолишиша, вестовойларнинг ҳаммаси иш билан кетгац, бошқа одам йўқ экан деб айтинглар. Жўналаринг!» «Есть!» дедик биз.

Ҳовлига, ҳовлидан кўчага чопдим. Митъка — кетимдан югурди. Уч зинадан биттадан ҳатлаб чопдик. Бахтимииздан бўлиб, пристанда битта ҳам ялик йўқ экан!

«Громоносец» қирғоқ бўйида эмас, балки бухтанинг ўртасига, ўнг биқини билан рейд бўғози томонга қараб лангар ташлаб турибди. Люклардан замбәракларнинг оғзи чикариб қўйилган. Митъка билан икки кишилашиб: «Хой, «Громоносец»дагилар! Қайиқ келтиринглар! Жаноби ҳазратларига шошилинч пакет бор! Эй! «Гро-о-мо-но-о-сец!» деб шунча бақирамиз, ҳеч ким индамайди! Қарасак, капитан вельботи¹⁰ сув юзида турипти, вельботда эшкакчилар ҳам ўтирибди. Трапда фалрепчилар¹¹ турибди. Вахта начальниги шканци¹²да юрибди, ёнида флаг-офицер¹³ ҳам бор. Ҳозир ҳазрати олий чиқади-ю, қайиққа ўтириб, Шимолий томонга қараб жўнаб қолади деб қўрқамиз. Аҳволимиз жуда танг! Бахтимизга, пристанга Ануфрий Деревяга деган бир қайиқчи келиб қолди. Қайифи бўш. Устун ёнига бориб тўхтади. Қайиқдан тушди. Югуриб олдига бордик: «Дарҳол бизни «Громоносец»га олиб бор! Нахимовдан князга шошилинч хат бор!» дедик. У бизга: «Ёлғонингни қўйсангчи! Сенга ким пакет берарди!..» дейди. «Мана, пакет қўллимизда!» дедим-у, лип этиб қайиққа сакраб тушиб олдим. Кетимдан Митъка ҳам сакради. Дарров устундан арқонни ечдим-да, қайиқни итариб юбордим. Деревяга войдод деганича қолаверди. Митъка эшкак ҳайдади, мен — қайиқнинг кетида рулда ўтирибман. «Громоносец» ҳам жуда узоқда эмас эди.

Деревяга сув лабида у ёқдан-бу ёққа югуриб, нуқул: «Войдод! Қайифими ўғирлаб кетишди! Тутинглар ўғрини!» деб бақиради. Бирдан Митъка эшкакларни йиғиштирди. «Нимага ундан қилдинг?» деб сўрасам: «Шошма, иккимиздан қайси биримиз — куръер?» деб сўради. «Куръер албатта мен-да! Пакет менинг қўлимда-ку!» дедим мен. У бўлса: «Йўқ, оғайни, бу ҳайлланг ўтмайди! Дадланг нима деди? Мана буни олиб, элтиб беринглар деди. Агар сен куръер бўлганингда эди, унда мана буни элтиб бер деган бўларди. Ўёгини суриштиранг, сендан мен каттаман ҳам. Менинг дадам офицер!» «Менинг дадам Нахимовнинг тутинган акаси ва оғайниси бўлади!. Шунча қилсам ҳам Митъка қайиқни ҳайдамайман деб туриб олди! Қайиқ турган жойида гир айланади денг. Қўлимдан нима ҳам келарди? Хўп, майли дедим. Үрнимдан шартта турдим-да, пакетни баланд кўтариб: «Хой, «Громоносец»дагилар! Ҳазрати олийларига пакет бор!» деб бақирдим. «Громоносец»нинг вахта бошлиғи кема четига келди-да, өзига карнайини қўйиб: «Хой, қайиқдагилар! Нима гап?»

деб сўради. «Ҳазрати олийларига шошилинч пакет бор!» деб бақирдим. «Олиб кел!» деб қичқирди у. «Менинг командам қўзғолон кўтарди!» деб бақирдим. Вахта бошлиғи: «Ийя, Қора денгиз флотида исён? Шошмай тур! Ҳозир исён кўтаришни бир кўрсатиб қўйялик!» деди. «Тумшуқдаги замбаракни ўт очишга ҳозирлансан!» деган команда берилди. «Нима қилишпти улар?» деб сўради Митъка. Юраги шув этиб кетди, назаримда. «Сен исёни кўтарганинг учун ҳозир бизни замбаракдан ўққа тутишади! Қисқичбақаларга ем бўласан!» дедим мен унга.

— Вой, шўрим! — деб қичқириб юборди Наташа, даҳшат ичида.— Чиндан замбаракдан ўққа тутишмоқчи бўлдими-а?

Опа-сингиллар кулиб юборди.

— Бўлмасачи! — деб унинг гапини маъқуллади Веня.— Нега куласизлар? Фақат Митъка қўрқиб кетди, ранглари оппоқ оқариб кетди, дарров эшкакларни қўлга олдида, бирпасда «Громоносец»нинг ёнига элтди. Бизни кемага чап томондан чиқаришди. Пакетни фалгребной⁴⁴ қўлига топширдим. У вахта бошлигининг қўлига тутқизди. Вахта бошлиғи каюта⁴⁵ юнгасини чақиртириди. «Громоносец»даги каюта юнгасини танийсизларми? Мокроусенконинг кичик укаси Олесьчи.— Веня, Ольганинг сочидан бир тортиб қўйди.— Эшитганмисан? Олесь Мокроусенко... Пакетни ўша қўлимиздан олди-да, анчагача йўқ бўлиб кетди. Митъка иккимиз кута-кута жонимизга тегди. Фалрепчига: «Ҳазрати олийларига айт. Нима қилиб бизни бу ерда ушлаб турибди? Жавоби бўладими ё йўқми? Куръер жавоб кутиб турибди де!» дедим. Матрослар кулиб қўйди. «Бўлмаса, хайр!» дедим мен. Ушлаб туришди, сира қўйиб юбо-ришмади... Бир маҳал қарасам, тавба қилдим, ҳайроп бўлиб қолибман! «Громоносец»нинг панжараси ёнидан бир генерал парадга кийиб чиқиладиган мундирини кийиб келяпти. Устида оқ шнурлар тақилган қизил мундир, елкаларида зар эполетлар. Лекин калласи йўқ. Устида оппоқ иштону, этиклари кўринмайди...

— Яланг оёқ эканми? — деб сўради Наташа.

— Нега яланг оёқ бўлади? Бутунлай оёфи йўқ. Узи юриб келяпти-ю, шимининг почалари ликиллайди. Битта генерал кетидан иккинчиси келяпти: унинг ҳам калласи йўқ: оқ гардишли фуражкасини мундирининг ёқасига кийиб олган. Кўк иштонининг четига қизил ҳошия солинган. Иккинчи генерал кетидан адмирал чиқди. Адмирал

кетидан бешинчи генерал кўринди, ҳаммасининг калласи йўқ, барни бирни-кетни ют⁴⁶ томонга ўтиб кетди. Мен: «Митъка, кўраяпсанми?» деб сўрадим. Үнгимми, тушумми дейман. Қемадагилар генераллар келяпти ҳам демайди, биронтаси қарамайди ҳам! Қизиқ! Генераллар яна қайтиб чиқди. Қарасам, вестовойлар мундирларни ёғочга илиб олишган экан. Олд томондан бизга яхши кўринмаган-да!.. Ютдан тўртта мундир қайтиб чиқди, бешинчисини князь олиб қолган бўлса керак. Князниң «катта чемоданиларидағи» мундирларини ўзига танлатгани олиб келишган экан. Олесь менга қараб: «Князниң ўн саккизта мундир бор, шимага десанг у, ўн саккиз мансабга эга. Қайси мансабдалигини кўрсатмоқчи бўлса, ўша мундирини кияди. Жангга чиқмоқчи; бироқ қайси мундир кийиб жанг қилишини билмай турибди» деди. Генераллар қайтиб ўтиб кетгандан кейин флаг-офицер шканцидан туриб: «Нахимовдан келган куръер ҳазрат олийларининг ҳузурига кирсин...» деб қичқирди. Мен яликдан трапга сакраб ўтдим. Олесь мени каютага олиб кирди. Князь стол ёнида ўтирипти, диваңда — генерал... .


— Генералниң калласи бор эканми? — деб сўради Маринка.

Опа-сингиллари ва онаси бирдан кулиб юборишиди.

— Шошмай туринглар. Кирдим-да, бошимдан шапкамни олдим. Остонада тўхтадим. Ҳазрат менга бир қарди-да, кейин генералга: «Мана, кўрдингизми, юборган куръерининг аҳволи бу. Эскадрага қўмондонлик қилиш қўлидан келармиди, арқонга смола сурини ҳам зўреа эплайди!» деди. Нахимовни айтади-да. Саловат босганидан мен индамай туравердим. Мендан гап сўрамаганидан кейин, жавоб беришимни ҳам билмайман... Ҳазрат менга пакет тутқизди. Олдинга бир қадам босиб, пакетни олдим. «Дарҳол етказ!» деди. Мен оёғимниң уни билан орқамга бурилдим-да, чиқдим... Яликка ўтиб: «Ҳайдай!» деб команда бердим. Митъка яликни пристанга қараб ҳайдаб кетди. Қарасак, ҳамон Деревяга бизни кутиб турибди. Энг пастки зинада бир оёғини сувга осилтириб ўтирибди: қуриб қолмасин деб, ҳўллаб ўтиргандир-да...

Веняниң гаплари пойма-пой бўла бошлади. У мудрай бошлаган эди.

Денгиз томонга оға бошлагаёт ой кумуш рангини йўқотиб, олтиндай товлана бошлади. Веня қўлни денгиз томонга чўзиб:



— Ойижон, ойга бир қара, худди тилла кемага ўхшайди. Ҳозир сузиб кетади! Вой! Вой! Қара, қара... Денгизга қўнаман дейди-я.

Венянинг кўзлари юмилди. Ойга чўзган қўли осилиб тушди. Бола қаттиқ-уйқуга кетган эди.

— Чарчапти, бола бечора. Кўрганларининг ўндан бирини ҳам айтиб беролмади. Ўйга кира қолайликми, қизлар? Веня, тур, кириб ётамиш!

— Эх-ха-а, энди қулоғи тагида тўп отсанг ҳам уйғонмайди! Эртага ҳаммасини унутади!— деб жаҳли чиқарди Маринканинг.— Бирон тузукроқ нарса ҳам билиб ололмадик...

— Ойижон, яна пича ўтира турайлик,— деб ялинди Хоня.

Худди тип-тиниқ кемага ўхшаган ой сув бетига қўнди, қўнди-ю, бироқ сузиб кетмади, балки қўйруқ томонидан сувга чўка бошлади. Бир оздан кейин бутунлай кўринмай кетди. Қоронғу тушди. Осмондаги юлдузлар чароқлаб кўрина бошлади.

— Туринглар, қизлар, кириб ётайлик,— деди Анна, хомизак тортиб.

Ҳаммадан олдин Хоня турди.

Жинчироқ ёруғида Могученко оиласи ётишга тайёрлана бошлади. Веняни ечинтириб, ухлаб ётгани ҳолда, отасининг жойинга, чодир тагига ётқиздилар. Ольга билан Наташа ёндаги ҳужрага кириб кетишиди ва анчагача бир-бирлари билан алланималар тўғрисида баҳслалишиб, уришиб ётишиди. Уларнинг шивир-шивиридан опа-сингилни ажратса бўларди: Ольга томоғини тақиллатиб ва ғазабланган куркага ўхшаб пишқирап, Наташанинг овози эса жаҳли чиққан фознинг вишиллашига ўхшар эди. Хоня билан Маринка сўриннинг устига чиқиб ётишиди. Маринка опасини қучоқлаб, юзларидан, кўзларидан ва лабларидан чапиллатиб ўпарди. Хоня синглисингининг бу эркалатишларини эринчоқлик билан ва лоқайд: «Бўлди, бас!» деб қайтарар эди.

Анна жинчироқни пуфлаб ўчирди-да, маза қилиб хомизак торта-торта кроватга, Венянинг ёнига чўзилди.

— Бизга яхши, биз-ку иссиқ уйда ётибмиз, аммо очиқ даладаги солдатларнинг ҳоли нима кечдийкин... Лой, совуқ Армия ҳозир қаерда турилти? Бастионда⁴⁷ дейишиди, шекилли.

— Қачанинг нарёғида, Альма бўйида эмиш-ку,— деб

жавоб берди Маринка.— Ҳазрат олийлари ўша ерга кетган бўлсалар керак. Нима бўларкин-а?

— Пешонага ёзгани бўлади.

— Ҳазрат флагманларинг гапига кирганда, душман қирғоққа тушмаган бўларди.

— Қандай қилиб туширмас эди?

— Денгизга чиқиб, жанг қилишар, портлатиб юборишарди!— деб ёндан ҳужрадан жавоб берди Ольга.— Князъ уларниңг гапини эшигуси ҳам келмади!

— Бош қўмондун бўлганидан кейин, кимниңг гапига киради. Узи билади.

Ён ҳужрада Ольга билан Наташаниңг овози тинди. Анна бир ёндан иккинчи ёнга афдарилар экан, оғир хўрсинди.

— Ойижон, Коладан пича гапириб бер,—шириисўзлик билан ялинди Маринка.

— Нимани ҳам гапириб берай? Ҳаммаси эсимдан чиқиб кетган... Билганиларимни мияларингга қўйиб бўлганман.

— Дадамга текканингни гапириб бера қол.

Маринка ойисидан эшиитмоқчи бўлган ҳикоя аҳил оиласларда болаларга ўн ва юз мартараба айтиб бериладиган ҳикоялардан эди. Минг марта бўлса ҳам майли! Бундай хотираларни бирон сўзини ўзгартириб бўлмайдиган қизиқ ва ажойиб эртакни эшигандай завқ билан эшиласан.

Эртакчи дарров кўна бермайди.

— Ойижон, дадамни биринчи марта қаерда кўргансан?

— Петербургда.

— Петербургга қандай бориб қолгансан?

Маринка қўярда-қўймай, ахир кўндириди.

Анна дастлаб қиссасини истар-истамай бошлади, аммо онасининг овозидан ҳозирги хотирали кунда ўз ўтмишини хотирлашидан онасининг завқланадиганини қизлари дарров пайқаб олишди.

— Петербургга қандай бориб қолдинг дейсанми? Қандай борардим! Ўзимниңг шкунамда⁴⁸ бордим...

— Шкунангда ким шкипер⁴⁹ эди?— ҳар сафар ҳикояни эшигандана, мана шу савол албатта берилмай қолмас эди.

— Ким бўларди, ўзим эдим!

— Вой, ойижон, қандай қилиб ўзинг шкиперлик қилярдинг? Шкиперлик ҳуқуқинг ҳам йўқ эди-ку?

— У вақтларда биздан ҳеч ким ҳуқуқ суриштирмасди. Ўзимниңг шкунам бўлгандан кейин тошга олиб бориб

ураманми, бошқа қиласамни — ўзимнинг ишим эди! Денгиз ўқув юртларини битириб чиққан шкиперлар савдогарларнинг кемаларига талаб қилинар эди. Биз бўлсак, ҳамма ишни ўзимиз эплардик. Дадам ўлгандан кейин менга шкуна билан Коладаги уй қолди. Учта укам билан қолдим: катта укам ўн еттидан ўн саккизга қадам қўйган, энг кичиги худди мана бу Венядак келар эди. Уларни боқиши керак, тарбиялаш керак, раҳматлик оиамга қарашим керак эди. Колада нима бор эди? «Олдингга қарасанг — сув, орқангга қарасанг — юрагинг шув, ўнг томонинг — мўх; чап томонинг — ўх!» Ноилложликтан шкуна ҳайдай бошладим. Бу аёлларнинг иши эмас, аммо биз томонларда кўп аёллар шкуна ҳайдарди: Грумант ва Янги Ер томонларгача боришарди. Биноидай эплашарди. Мен ҳам укаларимни матрос ўрнига қўйдим, энг кичиги Васяни зуёқ этиб тайинладим-да, шкунамизга треска ортиб, Варяг денгизи орқали Васин шаҳрига қараб йўл олдик. Ёз кезларида биз томонларда қирғоқ бўйлаб сузиш қийин эмас: кечаси-юқундузи кунботмайди. Бир марта бориб келдим, икки марта бориб келдим, яна бориб келдим, қарасам, сандиқчам пулга тўлиб қопти. Ҳамма кўрадики, Аннушканинг ишлари юришиб кетди. Аннушкага совчилар кела бошлади: унинг шкунаси билан уйига унашмоқчи. Совчи юборганлар орасида арзийдиган одамлар бўлса ҳам, Аннушка эрга тегишга шошилмасди. Тақдир буюрганинг кутиб, аёллик эркини сақлаб келарди.

Аннанинг гапи қизларини аллалаб ухлатди. Она қизларнинг ухлаб қолганини сезмасдан, ҳамон ҳикоясини давом эттиради: қизлар эшитаяптими-эшитмаяптими, энди унга қунинг фарқи йўқ эди.

— Аннушка анча дадил бўлиб қолди. Варгуевгача қатнайдиган бўлди. Қарасаки, у ерларда ҳам сузиш мумкин. Аннушка: қани, денгиз муюшидан нарёққа ҳам бир ўтиб кўрайчи, у ернинг одамлари, денгизи қандай экан деб ўйлади. Денгиз — оддий денгизлардан, одамлари ҳам ҳаммага ўхшаш одамлар экан. Қаерга бормайин — бизнинг смоланинг баҳоси баланд экан. Қаерга бормагин — балиқ мойи борми дейишади. Кейин тресканинг ҳам бозори чаққон экан, ҳидланган бўлса ҳам.

Аннушканинг шон-шавкатли шаҳар Петербургни кўргуси келиб қолди. Укалари ҳам йўқ дейишмади. Варяг денгизига қараганда, Болтиқ денгизида сузиш қайтангга осонроқ экан: хатарли жойдан лоцмансиз⁵⁰ ўтказишмай-

ди, саёз жойларга буёклар⁵¹ қўйилган, тош чиқиб турган жойларга маяклар қуриб қўйилган. Анна нақ вақтини пойлаган эди-да: шамол йўқ, ёп-ёруғ. Ёзниг ёруғ кечаларидан бирида пойтахтга етиб келдик. Расмият ишларини битирдик. Лоцман шкунани Невага олиб кирди. Аннушка трескани жуда яхши пуллаб, Мурманга балиқ овлаш асбобларини кира қилди.

Аннушка қайтишга отлана бошлади. Худди шу кезда шкунага бир денгизчи келиб қолди. Сизларнинг дадангиз Ондре Могучий. Бўйи унча баланд бўлмаса ҳам, қомати келишган, чиройликдан келган, қисқаси зейман А. В.*нинг худди ўзгинаси. Уша кезларда у отпускага чиққан экан. Узи «Крейсер» деган кемада хизмат қиласкан-у, энди узоқ сафардан қайтиб келиб турган экан. Моҳир матрос бўлганидан ватанига, Кандалакшага бориб келишни, ўзини ҳам одамларга кўрсатишни орзу қиласкан... Ондре Аннушкадан шкунада олиб кетишини сўраб қолди. Аннушка жон деди. Ҳар ҳолда, ҳамтупроқ, помор⁵², қорнини силаб ётмайди, қайтангга йўлда қарашади. Бекорчилар бизга ортиқча: гарчи пул тўласа ҳам, кечаси-кундузи каютадан чиқмай ётади, аммо бундайлар йўл кирасини меҳнат билан тўлайди: арқон тортади, лангар ташлайди, елканларни кўтаради,— иш қилиб шкиперга мадад беради-да! Аннушка денгизчини ўз шкунасига олди-ю, қизлик эркидан айрилди-қолди! Ондре Аннушканинг бошини айлантириди. Колага етиб келдилар. Ондре уйимга бормайман, тўй қиласмиз деб туриб олди. Пиво пиширдик. Аннушканинг дугоналари қўғирчоқ ясашди. Аннушкага кимхоб тўн кийгизишли, қошига тилла қош тақишли. Аннушка билан куёв Могучийни гарчи қор бўлмаса ҳам, чанага ўтқазишиди. Иккаловишинг ўртасига қўғирчоқни ўтқазиши-ю, халқ-халоийиқ пивохўрлик ва ўйин-кулги қилгани тепаликка олиб чиқиб кетишлиди...

Анна пиқ этди-ю, жим бўлди, юзини ястиққа буркаб олди.

— Ойижон, сенга нима бўлди?— деб турта бошлади онасини Веня.— Ўйин-кулги дейсану, ўзинг йиғлайсан...

— Ҳа, уйғоқмидинг, ўғлим? Мен ҳаммаларинг қотиб ухлаб қолгаидирсизлар дебман:

* Зейман — денгизчи. А. В. «анча бақувват» деган инглиз сўзининг бош ҳарфлари. Англиядаги матрослар ёлланганда, агар денгизчи кемада ишлашга лойиқ топилса, рўйхатга «А. В.» деб ёзиб қўйиларди.

— Мен ухлаб тўйдим. Ҳамма гапларингни эшитиб ётдим... Пиво кўпмиди?

— Пиво бир чан^{*} эди. Юз челакча келар. Одам ҳам кўп эли-да: бутун шаҳардан тўплланган эди. Мён бадавлат ҳисобланар эдим, савдогар хотиндан қолишмасдим.

— Юз челак-а, ойи, вуй-бў-ўй!.. Қандай қайнатдинглар шунча пивони: қозондами?

— Нимага қозонда бўлар экан? Чанда қайнатардик.

— Чанда ҳам қайнатиб бўлармиди! Чан бир пасда ёниб кетади-ку, ёғочдан бўлгандан кейин.

— Ҳа, ёғочдан қилинарди. Чанни тўлдирдик. Сал нарига гулхан ёқдик, гулханга катта-катта харсон тошларни ташлаб қиздирдик. Тошлар қизиб бергандан кейин паншаха билан ўт ичидан тортиб олдик-да, чаннинг ичига ташладик, сув қайнай бошлади.

— Оббо сизлар-её!— деди Веня ва ёғоч чанда сувнинг қайнашини кўз олдига келтириб, хаёлга кетди.

Анна жим ётарди.

— Ойижон,— деб туртарди Веня, мудраб кетган онасини.— Яна бир нарсани сўрамоқчи эдим. Биз боя дадам билан Михайлонинг кемасига боргандик. Вўй-бў-ўй, ойичи, у ерлаги нарсаларни кўрсанг! Оғайниларнинг кўзлари қонга тўлиб кетган. Ҳаммалари очиқдан-очиқ князни сўкишади. Бу Меншиков эмас, Изменников**, душманга қирғоқча йўл очиб берди, дейишади: Бакда ғала-ғовур, худди бозорга ўхшайди. Корнилов, дадамга буйруқни капитан Заринга ўзингиз элтиб беринг деб буюрди. Буйруқнинг қанақалигини дадам ҳам билмайди.

— Балки билар, болам.

— Билмайди! Билганда ҳеч кимга айтмаса ҳам, менга айтган бўларди.

— Айтмадими? Ундай бўлса — тўғри, даданг ўзи ҳам билмас экан. Бундан чиқди, буйруқ махфий экан-да. Мен ҳам билмаган нарсамни айттолмайман-да.

— Сендан буни сўраётганим йўқ. Кемада дадам Михайлони шкафутга⁵³ чақириб олди-да, секин: «Бўйнингдаги қарз эсингдами, Михайлло? Яқинда қарзни тўлаш вақти келади?» деди. Миша дадамга: «Бўйнимдаги қарзим яхши эсимда, дада» деб жавоб берди. Кўзлари чарақлаб ёниб кетди. «Унутма, қарзни тўлаш — марднинг иши...»

* Ч а н — катта ҳажмали идиш.

** Бу ерда сўз ўйини: изменщик — хоин.

деди дадам. Ойижон, айтчи. Мишанинг кимдан қарзи бор? Дадамдан сўрашга қўрқдим: бугун дадам жуда жиддий кўринади.

— Даданг жуда андишали одам. Қарзни ўзи тўлашга насиб қилмади, тўнгич ўғлининг зиммасига юклиди.

— Қарз каттами? Мишанинг кучи етармикин? Бўлмаса, ҳаммамиз тўплаб берайлик, тўласин.

Анна кулиб лоборди. Веняни қучоfiga маҳкам босдида, қулоfiga:

— Унинг қандай қарзлигини айта қолай сенга, болам. Сен ҳам катта бўлиб қолдинг. Аммо, худо хоҳласа, бу қарз сенинг бўйинингга тушмас. Эсингдами, даданг денгизда чўкиб ўлай денганида, Павел Степанович қутқариб қолган деб айтарди? Хоняни чўқинтирган отаси у вақтда мичман⁵⁴ эди.. .

— Биламан.

— Ҳа балли болам. Павел Степанович дадангни қарздор қилиб қўйган. Даданг ҳам пайти келганда уни ўлимдан қутқариб, қарзни узаман деб онт ичган. Эҳтиёт бўл, яна бирорвга айтиб қўйма: даданг ҳеч ким билмасин деган. Менга ҳам тўйдан бир неча кун ўтгандан кейин айтган. Қарасам, тўйдан бир ой ўтмасданоқ эримнинг қошколовоги солиқ. «Ўзи нима гап? Ё мендан кўнглинг қолдими, ё сени хафа қилдими? Айт, жоним» деб сўрадим. «Йўқ, Аннушка, бор-йўғим — сен, бутун оламни сенга алишмайман. Аммо, мен онт ичганиман» деди. Шундай деди-да, бўлган ҳамма воқиани айтиб берди. «Бу Нахимов деган мичман шунақсанги тап тортмас йигитки, мен бўлмасам бошини ейди, шундай бўлгандан кейин ўла-ўлгунимча ўзимни Каин* деб юраман. Петербургга қайтиб бормасам бўлмайди. Нахимов қаёққа бўрса мен ҳам шуёққа бораман» деди. Мен йиғладим, сиктадим, бироқ кўз ёшларим тошга тушгандай эди. Ондре ота-онасини ҳам бориб кўрмади, мени ҳам олиб бориб кўрсатмади. Мен билан хайрлашди-ю норвеч шкунасига тушиб жўнаб кетди. Дили кантарим учди, кетди! Ўша-ўша, Лазарев қаерга борса кетидан Нахимовни судрайди, Нахимовнинг кетидан менинг ботирим қолмайди. Павел Степановични айтмайсанми: ўзини нуқул хатарли жойларга ташлайди. Ондре ҳам ундан қолмайди: йигирма саккизинчи йилдаги Наварин жангиди Ондре «Азов» кемасида штурвалда⁵⁵ турар эди. Кемани тўппа-

* Каин — хонн.

тўғри туркларнинг фрегати ёнига тақаб олиб борибди: тўппончадан ўқ отса бемалол етаркан. Шундан кейин раббимсан деб ўқ уза беришибди. Битта кема бешта кемага бас кепти-да. Ӯшанда Нахимов ҳам, даданг ҳам ярадор бўлган. Нахимовга крест беришган⁵⁶, дадангга — медаль. Буни мен бир неча йил ўтгандан кейин билдим. Етти йил Қолада якка ёлғиз яшадим, дадангдан дом-дарак бўлмади. Миша олти ёшга қадам қўйгандан дадангдан хат келди, уйни ҳам, шкунани ҳам сотиб, Қора денгизга, Севастополга кел, шу ерда турадиган бўлдик дебди. Павел Степанович Лазаревнинг қўлида ишларкан — Қора денгизда флот яратишлари керак экан-да. Ондре ҳам шулар билан бирга бўлиши керак экан. Айтгандек қилдим: уйни сотдим, шкунани ҳам сотдим-да, туғилиб ўсган ватаним билан умрбод хайрлашдим. Миша иккимиз бу ерга бутун оламни кезиб келдик-да, ўзимиз ҳам. У вақтларда мен кўп денгизларни кўргандим, бу ерга келиб қарасам, оламда нима кўп — ер, кўп экан. Олдинига бу ер кўнглимга ёқмади. Уй ҳам, шаҳар ҳам, одамлари ҳам, тоғлари ҳам, дengiz ҳам ёқмади,— ҳеч ҳам ўзимизникига ўхшамайди. Йўқ, кейин-кейин ўрганиб кетдим. Даданг Нахимов билан бирга кемадан тушмасдан нуқул денгиз сузади: қарзимни қачон узарканман деб пайт пойлади. Аммо, бу ерларда кўпам сузиб бўлмайди: океан эмас-да. Сузиб-сузиб, уйга қайтишади. Бирин-кетин болалар кўпайди. Анча вақтгача бир-бирмиздан ажралмай турдик. Қарилик ҳам келиб қолди. Наваринда еган жароҳати ҳам кучини кўрсатарди: ўқ дадангнинг кўкрагидан тешиб ўтиб кетган-да. Мишенъка улфайгандан кейин даданг қарзини Мишанинг бўйнига ўтказиб, ўзи кемадан бўшаб, штаб хизматига ўтди. Мана ўн йил бўптики, ҳали-ҳали тинчимайди, андишали одамда. Қарзни ҳеч кимга айта кўрма, болам, даданг мендан хафа бўлади.

— Нахименко биладими?

— Билмаса керак, балки пайқагандир. Бўлмаса, «матрос нега менга ёпишиб олди?» деб ўйламайдими?

— Унга ҳамма ёпишади, ойижон: Назаримда, ундан ҳамма қарзми дейман-да.

— Анна Венянинг бошини бағрига босди.

— Тўғри болам, ундан ҳамма қарздор! Ойлигини ҳам ишдан чиқиб қолган мўйсафида ва бева-бечораларга улашиб беради.

— Сенчи, ойи, Нахимовни яхши кўрасанми?

- Яхши кўриш ҳам гапми, болам!
— Ойи, кемаларда гюйс⁵⁷ кўтаришган. Биласанми?
— Биласан: «Бушпритга⁵⁸ гюйс кўтарилилган бўлса —
кема жангга тайёр» дегани бўлади... Кел, бслам, ухлай-
лик энди, тонг ҳам ёришиб қолди.

Могученколар оиласининг бошлиғи Андрей Михайлобич олис Шимолий поморли эди. Аммо аслда у шимолда әмас, балки Италияда, Палермо портида, ўз отасининг шкунасида туғилган. Отасининг ўзига қарашли шкунаси бўлиб у томонларга тузланган треска балиқ олиб борарди. Хотинининг яқинда кўзи ёриши кутиларди, шу сабабдан уни уйга ташлаб кетишни кўзи қиймасдан ўзи билан бирга олиб кетганди. Хотинининг омон-эсон кўзи ёриди: дунёга келган янги меҳмон Андрей Могучий умрида биринчи марта бутун Европани айланиб сузиб, уйига омон-эсон қайтиб келди. Могученколарнинг асл фамилияси Могучий, Россиянинг ўрта миңтақаларида Иванов деган фамилия қанча кўп тарқалган бўлса, Поморъеда Могучий деган фамилия шунча кўп учрайди. Қора денгизда унинг фамилиясини украинчага айлантириб, Могученко деб атайдиган бўлишди. Қора денгизда ўзи шундай одат бор. Қора денгиз денгизчилари ҳатто ўз адмираллари Лазарев, Нахимовларни ҳам севиб: Лазаренко, Нахименко деб атар эдилар.

Поморлар туғилган кунлариданоқ ҳарбий флотга тиркаб қўйилар эдилар. Могучий ҳам улғайгандан кейин, я'ни 1810 йилда, Болтиқ флотига тушади. Машҳур рус адмирали Фаддей Фаддеевич Беллингсгаузен Жанубий қутб океани экспедициясига энг бақувват ва эпчил матросларни танлаганда, улар орасида Андрей Могучий ҳам бор эди. Беллингсгаузеннинг экспедицияси ҳаммаси бўлиб иккита кичкина кемадан иборат эди; аслини суриштирганда, бу кемаларни елканли қайиқлар деса бўларди. Кемаларнинг бирига Беллингсгаузеннинг ўзи, «Мирний» номли иккинчи кемага эса лейтенант Михаил Петрович Лазарев қўмондонлик қиласар эдилар. Андрей Могучий шу кемада рулевой бўлиб хизмат қиласарди. Рус байроби остидаги бу икки қайиқ Жанубий ярим шарнинг ҳамма сувларини кезиб, Антарктиканинг энг юксак кенгликларигача бориб етди. Машҳур Кук бу тарафларга қилган сафаридан кейин музларнинг кўплигидан бу ерларда сузиб бўлмайди деган холосага келган эди. Руслар бунинг нотўғри эканлигини исбот этдилар.

Андрей Могучий ёш болалигига даёқ отаси билан бирга денгизда «зүёк» сифатида,— Поморъеда елканли шкуна юнгаларини «зүёк» дейишади — сузиб юрар эди. Муз океанида сузишнинг қанчалик хавф-хатарли эканлигини Могучий ўшлигидан биларди. Антрактикада бундай руле-войнинг фойдаси кўп тегди.

Кронштадтга омон-эсон қайтишгач, 1821 йилда Лазарев эндигина қурилиб бўлган «Крейсер» кемасида дунё сафарига жўнайдиган бўлди. «Крейсер»га командир этиб таййланган Лазарев, одат бўйича, кемани узоқ сафарга тайёрлай бошлади. Матрос Андрей Могучий Лазаревдан «Крейсер»га хизматга олишни илтимос қилди ва штурман унтер-офицери мансабида, я’ни «Крейсер»даги старший рулевойлардан бирин мансабида сафарга жўнади.

«Крейсер» офицерлари орасида яқиндагина денгиз кадет корпусини битириб чиққан ўн тўқиз яшар мичман Нахимов ҳам бор эди. Тўғри мактаб партасидан дунё сафарига жўнаш ҳар қандай мичмәнга ҳам насиб бўлавермайди. Ҳар бир мичман, ўзининг бевосита вазифаларидан ташқари, кемадаги қайиқлардан бирига командирлик вазифасини ҳам ўтайди. Қайиқ командири унинг ҳамиша намунали тартибда сақланишига, буйруқ берилган заҳотиёқ сувга туширилишга тайёр туришига жавобгар бўлади. Қайиқда эшкак, эшкак ҳалқалари ва узун чангаклардан ташқари, брезент филофга солиб қўйилган улама мачта билан елкан, бир неча анкерк — кичкина-кичкина бочкалар бўлади; бочкаларнинг бирига чучук сув тўлатиб қўйилган бўлади, бошқалар бўш туралди. Елкан билан сузилган вақтда балласт вазифасини бажариш учун бочкаларни денгиз суви билан тўлдирадилар. Қайиқнинг доимий эшкакчилар командаси бўлади. Мичман Нахимов ихтиёрига қизил ёғочдан ясалган ва капитанга қарашли олти эшкакли қайиқ берилди. Капитан қайиғига қўмон-доимлик қилишнинг ўзи катта шараф эди. Нахимов бу қайиқка кадетлар корпусини аъло баҳо билан битиргани, елкан машқларида эса «таптортмас кадет» деган ном чиқаргани учун командир этиб тайинланди.

Бу кичкина ва жажжигина кемача ёш командирнинг ҳам, вельботга бириттирилган матросларнинг ҳам юрагини шодликка тўлдирилар эди: сафарга жўнаш олдидан Маркиз лужада* бўлиб ўтган эшкакли қайиқлар пойгаси-

* Маркиз лужаси — Петербург яқинидаги кўлча.

да Нахимов бошчилигидаги вельбот ҳамма шліопкаларни орқада қолдириб, маррага биринчи бўлиб етиб келди. Севинчи ичига сифмаган мичман ўзининг энг биринчи марга олган маошининг ҳаммасини, бир тийинини ҳам қолдирмасдан, вельбот эшкакчиларига бўлишиб берди. Унинг бу ҳиммати Лазаревнинг қулоғига бориб етди. Капитан ҳам қовоғини солиб, ҳам кулиб туриб Нахимовни койиди.

— Мичман, бунда одамларингизни эркалатиб лоборасиз. Бир қадаҳдан қуйиб берсангиз ҳам етарди. Аммо, тагини суриштирганда, мичманга маошининг нима ҳам кераги бор? Қирғоққа чиққанда ичклик қилиш учунми? Ё картабозликками? Биламан, сиз ундайлардан эмассиз: майхўр ҳам эмассиз, картабоз ҳам. Агар муҳтоҷ бўлиб қолгудай бўлсангиз, ёдингиизда бўлсин: менинг картмоним сизга доим очиқ, мичман!

Пойгадан кейин «Крейсер» матрослари Нахимовни «ажойиб мичман» экан деб қўйишиди.

«Крейсер» вимпел кўтарди,— бу эса сафарнинг бошланганини билдирав эди,— гавандан катта Кронштадт рейдига қараб йўл олди. Кемада, аниқ жадвалга солинган оддий ҳаёт бошланди.

«Крейсер»нинг сафари умуман бехатар ўтди. Одатда тинмай тўлқинланиб турувчи Шимолий денгиз кемани анча нари олиб бориб, бери олиб келди. Тажрибаси йўқлар, жумладан мичман Нахимов, денгиз касалини ҳам татиб кўрдилар.

— Немис денгизи матросни тоблаш учун бино этилган,— деб далда беришар әди кекса матрослар, ёшларга.— Океанга чиқайлик, у ер бошқача. У ер тинчроқ.

Шимолий денгизнинг сурранг сувлари олдин яшил-сурранг, кейин зумрад тусга кира борди, Рок бурунидан ўтилгандан кейин эса ультрамарин⁵⁹ тусга айланди. Океангча чиққандан кейин «Крейсер» бемалол сузиб кетди, йўлда Мадера оролида тўхтаб ўтди, йўлдош шамолдан фойдаланиб, Жанубий Америка қирғоқларига яқинлаша борди. Экватор яқинида кема шамолсиз бир жойга кириб қолиб, бир неча кунгача қимир этолмай қолди, бироқ шундай бўлса ҳам, океан аҳён-аҳёнда иссиқ нафасидан пуркаб турарди. Шулардан фойдаланиб, «Крейсер» Бразилия қирғоқлари сари аста-секин силжиб борди. Тўсатдан бир неча марта келиб урган кучли бўрондан кейин «Крейсер» даҳшатли штурм⁶⁰да қолди. Лазарев бундан

Хурсанд эди; шторм, қутурган бўрондан кейин Гори бурунга қадар йўлдош шамол туришидан дарак берар эди, у ердан кема Оловли Ер ёнидан ўтиб, Тинч оқсанга чиқиб олар эди.

Бироқ шторм тобора зўрайа борди. «Крейсер» фақат шторм елканларини очиб сузиб борар эди. Устига нам ўтмайдиган плашч кийиб олган Лазарев кўприкчадан тушмасди. Капитан Бразилия қирғоғига яқинлашишдан хавфсиради. Кеч кира бошлади. Тўлқинлар зўрайиб, катталашиб борди, бу эса қирғоқнинг яқинлигидан дарак берар эди. Дамбадам палубанинг чап томонидан ўнг томонига тўлқинлар ошиб тушар эди. Кема гоҳ ўнг томонга оғар, гоҳ чап биқинга қийшайиб кетар эди.

Мичман Нахимовга учинчи вахта тўғри келди. У билан бирга Андрей Могучий ҳам рулевой шогирди ёнида вахтага турди.

Могучий руль гардишининг бандини ушлаб, курсга⁵¹ бир қараб олайин деб нактоузга⁵² энгашди. Ойнага сув сачраганидан карта зўрға кўринарди. Андрей оёқларини кериб туриб олди-да, бир қўлини штурвалдан бўшатиб, енги билан ойнани артмоқчи бўлган эди, шу онда чап томондан каттакон тўлқин келиб, Андрейни ўнг фальш-бортдан⁵³ денгизга учираиб кетди. Ҳаммадан олдин буни кўриб қолган сигналчи:

— Денгизда одам! — деб бақирди.

Нахимов ўйлаб ўтирасдан:

— Фок грот на гитови! Марса фали отдать! — деб команда берди.

Марсчилар⁵⁴ елканларни йигиштиришга югурдилар.

— Бекор нобуд бўлди-да, одам! — деб қичқирди Лазарев. — Ким эди ўзи?

— Андрей Могучий,— деб жавоб берди Нахимов.— Михаил Петрович, рухсат этинг, вельбот туширайлик.

— Бўлмаган тап! Қайтгангга яна етти киши нобуд бўлади. Штормни қаранг... Сигналчи, кўринмадими? — деб қичқирди Лазарев.

— Кўринади! — деб жавоб берди сигналчи ва Могучийнинг калласи кўринган тўлқин томонни қўли билан кўрсатди.

— Вельбот туширилсин! — деб беруҳсат команда берди Нахимов ва капитангча қўрқа-писа қаради.

Лазарев қўлини силтаб, розилик билдириди.

Нахимов вельбот ёнига югуриб келганда матрослар арқонларни бўшатиб бўлиб, қайиқни тушира бошлаган эдилар. Вельботга олти киши тушиб ўтирди. Нахимов қайиқнинг қўйруқ томонидаги скамейкага сакради.

Уч минут ўтди. «Крейсер» дрейфга турди⁶⁵. Вельбот, худди тахта полга бориб теккандай, сув бетига тақ этиб тушди. Келиб қолган тўлқин қайиқни кемадан анча ерга улоқтириб ташлади. Рулни бошқаришнинг аҳамияти йўқ эди. Тиккатик туриб олган мичман команда берарди:

— Ўнг томондагилар, ҳайда! Чап томондагилар, тўхта!

Вельботнинг биринчи эшкакчиси бақириб қолди:

— Ўтир жойингга, жаноби олийлари! Ўтир дейман, кўзимиз олдида қаққайиб турма, ўзимиз ҳам биламиз...

Кеманинг қаердалигидан нишон бериш ва ғарқ бўлаётган кишига нажотнинг қайси томондан келишини кўрсатиш учун «Крейсер»нинг четидаги фальшфейерни⁶⁶ ёкишиди. Фальшфейернинг қоронгуликни ёриб ўтувчи шуъласи каттакон ёруғ доира шаклини олди, аммо кўпикли туман ғирида кеманинг ўзи кўринмас эди. Вельбот, гоҳ тўлқин сиртига учиб чиқиб, гоҳ пастга учиб тушиб, тинмай сакрар эди.

— Мо-а! Гу-у-у!— деб қичқирап эди Нахимов.

— Жим турсангчи, жаноби олийлари!— деб ўшқириб берди биринчи эшкакчи, мичманга.

Нахимов жим қолди.

Яқин бир ердан:

— О-о-о!— деган жавоб эшитилди ва шу ондаёқ Нахимов қайиқнинг бош томонида, сал ўнгрсқда тўлқин тенпасида Могучийнинг қоп-қора соchlарини кўриб қолди.

Могучий, қўлларини кучининг борича силтаб, вельботнинг чап томонига сузиб келмоқда. Эшкакчилар тўхтадилар, Могучий соchlарини бир силташда орқага қайтариб, чап қўли билан қайиқнинг четини ушламоқчи бўлган эди, ушлай олмади. Нахимов кўкрагици қайиқнинг четига бериб энгашди-да, Могучийнинг қўлтиғидан ушлаб олмоқчи бўлди.

— Сочидан ушла! Бўлмаса, сени ҳам сувга тортиб кетади, жаноби олийлари!— деб маслаҳат берди, биринчи эшкакчи.

Нахимов Могучийнинг сочидан ушлаб олди.

— Вой,вой!— деб юборди сувдаги матрос.

— Ха-ха-ха!— деб кулишди эшкакчилар: улар, вельботга сув кирмасин учун җаммалари ўнг томонни босиб

ўтирад эдилар.— Ушла сочидан!.. Йўккинчи дёңгизга сакрамайдиган бўлади!

Қутуриб, ҳайқириб турган денгиз шу топда мичманнинг ҳам, матросларнинг ҳам эсига келмасди. Эшкакчиларнинг бутун диққати ва кучи вельботни тўлқиннинг қоқ белида тутиб туришга қаратилган эди. Эшкакчилардан биронтаси ҳам қўлидаги эшкакни ташлаб, Нахимовга маддад бера олмас эди. Мичман ҳарсиллаб, Могучийни қайиқка тортарди. Ахир Андрей қайиқнинг четини иккала қўли билан ушлаб олди. Нахимов матроснинг қоқ белидан ушлаб, худди катта балиқни ағдаргандай, қайиқнинг ичига ағдариб олди. Могучий вельботнинг тагига ўтириди-да, кўзларини ишқалаб, зорлантан бир товуш билан:

— Оғайнilar! Наҳотки биронталарингдан ром топилмаса?— деди.

Шиша қўлдан қўлга ўтиб, Могучийга тегди. Могучий бир қултум ичди-да, шишани Нахимовга узатди:

— Сен ҳам ич, ёканоби олийлари, энди ака-ука тутунамиз. Сен ҳам совуқ қотгандирсан?

— Рост айтасан!— деди мичман ва шишани олди.

Ромдан бир қултум ичди-да, шишани Могучийга қайтариб берди.

— Сув илиқ-ку,— деди Могучий, шишани ёнидаги эшкакчига узата туриб,— аммо шамолда дарров одам дилдираб қоларкан.

Эшкакчилар бир қўллари билан ишлаб, шишадан бир қултумдан ром хўплашар, сўнг нарига узатишар эди. Биринчи эшкакчига жуда оз ром қолибди. Эшкакчий зарда билан туфурди-да, шишани денгизга улоқтириди.

Тун кира бошлади. Шторм ҳамон қутурад, денгиз ҳайқирад эди, аммо тўлқинларнинг қелиб урилишидан қутурган шамол ўз кучини сарфлаб бўлгани кўринарди: тўлқинларнинг усти текис ва худди мой суркалгандай ялтиради.

— Яхши шамол бўладиганга ўхшайди! Биз бол шамол!— деди Могучий, штормдан қаноатланиб.— Михаил Петрович жуда хурсанд бўлади. Гори бурунигача «Крейсер»имиз ўн узелдан⁶⁷ босади.. .

Энг орқадаги скамейкада ўтирган эшкакчилардан бири, ёшгина матрос ҳайрон бўлиб ва алам билан:

— Ҳа, биз-чи?— деб қичқирди.

— Биз-чи дейди-я! Қайиққа ҳаммадан олдин сакраб

тушиб олдинг, ўзингдан кўр! Сени ҳим чақирди? Ўзинг шу қайиқнинг эшкакчисимисан?

— Йўқ!

— Нега тушдинг бўлмаса? Ҳим чақирди сени?— деб пўнғирлади Могучий, чайқалиб турган денгизнинг тумани олисларига кўз тикиб.

«Крейсер» кўринмасди. Кемада ҳамон фальшфейер ёкиқ бўлса керак-у, аммо кема билан қайиқ бир-биридан жуда узоқлашиб кетганидан, тун қоронгусида чироқ кўринмаётган бўлса керак.

— Сен ҳам бекор аралашибсан ёбу ишга, жаноби олийлари,— деб давом этди Могучий.— Мардлигингни кўрсатмоқчимидинг? Менинг-ку, сувда чўкиб ўлиш пешонамга битмаган экан. Мана энди мардлигинг туфайли етти киши нобуд бўлади.

Наҳимов жавоб қайтарди:

— Чўкиб ўлиш сенинг пешонангда йўқ бўлсин, ўшанда биз ҳам чўкиб кетмаймиз, Могучий...

— Шамол-ку босилар-а. Қирғоқ беш юз миль жойда. Қайнқда компас борми?— деди зарда билан Могучий.

— Яқин жойга қатнайдиган қайнқларда компас бўлмайди,— деб жавоб берди мичман,— ўзинг билишинг керак.

— Билсам нима бўпти? Оливолиш керак эди.

— Ҳамма иш бир пасда бўлади-да.

— Эҳ, бир паслик одам! Бир пасда ҳам одам ўйлаши керак! Компас йўқ, бир шиша ром бор эди, у ҳам адoқ бўлди.

Матрослар Могучий ҳазил қилаётганини пайқаб, умидсизликка тушишнинг ўрни эмаслигини тушундилар. Уларнинг юзлари очилиб кегди.

— Наҳотки Михаил Петрович бизни дengизга ташлаб кетса?— деди, ўзга қайиқقا тушиб қолган ёш эшкакчи.

— Ташлаб кетишга кетмайди-ю, аммо бундай шамол вақтида дрейфда туриш ҳам уят-да: елканларини кўтарили-да, ўз йўлидан жетаверади,— деб жавоб берди Могучий.

— Тўп отади,— деди Наҳимов.

— Тўғри, тўп отиши мумкин,— деди Могучий,— аммо минг отгани билан эшитармилик! Қара, штурмнинг ўкиришини!

— Жим ўтирайлик, ўртоқлар,— деб таклиф этди Наҳимов.

— Тамом! — деб команда берди Могучий, эшкакчиларга.— Бекор айтибсизлар, овозларингдан эшитилмайти.

Эшкакчилар ҳаммалари бирдан тўхтаб, эшкакларни скамейкага қўйиб «қурита бошладилар».

Тўлқинлар вельботни чирлирак қилиб айлантира кетди. Инграган шамолнинг ҳайқиришларига аллақандай диник овозлар қўшилиб турарди. Бу товушлар бирин-кедин тақрорланиб турганидан штормнинг қасира-қусури уларни боса олмас эди: қалин қора ўрмонда ҳам бўроннинг инграши остидан дараҳт кесувчининг болта уриши аниқ эшитилади.

Эшкакчиларнинг бари овозларининг борича бақира бошладилар.

— Жим туринглар, бақироқлар! Эшитилмаяпти! — деб ўшқириб берди Могучий, эшкакчиларга.

— Тўп отаяпти! «Крейсер» тўп отаяпти! — деб ҳаяжон ичидаги қичқирди Нахимов, Могучийни қучоқлаб.

Матрослар индамасдан яна эшкак ҳайдай бошладилар. Могучий рулни бошқара бошлади.

— Порохнинг ҳидини сезяпсанми, жаноби олийлари? — деб қўйди Могучий, чуқур хўрсиниб.— Шамол «Крейсер» томондан урайпти.

Нахимов рутубат ҳавони ҳидлаб кўрган эди, олтин гуртнинг ҳиди димоғига келиб урди.

Вельбот шамол қаршисига бурилди. Тўп овозлари равшанроқ эшитила бошлади. Тезда улар замбарак оғзидан чиққан оловни кўрдилар.

Эшкакчилар орқаларига қарамасдан, зўр бериб эшкак тортар эдилар. Энди замбарак овозлари бўрон ҳайқиригини босиб кетар эди. Замбаракнинг кўзни қамаштиргудек икки шуъласи ўртасида Нахимов жуда яқин бир ерда кеманинг улкан гавдасини кўриб қолди. Могучий Нахимовни тирсаги билан бир туртди-да, хуш вақт бир оҳангда:

— Ҳозир: «Келаётган ким?» деб сўрайди,— деди.
Мичман овозининг борича:

— Офицер! — деб қичқирди.

Шу ондаёқ Лазаревнинг:

— Сигналчи, кўринадими? — дегани эшитилди; гарчай унинг товуши тепадан эшитилган бўлса-да, секин эшитиларди.

— Кўряпман! — деган жавоб эшитилди баланддан.

Вельбот кеманинг четига бориб урилган эди қирсилаб кетди. Фальшфейернинг ёруғи кўзни қамаштириб юборди. Унинг шуъласида кемадан пастга арқон ташланди. Бир паснинг ичидаги ҳаммасини тегага тортиб олишди.

Вельботни кўтаришаётганда бирдан тўлқин келиб уриб, уни парча-парча қилиб юборди.

Омон қайтганларни ўртоқлари ўртага олишди. Лазарев жўприкдан югуриб тушиб, қутқазилганларни ўпди: олдин Могученкони, унинг жетидан Нахимовни ўпди ва ҳаммани ўпиш билан санагандай, бошқа эшкакчиларни ҳам биттадан ўпиб чиқди...

Могучий Нахимовнинг қўлидан ушлади-да, ҳаяжондан титраган товуш билан:

— Умр бўйи ўзингга боғлаб қўйдинг энди мени, жаноби олийлари... — деди.

«Қандоғ қилиб умр бўйи боғлаб қўяркан-а?» — деб ўйларди Веня, чуқур сукунат ичиди.

Онаси аллақачон ухлаб қолган, бола эса онанинг узоқ ўтмиш тўғрисидаги ҳикоясининг айрим ҳодисаларини қайта-қайта ўйлаб ётар эди.

Веняning кўзи уйқуга кетганда тонг ёриша бошлаган эди.

Иккинчи боб

ҲАРБИЙ КЕНГАШ

Князь Меншиков кийишга ҳақи бўлган барча мундирларидан генерал-адъютант мундирини танлади: бу мундирга дабдабали зархал эполетлар ўрнига погон тақиб юрилар эди. Сюртук кийилганда бошга шляпа ҳам эмас, кювер ҳам эмас, балки соявони катта фуражка кийилар эди. Бош қўмондон шу оддий мундирни кийиб, коляскага чиқди-да, қўшин қошига кетди.

Қўшинлар Альма дарёсининг чап томонидаги тепаликларда позиция эгаллаб турар эди. Бу жуда қулай ва кучли позиция. Денгиз тепаси ва дарёнинг денгизга қуйиладиган жойлари — тикка кесиб тушган жарликлар. Дарёнинг чап томони шу қадар баландки, Альма телеграфидан ўттиз километрлик масофа яққол жўриниб туради. Ҳазрати олий ўз қароргоҳини шу телеграф ўрна-

тилган тепаликка журди. Телеграф ёнига чодир тикдилар. Телеграф манорасидан Менников катта телескопдан денгизни, ундағы душман флотига қарашли саноқсиз кемаларни, Альманинг ўнг томондаги токзорлар кетидан (рус ўқилари шу токзорларга ўрнашиб олган эдилар) бөшланган бепоён ялангликларни кўра олар эди. Телеграф манораси ёнида ҳарбий оркестр ва қисмлардан тўпланган ашулачилар хори турарди. Гоҳ оркестр шўх маршлар чалар, гоҳ хор Ҷунай қўшини қўмондони князь Горчаков тўқиган ашуланни навбатма-навбат айтиб турар эди:

Қимки ўлимга шай турса бардам,
Унинг ҳаёти сўйимас ҳеч қачон.
Православ рус жаигчиси ҳардам —
Тал тортмай, ёвларни қилади талқон.

Бу қўшиқни император Николай Павлович манзур кўриб, уни музикага солишни сарой композитори Лъвовга топширган экан. Қўшиқ ҳарбий қисмларда ҳеч кимга ёқмаган, ҳеч ким айтмас эди ҳам. Фақат буйруқ билангида айтилар эди.

Аммо Ҳазрати олийнинг кўзидан йироқда, ўнг қанотда, Суворов даврида шуҳрат қозонган Суз达尔ъ полкининг солдатлари довра қуриб, ғамгин ашуланни рақс мақомига солиб барала айттар эдилар:

Қирда, оқ тол тагида
Ботир ўлиги ётар.
Рай-рай-рита-тай,
Ботир ўлиги ётар.

Довра ўртасида бир неча ўйинчи трепак⁶⁸, рақсига тушар эди. Раққосларнинг афти бирдай қотиб қолган ва жиддий эди. Улар, пошналари билан дукур-дукур ер телиниб, индамасдан ўйинга тушар эдилар. Фақат биттаси ўйнашга осон бўлсин учун этикларини ечиб ташлаб, ҳар бир сатр охирида худди оёғига тикан кириб кетган одамдай ингичка товуш билан: «Ой!» деб қичқириб қўяр эди:

Қирда, оқ тол тагида... Вой!
Ботир ўлиги ётар... Вой!
Үлдирилган; устига... Вой!
Епилгани қора мата...
Эҳтимол, унугилгани... Вой!
Унугтан ёш хўжайка.

Лагерга жуда кўп вино келтирилган эди. Ҳазрати олийлари солдатларга кунига уч қадаҳдан вино улашишни буюрди.

Полк штабининг капаси олдида катта гулхан ёнарди. Гулхан теварагида офицерлар вино иситиб ўтирап ва се-кин-секин ялла айтар эдилар:

Вижиллаб кўпиргган хушбўй асал шароби тугул,
Дўстлар, илк тоиг ҳам хурсанд қила олмас бизни.
Хотинларнинг севги-муҳаббати, суҳбати буткул —
Ҳаётни яшнатмас, олтмас қалблимизни.—
Инқ, йўқ! Уйку тетикилик беради бизларнинг тапга,
Тўлқин руҳлантиради бизларни шафқатенз жангга.

Меншиков Альма тепаликларига олиб чиққан қўшин ўттиз беш мингтacha соллат ҳамда юзга яқин тўпли артиллериядан иборат эди. Душман кучи, агентура маълумотларига қараганда, олтмиш мингга борарди. Иттифоқчилар флотидаги саноқсиз кемалар ҳам шуни тасдиқларди.

Душман аскарларининг фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки кувол-аслаҳа жиҳатидан ҳам руслардан устун турганилигини рус қўшинларининг қўмондонни яхши биларди. Инглизларнинг ҳамма пиёда аскарлари, француз аскарларининг кўпчилик қисми ва ҳатто турк аскарларининг маълум қисми минг қадам наридаги мўлжални ура биладиган қирқма милтиқлар билан қуролланган эди. Рус қўшинларининг ҳамма полкларидағи «штуцер»ларнинг сони эса зўрга икки мингтacha чиқар эди. Рус пиёда аскарларининг қолган кўпчилиги фақат икки юз метр наридаги мўлжалга ура оладиган силлиқ стволли эски милтиқлар билан қуролланган эди.

Князъ Меншиков нимага ишонар эди? У, «худо хоҷласа, ишнинг найзабозликка айланиб кетишига» ишонар эди. Гарчи олисдан кемаларда олиб келингач қўшинда, Меншиковнинг таҳминича, кучли қавалерия бўлиши маҳол бўлса-да, қиличбозлик жангига ҳам ишонар эди. Пиёда аскарларининг найзабозлик жангига, қавалериянинг қиличбозлик жангига рус қўшинларини ҳеч ким енга олмаслиги мутлақ шубҳасиз, албатта. Ҳазрати олийлари худодан найзабозлик жангини тилади-да, телеграф манораси тагига қўндирилган ўз чодирига ухлагани кириб кетди.

8 сентябрь куни эрталаб севастополлилар ғира-шира канонада овозини эшилдилар. Берилгаш сўроқларга Бельбек телеграфи Альма телеграфи ишламапти деди, сал ке-йинроқ эса денгизда бўлган канонада тутуни Альма тепаликларини босиб кетди, Альма телеграфининг манораси кўринмай кетди деб жавоб берди.

Севастополь рўпарасига душман флоти келиб тўхта-

ган кейинги бир ҳафта ичида бутун шаҳар энди нима бўларкин деган яширин хавотирда яшади. Бугун энди бу хавотирликнинг сабаби маълум бўлди. Одатда кундуз кунлари ҳувуллаб ётадиган пристань ва бульварлар ха-лоийққа тўлиб кетди. Кўчаларда одамлар тўп-тўп бўлиб тўпланишарди. Томларда фақат болаларгина эмас, ҳатто катта кишилар ҳам кўринарди, улар ташвиш билан бир-бирларидан янги хабарларни сўраб турад эдилар. Ҳамма ерда дув-дув гап. Ҳамма жанг майдонидан хабар кутар, аммо ундан ҳеч қандай дарак йўқ эди. Меншиковдан бутун кун бўйи на телеграф орқали, на чопар орқали буйруқ ҳам, хабар ҳам келмади. Ҳатто овоза ҳам йўқ эди. Фақат адмирал Корниловнинг буйруғига кўра, «Та-манъ» пароходи шу кечаси гавандан чиқиб, қайтиб келмапти аммо нима иш билан кетганлиги номаълум деган хабар тарқалди, холос. Шаҳар томонида истеҳком қуриш ишлари тўхталиб, у ёргаги ҳамма одамларнинг Шимолий томонга кўчирилганлигини кўрган шаҳар аҳолиси Альмада жангни ютқизибмиз, энди душман Севастополга шимол томондан ҳужум қиласа жерак деган фикрга келди. Туш пайтида телеграф ишлай бошлади. Бекорчиликдан телеграфчилар бир-бирлари билан гапиришар эдилар. Кечга томон Бельбек телеграфи ҳамма йўлларда Севастополга кетаётган одамлар пайдо бўлди, катта йўлдан эса татар карвони кўринди деб хабар қилди. Шимол томондан эшитилиб турган канонада босилди.

Кеч киргана Альма жангидаги Меншиковнинг мағлубиятга учраганини бутун шаҳар билган эди.

Бу ташвишли кунда ҳам флот ҳаёти ўзининг одатдаги тартиби билан борди.

Эрталаб соат бешда, ҳали тонг отмасдан, кемаларнинг одамлар турувчи палубаларида боцманлар сурнай чала бошладилар. «Туринглар!» деган команда берилди. Ҳамма палубага чиқиб ибодат ўқиди. Бўтқа ейилди. Бакда, мис кружкада доим тутаб ётадиган «пилик» ёнида тамаки тортилди. Тамаки чекиб бўлингандан кейин кемаларда «йифништириш» ишлари бошланди: палубалар чинидай қилиб ювилди, мис асбоблар кўз қамаштиргудай қилиб ишқалаб тозаланди.

Эрталаб роса соат саккизда ҳамма кемаларда склянка урди. Кўпи билан ўн беш дақиқа давом этган ҳар хил жаранглаган товушлар ҳамма кемаларда бараварига тўхтади. Командалар юқори палубада саф тортиди. Офи-

церлар шканциларда саф тортишди. «Байроқ ва гюйс кўтарилисин!» деб команда берилиди. Ҳамма бошидан шапкасини олди. Қемаларнинг қўйруқ томонидаги байроқлар ҳилпиллаб баландга учиб чиқди, бушпритларга эса гюйс кўтарилиди.

Байроқ кўтарилгандан кейин иккала эскадрада,— Корнилов ҳамда Нахимов эскадраларида сканговар тревога ўтказилди. Комендорлар ўз замбараклари ёнига югурдилар. «Крюйткамерочилар» порох омборларини очдилар. Команда бўйича порох солинган картузлар ва снарядлар узатиш, тўпларни ўқлаш ва гоҳ чап томондан, гоҳ ўнг томондан замбараклардан ўқ узиш машқи ўтказилди. Ҳамма иш тез ва чақон қилинар эди. «Крюйткамера» машқидан кейин «елкан машқи» ўтказилди. Нахимовнинг командаси билан,— рейдда Нахимов старший эди,— ҳамма кемалар бир-бирлари билан мусобақалашиб, икки минут ичида ҳамма елканларини ёйди, бир неча минут безаниб тургач, янги команда берилиши билан елканларни ундан ҳам тез суръатда йиғиштириб олинди.

Машқнинг намунали равишда ўтказилганлити учун Нахимов ҳамма кемаларга сигнал билан ташаккур билдириди. Пристанда тўпланиб турган халойиқ «ура» деб қиҷқирап эди. Ҳамма нарса флотнинг денгизга чиқишига тайёр эканлигидан дарак берарди.

Кун ботарда Ҳазрати олийдан Корниловга чопар отелдириб келиб, дарҳол қўймондон ҳузурига чақириб кетди. Казак-ординарец отни эгарлаб бўлгунча, чопар Альма жангининг ниҳоятда шиддатли бўлганини ҳикоя қилиб берди. Бизнинг қўшинларимиз зўр матонат билан Жанг қилишибди. Жанг найзабозликка ўтган жойда ҳамиша руслар ғолиб чиқиби. Аммо француزلар ва, айниқса, инглизлар юэма-юз учрашишдан қўрқар эдилар. Улар милтиқларимизнинг ўқи етмайдиган жойдан туриб, бизнинг солдатларни ўққа тутишни афзал кўрар эди. Биз жуда кўп талафот бердик. Жуда кўп одамимиз ўлди, ундан ҳам қўпроғи ярадор бўлди, ярадорларнинг сони беш мингга етса керак. Қўшинларимиз Кача дарёсига чекинган. Аммо душман ҳам кўп талафот кўрган, бизнинг қўшинларимиз ташлаб кетган Альма тепаликларидағи позицияларда тўхтаган.

— Ҳозир Ҳазрати олий қаерда? Қўшин қайси томонга йўл олди?

— Ҳазрати олий мени бу ерга юборганда, Лукулдан Эвенти-Қиойга борадиган йўлда турган эди. Ўйлайманки, ҳозир Эвенти-Қиойга етиб борган бўлса керак. Аммо, қўшиннинг қайси томонга юришини сизга ўзи айтар, жаноби олийлари.— Шундан кейин чопар, ўлгудек чарчаган бўлса керак, дарғазаб бўлиб деди:— Қўшиннинг қайси томонга силжиншии Меншиковнинг ўзи ҳам билмаса керак.

— Қочишшаптими?

— Йўқ! Ҳазрати олпий «музика билан» чекинилсип деб буюрди.

— Денгиэчи батальонларчи?

— Иккала батальон ҳам олдингич қаторда, Боғчасарой кўприги ёнида эди, жангнинг энг шиддатлиси ўша ерда бўлди. Кўп талафот кўргани бўлса керак.

Корниловга от келтиришди. Адмирал ёнига ординарец-урядник ҳамда икки оддий казак отлиқни олиб, сапёрлар Йўлидан Малахов курганни айланиб ўтди-да, Инкерман йўлига қараб от чоптириб кетди.

Тепаликка чиқаверишдаги пастки маяк ортида Корнилов, ўзининг қора отии миниб келаётган полковник Тотлебенни учратди. От ҳам, отлиқ ҳам оҳак чангидан шу қадар оқариб кетган эдики, отнинг рангини ҳам, полковник устидаги мундир рангини ҳам билиб бўлмасди. Тотлебен Корниловга честь берди.

— Янги гапдан хабарингиз борми? Биз жангни ютқизибмиз. Қўшин чекинмоқда,— деди Корнилов.

— Ташвиш тортманг!

— Ийе, полковник! Бундан ҳам ортиқ ташвиш бўлиши мумкинми?

— Менинг ташвишимни эшитинг. Тиргак девор учун порт ихтиёридаги запаслардан хода ва тахта берилисип деб адмирал Станюковичдан илтимос қўилган эдим...

— У нима деди?

— Пиёда аскарлар ведомоствосига ёғоч-тахта складида битта тараша ҳам бердирмайман деб жавоб қилди.

Корнилов кулумсираб қўйди.

— Нега куласиз, адмирал? Сиз — Қора денгиз флоти штабининг бошлиғисиз, менга ёрдам беришингиз керак. Буюринг, Станюкович сизнинг гапингизга киради.

— Жоним билан буюрар эдиму, аммо бу қари ўзбoshimcha менинг гапимга ҳам жирмайди. Сиз бу ерга яқин-

да келгансиз, полковник, бизнинг расмий муносабатлари-
мизнинг қанчалик нозик эканлигини ҳали билмайсиз.
Мен Станюковичга буюра олмайман ҳам, у ҳам мени
чиқиштирмайди.

— Нахимовчи?

— Нахимовни мендан ҳам баттар ёмон кўради. Павел Степанович унинг кўзига балодай кўринади. Ахир Нахимов иккимиз Лазарев таълимий кўрган одамлар-
миз-да. Станюкович эса Лазарев қилган ҳамма ишни
ёмонлайди ва қоралайди. У эски таълим кишиси. Унинг
устига, флотга қўмондонлик қилмай, қирғоқда ўтирган-
дап хафа. Амал масаласида у ўзини биздан анча баланд
деб билади ва фақат Меншиковга штоат қиласди... Мен
ҳозир Ҳазрати олий ҳузурига кетяпман. Бирга бора
қолинг? Ҳамма гапни ўзига айтасиз...

Тотлебенning афти буриши.

— У ҳам Станюкович айтганини қиласди-да, нима ҳам
дерди... Биласизми, князь менга «фишт устаси» деб ла-
қаб қўйипти...

— Зарари йўқ. Ҳазрати олийларига шунаقا асия-
бозлик касалидан теккан. Нахимовни ҳам гоҳда «боцман»
дейди, гоҳ «матрослар отахони» дейди. Келинг, отни бу-
ринг. Князь олдида сизнинг томонингизни оламан...

— Эрталабдан бери отдан тушганим йўқ. Мен-ку
майлия, бироқ қора жийроним сизнинг кетингиздан етиб
юролмас деб қўркаман. Жуда чарчади, бечова...

Тотлебен отнинг бўйнига шапатилаб қўйди.

— Рост, отингизга ачинса бўлади,— деб унинг гапига
қўшилди Корнилов.— Менга қаранг: казакнинг отига
мина қолинг. Қора жийронингизни казак уйга элтиб қўя-
ди. Казак эгарини мина оласизми?

Тотлебен рози бўлди-да, бошқа отга минди.

Отлиқлар тепаликка қараб отларини елдириб кетди-
лар. Кун ботиб бўлган, аммо тоғларга ой кўкимтири ёруғ
сошиб турарди. Димоққа эрман ҳиди келиб урарди.

Отлиқлар бир мунча вақт жим бордилар. Корнилов от-
нинг жиловини тортиб борарди.

— Бўлаётган ишлар тўғрисида нима дейсиз, полков-
ник? Севастополь туриш берармикин ё туриш бера ол-
масмикин? Мен унинг туриш бера олишига шубҳам бор
демоқчи эмасман-у, сизнинг фикрингизни билмоқчиман...

— Князь жуда ажаб одам,— деб ножӯроқ жавоб
берди Тотлебен.— Мен шуни айтмоқчиманки, Ҳазрати

олий ишга қанча кам аралашса, шунча яхши бўлади де-моқчиман... Кўшин билан бирга Севастополдан қанча йироқлашса, шунча яхши.

— Кўп одамлар, князни душман қаршисига чиққани учун қоралашади, шунча одамни қурбон қилди-ю, аммо бундан қандай фойда бўлди дейишади...

— Бу нотўғри. Мен сизга ҳарбий инженер сифатида жавоб берай, қалъани ҳимоя қилувчи қўшин ҳамиша қалъадан ташқарида туриши керак. Қўшин қалъанинг ичига кириб олдими, бўлди — у қўшиннинг таслим бўлиши-шубҳасиз... Мен князни ҳарбий ишда доҳий деб айтмайман, аммо ҳарбий ишда саводи бор одам. Афуски, ишнинг кўзини биладиган одамларни ёнига йўлатмайди. Ўзининг бўлса обрўйи йўқ. Уни қўшинда ёмон кўришади; у, ҳаммани тортина масдан мазах қиласеради. Флотдагиларнинг унга қандай муносабатда эканини мендан яхшироқ биласиз, Владимир Алексеевич. Севастополь — денгиз қалъаси эканлигини унутмаслик керак. Инглизларнинг муддаоси Кримни, Россияни босиб олиш эмас. Уларнинг бирдан-бир мақсади — Қора денгиз флотини маҳв қилиш. Қора денгиз флоти инглизлар кўзига бало бўлиб кўринади...

— Бу гапингиз тўғри, шубҳасиз. Мен княздан: флотни нима қиласиз деб сўраб эдим, биласизми, нима деб жавоб берди, полковник? «Чўнталингизга солиб олинг!» дейди, унинг оғзидан эшиктан охирги гапим шу бўлди...

— У ҳазилкаш, жуда ҳазилкаш одам! Аммо у хато қиласди. Флот, ҳатто бухта ичига қамалиб қолган тақдирда ҳам, жуда катта кучга молик. Аммо навбат флотга етиб боргунча ҳали қайда... Душман, биринчидан, қўшинни йўқ қилиши керак...

— Агар йўқ қилиб улгурмаган бўлса!

— Унчалик эмасдир... Иккинчидан, Севастополни олиши ва, учинчидан, флотни маҳв қилиши керак. Қўрасизки, душман чақмоқчи бўлган ёнғоқ уч қават қобиқдан иборат: қўшин, қалъа, флот. Биринчи қобиқ бугун дарз кетган бўлиши мумкин. Яна иккинчи ва учинчи қобиқлар бор,— учинчиси жуда қаттиқдир, деб умид қиласман...

Бельбекка етмасдан кимсасиз йўлда отлиқларга тўдаттуда солдатлар учрай бошлади. Улар Севастополь томонга қараб bemalol ва тарқоқ ҳолда, қовоқларини солиб,

инدامасдан келар ва йўлда учраганларга йўл бўшатиб беришга ошиқмас эдилар. Фидираклари катта-катта бир неча татар аравалари учради,— улар фижир-фижир қилиб кетарди. Баъзи араваларда яраси боғланган латталари қип-қизил қонга бўялган ярадорлар сиқилишиб ўтиар, баъзиларида эса чўзилиб ётар эдилар. Сўқмоқ йўллардан тизилиб келаётган одамлар олисдан қорайиб кўринарди. Тепаликнинг у ер, бу ерида кичкина-кичкина гулханлар милтиллаб кўринарди. Яланг тепаликларда ҳозирданоқ совуқ сезилар эди, кечасига бориб совуқнинг кучайиши равшан эди, бироқ шунга қарамасдан Севастополга сурдариб боришга мадорлари қолмаган солдатлар очиқ далада тунашга ҳозирланар эдилар. Дарё лабига туша беришдаги гулханлар ёруроқ ёнарди. Бельбек кўпригини пиёдалар босиб кетганди. Кўпrik ёнидан дарёнинг икки томонидан отлиқ аскарлар ўтиб турарди. Отлиқлар дарёдан кечиб ўтгач, тепаликка чиқдилар, у ердан давон ошиб келаётган сонсиз-саноқсиз қўшин кўриниди. Найзалар ялтирас, отлиқ аскарларнинг қиличяроқлари шақирлар, замбаракларнинг фидираклари тошга тегиб жаранглар эди.

Сўниб бораётган бир неча гулхан алансаси тикка жарлик тепасида қурилган Бельбек телеграфининг манорасини ёритиб турарди. Корнилов ва унинг ҳамроҳлари отларини телеграф томонга бурдилар: Меншиков қароргоҳи ўша ерда эди.

Манора тагида бир неча чодир кўринди. Сўниб бораётган гулханлар ёнида Меншиков конвойига қарашли офицер ва гусарлар⁶⁹ туар эди. Улар Меншиков манора тепасида дейишли. Корнилов билан Тотлебен қоп-қоронғу буралма зинадан манора тепасига чиқдилар. Плашчга ўралиб олган Меншиков панжара олдидан денгиз томонга қараб турарди. Князнинг ёнида яна уч киши бор эди. Улардан биттаси ерда турган сигнал фонисни олди-да, келганларнинг юзига бирма-бир солиб кўриб:

— Ҳазрати олийлари! Адмирал Корнилов билан полковник Тотлебенлар ҳузурингизда...— деб билдириди.

Корнилов овозидан унинг кимлигини таниди: у ҳазратнинг шахсий адъютанти, Меншиков штабига юборилган флот лейтенанти Стеценков эди. Қейин Стеценков фонисни князнинг шу кунлардаги бош маслаҳатчиси полковник Вунш ва ротмистр Грейг-юзига солди.

Меншиков қелганлар билан сўрашди ва ўлардай чарчаган қишининг овозидай хириллаган овоз билан гапира бошлади:

— Келдингизми, адмирал... Сизнинг келганингиз ҳам яхши бўпти, полковник... Марҳамат қилиб, полковник, дарҳол Мекензи тоғига жўнанг. Қўшинлар ўша тепаликларни эгаллаши керак. Ҳозир ўша томонга силжиб бормоқда. Биз у ерга бориб душманнинг ён томонидан марра қурамиз; душман шимол томондан Севастополга ҳамла қилмоқчи. Мекензи тоғини мустаҳкамлаш керак. Нима қилиш зарурлигини ўша ерга борганда ўзингиз билиб оласиз. Бу ишнинг мутасаддиси — ўзингиз...

Шошиб қолганидан Тотлебен нима деб жавоб беришни билмай қолди. Князь Тотлебенни кутмаган эди, шунинг учун уни кўриши бланоқ оғзига келган гапни айтган бўлса керак.

Полковник Станюковичдан арз қилишга уриниб кўрди. Башарти душман ҳақиқатан ҳам Шимолий томонга силжиб бораётган экан, у ерадиги истеҳкомларни мумкин қадар тез мустаҳкамлаш керак, бинобарин, материаллар ҳам ниҳоятда зарур. Станюкович эса қайсарлик қилиб, бирон нарса бермаялти.

— Хўп, хўп, буларнинг ҳаммасини ўзим ҳам биламан,— деб зарда билан жавоб берди Меншиков.— Қейин гапиришамиз... Аммо сиз ҳозир жўшашингиз керак...

— Ҳозирнинг ўзидами? Шу оннинг ўзида-я!

— Ҳа. Мен аниқ ва равшан айтган бўлсан керак.

— Бош устига, ҳазрати олийлари.

Тотлебен елкасини қисди, аммо қоронғуда буни ҳеч ким сезмади. Пайпаслаб пастга тушаркан, энди нима қилишини билмасди. Чарчаганидан зўрға оёқда туради.

Тотлебен кетганидан кейин Меншиков Корниловга муружаат қилди:

— Мен сизни, адмирал, бир иш билан чақиртирдим. Иттифоқчилар, Шимолий томонга атака қилганда, бизни икки ўт ўртасига олиш учун ўз флотидан фойдаланиши аниқ: уларнинг флоти бухтага киришга уринмай қолмайди. Зинҳор бунинг олдини олиш керак, бунинг учун рейдинг оғзини бўғиб қўйиш керак бўлади... Бухтанинг кўндалангига етарли миқдорда эски кемаларни,— буни ўзингиз танлайсиз,— чўқтиришни таклиф этаман...

— Флотни рейдга қамаб қўйинг демоқчимисиз? Бунинг ҳеч иложи йўқ, ҳазрати олийлари,

— Марҳамат қилиб, жўнанг ва буйруқни адо этинг! — деб зарда билан Корниловнинг гапини кесди князъ.

Корнилов кафтини козирогига қўйди, шпорларини жаранглатиб, эшик томон қайрилди. Корнилов кетидан Стеценков ҳам тушди ва у энди отга минаётганда ёнига келди. Тотлебен, ёнига бир казакни олиб жўнаб кетган эди. Корнилов:

— Лейтенант, дарҳол денгиз батальонларини топингда, менинг буйруғимни билдиринг: тўғри Севастополга боришаверсин. Севастополда ҳаммалари ўз кемаларига тарқалишсин,— деб буюрди.

— Есты!

— Кейин бўлганича бўлар! — деди Корнилов ва отини йўлга солди.

Тотлебен Бельбекнинг чап қирғоғига ўтиб, Мекнези тоғининг атрофини қамраб олган эманзорга қараб тепалик орқали ўтаётганида тонг ёришиб қолган эди. Бу атрофларнинг ниҳоятда кимсасиз эканлигини қўриб, таажжубланди. На бирон ҳарбий пиёдалар қисми, на отлиқ аскарлар ва на бирон обоз кўринарди. Башарти князъ қўшинга шу томонга сийжиши буюрган бўлса-да, буйруқни ҳеч ким бажармаган. Бу буйруқни баҳариб бўлмаслигини Тотлебен бир оздан кейин билди. Қўшиннинг бир қисми Бельбекдан тўппа-тўғри Шимолий томонгэ қараб кетган, асосий қисми эса худди баҳор тошқинидай, водийга оқиб тушган эди: Севастополга олиб бораётган катта йўл худди шу ердан ўтарди. Роса ҷарчаган, елкалирига яроқ-аслаҳа ортган минглаб кишиларни эндиликда ҳеч ким қайтара олмасди ҳам, тоққа чиқишга мажбур ҳам эта олмасди. Қўшин Севастополь истеҳкомларининг паноҳига, Севастополь казармалари ва уйларига интилар эди. Тонг отиши билан катта йўлда ҳаракат кучайди: обозлар, замбараклар, ярадор солдатлар ва ўз қисмларидан қолиб кетган солдатлар боради. Изғирин сувук қувиб бораётган бу халойиқ дарёсига қўшилиш Севастополга фақат туш пайтида етиб бориш деган гап эди. Тотлебен халойиқ оқимини аранг кесиб ўтди-да, тог оралаб кетган сўқмоқ йўлдан ўз уйига, Шимолий томонга йўл олди.

Корнилов ҳам офтоб чиқмасданоқ Шимолий томонга қайтиб отини батарея ёнидаги казакка берди-да, қайиқقا тушиб, кемага — Нахимов ёнига кетди. Подёмга ҳали анча бор эди. Команда уйқуда эди. Адмиралнинг кема ке-

тидаги хонаси деразалари ёруғ әди. Корнилов, фалрепчи-ларни трапга қақириб овора қилмасин деб, вахта бошлиғини қўл ишораси блан тўхтатди-да, қайиқдан лип этиб сакраб, палубага чиқди.

— Мичман, буюринг, адмирални уйғотишсин! — деди Корнилов, вахта бошлиғига.

— Павел Степанович ҳали ётмаган бўлсалар керак: боя бир қучоқ инглиз газеталарини олиб келишувди. Ўқиб ўтириптилар...

— Жуда соз!

Корнилов адмирал эшигини қоқди.

— Киринг! Э, сизмисиз, Владимир Алексеевич! Жуда яхши кепсизда! Ростини айтсан, сизни келасиз деб ўтирувдим. Хўш, армияда нима таплар? Ҳазрати олийни кўрдингиэм? Нима деб буюорди? Ўтилинг...

Нахимов ёнида ерда бир қучоқ газета очиқ-чочиқ ётарди. Столда патнис, патнисда — қўл текизилмаган бир стакан чой билан бир шиша вино турарди.

— Тоққа совуқ тушибти.

— Камбузда* ўт ўчиб қолгандир. Иссик чой таклиф этишга ожизман.

— Вино ича қоламан.

— Ҳазрат олий нимага чақирирган экан? Ўтирас-нгизчи.

Корнилов торгина каюта ичидаги беш қадам у ёққа, беш қадам орқага юра бошлади.

— Ҳазрат қўшинга Мекензи тоғига силжишни буюорди, Тотлебенин ҳам ўшоққа юборди.

— Нима учун?

— Қўшиннинг қандай марра қуриши мумкинлигини билиш учун... Демак, меҳмонни эртага Шимолий томондан кутиш керак.

— Майли! Оташин кутиб оламиз! Бу тўғрида киязъ қандай амр қилди?

— У душман флотининг бухтата кириш йўлини тўсиш учун рейдга қемаларни чўктиришни буюорди...

— Анови қабоҳатни қаранг! — деб юборди Нахимов, бирдан дарғазаб бўлиб, бироқ шу ондаёқ илова қилди:— Аслини айтганда, мен буни кутмаган бўлсам-да, аммо ақлли гап бўлти!

Нахимов девор жовонидан оғзига мум суртиб бер-

* Камбуз — кемадаги ошхона.

китилган шиша билан иккита баланд ва нозик стакан олди.

Шиша оғзидағи мумни авайлаб қоқиб туширап әкан деди:

— Бу тинони атайлаб алоҳида бир муносабат билан ичишга атаб қўйганман. Бундай тонгда bemаза вино ичамизми, азиз дўстим! Бу — асл амонтилиадо. Уриштирайлик!

Винони очиб бўлгач, Нахимов уни лойқатмаслик учун секин энгаштирди-да, жилдиратиб қўйиб, иккала стакани тўлдирди.

Стаканларни уриштириб, бир қултумдан ичишди.

— Мазали вино, ҳушбўй әкан,—деб мақтади Корнилов.

— Бўлмасачи! Ўткир херес! Броҷетоннинг Лондон подвалидан келтирилган. Испан виносини фақат Англиядан олдириш керак... Энди қулоғим сизда, азиз дўстим. Қани айтинг: қўшин ҳақиқатан ҳам Мекензи тоғига қарраб кетяптими?

— Қаёқда! Бари шаҳарга оқиб келмоқда... Қўшинларнинг бари эрта кечқурунгача Севастополга келиб бўлади. Мен ўзимнинг эски фикримда қоламан. Стеценковни юбордим, денгиз батальонлари дарҳол бу ерга қайтиб, кемаларга тарқалсан деб буюрдим.

— Кейин нима бўлади?

— Флот денгизга чиқади. Жанг қиласиз. Очиқ жангда ҳалок бўлган яхши!

— Бўлти! Сизнинг лойиҳангизни яна бир марта муҳокама қилиб чиқамиз...

— Бир марта муҳокама қилдик-ку! Назаримда, сиз ҳам менинг фикримга қўшилган эдингиз шекилли...

— Тамоман эмас! Агар сиз — «Флот қўмондонлигини ўз қўлимга оламан» деб байроқ кўтарсангиз — мен сизга бўйсунаман. Истомин, Новосельскийлар ҳам бўйсунади... Биз борамиз — сиз билан, дўстим... Икки ўртамиизда бўлган гап мен учун муқаддас, ҳеч қайтмайман.

— Сизга ишонаман, адмирал. Кема командирларига ҳам...

— Командаларга ҳам деб қўшиб қўйинг! Команда деган сўз — ўн минг киши деган сўз! Флотнинг ўзи нима? Кемаларми? Йўқ! Қора денгиз флоти фақат кемаларнинг ўзи эмас, одамлар бор — флот бор. Ўттиз-қирқта кемани бир йилда қуриш, боринг икки йилда қуриш мумкин,

одамларни ўттиз йилдан бери тарбиялаб келамиз, ахир! Гап бир неча кемани чўқтириб юбориша эмас, майли, бунинг зарари йўқ, аммо одамлар билан бирга Қора дengiz флоти руҳини ҳам чўқтириб юбориш — бутунлай бошқа гап. Мана бунинг зарари катта бўлади!

Корнилов бармоқ учини чеккасига қўйди. Нахимов давом этарди:

— Ўзимизни помешчик деб билиш, матросларни эса крепостной деҳқон деб ҳисоблашга хотима бериш керак, ахир. Бутун флотининг куч-қуввати — матросда! Керак бўлса, матрос ўлимдан ҳам қайтмайди.

— Бу гапларни бошқаларга айтсангиз айтинг-ку, лекин менга айтманг, Павел Степанович! Буни ўзим ҳам яхши биламан ва гапингизга тамомила қўшиламан.

— Нимага айтмас эканман? Мен сиз билан худди ўзим билан гапиришгандай гапиришаман... Мен: «сизга» деяганим йўқ, «бизга» деяпман. Албатта, кемаларга одам ачинади, аммо мен кўпроқ одамларга ачинаман. Бунга тушуниш керак-да. Кемани ҳаракатга келтириб турган асосий куч — матрос. Елканларни бошқарадиган ҳам матрос, замбаракларни мўлжалга тўғрилайдиган ҳам матрос, керак бўлган тақдирда абордаж қиладиган ҳам матрос. Агар биз бошлиқлар худбин бўлмасак, ўз хизматимизга иззат-нафсимизни қондириш йўлидаги бир дастак деб қарамасак, қўл остилиздаги одамларга эса юқори амалга чиқишидаги бир пофона деб қарамасак, матроснинг қўлидан ҳар нарса келади. Матрослар! Агар биз ўзимизни худбин деб билмасак ва ҳақиқатан ҳам ватнга хизмат қиласмиз десак, матросларнинг қадрига етимиз, уларда мардлик, қаҳрамонлик уйғотишимиз керак! Кемаларни-чи? Кемаларни бўлса қура берамиз.

Корнилов Нахимовнинг сўзини сабр билан тинглади.

— Бунинг ҳаммасини биламан, Павел Степанович, ҳамма фикрингизга қўшиламан. Аммо қўшиндагилар нима дейди? Ахир, қўшиндагилар ҳам одам-ку? Ана, Меншиков Альма бўйида қарийб беш минг одамни қурбон қилди. Солдатлар: «флот нима иш қилди? Душман бизни кемалардан туриб тор-мор қилганда, бухтага бекиниб олди» демайдими?

— Деса деяверсии. Флот ўз бурчини бажаради. Ҳамманинг кўз олдида бажаради... Тантана — дабдабасиз бажаради! Сиз князни ҳисобдан чиқариб ташламанг-да, у ҳали нима дейди. Уни ҳисобдан чиқариб бўлмайди...

Биз бухтадан бирии-кетинг рэйдга чиқсак, у: «флот исси күттарди, ўқса тут!» дейиши турган гап. Қирғоқ батареяларида замбараклардан ўқса тутмасликларига амин-мисиз?

— Мен князни кўндириш умидидаман. Флагман билан капитанларнинг бирдамлигига ишониш им керак, мен учун энг муҳими шу. Бугун ҳаммани тўпламоқчиман, айтайлик, эрталаб соат саккизларда. Сизнинг ҳам боришингизни сўрайман... Кенгашда менга эътироуз билдири-массиз?

— Мен индамай ўтираман!.. Аммо олдин яхшилаб ухлаб олишингиз керак. Жуда ҳаяжондасиз... Командалар ҳам шайланиб турипти... Сиз қабул қиласиган қарорни жуда совуққонлик билан, олдин яхшилаб ўйлаб қабул қилиш керак. Ҳали яна уч соат вақтингиз бор. Дам олишингизни маслаҳат кўрардим.

— Маслаҳатингиз учун ташаккур. Шундай қиламан... Хўп, демак соат саккизда штабда кўришамиз.

— Есть.

Хайрлашаркан, Корнилов Нахимовнинг қўлини ушлаб туриб:

— Менинг иззат-нафс йўлидан эмас, балки ватанга муҳаббат ва хизмат бурчи йўлидан боришимга ишона-сизми?— деб сўради.

— Ишонаман!—деди Нахимов, Корниловнинг қўлини қаттиқ қисиб.— Мен сизга тамомила ишонаман!

Бироқ Нахимовнинг ўз қўлини дўст қўлидан чиқариб олмоқчи бўлгандаи сезилар-сезилмас қилган ҳаракатини Корнилов сөзди.

— Сўзимга ишонинг, Павел Степанович, бундан ҳам ёмон бўлиши мумкин. Рост айтасиз: матрослар жуда шайланиб туришипти. Уларни зарядланган лейден банкаси деса бўлади... Уларга эҳтиёт бўлиш керак. Бўлмаса, тўсатдан...

— Тўсатдан нима бўлиши мумкин?

— Тўсатдан матрослар кемаларни чўқтиришдан бош тортиб, «Уч авлиё»даги ҳамма замбараклардан «Громоносеци»ни ўқса тутиб қолса, унда нима бўлади?

— Ундами? «Громоносеци»нинг крюйткамерасида иккюз пудча порох бор. Пароход князь билан бирга осмонга учиб кетади... Бундай бўлиши мумкин эмас. Бўлмаган гап бу! Бунга мен йўл қўймайман!..

— Хўп, демак мен сизни роса соат саккизда кутаман.

— Маъқул. Бир ухлаб олинг, дўстим.

Флотда тайинланган вақтдан кечикиб келиш ҳам, илгари келиш ҳам баравар гуноҳ ҳисобланади. Униси ҳам, буниси ҳам хизмат қоидаларини қўйол бузиш қаторига киради. Шунинг учун рейдда склянка уриши ва кемаларда «Байроқ тагига!» деган команда берилиши биланоқ, хизмат бўлмасида какку саккиз марта сайраб бўлгандан кейинноқ, шаҳардаги денгиз штаби биносига ҳар томондан флагманлар, адмираллар ва кема командирлари тўплана бошладилар.

Корнилов ухлаб ололмади: навбатчи миrzани уйғотиб, ҳарбий кенгашга таклифнома ёэдиришга зўрға улгурди, кейин яна бир қанча буйруқ ёэдиришга тўғри келди. Адмирал фақат ярим соатгина қаттиқ диванда ётиб дам олди, бошининг тагига кекса Могученко ястиқ қўйиб берди.

Таклиф этилганлар, четига зар попук тақилган кўк мовут солинган катта стол атрофига ўтирдилар. Деворлардан Пётр Биринчи бошлилигида рус адмиралларининг расмлари қараб туар туди.

Корнилов кенгашни нима учун чақирганини билдириди:

— Мен сизларни, жаноблар, мавжуд шароитда флотинг нима қилиши ҳақида яқдиллик билан бирон қарорга келиш учун чақирилдим. Альма бўйида бўлган жангда қўшин мағлубиятга учради, шу топда қўшиннинг бир қисми Шимолий томонга силжиб келмоқда, кўпчилик қисми эса Инкерман кўпприги орқали ўтиб келмоқда, олдинги колонналар Сапунгора тоғини ошиб, шаҳарга тушиб келмоқда. Йўлда ҳеч қандай тўсиққа учрамаган душман Инкерман тепаликларини ҳам эгаллаши мумкин. Шимолий истеҳкомларга ҳамла қилиш билан бирга, душман айни вақтда тепаликлардан туриб адмирал Нахимов эскадрасига қарши ҳам жанг бошлаб, флотимизни ўз позициясидан силжишга мажбур этиши мумкин. Бизнинг позициямизнинг ўзгариши душман флотининг рейдга кира олишини осонлаштиради. Башарти шу вақт ичida душман қўшинлари Шимолий истеҳкомни қўлга киритса, Қора денгиз флотини ҳалокатдан ёки шармандаларча таслим бўлишдан ҳеч нарса қутқаролмайди. Нима қилишимиз керак? Менинг фикримча, денгизга чиқиб, душман армадасига⁷⁰ ҳужум қилишимиз керак. Муваффақият қозонсак душман флотини йўқ қилиб, унинг қўшинларини

янги аскар ва озиқ-овқат билан таъминлаб туриш имкониятидан маҳрум этган бўлмаса, душманга яқинлашамизу, абордаж қиласиз ва башарти енголмасак, дуч келган кемаларни портлатиб юборамиз. Шундай қилсак, биз рус байроғи шон-шуҳратини сақлаб қоламизгина эмас, балки жонажон шаҳримиз билан портии ҳам қутқариб қолган бўлмаси. Кемалари ҳало-катга учраган душманнинг шундан кейин мадори қурийди ва Севастополнинг қирғоқдаги батареяларини денгиздан туриб атака қилишга журъат этолмайди. Флот ёрдами тегмагандан кейин душман қўшинининг ҳам шаҳарни олишга кучи етмайди. Бизнинг қўшинларимиз шаҳар ичига мустаҳкам ўрнашиб олиб, янги кучлар етиб келгунча туриб бера олади.

Корниловнинг сўзини тингларкан, ҳамма гоҳ унга, гоҳ адмирал Нахимовга қараб-қараб қўяр эди. Нахимов креслода буқчайиб ўтирап эди.

Адмирал Нахимов қимир этмасдан кўксига бошини солинтириб, ер остидан Корниловга кўм-кўк меҳрибон ва жони кўзлари билан қараб ўтирап эди.

Корнилов ҳамишә ихчам, озода кийинар, сочини текис тараб юрар эди; одамларга қараганда тик ва кибр билан қарап, елкалари баланд, қорнини анча тортиб боғлаб юрар эди, бунинг сабаби қисман тикувчининг усталигида бўлса, аммо асосан унинг пойтахтда свита генерали⁷¹ бўлиб юрганда шундай тутишга одатланганида эди. Гапирганда ҳам худди Петербург гвардиячиларига ўхшаб, тилини сал чучук қилиб гапиради. Бугун соқолини қирдиришга улгурмаган ва фақат бошидан совуқ сув қуйиб ҳўллаш билангина кифояланган эди. Уйқусизликдан қизарган кўзлари, соқоли қирилмаган сурранг юзи Корниловни анча қарироқ ва тўлароқ қилиб кўрсатарди. Рұксиз товушининг бир оз хириллаб эшитилиши сўзлаш одатини бузар эди. Хуллас, Корнилов ҳозир анча соддарақ ва ҳаммага яқинроқ бўлиб қолган эди.

Корнилов гапириб бўлгандан кейин орага оғир сукунат чўкди. Қовоқлари солинган ва тумшайған қиёфаларга қараган Корнилов бу сукунатдан ўзининг таклифига ҳамманинг қўшилмаганини сезди.

Корнилов ҳаммага бир-бир қараб чиқиб, ахир адмирал Панфиловда тўхтади. Адмиралнинг кумушдай оқарган соч-соқоли қамраб турган қип-қизил юзи Корниловга нечукдир совуқ кўринди.

Панфиловнинг кўзлари соддадиллик билан кулиб боқар, лаблари эса алланималарни пичирлар эди.

— Бир нарса демоқчимисиз, Александр Иванович?— деб сўради Корнилов.

— Рұхсат этсангиз, Владимир Алексеевич, сиз тавсия этган ажойиб режанинг моҳиятидан мустасно бир ҳолда, бир неча савол беришга журъат этардим. Мен ва, назаримда бошқалар ҳам, шу нарсаларни билиб олишимиз керакка ўхшаб турибди. Сиз ҳазрат олий билан кўришибсиз ва, бинобарин, мазкур ҳарбий кенгаш Қримдаги барча деңгиз ва қуруқликдаги қўшинлар қўмондонининг розилиги ва амри билан ўтказилмоқда деб биламиз. Сиз деңгиз штабининг бошлиғисиз, бунга ҳақингиз бор. Шундай экан, бу ҳарбий кенгаш...

— Йўқ,— деб жавоб берди Корнилов.— Князь ҳарбий кенгаш чақиришни топширгани йўқ, унинг бундан хабари ҳам йўқ. Кенгашни ўзим чақирдим, таклиф ҳам меҳники.

— Бундай ҳолда,— деб давом этди Панфилов,— бу ҳарбий кенгаш эмас экан, биз регламентга амал қилмасдан, эркин гапираверишимиз мумкин экан. Бўлмаса ўтирганларнинг ҳаммаси оғзига толқон солиб олганга ўхшайди.

— Яна нимани сўрамоқчи эдингиз, Александр Иванович?— деб сўради Корнилов, зардасини яширмай.

— Яна дейсизми?— Панфилов мажлис аҳлига бир-бир қараб чиқди.— Бу ерда мен адмиралларнинг улуғи Михаил Николаевич Станюковични кўрмаяпман. Унинг князь билан муносабати яхши. Улар тенгдош ва маслакдош одамлар. Станюкович бу ерда ҳазрати олийларининг вакили ўрнини босган бўларди. Бу мажлисга Станюкович таклиф этилганмиди?

— Йўқ! — деб жавоб берди Корнилов.— Адмирал Станюковични таклиф этганим йўқ. Бу ерга мен фақат строй бошлиқларини тўпладим. Станюкович — порт командири...

— Гапингизга тушуниб турибман, Владимир Алексеевич: порт командири стройдан ташқари бўлган бир амал. Аммо адмирал Станюковичнинг стройдан мансаб эгаллашга иштиёқи катта эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз...

Ҳамма мийифида кулиб қўйди. Елғиз Нахимов кулмади.

Панфилов товушсиз кулгидан силкина-силкина ва қўлини эшик томонга чўзиб туриб:

— Ана, ўзи ҳам келиб қолди! — деди.

Ҳамма лаңг очиқ турган эшикка қаради.

Станюкович қўлларини кериб, кесакини ушлаб ва бошини эгиб, эшик остонасида тўхтади. Ўзининг кириши билан адмирал ва капитанлар қўрқанларидан қочиб кетишади деб ўлаб, уларнинг йўлини тўсиб турармиди, ё кесакига тираниб туриб, столга иргимоқчи эдими, ё бўлмаса гандиракламаслик учун кесакини ушламоқчи эдими — буни билиб бўлмасди, кейинги тахминан тўғрироқ бўлса керак, чунки стол томонга қараб юргач, кўзини қисиб ўзига ўзи:

— Роса чайқатаяптими-а! Оҳ! — деб пўнғирлади.

Шу онда зўр тўлқин урган бўлса жерак, оёғи татигдан палуба қочди-да адмирал стол ёнида турган креслони мўлжаллаб туриб оёқларини пилдиллатиб чопди, бироқ кресло ёнидан ўтиб кетиб, тўғри бурчакка бориб урилди-да, дераза ёнида турган стулга ўтириб қолди...

— Гарчи, ҳамма гапдан хабарим бўлмаса-да, сизларга ҳалал бермайман, жаноблар! Давом этаверинглар! Аммо огоҳлантириб қўйишим керак. Пошшолик мулкини талон-тарож қилишга ҳеч кимга йўл қўймайман! Бу қандай бемазагарчилик? Инженер Тотлебенга ёғоч, тахта, хода бериш тўғрисида қайиқсоз уста Мокроусенкога буйруқни сиз бердингизми? Флагман мен бўлганимда, ҳозирнинг ўзида Мокроусенкони дорга остирап эдим. Нима бу: портми ё қовоқхонами?

Корнилов ғазабини босиб туриб жавоб берди:

— Мен ҳеч кимга буйруқ берганим йўқ, ҳеч нарсадан хабарим ҳам йўқ.

— Хабарингиз йўқ, ёғочни эса олиб кетишипти. Е худо, ўн икки йил давомида сушилкада қуритилган ва тобига етказилган ёғоч эди-я!

Нахимов ўрнидан турди-да Станюковичга деди:

— Михаил Николаевич! Айб менда. Мокроусенко ҳам ўзбошимчалик қилгани йўқ. Сиз ухлаб ётган экансиз, уйқунгизни бузмай деб, Ключниковга мурожаат қилдим. Ключников порт капитани, қайиқсоз устага буйруқ беришга ҳақи бор. Ёғоч масаласига келганда, ҳамма запасларни беришга тўғри келади — зарур бўлиб қолди. Ҳазрати олийларининг ўзи сизга буйруқ беради. Ключни-

ковни судга беришингиз мумкин, у сизнинг ихтиёрингиздаги одам.

— Бераман ҳам-да. Мокроусенкопи остираман! Складимда дорга яроқлик хода топилиб қолар! Эҳ! Сиз ҳам менга қарши чиқибсиз-да, Павел Степанович! Сиздан буни кутмаган эдим!.. Эҳ!

Станюкович кўзини қўли билан беркитиб пиқ этди, сўнгра ўрнидан турди-да, хира босган кўзлари билан мажлис аҳлига қараб чиқди, кейин бирдан дадил қадамлар билан эшикни маҳкам ёпиб чиқиб кетди.

Станюкович қандай тўсатдан кириб келган бўлса, шундай тўсатдан чиқиб кетди. Бу ҳодиса мажлисдагиларнинг оғир кайфиятини очиб, тилларга жон киритди. Бир неча киши бирдан сўзламоқчи бўлди. Энг олдин биринчи ранг капитан Заринга сўз берилди.

— Владимир Алексеевичнинг таклифига жони-дилим билан қўшиламан: бу таклиф олижаноб юракдан чиқкан таклиф. Аммо биз ва командалар севган адмиралимизнинг бу таклифини бажариб бўладими? Биз кейинги кунларда бу тўғрида кўп ўйлардик. Душман бухта оғзига кўз-қулоқ бўлиб турибди. Фараз қиласайлик, пароходларнинг ёрдами билан кечаси бир амаллаб денгизга чиқармиз, душман кўрингунга қадар сафга тизилиб ҳам олармиз. Бироқ денгизда бирдан штиль бўлиб қолиши мумкин. Шундай бўлгудай бўлса, душман елканли кемаларини ишга солмасдан, ёлғиз пароходларнинг ўзи билан бизни тор-мор этиши турган гап. Кучли зюйд-ост⁷² туриб берса — бошқа гап. Зюйд ёки остдан туриб берган штормда ҳам душманни бемалол енгиб ташлардик. Аммо, бундай шамолнинг туришига ишониб бўладими? Ҳаммадан ҳам норд-ост туриб бериши мумкинлигини ҳаммамиз биламиз, қўл қовуштириб кутиб ўтириш ҳам мумкин эмас: агар шу бугун ё эртагаёқ денгизга чиқмасак, кейин чиқишининг аҳамияти қолмайди. Эртагаёқ душман Севастополь ёнига қуруқликдан ҳам, денгиздан ҳам келиб қолиши мумкин...

— Ўзингиз нимани таклиф этасиз, Аполлинарий Александрович? — деб сўради Корнилов.

Мен хусусий суҳбатда айтган гапимни яна такрорлайман: бир неча эскирган ва ишдан чиқсан кемаларни қурбон бериб, бухтага кўндалангига чўқтириб, рейд оғзини тўсиб қўйиш керак. Шаҳар мудофааси учун порох, замбараклар ва, энг муҳими, одамларни сақ-



лаб қолган бўламиз. Матрослар кемада туриб қандай жанг қиласа, батареяларда ҳам шундай жанг қилишга қодир...

Гарчи Зарин таклифига қарши айрим эътиrozлар билдирилса ҳам, яқдиллик билан бир қарорга келишга кўзи етмаслигини Корнилов сезарди. Нахимов ҳамон индамай ўтиради.

— Муҳокамани давом эттиришни ортиқча деб ҳисоблайман!— деди қуруққина қилиб Корнилов.— Денгизга чикишга отланинглар. Кимнинг нима қилиши кераклиги ҳақида алоҳида буйруқ берилади... Мен Меншиковнинг хузурига бораман...

Кенгаш тугади. Адмираллар ва кема командирлари штабдан чиқдилар. Корнилов штабдан чиқаётганда лейтенант Стеценковни учратди, у Меншиковнинг ҳамма пароходлар ва эшкакли кемалар қўшинни Шимолий томондан Шаҳар томонига ташишга ташлансин деган буйруғини етказди...

— Ҳазрати олийлари қайтиб келдими?

— Ҳа, ҳозир «Громоносец»да,— деб жавоб берди Степенков.

— Ҳозир, ўзим олдига бораман. Мен билан юришингизни сўрайман.

Меншиков Корниловни истеҳзо билан кутиб олди ва унинг саломига:

— Салом, адмирал. Эшитишмча, ҳарбий кенгаш қурибсиз? Қенгашингизда нималар тўфрисида гапирилди?— деб жавоб берди.

— Баъзилар, шу жумладан мен ҳам, денгизга чиқиш тарафдоримиз. Баъзилар кемаларни чўқтириш тарафдори.

— Кейингиси маъқул. Мен ҳам сизга шуни буюрган эдим.

— Мен буни бажара олмайман!

Меншиковнинг юзида фазаб аломатлари пайдо бўлди.

— Ундай бўлса, марҳамат қилиб, Николаев шаҳрига, ўз хизматингиз жойига жўнанг. Менга кераклигиниз йўқ. Лейтенант!— деб мурожаат қилди Меншиков, Степенковга.— Ҳозир боринг-да, Станюковични чақириб келинг.

— Тўхтанг!— деб қичқирди Корнилов.— Мени мажбур этаётган нарсангиз ўз-ўзини ўлдириш билан баробар... Душман қамалида қолган Севастополни ташлаб кета олмайман... Буйруғингизга бўйсунишга тайёрман!..

Кечқурун бульварда одатдагича музика чаларди. Бугун Қора денгиз флотининг йиғма оркестрининг навбати эди. Каттакон оркестр очиқ эстрадага зўрға сифар эди. Музикачиларниң шогирдлари — ёш болалар оркестр аъзолари олдида ноталарни очиб турардилар: ноталарни очиб туриш шогирдлар учун таълимнинг дастлабки босқичи эди. Болалардан бири оркестр пъесани чалиб бўлгунча, эстраданинг бир четида катта рақам ёзилган оқ картонни халойиққа кўрсатиб турди: картонга программа номери ёзилган эди. Устунга михланган бир варақ қоғоз бугунги концерт Глинка асарларидан бўлишини билдирад эди. Дастлаб «Руслан» увертюраси⁷³ чалинди. Капельмейстер⁷⁴, худди қўнғизга ўхшаган қоп-қора можор қўлларини шавқ билан кўтариб силкитиб, «Руслан» увертюрасини ниҳоятда тез суръат билан бошлади. Овози йўғон тўртта геликон⁷⁵ нота дафтарины очиб турган шогирд боланинг юзига шу қадар қаттиқ бўкирар эдики, бола қўрққанидан кўзларини пирпиратиб, сесканиб-сесканиб тушарди.

«Руслан»нинг жўшқин ва завқли музикаси шаҳарда ва рейддаги ҳолатга мос тушарди. Кўчаларда буйруқ ташувчи казаклар от чоптириб юрарди. Муюлишларда тўпланган аҳоли Альма жангида қатнашган офицерларни ўртага олиб турар эди. Баъзи уйларнинг олдида обивательларнинг лаш-луши ортилган татар аравалари турарди. Бир жойда очиқ деразалардан улоқтирилган тугунлар аравага ортилса, бир жойда нарса ва лаш-лушкинлар уйга ташир эдилар. Учинчи бир ерда извошлилар ё тезроқ жўнайлик, ё бўлмаса аравани бўшатиб қўйинглар деб, лаш-лушки эгалари билан жанжаллашар эдилар. Бу манзара худди катта ёнғин манзарасини эслатар эди: одамлар нима қиларини билмай, гоҳ уйни ташлаб кетишга шошилар, гоҳ ёнғин босилиб қолишига умидвор бўлган кишилардай, зир югуришар эди.

Тоғ тепасида телеграф тинмай қанот қоқарди. Кемалар бир-бирларига сигнал берниб турешарди. Шода-шода рангба-ранг сигнал байроқлари гоҳ мачталарга учеб чиқар, гоҳ яна пастга тушар эди. Рейдда барказлар⁷⁶ уёқдан-бүёққа сузиб юрарди. Граф пристанинг зинасига дам ўтмай вельботлар, тўрт эшкакли қайиқлар, тузиклар⁷⁷ ва яликлар⁷⁸ келиб турарди. Ташвишли флот офицерлари қайиқнинг келиб тўхтатишини ҳам кутмасдан зинага сакраб тушар эдилар-да, икки зинани бир ҳатлаб чопиб чиқар эдилар. Кемаларда боцманларнинг сурнайлари чалинарди.

Матрослар кўкракларини кема четига тираб, лангарларни кўтарар эдилар. Пароходлардан тутун чиқиб турарди. Пароходлар аҳён-аҳёнда чинқириб, кемаларни шатакка олар, қанотсизлантирилган кемаларнинг баҳайбат гавдлари эса секин-аста силжий бошларди. Шимолий томондан одамлар, отлар, аравалар ортилган шаландаларни эшкакли кемалар судраб келиб, Пересиль томонга, Жанубий бухтанинг юқори томонига олиб ўтиб кетарди. Адмиралтейстсонинг⁷⁹ метин деворлари тагида баркалар⁸⁰ турарди. Парусин бушлат кийган ластовой матросларнинг* баъзилари лаинг очиқ эшиклардан елкаларига қоп ортиб, баъзилари эса икки кишилашиб арқон бандли ёғоч яшикларни кўтариб чиқар эдилар-да, тахталардан илдам-илдам югуриб ўтиб кетардилар. Баъзи кемалардан улар борти ёнига келиб турган баржаларга алланималар туширилар эди, баъзи кемаларга эса қайиқ ва шаландалардан алланималар ортилар эди. Николай батареяси билан Александр батареяси ўртасига, катта бухтанинг қоқ ўртасига қайиқлардан нима учундир учига «маховка» ўрнатилган қозиқлар кўяр эдилар. Қозиқлар чайқалар, голиклари елпинар эди. Зумрад сув бетини пароход ғилдираклари ва сонсиз-саноқсиз қайиқларнинг эшкаклари кўтарган майдада тўлқинлар жимиirlатар эди.

Бульварнинг юқори хиёбонида одамлар тинмай у ёқдан-бу ёққа саир қилиб юрарди. Пиёдалар ва кавалериячиларнинг мундирлари орасида ясанган-тусангандон хонимлар кўп учрарди. Оркестр ёнида бирталай ёш флот офицерлари гурунглашиб туришар эди.

Оркестр увертиорани чалиб бўлиб, жим қолди. Флот офицерлари тўдаси орасидан онда-сонда чалинган қарсак товушлари эшитилди. Капельмейстер бошидан фуражкасини олиб, халойиққа таъзим қилди. Бола картоннинг орқасини ўгириб, 2-номерни кўрсатди; программага мувофиқ, «Черномор марши»⁸¹ чалиниши керак эди. Денгизчилар тўвидан фуражкасини «нахимовчасига» орқароққа суриб кийган бир мичман чиқиб, оркестр олдига яқин келди-да, капельмейстерга алланима деб қичқирди. Капельмейстер бунга жавобан иккала қўлини ёзди. Денгизчилар шовқин кўтариши:

— Кошут! Кошут марши чалинсйн! — деган қийқириқлар эшитилди.

* Йокчи матрослар.

Музикачилар ўтирган сўри олдига бирталай одамлар тўпланди. Хонимлар дengизчиларнинг талабини қўллаб, чапак чала бошладилар. Капельмейстер тингловчиларнинг хоҳишини қондириб, музикачиларга баланд овоз билан:

— Кошут марши! — деб қичқирди.

Бола 2-иомерни олиб қўйди. Тирик пюпитлар⁸² нота дафтарлариши суюна-суюна ёпдиларда, қўлларини туширдилар: Қора дengиз флотидаги ҳамма оркестрлар Кошут маршини ёддан билар ва нотага муҳтож эмасдилар.

Юзта мис карнайли оркестр баҳайбат барабанларнинг гумбури остида бирдан зўр куч билан чала кетди. Ғазабланган халқ аламонининг ҳайқириғига ўхшаган бу төвушлар фонида кичкина барабанлар илдам қадам мақомида дириллай бошлади. Барабанларга най билан инглиз сурнайлари қўшилди. Улкан оркестр барабан ва наиларининг кетидан эргашиб, оташин венгр рақси янглиғ маршга қўшила кетди.

1849 йилда бўлиб ўтган Венгрия революциясининг йўл бошчиси Лайош Кошут Венгрия қироллари Габсбурглар хонадонини тахтдан тушириб, республика тузган эди. Рус императори Николай Биринчи Австрия императори ҳамда Венгрия қироли Франц-Иосиф Габсбургскийнинг тахтини ҳимоя қилиш учун Венгрияга аскар юборди. Революцион қўшинларнинг бош қўмондони Гергей мағлубиятга учраб, таслим бўлди. Кошут бир тўда революцион қўшинлар билан биргаликда Туркияга қочиб ўтишга муваффақ бўлди. Россия билан Австрия Туркия султонидан Кошутни қайтариб берништи талаб этдилар. Султон бундан бош тортди: меҳмондўстлик бурчи меҳмонни тутиб беришга йўл қўймас эди.

Кошутнинг революцион марши Қора дengиз флотининг севимли марши бўлиб қолганди.

Оркестр олдидаги халойиқ тобора кўпайиб борди. Айрим жойлардан ҳайқириқлар ва «ура» садолари эшитила бошлади.

Дengизчилар аламони ичига кириб қолган ёшгина бошяланг бир пиёда офицер, нима бўлаётганига тушунмай атрофга аланглаб қарап эди. Намланган кўзлари чақнатан ёшгина бир жувон бошидан безакли чепчигини⁸³ юлиб олди-да, офицерга узатиб, ғазаб билан француз тилида:

— Жанг майдонидан орқангизга қарамай қочибсиз шекилли, афандим, каскангизни йўқотиб қўйибсиз. Мана, менинг чепчигимни кийиб олинг! — деб қичқирди.

Ёш офицернинг юзи лоладай қизариб кетди, нима деб жавоб беришни билмади-да, юзини тескари буриб, одамларни итариб ва кўзига ҳеч нарса кўринмай, аламон ичидан чиқа бошлади.

Байроқ туширилишига бир соат қолганда бульвар бир пасда бўшаб қолди. Музикачилар саф тортдилар, шогирд болалар оркестр олдига тизилиб турдилар. Сўнгра пристани томонга илдам чопиб кетдилар-да, кемалардан келган барказларга тарқалдилар. Барказлар уларни кемаларга олиб кетди.

Бу оқшом Граф пристани худди спектакль тугаган маҳалдаги пойтахт театри олдидаги майдонга ўхшарди: қайиқлар икки қатор бўлиб бир-бирларига тақалиб турарди; зинапоялар ўз қайиқларини кутиб турган денгизчиларга тўлиб кетганди; навбатчилар худди театр олдига карета чақиргандай, кемаларнинг номини қичқириб айтиб гапирав эдилар:

- «Флора» катери!
- Есть!
- «Селафаил» қайифи!
- Есть!

Офицерлар қайиқларга миниб, шошиб-пишиб ўз кемаларига жўнар эдилар.

Соат олтида «Ростислав» кемасига адмирал Корнилов етиб келди. Бошқа кемалардаги адмирал байроқлари ҳам ҳамма флагманларнинг рейдда эканлигини билдирадар эди. Князь Меншиков «Громоносец» деган пароход — фрегатга байроқ тикканди.

Кемаларда: «Байроқ туширишга ҳозирлансин!» деган команда берилди. Катта кемаларда оркестрлар «Шоншараф эгаси экан...» гимнини чалиб юборди, бошқа кемаларда горностилар⁸⁴ оқшом куйини чалдилар. Ҳамма бош кийимини ечди. Ҳамма кемаларнинг байроқлари секинаста пастга туширилди.

Байроқ туширилгандан кейин Корнилов «Уч авлиё», «Уриил», «Селафаил», «Варна», «Силистрия» кемалари ҳамда «Сизополь» ва «Флора» фрегатларининг командирларини «Ростислав»га чақирирди.

Кемаларнинг командири ҳам, офицерлари ҳам адмирал кемасидан берилган сигнални диққат билан кузатиб турар ва чақирилган командирларнинг номидан чўктириладиган кемаларнинг рўйхатини билиб олдилар. Ҳамма кемаларнинг командирлари, битта одам қолмасдан, палу-

бага чиқди. Офицерлар шканциларда тўпланиб турар эдилар.

Маҳкум этилган кемаларнинг капитан вельботлари сувга туширилиб, «Ростислав» томонга йўл олди. Чақирилган командирлар флагман кемасига ҳали етиб келмаган ҳам эдиларки, бирдан «Громоносец»дан сигнал берилди: ҳазрати олий адмирал Корнилов билан адмирал Нахимовни ўз ҳузурига чақирав эди.

Улар бир маҳалда етиб келиб, «Громоносец» трапида учрашдилар ва индамасдан қўёл сиқиб кўришдилар. Меншиков уларни адмирал салонида қарши олди ва адъютантини жўнатиб, кабинетига таклиф этди. Стол устида шам ёниб турарди. Меҳмонларга креслодан жой кўрсатгач, ҳазрати олий эшикни маҳкам ёпди.

— Афв этасизлар, томогим шамоллаб қолибди, қаттиқ гапиролмайман.— деди князь.— Хўш, қалай, Владимир Алексеевич? Буйруқ эълон қилиндими?

— Ҳазратларининг буйруғини эълон қилиш учун ҳозиргина командирларни кемага чақиртириб туриб эдим.

— Менинг буйруғим... Албатта, менинг буйруғим...— Меншиков бироз ғиншиб турди ва товушини янада пасайтириб, ҳушомадгўйлик билан деди:— Мен сизлардан бир нарса сўрамоқчи эдим, жаноблар... Кўлоғимга етган маълумотларга қараганда...

Меншиковнинг шивир-шивирини тузукроқ әшитиш учун Корнилов билан Нахимов бошларини унга яқин тутиб, кўзига тикилдилар.

— Мен томондан берилган буйруқ бажарилмай қолиши мумкин деб айтишади. Буйруқни сиз ўз номингиздан берсангиз яхши бўлмасмикан, Владимир Алексеевич?

Иккала адмирал ҳам ҳайрон бўлиб гавдаларини орқага ташладилар ва қадларини кўтариб олдилар. Корнилов бир он тек қотиб, фикрини йиғиб олди. Меншиковга Корниловдан олдин Нахимов жавоб берди:

— Қора денгиз флотида бурчга хиёнат қилувчилар йўқ!.. Қаршимизга ёв келиб турган пайтда исён кўтариш — бўлмаган гап! Сизга ким айтди буни?

Меншиков Корниловга қаради-да:

— Сизчи, Владимир Алексеевич, адмиралнинг фикрига қўшиласизми?— деб мондалаб сўради.

— Интизомнинг бузилишига ишониб бўладими? Сиздан яширмайман: эскирган кемаларни чўқтириш керак деган фикрингизга мен ҳам юрагим ачиган ҳолда рози-

лийк беришга мажбур бўлдим, бу фикр ҳозир кўпларга маълум. Бунинг айби менда ҳам эмас, Павел Степановичда ҳам, айб Станюковичда: унга ўзингиз айтгансиз, у ҳам кимни кўрса, шунга айта берган. Флотнинг нотинчлигидан ҳам сизга ўша хабар берган бўлса керак, ҳазрати олийлари, Станюковичнинг бу гапи тўғри: командалар нотинч, офицерлар ҳам, айниқса ёшлар...

— Нима учун бугун «Уч авлиё»га снаряд ортишди?

Корнилов Меншиковнинг кўзларига дадил қараб туриб жавоб берди:

— Снарядларни менинг буйруғим билан ортишди, буйруқни мен кемаларни чўқтириш ҳақидаги буйруқдан олдин берган эдим. Буйруқни қайтариб олмадим. Айниқса «Уч авлиё» нотинч: ҳозир ҳам команда денгизга чиқишимизга ишонади. Агар мен ўз буйруғимни бекор қилсам, матрослар кеманинг маҳкум этилганлигига ишониб, исён кўтаришлари шубҳасиз... Ҳазрати олийлари, ҳозир ҳам кеч эмас. Кемаларни чўқтириш ҳақидаги буйруқни бекор қилишингиз мумкин,— деб мулойимлик билан илтимос қилди Корнилов.— Буйруқ ҳали эълон қилингани йўқ...

Меншиковнинг сурранг юзи қизарди:

— Кемаларни чўқтиришнинг зарурлиги яқинда сизга ҳам равшан бўлиб қолишига аминман, адмирал. Марҳамат қилиб, кемангизга боринг-да, буйруқни эълон қилинг. Рейлда тартиб сақланишига адмирал Нахимов икковингиз жавобгарсиз...

Корнилов билан Нахимов хайрлашиб чиқиб кетдилар.

Нахимов билан бирга кемага қайтгач, Корнилов кемаларни тонг отаргача белгили қозиқлар ўрнига чўқтириш кераклиги ҳақидаги буйруқни номлари кўрсатилган кемаларнинг командирларига эшигтириди.

— Кемалардан тўғри келган нарсани, биринчи галда тўп, снаряд, пароходларни туширинглар, жаноблар,— деб буюрди Корнилов.— Кемаларни тонг отаргача чўқтириб улгуриш керак.

Нахимов унинг гапини маъқуллаб, бош силкитди.

Командирлар буйруқни бажаргани тарқалишди.

— Павел Степанович, шу ерда қолишингизни дўстингиз сифатида илтимос қиласман: сизнинг ёрдамингизга муҳтожман. Сиз билан ўзимни ҳотиржамроқ сезаман.

— Майли! Чой билан меҳмон қилсангиз, қоламан... Қайиқ юбориб, Могученко чолни олиб келтиришингизни сўрайман. У бизга керак бўлиб қолади: ўғли «Уч авлиё»-

да матрос. Ундан кейин, яна бир бўйруқ беринг: кўз-кўлоқ бўлиб туришсин, айниқса «Громоносец»га — кўрган нарсаларни дарров бизга хабар қилишсин.

Корнилов Нахимов айтган нарсалар тўғрисида буйруқ берди.

Қоп-қоронғу рейдда қемалар ҳаракатга келди. Эшкакли қемалар, маҳкум этилган кема ва фрегатларни белгиланган жойларга судраб олиб борарди. Қемаларнинг яланғочланган мачталаридан брамстенъгалар⁸⁵ туширилганидан қемалар кўзга худди «тўёткоқдай» кўрниарди. Қемаларнинг командалари ҳали туширилмаган эди, чунки улар қемаларни мумкин қадар тезлик билан оғир нарсалардан бўшатишлари керак эди.

Деярлик тўлинлашиб қолган ой бота бошлаган бўлса ҳам, ҳали атрофии сутдек ёритиб турарди. Корнилов билан Нахимов «Ростислав» кўприкчасидан қемаларнинг жойлаштирилишини кузатиб турар эдилар. Улар ёнидан энг кейин «Уч авлиё» ўтди. «Уч авлиё» командири шатак қемадан фойдаланишни истамади; кема пастки елканларини ёйиб, қирғоқдан эсиб турган шамол билан сузиб борар эди.

— Deids!* — деб юборди Корнилов.— Қуролсизлан-мапти-ку!

«Уч авлиё» қемаси қозиқ ёнига етиб борди-да, бир пасда елканларни йиғишириб, лангар ташлади ва бошқа қемалар билан бир қатордан жой олди.

— Офарин! — деб юборди Корнилов, бирдан ва бу мақтовнинг Нахимовга қаттиқ тегишини сезиб, тилини қиоib қолди, сўнгра давом этди:— Азиз дўстим, сиз ҳаммадан ҳам ўзингизнинг «Силистрия»нгизга ачинарсиз?

— Нимага? «Силистрия»нинг сувга туширилганига йигирма йилдан ошди. У энди кема эмас, жомашов-ку. Эҳ-а-а! «Силистрия»ни Мальтада оқиҳозлаганимда инглизларнинг қойил қолганини айтсангиз! Уларда фақат шоҳ яхта⁸⁶ларигина шундай серҳашам безатилади... Мен кўпроқ «Уч авлиё»га ачинаман. Синондан кейин⁸⁷ шундай тақдирга йўлиқиши... Алам қилади-да!

«Уч авлиё» қемаси бошқа қемалар қаторига бориб тургандан кейин, у томондан кўп одамларнинг ғовур-фувури эшитила бошлади. «Ростислав»нинг бакида тўпланиб турган матрослар ҳам, бу ҳайқириқларни эшитиб

* Падарига лаънат!

шовқин күтаришди: улар ҳали койкалариға жой солғанлари ҳам йўқ эди, аммо матросларга ҳеч ким қириб ётинглар ҳам демас эди. «Ростислав» офицерлари ҳам палубада тўпланиб туар әдилар.

— Сигналчи, кўряпсанми? — деб сўради Корнилов.

— Кўряпман! — деб жавоб берди сигналчи, ҳушчақ-чақ овоз билан. — Командалар бари тепада. Оғайнilar шовқин соляпти, аммо сабаби нимада — билиб бўлмайди...

— «Громоносец»га қара, нима гап у ерда! — деб буорди Нахимов.

— Есть! — деб жавоб берди сигналчи ва бир ондан кейин хабар қилди: — «Громоносец» фрегатининг ўнг томонидан вельбот сузиг кетди.

— Қайси томонга кетяпти?

— Граф пристанига.

— «Громоносец»га ортиқ қарама!

— Есть!

Нахимов шканцидагилар эшиитмасин учун секин шивирлаб:

— Мен ҳам шундай бўлар деб ўйловдим, — деди. — Кўрқди, қочиб кетди. Тоза шарманда бўлдими!

— Шундаймикин? — деб шубҳа билдириди Корнилов.

— Хўп деявёринг! Меншиков бизни ҳам, шаҳарни ҳам ўз ҳолимизга ташлаб кетишдан тоймайди... Иккимиз дарҳол «Уч авлиё»га боришимиз керак.

Шу онда кема яқинидан эшкакларнинг товуши эшитилди.

«Ростислав»дан аллаким:

— Сузиб келаётган ким! — деб қичқирди.

Қайиқдан:

— Матрос! — деган жавоб эшитилди.

Нахимов:

— Сенмисан, Могученко? — деб қичқирди.

— Мен, мен, Павел Степанович.

— Каютага кирайлик, у ерда гаплашиш қулайроқ, — деди Нахимов.

Адмираллар каютага беркиниб олишди. Тонг отишга оз қолган эди. Ой сўнди. Сув сатҳига совуқ тушган бўлсада, «Ростислав» командаси бакдан кетмас, офицерлар ҳам шканци панжараси ёнidan кетмас әдилар. Маҳкум этилган кемалардан эшитилиб турган ҳайқириқлар ҳамон гоҳ пасайиб, гоҳ зўрайиб туар әди.

Тонг отарда Корнилов юклар, кейин одамларни олиб кетишга тайинланган шаланды ва эшкакли кемаларга чўқтириладиган кемалар ёнидан нари кетишни буюрди. Шундан кейин бешта пароходдага, жумладан «Громоносец»га ҳам, сигнал берилди: пароходлар, чўқтириладиган кемалардан бир кабельтов масофага бориб, уларга чап ёнларини ўгириб, бир қатор бўлиб туришлари ва лангар ташламасдан, силжишга тайёр туришлари керак эди.

Пароходлар ўз жойларини эгаллаб бўлгандан кейин («Громоносец» «Уч авлиё» рўйбарўсига тўғри келди) кемалардан эшитилаётган ҳайқириқлар босилди.

Корнилов билан Нахимов қайиқда тушдиларда, (Андрей Могученко рулни бошқарди) рейдга кириладиган жойга қараб кетдилар.

Корнилов билан Нахимов нима иш қилишларини «Ростислав»да бўлган суҳбатда келишиб, олган эдилар. Нахимов Корниловни очиқ исён чиқиши мумкин эмаслигига ишонтирди. У маҳкум этилган ети кема экипажларининг буйруқни бекор қилишига ҳали ҳам умидвор эканликларини ва байроқ қўтарилигунча вақт ютмоқчи эканликларини сезар эди. Маҳкум этилган кемаларда ҳам матрослар байроқнинг ўз вақтида қўтарилишага шубҳа қилмас эдилар. Матрослар рос байроқ қўтарилилар экан, купла-кундуз куни, бутун Севастополнинг кўзи сладида байроқларни туширишга ҳам, бошқа кемаларда байроқ қўтарилиб турганда кемаларни чўқтиришга ҳам ҳеч ким буйруқ беролмайди деб ўйлар эдилар. Натижада кемаларнинг ҳаёти яна бир кунга чўэйлган бўлади. Афтидан, бутун гап «Уч авлиё» кемасининг командасида эди. Адмираллар ҳам шу кема томонга йўл олдилар.

Корнилов билан Нахимовни дарров танидилар. Қайиқто «Уч авлиё» транига етиб боргунча адмиралларни пароход ва кема командирларнинг «ура» садолари кузатиб борди.

Адмираллар, уларнинг кетидан Андрей Могученко палубага чиққанларидан кейин уларни старший офицер кутиб олди, вахта бошлиғи эса кемада хотиржамлик деб рапорт берди. Шу ондаёқ шкафутдан оркестрнинг ҳамма карнайлари Кошуг маршининг муқаддимасини чалиб юборди.

— Бу нима бебошлиқ! — деб бақирди Нахимов, оркестр ёнига югуриб бориб, — мутлоқ ортиқча! Дарҳол тўхтатинглар! ..

Оркестр жим бўлди..

Корнилов билан Нахимов каютага киришди, Могученко эса — бакка чиқди, шкафутдаги матрослар унинг кетидан тўдалашиб эргашдилар.

Нахимов Синоп жангига учун олган «Георгий» орденини кўкрагига тақиб олган мичман Нефёдов иккинчини тўхтатди-да:

— Чироғим, Ваня, ҳамма жаноб офицерларни кают-компанияга чақир... — деди.

Мичман хушвақт овоз билан:

— Хўп бўлади! — деб жавоб берди, шўх кўзларини чақнатиб.— Кема офицерлари номидан кают-компанияга марҳамат қилишингизни сўрайман, оканоби олийлари! Бир пасда тўпланишади!

Корнилов кирганда капитан Зарин ўз каютасидаги кичкина — диванида бошини ҳўл чочиқ билан ўраб, кўзларини юмиб тебраниб ўтиради: уни мигренъ касали тутиб, ўлгудай қийнарди. Каютанинг ичидан сирка ҳиди келарди. Оёқ шарпасини эшитгач, Зарин кўзларини очди-ю, иргиб ўрнидан туриб кетди ва бошидаги чочиқни юлиб олиб, қизариб кетган ва азоб акс этиб турган кўзларини Корниловга тикиб, саросималаниб қолди.

— Саллангизни олиб жуда яхши қилдингиз, капитан! — деди совуққина қилиб Корнилов.— Унинг ўрнига фуражкангизни кийинг-да, кетимдан юринг. Ўз лойиҳагизни бажаришда сизга ёрдам бергани келдик. Шу иш сиз билан биз ўйлаганча осон эмас экан!

— Ё худо, бу зарур, аммо нақадар оғир!

Корнилов орқасига бурилиб, каютадан чиқди.

Зарин қозиқдан фуражкасини олди-да, бошига кийиб, Корнилов кетидан юрди.

Корнилов капитан кўприкчадан кема палубасига нафрат билан қараб турарди. Ҳамма ер бесаранжом, йиғинширилмай ётган асбоблар чочилиб ётарди, чемоданлар, тугунлар уюлиб кетганди. Палуба қоғоз парчалари, папирос қолдиқлари билан ифлос қилиб юборилган эди.

— Бу нима! Уят эмасми, капитан! ..

Зариннинг жаҳли чиқиб кетди:

— Бу нима дейсизми? Шундай, жаноб адмирал! Сизга ёқмайдими? Жон талвасасида ётган дўстингизни кўргани келиб, соқоли қирилмаганидан ғазабланасиз. Ўлим ёқасида турганинг ўйига келиб, пол ифлос әкан дейсиз!

Зарин ҳўнграб йиғлаб юборди ва тирсаклари билан сўри панжарасига суюниб, қўллари билан кўзини беркитди.

— Кечиринг мени, Аполлинарий Александрович, ўзимни тутиб туролмадим, айборман! Менга ҳам осон эмас,— деди, меҳрибонлик билан Корнилов, бармоқларини капитаннинг елкасига қўйиб.

Учинчи боб

ҚАЙНАБ ТУРГАН ЧУМОЛИ УЯСИ

Корнилов кўприкчадан туриб кема экипажига нутқ сўзлади.

Корниловнинг ўнг ёнида Нахимов, чап ёнида кема командири Зарин, Нахимовнинг ўнг ёнида эса Андрей Могученко турардилар.

Матрослар шкафутда ғуж бўлиб турсалар ҳам, гротмачтанинг вант чизигидан буёққа ўтмас эдилар: бу ердан шканци бошланарди: бу ерда офицерлар юзларини кўприкча томонга ўғириб турар эдилар. Улар Нахимов кетидан шаҳдлари қайтган, уялган ва саросималангани бир ҳолатда қайтиб чиқдилар: адмирал уларнинг роса таъзирини берганга ўхшайди. «Таъзир бериш» санъатида Нахимовга тенг келадиган одам йўқ эди.

Матрослар ҳам жим бўлиб қолишди: уларга чол Могученко ўбдан насиҳат қилган бўлса керак.

— Үртоқлар,— деб гап бошлади Корнилов,— душманнинг бизниги нисбатан устун келган кучлари билан бўлган қонли жангдан кейин қўшинларимиз шаҳарга қайтиб келди. Биз жуда кўп талафот бердик. Бу душманнинг аскар жиҳатдан ҳам, қурол-аслаҳа жиҳатдан ҳам биздан устун турганлигига қарамай, қўшинларимизнинг мардона курашганлигини кўрсатади. Қўшин жонаажон шаҳrimizni кўкрагини қалқон қилиб ҳимоя қилиш учун қайтди. Қўшинга хиёнат қила оламизми, дўстларим? Солдат матроснинг ҳам дўсти, ҳам оғаси! Қўшинимиз Альмада ҳалок бўлганларнинг жасадлари билан душман йўлини тўсади. Душман ҳали ўзига келганича йўқ, уни кутиб олишга ҳали вақт бор. Вақт қисқа: кунлар эмас, соатлар саноқли. Бугун бўлмаса, эртага душман Шимолий томонга ҳужум қилишга уринади. Душман флоти ҳам

бугун шаҳарга яқин келиши мумкин. Кечаке кечқурун «Роланд» пароходи рейд оғзига разведкага келиб дарҳол қайтиб кетди. Бухтада бошланган ҳаракат разведкачи пароход эътиборидан четда қолмаслиги аниқ. «Роланд» командирининг рапортига мувофиқ, инглиз адмирали пароходларга ўтхоналарга ўт ёқиб тайёрланиб туриш тўғрисида буйруқ берган. Бельбекда разъездда юрган казаклар, душман флоти кечаке кечқурун қалин тутунга бурканди, деб хабар қилдилар. Душман бизни денгизга чиқиб жанг беради деб ўйлаб, ҳозирлик кўрмоқда!

Матрослар орасидан ожизгина «ура» садоси кўтарилиб, сўнди.

— Кейинги ҳафта ичидаги ҳаммамиз бир нарсани, яъни дengizga чиқиб, душманни енгисни орзу қилиб келмоқдамиз. Мен юрагим қаттиқ ачигани ҳолда бу фикрдан қайтдим. Нима учун? Ўнг томонимизда бешта пароходимизнинг тизилиб турганини кўриб турибсиз. Сизлар уларни «самовар» деб масхара қиласизлар. Ростини айтсан, менга ҳам елкан кемалар кўпроқ ёқади. Аммо бутул бало шундаки, бизнинг қанотларимиз бўлган елканлар шамолга боғлиқ. Душманнинг бирлашган флотида пароход бизнига нисбатан икки ҳисса, елканли кемалар эса уч ҳисса ортиқ. Афсуски, бизда «самовар»лар оз! Биз душманни дengизда енгамиз деган фикрдан воз кечишига мажбурмиз. Вақт ҳам қўлдан кетган. Биламан, орангизда душман флоти рейдга бостириб кирмоқчи бўлса, уни чап биқин билан қарши оламиз деган фикр туғилган. Тўғри, шундай қилсак, душман флотига бир мунча талафот етказган бўламиз. Аммо барибир душман ўзининг оғир бомбачи замбаракларидан ўқ узиб, ҳамма кемаларимизни чўқтириб юборади. Кўриб турибман, ораларингда бошқа экипажлардан ҳам одамлар бор. Сизлар менга ҳойнаҳой жуда соз, бир-бирлари билан боғланган кемалар душман ўти остида чўқади, мақсад—рейд оғзини бўғиш бўлса — бўғилади, биз ҳам Андрей байроби остида жанг қилиб шон-шавкат билан ҳалок бўламиз дерсизлар. Тўғри! Денгизда энг қўмматли нарса — интизом, сизларнинг интизомни бузишларинг мумкинлиги менинг хаёлимга ҳам келмади ва келмайди ҳам. Шен-шараф билан жангда ҳалок бўлишдан азиз нарса йўқ! Аммо, кемалар билан бирга ўзимиз ҳам ҳалок бўлиб кетамиз-да. Биз шаҳарни ҳимоя қилиш учун керакмиз-ку, шаҳарда бизнинг уй-жойларимиз, оилаларимиз, бола-чақаларимиз

бор. Бу ҳам майли, жонажон шаҳримизни ҳимоя қилиш билан биз бутун Россияни, ватанимизнинг шон ва шарифини ҳимоя қилган бўламиз. Ёлғиз қўшиннинг ўзи Севастополни ҳимоя қила олмайди, биз қўшилсак — ҳимоя қила олади. Тўгри, ўз қўлимиз билан яратган кемаларни йўқ қилиш ниҳоятда оғир. Эндиликда қурбон этилиши керак бўлган кемаларни ҳамманинг ҳавасини келтирадиган даражада ардоқлаб келиш учун кўп меҳнат сарфладик. Аммо тақдирга тан беришдан бошқа сложимиш йўқ. Бош қўмондон кемаларни чўктиришни буюорди. Мен унинг бу фикрига қўшилдим. Адмирал Нахимов ҳам кўшилди. Сизлар ҳам қўшилишингиз керак, дўстларим. Москвага ўт тушнаб ёниб битган, аммо бу билан Россия ҳалок бўлмади-ку! Биз кемадан, ўз бурчингизни адо этишингизга қаттиқ ишонч Силан жетамиз. Командириңиз кемани чўктиришга ҳамма нарса тайёр: керакли жойларда шпангоутлар⁸⁸ арралаб қўйилган, кема четларининг ватерлиниялари⁸⁹ ости кесиб қўйилган деб айтди. Уч киши қолса кифоя. Талабгорлар олдинга чиксин!

Бироз шов-шувдан кейин матрослар орасидан уч киши: комендор Погребов билан матрослардан Стрёма ҳамда Михаил Могученко илгари чиқди.

— Яхши,— деди Корнилов, бошини баланд кўтариб.— кемада стенъгаларни туширилмагани ҳам яхши бўпти... Жаноби биринчи раинг капитан, буюринг, кемаларга семафор беришсан: дархол командалар қирғоқча тушиғилсан, «Громоносец»дан бошқа ҳамма пароҳоллар командаларни олиб кетиш учун кемалар ёнига келсин, эшкакли кемалар ҳам келсин. Алвидо, кема! Хайр, дўстларим!

Корнилов бошидан фурражкасини олди. Кўпrikчада турган Нахимов, Зарин, Могученколар ҳам фурражкаларини қўлга олдилар. Ҳамма офицерлар бош кийимларини ечдилар, матрослар бошларидан шапкалайдини юлиб олдилар. Ҳамма индамасдан, қимир этмай турарди.

Корнилов, Нахимов ва Могученколар кемадан жўнаб кеттилар.

Кемалар ёкуда тез чўктирилди. Экипажлар ярим соат ична қирғоқча ташниб ўтилди. «Сизополь», «Відна» ва «Силистрия»лар турган жойда тонг отганда рэнгоут⁹⁰ парчалари сузиб юрар эди; кема каламушлари шун парчаларга чиқиб жон сақламоқчи бўлар эдилар. Байроқ

кўтарилиш вақтигача дастлабки уч кема кетидан «Уриил», «Селафаил» ва «Флора»лар ҳам сув тагига чўкиб кетди.

Фақат «Уч авлиё» кемаси сув юзида, кемалар чўкишидан пайдо бўлган тўлқинларда ҳамон чайқалиб турар эди. Унинг рўбарўсига «Громоносец» келиб тўхтади. Парроход «Уч авлиё»дан бир кабельточа нарида қизил фидирак парракларини шапиллатиб турарди. Кема трюмидан эшитилиб турган болта товушлари аллақачон тинган эди. Уч талабгор энг кейинги барказга тушиб кетган бўлса керак. Вельбот трап тагида командирни кутиб турар эди.

Зарин, кеманинг чўкмай турганидан ҳайрон эди. Шўх кўзли Мичман Нефёдов-иккинчи вельбот рули ёнида командирни кутиб ўтиради...

— Мичман,— деб қичқирди Зарин,— трюмга тушиб қарангчи, сув кираётитими йўқми!

Нефёдов трапдан югуриб юқорига чиқди-да, штурман каютасида ёниғлигича унунтилган фонисни олиб, трюмга тушибди. Палубаларнинг ҳаммасида мичманинг оёқлари тагидан каламушлар чийиллаб қочар эди, шу маҳалгача у кемада биронта каламуш кўрмаган эди. Энг пастки палубага тушганда мичманинг елкалари жимирлашиб кетди. Фонис, рутубатли қоронғуликни базўр ёритади. Аллақаердан сувнинг шилдираб оқиши эшитилди. Мичман нима бўлганига тушуммай, ваҳима босиб зинадан орқасига қарамай юқорига югурди. Фонис ўчиб қолганди. Нефёдовнинг назарида, кема ҳозирнинг ўзида сув тагига шўнғиб кетадигандай кўринарди.

— Хўш? Нима гап?— деб сўради Зарин, мичманинг саросималанганидан таажжубланиб.

Нефёдов ўзи учун қуттилмаган бир холда:

— Ҳаммаси жойида. Сув кирялти. Кема тумшуқ томонга қараб оғиб, ғарқ бўлмоқда,— деб жавоб берди.

— Қайнқقا чиқинг!

Капитан кемага сўнгги марта назар ташлади, трапдан секин-аста қайиққа тушиб-да, қайиқнинг қўйруқ томонидаги скамейкага мичман ёнига ўтирди. Вельбот жўнаб кетди.

«Громоносец»да склянка урди ва «Байроқ тагига!» командаси эшитилди.

Зарин ўз кемасига яна бир марта қаромоқ учун орқасига қайрилди-ю, ҳайрон қолди: «Уч авлиё»нинг буш притида аллаким кўтарган байроқ ҳилпиллааб турарди.

— Мичман, қаранг, кемада байроқ! Үигимми, тушимми? Кўряпсизми?

Нефёдов: «Эшкаклар қуритилсин!» деб команда берди-да, орқасига қайрилиб қаради. Матрослар эшкакларни сувдан чиқариб кутарганларicha қотиб қолдилар.

Байроқни тушириш учун Зарин кемага қайтмоқчи бўлди-ю, бироқ бу фикрдан қайтди. Кема секин-аста ғарқ бўла бошлаганди. Ўндан ташқари, «Громоносец» ҳам «Уч авлиё»га орқасини ўгира бошлаган, пароход палубасида эса комендор маҳкум этилган кемаларнинг энг охиргиси-ни ҳам тезроқ чўқтириб юбориш мақсадида бомба отадиган замбаракни кемага тўғрилай бошлаган эди.

Замбарак отилди. Снаряд бортни тешиб кириб кетди. Бомба кеманинг ючига кириб ёрилди. Яна замбаракни тўғриладилар. Иккинчи снаряд гумбурлаб отилди. Кема ўнг томонига қийшайдида, тез чўка бошлади.

Зарин қайиқни ҳайда деб буюрди, замбаракнинг учинчи, марта отилишига қайрилиб қарамади. Матрослар эшкакларини ишга солиб, орқаларига хўмрайиб қараб борар эдилар...

Вельботнинг биринчи эшкакчиси:

— Тамом бўлди! ..— деди.

Вельботнинг кетидан бир нарса келлиб туртди: у — ғарқ бўлаётган кемадан ҳосил бўлган тўлқин эди.

«Уч авлиё» ёнидан сўнгги барказлар жўнаб кетгандан кейин Погребов, Стрёма ва Михайл Могученколар қўлларига болта ва фонис олиб, трюмга тушдилар ва тарқалишиб, жон-жаҳдлари билан болта ура бошладилар. Улар болтани бефойда урар эдилар. Олдиндан арралаб қўйилган тахталарни уриб чиқариш ўрнига учовлари тирговичларни кеса бошладилар.

Болта овозлари босилди.

Юқори палубада ҳайқириқ ва оёқ товушлари тинди. Талабгорлар капитан вельботнинг жўнаб кетишини кутиб, бир-бирлари билан секин-секин гапиришиб ўтирас эдилар. Вельбот жўнаб кетгандан кейин бортларни уриб тешдилар. Трюмга шариллаб сув оқиб кира бошлади. Матрослар ишни тугатиб, иккинчи палубага чиқдиларда, фонисларни ўчирдилар.

— Бошладик, оғайнилар,— деди Погребов:— «Байроқ тагига!» Стрёма, гюйс қани?

— Мана!

Кеча кечқурун Стрёма гюйсни туширган ва топширмасдан беркитиб қўйган эди. Ҳозир Стрёма юқори полубадан бушпритга мушукдай чирмашиб чиқди-да, гюйсни кўтарди. Байроқ шамолда қанот кериб ҳилпирай кетди.

Стрёма иккинчи палубага қайтиб келди-да, Погребовга:

— Гюйсни кўтардим,— деб рапорт берди.

Погребов:

— Кема жангга тайёр. Ҳазрати олийларини бир меҳмон қилтайлик,— деб жағоб берди.

Комендор мўлжалга энгашди. Қеманинг ҳамма замбараклари кеча ўқлаб қўйилган эди.

Шу топда «Громоносец» бурилиб, мўлжалдан узоқлаша кетди. Погребов сўқинди.

Погребов замбарак тирқишидан «Громоносец» замбараги шу тарафни мўлжалга олайтганини кўриб:

— Иш пачава, оғайнилар,— дейишга улгурди, холос.

«Громоносец»дан гумбурлаб ўқ отилди. Снаряд бортни ёриб кирди-ла, худди баҳайбат қоп-қора бильярл шарига ўхшаб, батарея палубасига думалаб тушди. Бомба трубкасидан учқунлар сачаради.


— Кочинглар, дўстларим!— деб қичқирди Погребов.

Узини ерга ташлади-да, бомбани ушлаб, кўкраги билан босди. Бомбя ёрилди. Портлаш тўлқинидан йиқилган Стрёма билан Могученко дарров кўзларини очдилар. Бортнинг тешигидан аччиқ пороҳ ҳиди ташқарига чиқиб турарди. Батарея палубасининг чап томонида Погребов-кинг мажақланиб кетган жасади ётарди...

— Алвидо, ўртоқ!

Иккала матрос бир пасда ечинишди ва замбаракдан иккинчи марта ўқ узилганда қеманинг чал томонидан ўзларини денгизга ташлаб, гирлоб олиб кириб кетмасин учун кемадан узоққа сузив кетишиди.

Кемалар чўқтирилган кечаси Могученколарнинг Малахов курган бағридаги уйида ҳеч ким ухламади. Венянинг отаси уч кунгача йўқ бўлиб кетгандан кейин чарчаб, қовоқларини солиб келди. У уй ичидагиларнинг саволларига зарда билан ўшқириб берарди... Веня кун бўйич кута-кута чарчади ва катталарга нуқул: «Қачон борамиз ахир? Қеч қоламиз, ҳеч нарсани кўролмаймиз!» деб ёпишар эди. Отаси чодир ичидаги инграб, хўрсиниб, алланималарни пўнфирилаб, гоҳда овозини чиқариб аллакимни боц-



манчасига сўкиб ётарди. Анна ўғлини отасининг ёнига кириб ётишга ундарди. Бундай пайтларда Веня отасидан қўрқарди, ҳозир ҳам ўлсам ҳам кириб ётмайман деди.

— Веня, ўтирган ерингда ухлаб қоласан-да, кейин сирам турғизиб бўлмайди,— дерди онаси.

— Ухлаб қолмайман, минг қилсанг ҳам ухлаб қолмайман! — дерди Веня.— Фақат бир марта кўзимни юмиб олсам бўлгани!

— Светлая заутреня⁹²дан қуруқ қоласан!

Бундай кеча йилда фақат бир марта, пасха арафасида бўлар эди, черков қўнғироқлари чалиб турганда одамларнинг шам кўтариб черков атрофида айланиб юришларини, жинчироқлар туташини, ҳамма ерда қоғоздан қилинган хитойча фонисларнинг чайқалиб туришларини, мушакларнинг баланд осмонга учиб чиқиб тарсиллаб отилиб, оқ, қизил ва кўк юлдузлар сачратишини, қирғоқ батареялари замбаракларнинг гумбурлаб отишини Веня тоқатсизланиб кутар эди. 11 сентябрь арафасидаги тун — ҳамма рус шаҳарлари қайнаб тошган ва бутун халойик кўчаларга чиқкан куни кечаси — Севастополь худди шундай эди.

Веня шаҳар томонга сенсиз кетамиз деб қўрқитишгандан кейингина уйғонди. Ухлаб қолганини билиб, бирдан бўкириб йиғлаб юборди: Корниловдан чопар келиб, отасини «Ростислав» кемасига олиб кетган, нимага олиб кетганини эса ҳеч ким билмас эди. Сухари заводида ишлайдиган Ольга опаси тунги сменадан қайтди. Маринка ҳам елкан ясадиган ишхонадан қайтди,— одатда у ерда кечаси ишламас эдилар, бугун кечаси нима учундир чақириб кетган эдилар. Веня, нима учун, нима сабабдан, нима гаплигини билмоқ учун бўкириб йиғларди. Веняни фақат янги хабарлар билангина овутиш мумкинлигини опалари ҳам билишар эди.

Ольга Веня ухлаб ётганида онаси ва опа-сингилларига айтиб берган гапларини укаси әшитсин учун жўрттага яна қайтарди:

— Вой, опажонларим-ей, бизда бўлган гапларни билмайсизлар! дерди.— Ер ютгр, бўйинг гўрда чиригур Меншиков сухари заводини беркитинглар деб буюрипти... Хамир тогораларни уриб синдиришди, сухари қуриладиган патнисларни бухтага олиб чиқиб ташлашди, печкаларни бўлса, ичига порох ёқиб портлатишди...

Веня Маринка нима деркин деб, секинроқ йиғлай бошлади.

— Бизлар, жонларим, эски елканларни бузиб, түшакларга жилд тиқдик. Хоняning чўқинтирган отаси госпиталга саккиз юзта янги койка берилсин деб буорипти. Койкаларни ўз матросларига атаб, денгиз ўти тиқдириб қўйган экан, шундай бўлса ҳам аямади, бердириб юборди. Ахир, ярадорлар қуруқ тош плиталарда ётипти-да. Тўшакларни тикиб бердик, аммо нима фойда? Шаҳарда на хашак топилади, па похол! Ишлар чакки жуда!

Веня янада секинроқ йиғлай бошлади ва госпиталдан йиғлайвериб кўзлари шишиб қайтган Хоня маъюс бир ҳолатда кириб келиши билан бутунлай йиғисини тўхтатди.

— Вой қизим, ҳамма ёғинг қон-ку! — деди онаси, қўлларини бир-бирига уриштириб.

Веня Хоняning ёнига югуриб борди-ю, дарров ўзини орқага олди:

— Фу! Сендан жуда сассиқ ҳид келади-я!

— Нари тур, Веня, устинг булғанади! — деди Хоня, чарчоқ товуш билан.— Ё худо! Инсонда шунча қон бўлишини билмас эдим!

— Докторлар кесяптими? — деб сўради Веня.— Қўл, оёқларни кесиб ташляяптими?

— Кесишяпти, жоним! — деб жавоб берди Хоня, қонга беланганди кийимларини ечатуриб.

— Бошидан ярадор бўлган бўлсачи! — деб яна сўради Веня.— Бошини кесиб ташлайдими?

— Бошсиз одам қандай юради, жоним?

— Юра олади! Дадам Меншиков ҳозир бошини йўқотиб қўйди деди-ку!

Онаси билан Хонядан бошқа ҳамма опалари кулиб юборишиди.

— Қаёққа кетяпсан? Агар қочиб кетадиган бўлсанг — сени олиб бормаймиз! — деб қўрқитади Веняни онаси, эшикка қулф сола туриб.

... Ольга укасининг чап қўлидан, онаси ўнт қўлидан ушлаб олдилар. Йўл пастликка қараб борарди... Қовоқлари солинган аллакимлар Могученколардан ўтиб борадилар. Пастдан Пересипъ томондан Жанубий бухта орқали кўприк томон борувчи одамлар кўринади.

— Мунча секин юрмасаларинг! — деб Веня онаси билан опасини судрайди.— Битта ўзим бўлганимда, учиб кетардим!

Аммо кўприкдан учиб ўтиб бўлмайди. Кўприк тўла одам, бари ўша томонга силжиб бормоқда. У томонда ҳам одамлар фақат бир тарафга, Николай батареяси тарафига қараб оқиб бормоқда.

Могученколар шошиб-пишиб кетаётган халойиқ оқимиға қўшилиб, адмиралтействонинг кўхна биноси ва кемаларга қарашли омборлар ёнидан бутун Севастополь аҳолиси интилган томонга силжиб бордилар. Тоиг ёриша бошлади...

Вея кундуз кунлари кўчаларда кўпинча солдат ва денгизчиларни кўрар эди. Бугун бўлса кўчаларни бутунлай бошқа одамлар тўлдирган. Шимолий томон қирғоғида тўпланиб турган халойиқ орасида онда-сонда офицер фуражжалари кўринади. Чека-чекада соchlарни пешоналарига тушган Дон казаклари одамларга қўшилишмасдан, тўп-тўп бўлиб туришади. Солдатлар ҳам оз эмас, аммо ҳаммадан ҳам оддий халқ: док ишчилари, темирчилар, бўёқчилар, кемасоз дурадгорлар, аслаҳасозлар, адмиралтейство дрягиллари, қўшин ва флот ишхоналарининг тикувчилари, балиқчи греклар, чалвор ва кимхоб камзил кийган татар извошчилар, чарм куртка кийган ва белбоқларига пичноқ таққан чўпонлар, дўкондор — караимлар, офицерларнинг ҳизматкорлари ва отбоқарлари кўча атрофида кўпроқ эди. Хотин-халаж ҳам кўп эди, бу эса ғайри оддий бир нарса эди.

Севастополда қирқ икки минг аҳоли яшаса, шундан ҳаммаси бўлиб етти мингги хотин-қизлар эди. Аммо бу ерда, Жанубий бухтанинг икки томонида, Павел бурунида ва Николай батареяси ёнида тўпланиб турган халойиқ ичидаги хотин-халаж эркаклардан кўп эди. Эҳтимол денгизчиларнинг ҳамма хотинлари, бўйи етган қизлари ва ҳатто кичкина-кичкина қизчалари ҳам кеч демасдан келишгандир. Сочлари оқарган киборли хонимлар (кундуз куپлари кўчада уларга ҳамма йўл бўшатиб берарди) ҳозир матрос хотинлари, бозорда чайқовчилик қилувчи хотинлар, сухари заводида ишловчи ишчи аёллар, елкан ишхонасининг тикувчилари орасида тиқилишиб турар эдилар. Бошларига зардўппи кийган, ё гулдоҳ шаръ ё дока рўмол ўраган ўш-ёш татар қизлари халойиқ ичидаги кўзга яққол ташланарди.

Баланд қирғоқлардан рейдда нималар бўлаётгани ҳаммага яққол кўриниб турарди, шунга қарэмасдан халойиқ денгиз бўйига сиқилишиб борар ва қирғоқдаги

тошлар ва денгиз бўйидаги метин деворларга жойлашиб олган бахтлиларни яна нари итарар эди. У бахтлиларнинг ҳоли хароб эди: ҳалойиқ уларни ҳамон сиқар ва ахир сувга итариб юбориши мумкин эди. Бу ерда кулги ва сўқишлар эшитиларди, баъзи жойларда муштлашлар ҳам бўлиб турарди.

Қора совуқ тун сбитенчиларни мавсум⁹³ босланмасданоқ самоварларини кўтариб чиқишга мажбур этган эди. Бурунлари катта, қора соқол ярославли сбитенчилар қўлларида шода-шода тешиккулчаларни силкитиб, ҳалойиқ орасида: «Пўшт, пўшт, куясан! —» деб бақириб юрар эдилар. Ҳар бир сбитенчи камарининг олдинги ярми ёғочдан қилинган бўлиб, катакларига стакан териб қўйилган бўлади. Самоварлар тутаб ва буғлаб турар, сбитенчилар эса молларини жар солиб мақтар эдилар:

Қайноқ сув биқир этар,
Коринчани қизитар.
Ичишга серзавқ одам,
Соғлом яшайди мудом.

Халқ ташна бўлгандан сбитенчиларнинг бозори чаққон эди.

Могученколар икки қатор тизилиб турган кема ва пароходлар ўртасида адмирал қайифи кўринган пайтда етиб келишди. Эскадра кемаларида «ура» садолари янгради.

Веняни онаси елкасига миндириб олганидан, ҳамма нарса кўринар эди. Веня кўрган нарсаларининг ҳаммасини онаси билан опаларига айтиб турди. Корнилов, Нахимов қайиққа тушиб, эскадрага қараб кетишишмоқда, руль ёнида қайиқ эгаси офицер ўрнига дадам ўтирипти. Ана, қайиқ кема ёнига бориб тўхтади. Музика кутиш маршини чала бошлади. Ҳозир Корнилов: «флот қўмодонлигини ўз устимга оламан!» деб сигнал беради. Дарҳақиқат, «Уч авлиё» кемаси сигнал бера бошлади. Кеманинг нима деб сигнал берганини Веня тушуниб ололмади ва Корнилов кемаларга лангарлар кўтарилсин, юқори елканлар туширилиб флагман кемасининг кетидан биттадан тизилиб денгизга чиқисин, оғир артиллерияси бўлган пароходлар эса кемаларни ҳимоя қилсин деб буюрди, деб айтиб турди.

«Уч авлиё»дан бошқа ҳамма кемаларда стенъгаларнинг туширилгани ва рея⁹⁴ларнинг йиғиштирилганини Веня кўрди: кемалар юқори елканларини оча олмаслиги

маълум. Веня, кемаларнинг арқон билан бир-бирларига боғланганларини ҳам кўрди. Аммо Веня бу ерга эскадранинг чўктирилишини тамоша қилгани келганини унутиб қўйганди. У флотнинг денгизга чиқишини хоҳлар эди.

Кемаларда тўс-тўполон. Болталар гурсиллади. Кемалар ёнига келган пароходларга одамлар туширила бошлади. Адмираллар қайифи «Ростислав»га қайтди-да, адмиралларни ташлаб, Граф пристанига қараб кетди. Рулда яна Венянинг дадаси ўтиради...

— Нуқул йўқ нарсаларни мақтаяпсан, болам? Сени қара-ю! — деб койиб берди Венянинг ёнида турган бир хотин.

Веня ойисининг елкасидан лип этиб ерга сакраб тушди-ю, онаси эс-хүшини йиғиб олгунча одамлар орасига кириб кетди: у Граф пристанидан дадасини қидириб топиши ва нима бўлаётганини аниқ сўраб билиши керак. Веня эгилиб олиб халойиқ орасини калласи билан ёриб борди, уни туртар, итаардилар. Халойиқ чайқалади. Хотин-халажлар йиглайди, эркаклар аллакимга дўқ қилиб, сўқинадилар... Рейддан гумбурлаган овоз келади, унинг кетидан яна ва яна гумбурлайди.

Шаҳар аҳолиси кемаларнинг чўктирилишини қўриб, душманнинг яқин келиб қолганига ва Шимолий томондан келиши мумкинлигига ишонди: у ердаги истеҳкомларни жадал қуриб тамомлаш учун, ҳамма ишчилар ўша томонга кўчирилди. Шаҳар ва кемасозлик томонларида истеҳком қуриш ишлари тўхтатилди. Қўшин Куликово поледа манзилда тураг эди. Чўктирилган кемаларнинг матрослари батальон-батальон қилиб тақсимланди. Флот батальонларини тўлдириш учун бошқа кемалардаги матросларнинг ҳам бир қисмини қирғоққа туширилар. Севастополь ҳимоячиларининг сони тахминаи ўн икки минг кишига кўпайди.

Оғир замбараклар билан қуролланган пароходларни Корнилов, башарти душман Шимолий томондаги истеҳкомларни эгаллайдиган бўлса, у ердаги тепаликларни ўқса тутиш имкониятини кўзлаб, рейдга жойлаштириди.

Шимолий томон мудофаасини Менников адмирал Корниловга, Жанубий томон мудофаасини адмирал Нахимовга топширди; адмиралларнинг қуруқликда қўмондон бўлишларининг бирдан-бир сабаби эндиликда гарни-

зон аксариятининг дengизчилардан иборат бўлиб қолган-лигига эди. Резерв пиёда батальонлар кекса генерал Моллер ихтиёрида қолдирилди.

Бу тадбирлар шаҳар аҳолисини бир мунча тинчиди. Шаҳардан қочмоқчи бўлиб турган давлатманд одамлар, Боқчасарой йўли душман қўлига ўтган бўлса керак деб ўйлаб, қочиш фикридан қайтдилар. Бадавлат оила-ларнинг шаҳарда қолиши камбағалларга далда берди.

— Фақат Нахимов олдиндан кўра билган ишнинг юз бериши севастополлиларнинг кўпчилиги учун кутилмаган бир нарса бўлди. Ҳазрати олий Корниловни ўз ҳузурига чақиртириб, қўшининг 12 сентябрь жума кунига ўтар кечаси Севастополдан Боқчасарой йўлига чиқажагини билдириди. Таажжубланган Корнилов: нега энди деб сўради.

— Мен фланг маршини бошламоқчиман,— деб жавоб берди ҳазрат олий.— Қўшин душманинг орқа томонига ўтиб, унинг чап биқинини таҳликага солиш мумкин бўлган позицияни эгаллайди. Икки томондан ўт ўртасига олингандан кейин, «у» Шимолий томонга ҳамла қилишга журъат этолмайди. Башарти журъат этганда ҳам, қўшин иттифоқчиларнинг орқа томонидан зарба беради. Бундан ташқари мен Севастополь билан Россия ўртасидаги алоқа йўлининг узилмаслигини таъминлаш зарур деб ҳисоблайман. «У» Симферополга ҳам, Перекопга ҳам ҳужум қилишиб қолиши ва бизнинг таъминот йўлларимизни кесиб қўйиши мумкин. Биз дengиздан фойдалана олмаймиз (флотимиз бухта ичида қамалиб қолган), «у» эса дengиздан фойдаланиб, тўхтовсиз таъмин этилиб турадиган бўлади.

Князь душманини солдатчасига «у» деб атарди.

— Ҳазрати олийлари! — деди Корнилов.— Севастополь ва флотни тақдирнинг паноҳига ташлаб кетмоқчимисиз.

— Севастополнинг гарнizonи бор. Флотнинг қудратли артиллерияси бор, уни ишга солини мумкин. Қолаверса, «ғиштчи уста»миз ҳам қўлни қовуштириб ўтирамади: Тотлебен бирталай хандақлар қазитиб, бир талай валлар⁹⁵ кўтартириб қўйди... Ҳар қандай душман ҳам бошини уриб ёради.

— Севастополни ҳимоя қилиш учун ҳаммаси бўлиб ўн еттита батальон бор, холос. Истеҳқомларнинг хароб аҳволда эканлиги ўз сўзингизни тасдиқлайди. Душманинг олтмиш мингли қўшинига бардош бериш керак, ахир!

Меншиков Корниловга истеҳзо билан қаради:

— Сиз, менинг битта матросим ўнта солдатга арзийди деб айтган экансиз, шу гапингизни мен ҳам эшитган эдим.

— Ҳа, айтганман, тонмайман, ўйлайманки...

— Ана, ўн икки мингта матрос юз йигирма минг солдат дегани бўлади... Тўғри, гапингизни қуруқ мақтаниш деб бўлмайди. Менинг солдатларим — кечаги рекрутлар,⁹³ улар ҳали таълим кўрмаган, порох ҳидини татиб кўрмаган, аммо шуидай бўлса-да маълум кучга эга. Биз сизнинг резервингиз бўлиб турамиз,— деб гапини тамомлади Меншиков, мулоийм табассум билан.

Корнилов баҳслашишнинг бефойда эканини тушунди: ҳазрати олий гарчи асосли далил келтирилган тақдирда ҳам ўз айтганидан қайтишни ёмон кўтар эди. Бундан ташқари, князнинг Севастополь билан Россия ўртасидаги алоқани таъминлаш кераклиги ҳақидаги фикри ҳам адмиралга асосли бўлиб туюлди.

Хайрлаша туриб Меншиков Корниловнинг қовоғи солинганини кўриб, муросасозлик билан деди:

— Урушда қатъий қарорга келинди деган гап бўлмайди. Вазиятга қараб иш кўрайлик, Владимир Алексеевич, вазият эса соат сайин ўзгариб туради. Биз душманнинг ниятини ҳозирча аниқ билмаймиз. Қўшин энг зарур нарсаларнигина олиб, ҳамма юкларини шаҳарга ташлаб кетиши менинг Севастополни «ташлаб кетмаганим»нинг гарови бўлсин. Зарур бўлса ва бизнинг умумий ишимиз тақоза этса — яна қайтиб келаман.

Меншиков қўшини Куликово поледа ўтказган тўрт кун ичida ўзини ўнглаб олди. Талай одамларини бой берган полклардан батальонлар тузилди; жангда ўлгай командирлар ўрнига аскарий қисмларга янги командирлаэ белгиланди. Тартибсиз аламон яна қўшин ҳолига келди.

Рус қўшинларининг авангарди тунда Куликово поледан йўлга чиқди; қўшин Инкерман кўприги орқали Мекензи тоғига томон йўл олди. Душман яқин жойда, Бельбекда, Шимолий истеҳзомлардан бир соатлик масофада турар эди. Инглиз ва французлар bemalol гулханлар ёқиб ошкор туришар эди. Жарлиқдан тоқقا қараб кетган Боқчасарой йўлининг тор жойида тўсатдан ҳужумга дуч келиб қолиш хавфи бор эли, шу сабабдан рус солдатларга ўт ёқиш ва ҳатто тамаки чекиш ман этилган, юриш вақтида товуш чиқармай бориш буюрилган эди.

Қўшинларнинг силжиши шаҳар аҳолисининг назар-
эътиборидан четда колмади. Шаҳар яна бир хавотирли
тун кечирди. Одамлар, душман денгиз томондан ўз
флотининг мадади остида Шимолий истеҳкомларга
хужумга ўтганда, унинг чап биқинидан зарба бериш учун
қўшинларимиз Шимолий томонга қараб кетмоқда деб
ўйларди. Тонг отарда канонада бошланишини кутдилар.
Тонг ҳам отди, Шимолий томондаги замбараклар овоз
бермас эди.

Адмирал Станюковичга бош қўмондон Инкерман кўпри-
ги ёнига замбарак батареяси ўрнатиш ва душманнинг Қо-
ра дарёдан кечиб ўтишига йўл қўймаслик учун дарёни
бўғиши тўғрисида чопар орқали буйруқ юборди. Станю-
кович ҳазрати олийнинг бу амри устида ўйлаб-ўйлаб, уни
бажара олмайман деган қарорга келди: тўплар ва тўп-
чилар порт командирининг ихтиёрида эмас эди, Қора
дарёни бўғиши учун материал бўлса ҳам, бироқ бу ишни
бажаришга адмиралнинг на уқуви ва на одами бор эди.
Шаҳарни мустаҳкамлаш ишларининг бошида Тотлебен
туради, Станюкович Тотлебен билан уришиб қолган,
буни Меншиковнинг ўзи ҳам биларди. Сапёрлар ба-
тальонининг командири Ползиков (ҳазрати олий уни яхши
кўрар эди) ўз сапёрлари бошида Малахов курганини
мустаҳкамлаш билан банд эди; ундан ташқари Ползи-
ков, ҳазрати олийга хушомад қилиб, Қора дарёни бўғиши
тўғрисидаги аҳмоқона буйруқни бажариши ҳам маҳол эди.

Меншиковнинг буйругини Станюкович Корниловга
оширди. Буйруқ мазмунини Корнилов Тотлебенга бил-
дирди. Инженер-полковник бунга Инкерман кўпргини
артиллерия билан ҳимоя қилиш ортиқча: реїддан ўққа
тутишга осон бўлган батқоқликдан ҳужум қилишга душ-
ман ботинмайди деб жавоб берди. Князининг Қора дарёни
бўғиб, сувини кўтариш тўғрисидаги иккинчи режаси Тот-
лебенга ундан ҳам бемаъни бўлиб кўринди, чунки дарёга
ўзимизнинг кўприк қуришимиз мумкинлиги аён эди. Ун-
дан ташқари, дарёга тўғон қуриш жуда кўп куч ва вақт
талаб этарди.

Меншиковнинг буйруғи бажарилмай қолаверди.

Тарутино полкининг қўшиндан инглизлар ажратиб
қўйган аръергард⁹⁷ батальони тўртта замбараги билан
тунда Севастополга қайтиб келди. Шундан кейин Се-
вастополь билан қўшин ўртасидаги алоқа бутунлай
узилди.

13-сентябрь тонг отарида шаҳарнинг шарқ томонидаги Федюхин қирларида французлар пайдо бўлди.

Душман Севастополга Шимол томондан ҳамла қилишга ботинмай, жануб томондан бостириб киришни мўлжаллар эди.

Душманнинг шаҳар ёқасига келиб қолиши Севастополь ҳимоячиларини катта ташвишга солиб қўйди. Нахимов қўл остидаги шаҳар томонда ҳаммаси бўлиб тўрт минггина одам бор эди. Башарти душман шаҳарга тўсатдан ҳужум қилиб қолса, Нахимов бу тўрт мингта одам билан уни сақлаб қололмаган бўларди.

Шу сабабдан Нахимов ўз кемаларининг экипажларини гарнizonга қўшиб юборишни мўлжаллар эди. Корнилов, душманнинг Жанубий томонга ўтганлигини билиб, Шимолий томондаги ўн битта флот батальонини, яъни олти мингга яқин одамни пароходларга солиб Жанубий томонга кўчиришни буюрди. Сўнгра Нахимов, Тотлебен ҳамда Моллерни ўзининг шаҳар квартирасига чақирилди.

— Меншиковдан қолган меросни бўлиб олишимиз керак,— деди Корнилов, тўпланганларга.— Бўлганда ҳам шундай бўлайликки, қўмондонликни ягона бир кишининг қўлида қолишини таъминлайлик. Мудофаа муваффакияти шунга боғлиқ: ҳамма буйруқлар фақат бир кишидан чиқиши керак. Гарнizonнинг аксарий қисми денгизчилардан иборат, улар Павел Степанович билан менга бўйсунадилар. Пиёда аскарлар сизнинг ихтиёргизда, генерал. Сапёрлар командири, гарчи полковник Тотлебенга итоат қилиши табиий бўлса ҳам, бевосита ҳазрати олийга бўйсунаман дейди. Мана буларнинг ҳаммасини аниқ ва равshan бир тартибга келтириб олишимиз керак.

Мункайиб қолган ва қулоғи оғир генерал Моллер Корниловнинг гапини бир қўлини чап қулоғига карнай қилиб (чап қулоғи яхшироқ эшитарди) тингларди. Гапни тингларкан, генерал нуқул бошини силкитарди: одатда қулоғи оғир кишилар ўз нуқсонларини яшириш учун ана шундай силкитиб турадилар.

— Менингча, қўмондонликни ё сиз, Владимир Алексеевич, ё сиз Павел Степанович, олишингиз керак, яъни старший адмираллардан бири демоқчиман,— деди Тотлебен.— Икковингиздан бирингиз қуруқликда қўмондонлик қилсангиз, бунинг ҳеч зарари йўқ. Қўшин кўп нарсалари билан флотга ўхшайди. Қуруқликдаги ҳарбий санъатнинг кўп жиҳатлари денгиз тактикасидан фарқ

қилмайди. Аммо мен бунииг аксини, яъни қуруқликда ҳизмат қилган саркарда флотга ҳам шундай яхши қўмон-донлик қила олади демоқчи эмасман. Мен мутлоқ сизни айтаётганим йўқ, генерал,— деб илова қилди Тотлебен Моллерга, илтифот билан жилмайиб,— мен ҳазрати олийлари князь Меншиковни айтаман, унинг флотга қўмон-донлик қилиш қобилияти ҳаммамизга маълум.

Тотлебенning гапини ҳам генерал қўлини қулоғига карнай қилиб, бутун гавдаси билан гапиравчига энгашиб ва бошини силкитиб тингларди. Нахимов Моллернинг ўнг ёнида ўтирар эди. Навбат Нахимовга келганда генерал-нинг ўнг қулоғига:

— Тушундингизми? Шаҳардаги барча қўшинларга адмирал Корнилов қўмондошлиқ қиласиди. Адмирал Корнилов — генерал-адъютант, денгиз штабининг бошлиги, равшанми? — деб бақирди.

Моллер Нахимов ёнидан нари сурилиб ўтирида, хафа бўлиб жавоб берди:

— Қулогимга мунча бақирасиз, адмирал, ҳамма гапни эшитиб, тушуниб ўтирибман. Сизнинг денгизчиларингизга мен қандай қўмондошлиқ қила оламан: сизларда сўзлар ҳам бутунлай бошқача. Менинг солдатим: «Худди шундай, жаноби олийлари» деб жавоб беради. Сизнинг матросингиз бўлса: «Есть, Павел Степанович!» деб жавоб беради. Менга ва ҳатто князга ҳам матрос бирдан: «Йўқ!» деб жавоб бериб қолсачи?! Бутун гап — формада. Шундай форма топиш керакки, қўшин мансабдорлари ҳам Владимир Алексеевичга: «Худди шундай, жаноби олийлари!» деб жавоб берадиган бўлсин, Ҳар ишнинг синаб кўрилган формаси бор. Мен шундай мазмунда буйруқ бераман: «Ҳамма аскарий қисмларнинг жаноб бошлиқларига, Севастополь шаҳрида жойлашган барча қўшинларнинг қўмондонлигини ўз зиммасига олган генерал-адъютант Корнилов жанобларининг буйруқларини тасдиқ этилган буйруқ, деб билиб, адо этишларини таклиф этаман. Генерал-лейтенант Моллер...»

Моллернинг розилигидан завқлашиб кетган Нахимов, унинг қулоғига секин:

— Жаноби олийлари, худо урсин, сиз ҳазрати олийдан анча ақлли экансиз! Рост! — деди.

— Ана, кўрдингизми! Сиз бўлсангиз, қулоғим тагига келиб бақирасиз! — деб пўнғирлаб кўйди генерал Нахимовнинг гапини охиригача эшитмасдан.

Веня уйда қандай кутиб олишларини минг хил тасаввур этиб, қайтиб келмоқда эди. Онаси бошидаги матросча шапкани, эгнидаги бушлаткасининг елкаларидағи 36 деб ёзилган погонларини күриб албатта құлларини бир-бирига уриштириб, севиниб кетади ва икки кунгача қаерларда тентираб юрганини сўраш ҳам эсидан чиқади-да, қучоқлаб, бағрига босиб, юзларидан ўпади. Ольганинг энсаси қотиб: «Мунча ясаниб олмасанг, кенжавой!» дейди-құяди. Маринка Венянинг бошидан шапкасини торғиб олади-да, бошига кийиб олади ё бўлмаса яна шунга ўхшаган бирон ҳунар кўрсатади. Хоня индамасдан кулиб туради. Наташа бўлса суюнганидан йиғлаб юбориб: «Вой, қаранглар, жонгиналарим! Юнга бўлиб ёзилибди-ку! Вой, жоним, матросчам!» дейди.

Борди-ю, дадаси уйда бўлса-чи? Дадаси индамайди-ю, қўлига тасма олиб, роса савалайди. Савалаши аниқ! Веня ҳамма нарсани бўйнига олишга тайёр, анчадан бери саваланиши керак: кейинги вақт ичиде жуда кўп шўхлик қилди, ҳамманинг жонига тегди. Шундай бўлса ҳам, дадасининг қаттиқ тасмаси анча кўнгилсиз нарса: дадаси тасмани қўлга камдан-кам оларди, аммо тасма билан «адабини бергандан» жуда боллаб «беради» ҳам-да. Кора денгиз флотида матросларча бундай «адаб» бериш одати аллақачон йўқотилган.

Майли, нима бўлса бўлар! Веня: «Ҳамма нарсадан тониб тураман, вассалом! Үламан саттор, ҳеч нарса қилганим йўқ деб туриб оламан» деб қўйди ичиди. Гавдасини лапанглатиб ва қадамларини худди Стрёмага ўхшаб ташлаб, дengizchilarча юриш билан уйига қараб юрди.

Малахов курганини таниб бўлмасди. Оқ маноранинг флагштокида⁹⁸ байроқ ҳилпиллайди. Могученколар уйи ёнида тепага қараб янги йўл худди илон изидай бўлиб чиқиб боради. Милтиқларини елкаларига қўйиб олган солдатлар эркин ҳолда йўлни чангитиб, тепага чиқиб борадилар. Солдатлар кетидан икки ҳўқиз соявон аравани тепага судраб чиқмоқда. Аравага ортилган кема цистернаси — темирдан ясалган сув яшиги ҳар томондан арқон билан бойлаб қўйилган. Тошга текканда арава сакрайди, оқсоқланади, цистерна гумбурлайди ва баҳайбат қўнғироққа ўхшаб янграйди. Ундан пастроқда, Могученколарнинг уйидан юз қадамча берида, арава изига оғир бир замбарак тиқилиб қолган. Матрослар замбаракнинг филидирек ўқига арқон бойлаб, тепага «хашарлашиб» суд-

рашмоқда. Уларга кўзлари шўхлик билан чақнаган бир мичман бошчилик қиласди. Унинг ҳамма ёғи чанг, чираинганидан қип-қизарib кетган юзларидан лойқа тер оқиб тушмоқда. Фуражкасини нахимовчасига бошининг орқасига суриб кийиб олган. Мичман лямканинг бўйнидан ўтказиб олиб, ашула бошлади, унинг ҳозирги шу ашуласи команда ўринни босарди.

Эй, қани, бир зўр берайлик!
Иш ўзи силжир шундай!

Матрослар «Дубунушка»¹⁰⁰га баравар қўшилиб, замбарак ғилдирагини чуқурдан бир силтаб чиқаришга уришардилар. Чиқай-чиқай деб қолган ғилдирак яна чуқурга тушиб кетарди.

Веня уларнинг ёнига бориб, замбаракни чиқаришармиккин ё чиқаришолмасмикин деб четдан тамоша қилиб турди.

— Нафасни ростлаб олайлик, йигитлар! — деб команда берди мичман.

Матрослар лямкаларини ташламасдан тўхтадилар ва ҳарсиллаб нафас слиб, секин-секин сўқиндилар...

— Хой, юнга! — деб чақиради Веняни кўриб қолган мичман.— Нимага бекор турибсан? Қарашиб юбор. Фақат сенга қараб қолдик...

— Есть! — деб жавоб беради Веня ва арқоннинг бир усидан ушлайди.

— Қани, оғайнилар!

Тўпни кўрмаганимисиз?
Банинк ушлаганимисиз?
Эй, қани, бир зўр берайлик!
Иш ўзи силжир шундай!

— Чиқди, чиқди! Энди ўзи юриб кетади! — деб қичқиришди матрослар, ғилдиракни чуқурдан чиқариб.

Веня қадамини ҳамма билан баравар ташлаб, ўз уйига қараб-қараб қўярди. Хушчақчақ ашула остида замбарак мөтийи девор ёнидан жаранглаб ғилдираб ёрди. Ҳозир ойиси ё опаларидан биронтаси эшикка чиқади-да (ашулани жуда шўх айтишапти-да), Венянинг аллақаерларда шўхлик қилиб юрмасдан, жуда зарур иш билан машғул эканлигини кўришади. Бироқ эшикка ҳеч ким югуриб чиқмади, деразадан ҳам ҳеч ким қарамади. Веня олдинда тикка кўтарилган, аммо текис тепаликни кўриб, замбаракни тепаликнинг чўққисигача ғилдиратиб

олиб чиқишини ҳам, уйига қајитиб кетишини ҳам билмай қолди. Бирдан кимдир Венянинг елкасига бир туширган эди, юнганинг шапкаси бошидан учиди. Веня Маринкани кўрди.

— Ойим ииғлай бериб, хун бўлиб ўтиrsa-ю, сен бу ерда юрасан! Юр уйга!

Замбарак тўхтади. Веня оёғини тираб олди. Маринка унинг қўлидан ушлаб эшикка судради.

— Ойпошшал — деб қиңқирди мичман.— Бизга ёрдам бериш ўрнига, суюнган тоғимизни олиб кетмоқчимисиз!

— Ашуланни шўҳроқ айтинглар!— деб жавоб берди Маринка, тўхтамасдан.

Матрослар кулишди.

— Ўт қиз экан! Кимнинг қизи, йигитлар, билмай-сизларми?

— Павел Степановичнинг тутинган оғаси Могученко-нинг қизи,— деб жавоб берди мичманга матрослардан бири.— Бола ҳам ўшанинг ўғли, кенжаси...

— Қани, йигитлар, олдик!

Замбарак ашуласиз ҳам тепага жаранглаб ғилдираб чиқиб кетади.

— Мана арзанданг!— деб қиңқирди Маринка ойисига, Веняни уйга итариб.— Тегирмонга тушса, бутун чиқади. Ол! Сизлар билан машмаша қилиб ўтиришга вақтим йўқ! — деди-да, чопиб чиқиб кетди.

Анна йиғлайвериб шишиб кетган кўзлари билан ўғлига бир қаради-да, ҳатто жилмаймади ҳам, юзини печкага ўгириб, хурмачаларни юва бошлади...

Веня — секин бурчакка бориб, Наташанинг рўпарасидаги скамейкага, кичкина кемача тагига ўтириди.

Душманнинг ният-режаларини Севастополь мудофаачилари деярлик билмас эдилар. Менников, гарчи ихтиёрида кавалерия бўлса-да, разведка деган нарсани менсимас эди. Илгари Петербургдан, подшодан чопар орқали унча-мунча ахборот олиб турарди. Николай Павлович, Менниковга тез-тез ва узундан-узун хат ёзиб турар, газеталарда чиққан чет эл янгиликларини, чет эллардаги рус элчилари ва агентларидан келган маълумотларни, қолаверса Петербургда юрган фийбат ва овозаларнинг бирини ҳам қолдирмай ёзиб турарди. Душман сафарга тайёргарлик кўрар ва ҳали йироқда экан, подшоҳдан келиб турган хабарлар вақтида ётиб келар ва Менников-



нинг тадбир кўришига ёрдам берар эди. Душман Туркия портида куч тўплаб турган маҳалида эса Дунай қўшинидан, князь Горчаковдан ҳам анча керакли маълумотлар келиб турарди.

Альма жанги натижасида душман Севастополга яқин келиб қолгандан кейин ҳам Петербургдан ва Дунайдан хабар келиб турди, аммо бу хабарлар эндиликда ўз аҳамиятини йўқотган ва фойдасиз бўларди.

Хозир душманнинг яқин кунлар ичидаги мақсадини, қайси томондан зарба бермоқчи эканлигини билиш ниҳоятда зарур эди. Аммо душманнинг хатти-ҳаракатлари у ёқда турсин, ҳатто Меншиковнинг қайси томонга кетганини, қаерга бориб тўхтагани ва яна қаёқса силжишини Севастополда билмас эдилар.

Бир-бiri билан урушаётган икки қўшин ҳақида гапи-паркан, Нахимов:

— Бу — уруш эмас, беркинмақоқ-куй — дерди.

Альма жангидан кейин душман томон ҳам минг хил таҳминларга бориб, нима қилишини билмай қолди.

Иттифоқчи француздар қўшинининг оғир касал бўлиб ётган бош қўмондони маршал Сент-Арно инглизларнинг таклифини рад этди, лорд Раглан флотнинг мадади остида дарҳол Шимол томондан шаҳарга атака қилишни таклиф этарди (Севастополда худди шундай бўлишидан хавфланар эдилар). Сент-Арно кузатишларга қараганда руслар Шимолий томон истеҳкомларини жадаллик билан мустаҳкамламоқда деб эътиroz билдиради. Разведкачи пароход «Роланд» командири олдинига, рус флоти рейдда денгизга чиқиш учун ҳозирлик кўриб турибди, деб кейинроқ эса эскадра бир кечада йўқ бўлиб қолди деб хабар қилди. Рус флоти тунда денгизга чиқсан бўлса, унда нима бўлади? Ё руслар кемаларини чўқтириб, рейд оғзини тўсиб қўйдимикин? Унда тақдирда, иттифоқчилар флоти катта бухтага бостириб кираолмайди ҳам. Шимолий томондан ҳужум қилинганда қуруқликдаги қўшинларга мадад ҳам беролмайди. Ўёғи нима бўлади? Ҳужум муваффақиятли чиқсан тақдирда ҳам иттифоқчиларнинг қўшинлари бу муваффақиятни кенгайтира олмайдилар: улар русларнинг қудратли артиллерияси ўтига дуч келиши аниқ. Шимолий бухта қўшинларимиз учун кенг ёа ўтиб бўлмайдиган бир тўсиқ бўлиб қолади. Шаҳарни фақат Шимолий тепаликлардан туриб бомбардимон қилиш билаигина

русларни таслим бўлишга мажбур этиб бўлмайди. Рус қўшинининг Альмадан қаерга кетгани номаълум. Шимолий томонга қилган ҳужумимиз айни авжга чиқиб турган пайтда бирдан рус қўшини келиб қолиб, биқинимиздан ё орқамиздан зарба бериб қолиши мумкин. Бу мулоҳазаларнинг ҳаммаси маршал Сент-Арнони муваффақият қозонишга шубҳалантириб қўйган эди. Унинг фикрига яқин ёрдамчилари ҳам қўшилар эди. Қасалдан толиқкан ва ҳолдан тойған Сент-Арно қўмондонликни Канробер деган лалайган ва суст генералга топширмоқчи бўлиб ётарди. Қанробер унинг ҳамма далилларига қўшилиб, иуқул унинг гапини маъқуллар эди.

Шимолий томонни штурм қилишга инглиз инженери Бэргойн уидан ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатди. Бэргойн штурм муваффақиятсиз чиқишидан каромат қиларди. Альма жангига қараб ҳукм қилганда руслар жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатадилар. Артиллериядан ўқ узилганда ва миљтиқбозлиқдан кейин штурм барибир албатта наизабозлик жангига айланади, наизабозлиқда эса рус солдатига ҳеч ким бас келолмайди. Штурм муваффақиятсиз чиқса, жуда катта талафот берган бўламиз ва бутун сафарни пучга чиқарган бўламиз. «Бунинг устига,— деб сўзини тугатарди Бэргойн,— бир талай қамал асбоб-ускуналарини: оғир замбараклар, турлар, шох-шаббалар, минг-минг белкураклар, киркалар, болталарни бу ерга нима учун ортиб келтирдик, ахир? Одамларни айтмайсизми: шунча тўпчилар, инженерлар, сапёrlар, миначи-лар, гальваник командалар!¹⁰¹ Бутун Европага кулги бўламиз-ку!»

Французларнинг Жанубий томонга ўтиш ва Севастополни ўша томондан әгаллашга уриниш керак деган таклифида инглиз қўмондони ноилож рози бўлди.

Вақт баҳслар ва гап-сўзлар билан ўтиб борар эди. Инглизлар Сент-Арнонинг таклифида қўшилдилар-у, бироқ жанубий томонга ўтишга ҳозирлик жуда суст борар эди. Ярадорларни янги лагерга сокин денгиз орқали кўчириш учун кемаларга олиб ўтдилар: Яроқ-аслаҳа ва сапёр асбоб-ускуналарининг ортиқча қисмини яна кемаларга ортилар. Англия ва Франция флоти Севастополдан анча наридаги Херсонес бурунини айланиб ўтиб, Балаклавага қараб йўл олди. Кичкина, аммо шамоллардан яхши тўсилган ва таги чуқур Балаклава бухтаси флот учун жуда қулай бир манзил эди. Инглизлар шу ерга

кириб олишга қарор қилдилар. Французлар Қамиш бухтасини танладилар.

Иттифоқчилар қўшини Қора дарё водисига қараб йўл олгандан, Меншиков қўшини Севастополдан чиқиб кетиб бўлган эди. Тунда қўшинлар бир-биридан узоқлашган ва душман шаҳар яқинидаги Жанубий тепаликларда пайдо бўлган эди.

Меншиков душманинг Жанубий томонга ўтганини эшитгач, Корниловга чопар юборди. Ҳазрати олийлари қўшин Севастополга, Шимолий томонга қайтмоқда деб хабар қилган ва обозларни шу ерга кўчиришни буюрган эди.

Ун саккизинчи сентябрда бош қўмондоннинг ўзи ҳам Севастополга етиб келди. У ўз қарортоғини Шимолий томонга қурди ва 4-батарея яқинидаги кўмир складининг қоровули турган пошшоликка қарашли кичкинагина уйга кўчиб кирди.

Ҳазрати олий Корнилов ва Тотлебен кузатувида Жанубий томондаги мудофаа истеҳкомлари қурилишини айланниб чиқди. Уларни кўрган одам Меншиков Корниловни кузатиб юрипти деб ўйлаши мумкин эди. Улар қаерга келишмасин, матрослар ва одамлар ишдан қолмасдан, адмирални «ура» садолари билан, баъзан ҳазилмутонибалар билан қарши олар эдилар, Меншиковга эса ҳеч ким эътибор қилмасди ҳам. Ҳазрати олий хафа бўлди ва учинчи бастионга кира туриб, ўзини худди Тотлебенning гапини диққат билан тинглаётганга солиб, Корниловни олдинга ўтказиб юбориш учун отининг жиловини тортди. Князь ўзининг бузуқ кайфиятини босиш ва ўзини истеҳзоли кайфиятга солиш мақсадида гоҳ қовоқларини солар, гоҳ истеҳзо билан кулиб-кулиб қўяр эди. Ожиз, қуруқ одамлар ва иши ўнгмайдиган кишилар одатда ўзларини ҳимоя қилиш учун худди шундай қиласилар. Меншиков баджаҳл, заҳар мазахчи деган ном чиқарган эди, аммо бугун унинг асия ва масхаралари ўрнига тушмасди: Тотлебен уларга эътибор қилмасди. Инженер ўзининг асосий фикрини завқ ва жиддий, хушчақчақлик билан тушунтириб берарди:

— Миямга бир фикр келиб қолди,—дерди Тотлебен.— душман бизга тўрт кун муҳлат берди, бунинг сабаби қисман сиз ҳазрати олийларининг фланг томонга қилган сафарингиз бўлди...

Меншиков Тотлебенning гапини хушомад ўрнида

кўриб, афтини буриштириб, кулган киши бўлди. Тотлебен князнииг табассумини сезмади: хушомад қилиш унинг хаёлига келмас эди, инженер-полковник ўз режасига бўйсуниб, чумолиларга ўхшаб қайнаб ётган халойиққа завқ билан қараб борар эди.

— Қаранг, ҳазрати олийлари, бизга тақдим этилган вақтдан биз ёмон фойдаланмадик. Батареяларни мен шундай жойлаштироқчиманки, штурмнинг бехудалигига душман дарров тушунсиз. Дастребки штурм даф қилинади, бунинг чорасини Владимир Алексеевич кўради. Биз ёвни рўпарадан туриб штурм қилишдан воз кечишга ва қоида бўйича қамал этишга мажбур қиласиз. Шунда яна вақт ютган бўламиз! Яна ҳадя, олдингисидан ҳам зиёд ҳадя! Бу ҳадядан биз истеҳкомларни янада мустақкамлаш учун фойдаланамиз. Бундан яна шу келиб чиқадики, батарея ва бастионлар учун жой танлагандага қамалга яъни қалъанинг қуршаб олинишига, бомбардимонларга ва қайта-қайта штурмларга ҳам бардош бера оладиган қилиб танлаш керак. Толеимизга, атроф-теварак биз учун ниҳоятда қулай бир жой бўлиб чиқди. Кўрасизми, шаҳардан ҳар томонга чуқур ўр ва жарликлар чўзилиб боради. Ўрларни узун-узун тепаликлар кесиб ўтади, улар худди тоғ тизмаларига ўхшаб кетади. Севастополга борадиган йўл қисман шу ўрлар тагидан, қисман эса тепаликлардан ўтади. Бундан ҳам яхши вазият бўлиши мумкини! Ўрларни кемалардан ва шунга атаб қўйилган батареялардан узунасига ўққа тутамиз. Тепаликлардан ҳужум бўлиб қолишнинг олдини олиш учун бастионларни оғир замбараклар билан мустаҳкамлаймиз. Севастополь ёппасига штурм остида қолганда штурм қилувчи тараф икки ўртадаги бир неча қатор тепаликларни босиб ўтиши керак.

Тотлебен ёнидаги сумкасидан чорак варақ қофоз чиқарди-да, Меншиковга узатди. Қофозга «кроки», яъни Севастополь истеҳкомларининг наридан-бери чизилган жўнгина шакллари солинган эди. Бухта ва денгизнинг қинғир-қийшиқ қирғоқлари, ўр ва жарлар ҳам тўғри чизиқ билан тасвирланган эди. Умуман, бу чизма Севастополь атрофидаги жойларни тўғри тасвир этарди, буни Меншиков бир кўришда билди. Қофозни Тотлебенга қайтариб бераркан:

- Жуда дангалчи одам экансиз, полковник! . . — деди.
- Бу жуда' осон! Миямга шу фикр келиб қолганда

ёнимда шу бир парча қоғоздан бошқа қоғоз йўқ экан, мен фақат асосий фикрни тасвирламоқчи эдим, холос.

— Бунга эришибиз, полковник! — деб унинг фикрига қўшилди Меншиков, ичиди эса: «Квадрат Иванович!» деб қўйди.

— Душман уч томондан атака қилса бўлади,— деб сўзини давом этди Тотлебен.— Биринчи йўл — мана биз турган учинчи бастион: бу ерда жанг жуда қизғин бўлади! Иккинчиси — тўртинчи бастион, биздан сал ўнгроқда, у ерда ҳам жанг қизийди. Ниҳоят, учинчиси Малахов курган; о, у ер жаҳапнам бўлиб кетади! Душман икки чақирим йўлни бизнинг батареялар ўти остида босиб ўтишга мажбур, бунинг устига қўшинларининг колонналарини чуқур жарлар бир-биридан ажратиб қўйиб, бир-бирларига мадад бериш имкониятидан маҳрум этади... Тишини уриб синдирамиз.

Улар ёнига Корнилов келганини князъ сезмади. Тотлебенинг гапини Корнилов хайриҳоҳлик ва илтифот билан тинглаб турар эди. Баъзи бир нарсаларни Меншиков Тотлебен айтмасдан олдин ҳам билар эди. Малахов кургандаги оқ манора анча илгари қурилган эди. Учинчи ва Тўртинчи бастионларининг жойи Тотлебен Севастополга келмасдан олдин танлаб қўйилган эди. Меншиков инженер-полковник тайёрта айёр бўлмоқчи шекилли деб ўйлади: «Чангал солмоқчи бўлади-я!»

Меншиков гоҳ тепаликларининг чўққиларига, у ерда қотиб турган душман отлиқ патрулларига ҳўмрайиб қарап, гоҳ Тотлебенинг очиқ чеҳрасига қараб-қараб қўяр эди.

«Мунча ҳушвақт бўлмаса! — деб ўйлади Меншиков, жаҳли чиқиб.— Оғзи қулоғига етади-я! Жудаям ҳушчақчақ одам экан-ку бу! Todt — дегани ўлим дегани. Leben — дегани ҳаёт дегани. Тодт-Лебен. Бундан бир асқия чиқмасмикин!».

Князнинг вақти хуш бўлди, аммо бу сўзларни қайси мақомга солмасин, асқия чиқмас эди. Тотлебен ҳамон қатъий оҳангда сўзида давом этарди. У князъ учун мутлақ янги фикрлар айтар, бу эса ҳазрати олийга ақлга сифмайдиган бир гапдай туюларди.

— Албатта, биз танлаган ва қурдатли артиллерия билан таъмин этилган асосий ўт ўчоқлари ўз ишларини бевосита олиб боришлари керак, аммо уларнинг бир-бирларига мадад бериб туришини ва икки ёндан ўт очиш

имкониятини яратиш учун уларни бир-бiri билан боғлаш керак бўлади. Хуллас, мен шу фикрга келдим: Севастополь мудофааси инженерлик илмини янада олдинга суради ва ҳамаёfi берк алоҳида истеҳкомларга хотима беради. Биз жаҳонга истеҳкомларнинг яъги турини тақдим этамиз. Узлуксиз тош деворлар, хандаклар ва валлар билан қуршалган шаҳарларнинг куни битди. Келажак — айрим, аммо бир-бiri билан боғланган форtlардан¹⁰² иборат қалъаларники.

Князь Тотлебенning гапларидан зериқди. Фақат ўзини тутабилиши қобилияти кучли бўлганидан ширингина хомизак тортишдан ўзини тийди. Меншиков инженер-полковникинг узуидан-узун изоҳларини тўхтатиш мақсадида бирон баҳона топиш учун атроф-теваракка қаради. Аммо Тотлебен мудофааа планини янада кенгайтириб, ҳамон гапдан қолмасди. Шу пайтда князь маҳрамлардан бири, казак урядниги¹⁰³ (у ҳам зериқиб кетган бўлса керак) ширингина хомизак тортиди: «Ах!» деди-ю, қўрқиб кетиб, оғзини қўли билан беркитди. Меншиков ҳам хомизак тортиб юборди ва хижолат бўлди.

Истеҳкомлардан қайтаркан, князь нуқул хомизак тортиб келди. Унинг қўл ва оёқлари музлаб кетган эди. Отдан қулаб тушишига сал қолди. Князь уйига ўлардай чарчаб қайтди. Деншиги¹⁰⁴ оёқларидан этикларини ечиб олди. Князь халатга ўранди-да, койкага ётиб, ўзининг хусусий доктори Таубени чақирилди.

Лейб-медик¹⁰⁵ тезда етиб келди: уйи яқин эди. Семиз, савлатли ва бесўнақай Таубе худди князниng торгина уйига сифмаётгандай эди. Врачинг тоза қирилган қип-қизил юзидан табассум аrimасди. Таубе солдатча темир койка ёнига креслони сурди-да, яхшилаб ўтириб олиб, портсигаридан йигирма беш сўмлик катта сигара чиқарди, гугурт чақиб, учидаги қиёси ёниб бўлгандан кейин, сигарасини тутатди.

— Хўш, бизга нима бўлди? Тобимиз қочдими? Бундан уч соат илгари соппа-соғ эдик, кайфимиз ҳам хуш эди-ку-а? Бизни нима хафа қиляпти? — деб сўради Таубе, семиз одамларда кам учрайдиган йўғон овоз билан.

— Нуқул хомизак тутади,— деб жавоб берди князь, ҳолдан тойиб.

— Ҳм! Хомизак тортамиз денг... Аммо биз горизонталь вазиятни эгаллабмиз, хомизакнинг энг яхши давоси шу-да: қон баробар тарқалиб мияга қуйилади... Бизнинг

ёшимиизда отда кўп юриш ярамайди, қон тўхтаб қолади.

Врачинг келиши касални тинчитди. Хомизак босилиб, шикоятга ўтилди:

— Мен йўғимда ҳамма нарсани эгаллаб олишипти!

— Кимлар? Нимани эгаллаб олишади?

— Денгизчилар-да... Корнилов, Нахимов ва яна анови... каламуш Тотлебен.

— Бу табиий нарса: шаҳарни ташлаб кетганимиздан кейин эгаллаб олади-да. Яна нима қилишимиз мумкин! Бизга яна яхши: эгаллаб олишган бўлса, жавобини ҳам ўшалар беради. Энди, яхиси, ухлайлик! — деб маслаҳат берди врач.

Меншиков кўнди:

— Ҳа, мен ухлаб олай, азиз дўстим. Утинаман сиздан: Буншга менинг буйруғимни айтиб қўйинг, бундан буён бульварда денгизчилар оркестри чалмасин. Полк оркестри чалсин... Хушчақчақ, шўх музикалардан чалсин. Ҳар кунги концертда албатта инженер Лъвовнинг: «Тангри, подшоҳни сақла!» гимнини чалишсин.

Меншиков янгишмаган эди, шаҳарга денгизчилар эга бўлиб олган эдилар. Бутун Севастополь қайнаб тошарди. Буни аврал деса бўларди. «Ҳарбий кемада тошбақага ўхшаб судралмайдилар, чопадилар» дегучи эди Нахимов. Илдам ва хушчақчақлик билан ишлаш одатини денгизчилар кемалардан қуруқликка олиб ўтган эдилар. Туйнуклари олдига замбараклар ўрнатилган истеҳком валлари кема бортларини эслатар эди. Замбарак ва мортиralар¹⁰⁶нинг таҳтадан қилинган сўрилари худди палубага ўхшарди. Бастионларда боцманларнинг сурнайлари янграр, қўнғироқлари склянка уриб туради. Беркиниш учун қазилган землянкалар, уларнинг торгина эшиклари ва кичкина дарчалари, тор зиналари, трапларнинг панжара ўрнига тортиб қўйилган йўғон-йўғон симарқонлар кеманинг одамлар турадиган палубасидаги чалаёруғ кубрикларини¹⁰⁷ эслатар эди. Чучук сув сақланадиган ва ерга кўмиб қўйилган цистерналар кемаларда қандай хизмат ўтаса, бу ерда ҳам шундай хизмат ўтар эди. Малахов курганда матрослар бу цистерналарга бошқа вазифа ҳам юклаган эдилар: замбарак ўқлари шу цистерналарда сақланар ва керак бўлиб қолган пайтда порох складидан олиб келиб тўлдирилар эди. Эҳтиёт шарт-да: биринчидан, ўқлар доим қўл остида туради, иккинчидан, бундай кичик омборларга снаряд тушиб

портласа, унинг зарари кам бўлади. Асосий порох омборини анча нарига кўчириб, унинг дуб тахтадан ёпилган томининг устига қалин қилиб тупроқ ётқиздилар. Кройткамера — кеманинг энг хавфли жойи.

Истеъкомларда байроқ кўтариш ва тушириш маросими йўқотилди: ҳар бир флот экипажи кичкина байроқча ўрнига байроқ олди. Вахтанинг муддати ўзгарганлиги туфайли, кемаларда жорий этилган кун тартиби бастионларда бир мунча ўзгарди, бироқ ҳар қандай машғулот ва ишни соат бешда тўхтатиб, кечаси яна бошлаш одати сақланган эди. Кемаларда соат бешдаи то байроқ туширилгунга қадар одатда «бакда ўйин кулги» бўлар эди. Бастион ва батареяларда ҳам шу одат сақланди. Полк оркестри музика чалиб турадиган бульвар Севастополнинг катта «баки»га айланди, кун ботишга қадар қолган пайларда бульвар одамга лиқ тўлиб кетарди. Кечки пайлар қуёшли, сокин ва илиқ бўларди. Тантанали музика янграрди. Меншиковнинг буйруғига мувофиқ, ҳар қеча музика «Тангри, подшоҳни сақла!» гимнини чаларди. Гимнни тўқувчи гимн оҳанги учун эски ҳарбий маршилардан бирининг куйини ишлатиб, унга суст суръат берганди. Фанфарлар билан чалинадиган Преображенский маршидан кейин ва отлиқ гвардиянинг шўх маршидан кейин Львов гимни ўзининг оғир ва суст оҳанги билан ҳали эшитиб ўрганмаган ҳалқ қулоғига худди мотам маршига ўхшаб эшитиларди.

Оёқларини марш мақомига солиб юрувчилар қадамларини секинлатар, шод-хуррам гурунглар босилар, хотин-қизларнинг кулгиси сўнар эди.

Кримнинг олтиндай товланиб турган куз кечаларидан бирида, ҳам хушчақчақ, ҳам ғамгин бир оқшомда учта кема юнгаси қўл ушлашиб, бульварда савлат тўкиб сайир қилиб юрарди, улардан бири «Громоносец»нинг қаюта юнгаси Олесь Мокроусенко, иккинчиси «Владимир» пароходининг машинахона юнгаси Трифон Могученко эди; учинчи юнга, Вениамин Могученко, тагини суриштирганда, ҳали юнга эмас эди-ю, елкаларига 36 деб ёзилган погонларни ўзи тақиб олиб, ўзини ўзи юнга деб тайинлаб олганди. Веня ўзини Михаил Могученко билан Стрёмалар хизмат қиласидиган 36-экипажга тайинлаган эди. Тўғри, экипаж рўйхатларида Венянинг оти кўринмас эди, аммо акаси ва Олесни «расмий равишда» ёзилдим, Малахов курганда сигналчилик қиласидан деб ишонтирад

эди. Уларни яна қаттироқ ишонтириш учун, дадам ўзининг яхши кўрган дурбинини берди дебди.

— Бўғинлари бир-бирининг ичига кирадиган мис дурбинни биласан-ку, Тришка, устлари сигнал байроқчаларининг суратлари билан безатилган, дадам сандиқقا яшириб қўйган эди-ку? Дадам менга: «Дурбинни ол, Веня, энди менга кераклиги йўқ, сен сигналчисан, сенга керак бўлади» деди.

— Ҳой бола, ҳамма гапинг ёлғон,— деб гумонсиради Олесь.— Дурбиннинг ўзи ҳам йўқдир.

— Йўқ, бор!— деб укасининг ёнига тушди Тришка.— Дадамнинг шунақа дурбини бор, ҳамаёғига байроқчаларининг расмлари солинган. Сиз каюта юнгаларининг иши— чой ташиш. Аммо сигналчи бундай дурбинсиз ишлай олмайди: дурбиндан бирон кеманинг байробини кўриб қолади, аммо қайси давлатнинг байроби эканлигини билмайди. Дурбиннинг устига қараб, худди шундай байроқни топади-да, ё инглизники, ё туркларники, ё яна бирон давлатники эканини билади. Фойдаси катта!

Олесь ортиқ баслашмади: рос сигнал байроқчаларининг расмлари билан безатилган дурбин бор эканми— бўлди, Веня ўзини юнгалар жамоасига узил-кесил қабул қилинди деб ҳисобласа бўлади...

Бульварнинг юқори хиёбонидан бир гардемарин.¹⁰⁸

— Ҳой, юнгалар!— деб чақириб қолди.

Ҳаммадан олдин Веня:

— Есть!— деб жавоб берди-да, гардемариннинг ёнига югурди.

— Ўи тийиндан ишлаб қолишни хоҳлайсизларми, йигитчалар?

— Нега хоҳламас эканмиз, жаноби олийлари,— деб ҳамманинг номидан жавоб беришга шошилди Веня.— Аммо, қандай қилиб?

— Офарин! Отинг нима! Могученко? Михаил Могученконинг укасимисан? Жуда соз. Ушла пулни. Ҳов анови дўканга югуриб бориб, учта лимон келтир. Югуриб бориб кел! Дарров қайт!

— Есть!

Веня юрганича дўконга кетди-да, нафас ўтмасдан учта лимон олиб келди.

— Мана, учковингга биттадан лимон. Вазифа: биттадан лимонни ейсизлар!

— Жуда нордон-ку. Ундан кўра, жаноби олийлари,

бизга узум олиб берсанг бўларди,— деб жавоб берди Веня.

— Лимон нордонлиги учун ўн тийиндан оласизларда. Текин узум бўлганда, ўзим уч қадоғини туширадим,— деди гардемарни.

— Майли, нордон бўлса бўлсин! Сизга ёқса, еганимиз бўлсин. Берган пулингизга кейин узум олиб еймиз: оғзимизнинг тахирини йўқотади,— деб ўз мулоҳазасини билдириди Трифон Могученко.

— Жуда соз. Энди гапимга қулоқ солиб, мен айтганни қилинглар. Павильон олдига бориб, учинчи номерни кўрсатиши биланоқ панжарарага чиқасизлар. Музика чалган вақтда музикачиларга кўрсатиб туриб биттадан лимон ковшайсизлар. Маъқулми? Мен қараб тураман. Музикачиларнинг кўзига кўрсатиб туриб биттадан лимон есанглар — ўн тийиндан бераман, еяолмасанглар — бермайман.

Юнгалар павильон томонга қараб югуриб бордиларда, орқа томондаги буталар орасига беркиниб турдилар. Капельмейстер чўпини тақиллатди-да, қўлини кўтарди. Музикачилар карнайларини оғизларига қўйди. Юнгалар уч томондан павильон панжарасига чиқдилар-да, ишга киришдилар. Олдинига уларни ҳеч ким пайқамади. Капельмейстер уларга орқасини ўғириб турарди. Оркестр «Тангри подшоҳни сақла»ни тантана билан чала бошлади.

Лимон жуда нордон эди, бироқ Тришка билан Олесь лимонларини астойдил кавшар ва бу кўнгилсиз дамларни қисқартиш учун иложи борича шошар әдилар. Лимонни тишлаб ютганларида афтлари буришиб-қуришиб кетарди. Веня лимонни оғзига олиб борди-ю, бироқ тишлашга ботинмади, нақ тромбонистнинг¹⁰⁹ юзига қараб туриб афтини буриштириди. Тромбонистнинг лаблари буришиб кетди ва қудратли карнайдан бас товуши ўрнига худди итнинг увуллашидай бир товуш эштила бошлади. Корнетчилар ҳам худди шундай бўлди, улар болаларга кўзларини ўқрайтириб, буришган лаблари билан тантанали оҳанг чиқаришга шунча уринсалар ҳам бўлмасди, бунинг ўрнига худди товуқ қақағлашига ўхшаган товуш чиқарди. Найлар чўчқа болаларига ўхшаб чинқира кетди. Фагот худди тўнғиз сингари хириллай бошлади. Инглиз сурнайи эса хўroz бўлиб қичқирди. Музика бузилди. Таажжубланган капельмейстер оркестрга қайрилиб қаради-да, фазабдан қутуриб:

— Ушла уларни, ушла! Жандарм! — деб бақира бошлади.

Юнгаларнинг калласи бир зумда кўздан фойиб бўлди.

Бас-геликонлар яна бир неча мақом чиқариб турди, баҳайбат барабан ҳам пича гумбурлаб турди: уларга лимон ҳеч қандай таъсир қилмаган эди...

Павильон олдига халойиқ тўпланди. Жандарм, ёнидаги қиличини ушлаб, аллақаёққа чопиб кетди-да, яна қайтиб келиб, павильон олдида кўзларини бақрайтириб, қора мўйловини бураб тўхтади.

Довдираб қолган музикачилар бўлган воқиани капель-мейстерга тушунтирилар.

— Ҳа, қани улар? Қандай юнга? Ким кўрди уларни? — деган овозлар эштиларди халойиқ ичидан.

— Шу ерда, буталар орасига беркинган бўлишса керак! — деди аллаким.

Жандарм қаддини ростлади-да, дадил қадам ташлаб, буталар ёнига бориб, қиличи билан новдаларни кўтариб қаради:

— Худди шундай! Шу ерда экан тирмизаклар!

Юнгалар буталар орасидан усти-бошларини қоқа-қоқа чиқишиди.

Опа-сингил Могученколар бу оқшом бульварнинг пастки хиёбонида саир қилиб юрар эдилар. У йилларда пойтахтларда ва бошқа шаҳарлардаги сайдиргоҳларда: «Фуқароларга кириш моне» деган лавҳаларни учратиш мумкин эди: Севастополда бу монелик йўқ эдию, аммо музика чаладиган юқори хиёбонда «жаноблар», пастки хиёбонда эса «фуқаролар»нинг, яъни маҳкамама хизматчилари хотинлари билан, штаб Мирзалари, док ишчилари, матрослар, шаҳар слободкаларидаи келган қизларнинг саир қилиб юриши одат бўлиб қолган эди. Баъзан кўхлуккина чеҳрани кўриб қолган қўшин ва флот офицерлари юқори хиёбондан пастга тушишар ва гарчи юқори хиёбонда жандарм айланиб юрса ҳам пастки хиёбондагиларнинг юқорига чиқиши моне этилмас эди. Аммо кемадаги одат яъни матрослар баки билан офицерлар юти ўз ҳоли-ча яшаш одати сақланниб келаар эди.

Опа-сингил Могученколар бульварга камдан-кам чиқишиар эди, аммо уларнинг бу ерга келиши ҳеч кимнинг эътиборидан четда қолмас эди. Бульварга чиқишини канда қилмовчилар:

— Э, ана уч рангли байроқ ҳам келиб қолди! — дейишарди.

Наташа, Ольга ва Маринкалар бошларига бири оқ, бири қизил яна бири кўк рўмол ўраб келишар, Наташа ҳамиша чап томонда, Мариика ўнг томонда, Ольга эса ўртада юрар эдилар.

Шўх кўзли мичман Нефёдов-иккинчи бир гардемарин билан бирга юқори хиёбон билан пастки хиёбон ўргасидаги нишабликда турар эдилар.

— Қара, Понфилов,— деди мичман, гардемаринга.— Апа, бизнинг ажойиботларимиздан бири шулар — уч рангли байроқ деймиз уларни. Байроққа бугун мотам белгиси тақилипти...

Опа-сингил Могученколарнинг чап ёнида бугун бошига қора рўмол ўраган Хоня келар эди. Хоня бултурдан бери бульварда кўринмасди.

— Юр, кетларидан судралишайлик,— деди гардемарин.— Анови қора рўмолча ўрагани малика экан. Чиройлигини қара! Сизнинг Севастополда шундай ажойиб қизлар бор экан-да! Худди мадоннанинг ўзи-я¹¹⁰!

— Тўртталаси ҳам яхши. Улар опа-сингил. Менга ҳов ановиси, кўк рўмол ўрагани кўпроқ ёқади. Бугун нечундир фамгин кўриниади...

— Юр, кайфини очайлик...

— Мумкин эмас. Сен Кронштадтдан янги келгансан, бизнинг расм-одатларни билмайсан. Кўрдингми, кетидан учтаси келяпти. Ҳа демай тўртинчиси ҳам келиб қолади... Конвой бекаму кўст!

— Аттанг! Ҳа, майли, айтмоқчи, музикани бир бопламоқчиман. Миямга бир нарса келиб қолди...

— Тағин нима қилмоқчисан?

— Ҳозир кўрасан, тўғрироғи — эшитасан. Хайр!

Опа-сингиллар кетидан Ручкин, Стрёма ҳамда Мокроусенко,— ҳар бири ўз жазманининг кетидан келишар эди. Ручкиннинг Хоня кетига тушиб қолиши ўз-ўзидан бўлди. Бугун унга сокин, юввош ва маъюс Маринка ёқар эди; унинг нимадан маъюслигини Ручкин сезарди: сабаби Погребовнинг келмагани. Қаёққа йўқолди экан? Ручкиннинг нозик ва таъсирчан қалби раҳм-шафқатга тўлиб тошарди: Маринкага таскин бергуси келарди. Маринканинг кайфи ни очиш учун Ручкин энг ширин ва хушчақчақ сўзларни ўйларди. Е опа-сингилларга подшоқ табиби Мандтдан, келган ҳамма касалликларни қусдирувчи ёнгоқ билан бояниш ҳақидаги буйруқ тўғрисида сўзлаб берсинмикан? Ручкин чап томондан ўнг томонга ўтмоқчи эди, бироқ бу

Фикридан қайтди: ҳикояни энди бошлаганда, бирдан Погребов келиб қолса, унда нима бўлади? Йўқ, кераги йўқ! Хоня бугун Ручкинга мутлоқ ёқмайди: ҳаттэ бир марта масхара қилиб ҳам гапирмади! Мокроусенко билан рақиблик қилиш унинг хаёлига ҳам келмайди. Ольга дам-бадам орқасига қайрилиб, қайнұсозга кулиб-кулиб қараб қўярди: Мокроусенко Тотлебенга ёғоч-тахта бериб юборгани учун Станюкович уни остирмоқчи бўлганини у бугун эшилди: бу эса Ольганинг иззат-нафсига мойдек ёқарди. Мокроусенко ҳам керилади: ҳар на десанг ҳам, қаҳрамон Наташа тўғрисида ўйламаса ҳам бўлади: Стрёма ҳали ҳеч ким эшилмаган шеърни қадамга мослаб айти бошлаган эди, ҳатто юзлари қизарип кетди:

Ипакдан тикар рўмол
Соҳилда ўлтириб қиз.
Иши соз, лекин ипак
Каштага етмас, эссиzl

«Қаердан билади бу нарсаларни Стрёма-а! Узи-ку бе-
савод одам бўлса!» деб ўйлади Ручкин, Стрёмага ҳаваси
келиб. Стрёма эса овозини бир мақомга солиб, ҳамон байт
айтиб борарди:

Биз уч опа-сингил: графники биримиз,
Иккичимиз — герцогнинг аёлидир,
Ҳаммасидан яхши, гўзал мени қиз эса —
Оддий денгизчи бўлиш — хаёлимдир!
— Сира ташвиш чекмагин, эй қадрдон қиз,
Бу қайгули хәёлингдан қайтгии сен.
Сен оддий денгизчи ҳам бўлмассан,
Албатта қиролича бўлжаксан.

Шеър Мокроусенкого ҳам ёқди. Наташа Хоняга юра-
гини очиб дерди:

— Қани энди, менинг ҳам саводим бўлса! Ҳамма кў-
шиқларни қофозга ёзиб олардим, юрагимда сақлаб юради-
м. Сўзлардан шундай чиройлик тўрлар тўқиса бўлади-
ки!.. Ҳам ширин, ҳам маъюс, жоним опам, ўзимнинг
Хонюшкам!..

Хоня жавоб берди:

— Ҳар бир қиз умрида бир марта, қайлиғи билан
никоҳ қилинаётганда малика бўлади. Маринка билан ик-
кимиизга бу шодлик ҳам насиб қилмайдиганга ўхшайди!

Маринка индамасдан бошини эгиг борар эди.

— Стрёма, нега Погребов кўринмайди? — деб секин
сўради Ручкин, Стрёмадан.

— Погребовми? Погребовнинг иши хуржун. Биз Погребов қаёққа йўқолди деб ҳайрон бўлиб юрувдик. Уни флотчилар командаси билан Николаев шаҳрига порох билан ғомбаларни қабул қилиб олишга жўнатишипти...

— Шунақами? Тез қайтадими? — деб овозини баланд қилиб сўрайди Ручкин.

— Қачон қайтишини ким билади дейсан? Транспорт билан бирга қайтса керак. Қайтганда ҳам денгиз билан эмас, қуруқликдан қайтади. Ҳа демай ёфингарчилик бошланади. Йўллар бузилади. Бир ойча юради, балки ундан ҳам кўпроқ юрар. Денгиздан келса — бошқа гап эди! ..

Афтидаи, опа-сингиллар ўзаро, кавалерлар эса ўзаро сұхбатлашиб кетаётганга ўхшайди. Икки тўданинг бир-бири билан гаплашиши ва жуфт-жуфт бўлиб олиб, гапиришиш бульварда уят ҳисобланади.

Бульварда музика чала бошлади ва бирдан бузилиб, тўхтади. Тепадан қийқириқлар эшитилди. Шовқин-сурон кўтарилиди. Пастки хиёбонда юрган одамлар тепага қараб югуришди. Опа-сингил Могученколар ҳам чопишиди.

Шу пайтда бўшаб қолган юқори хиёбонда адмирал Нахимов кўринди, ёнида флаг-офицер Жандра ҳам бор эди. Павильон рўпарасига келганда Нахимов тўхтади-да, Жандрага:

— Александр Павлович, билингчи, нима гап ўзи,— деб буюрди.

— Есть!

Жандра халойиқ орасига ёриб кирди. Одамлар флаг-офицерни таниб, унга йўл бера бошладилар. Икки-уч минутдан кейин халойиқ иккига бўлинниб, флаг-офицер халойиқ ичидан учта юнгани олдига солиб чиқди; улар кетидан оркестр капельмейстери ва анча кетирроқда мичман Нефёдов-иккинчи билан гардемарин Панфиловлао келар эди. Ҳамманинг кетидан кивер кийган ва белига қилич таққан жандарм келар эди.

Юнгалар теварак-атрофга тумшайиб қараб келар эдилар; Веня, Панфиловни кўриб, лимонни кўрсатди ва юзи-ни буришириб кейин муштини кўрсатди.

Капельмейстер Нахимовга честь берди-да, бўлган воқиани айтиб берди.

— Ийя! Ҳаммаси эски танишлар-ку! — деди Нахимов, кулиб,— Веня, Трифон, Олесь. Нима қилдинглар! Нима қилиб лимон еб юрибсизлар? Едингларми?

— Едик, Павел Степацович! — деб бир оғиздан жавоб берди Гришка билан Олесь.

— Сен нега емадинг, Веня?

— Жуда нордон экан! Иннайкейин, лимонни дадамга элтиб бераман, дадам чойга солиб ичишни яхши кўради. Халойиқ ичидан кулги эшитилди.

— Маэстро!¹¹¹ — деди Нахимов, оркестр дирижерига қараб. — Концертни давом эттираверинг...

Капельмейстер честь берди-да, павильон томонга кетди. Оркестр бузилган маршни сидқидиллик билан яна такрор чалишга киришди.

— Жандарм! Юнгаларни менинг штабимга олиб боринг. Узим текшираман... — деб буюрди Нахимов.

Шаҳарга қоронғу тушди. Бульвардаги халойиқ тез тарқала бошлади. Музика ҳам тинди. Опа-сингил Могученколар уйга қайтиб кетишди.

Хонянинг ёнига гардемарин Панфилов яқин келди-да:

— Рухсат этсангиз, маликам, илтифотингиз қулиман!

— Маъқул бўлса, юраверинг... Мен ман этолмайман. Йўл катта.

Ручкин уларнинг кетидан қаради. У қизлардан қайси бирини: мағур Ҳоняни кузатиб қўйишини ҳам, ғамгин Маринкани кузатишини ҳам билмас эди. Энди Маринканинг ёлғиз ўзи қолган эди. У боғ скамейкасининг бир четига ўтириди. «Тақдирнинг ўзи масалани ҳал қилди, — деб ўйлади Ручкин. — Мана энди мен, ўйлаб топган ҳамма ширин сўзларни ёлғиз ўзига айтаман». Ручкин қиз ўтирган скамейка томон юрган эди, бироқ скамейканинг нариги бошига мичман Нефёдовнинг келиб ўтирганини кўриб, орқасига қайрилиб кетди.

— Шунча хафа бўлиб, чиройни бузиш арзийдими, — деди мичман, Маринкага қарамасдан.

Маринка Нефёдовга қараб:

— Қайси экипаждансиз, жаноби мичман? — деб сўради

— Эвоҳ! Менинг кемам денгиз тагига чўкиб кетди. Мен «Уч авлиё»данман...

— Вой! Сиз уни танисангиз керак! Албатта танийсиз!

— Кимни сўрайдилар?

— Комендор • Погребовни.

— Бўлмасамчи!

— Танийсизми? Афандим, Нахимов уни команда билан бирга снаряд келтиргани юборгани ростми?

— Йўқ, эшитганим йўқ. Юборишган бўлса, мен билган бўлардим...

— Узим ҳам билардим! У ҳалок бўлган! Мен айбдор! У менга шармандалика чидай олмайман, кема ҳалок бўлса, мен ҳам ҳалок бўламан деб айтган эди! Менчи! Мен ўлай! — дерди Маринка, ҳўнг-ҳўнг йиғлаб. — Мен унга ишонмай, масхара қилиб кулган эдим, мақтанипти деб ўйлаган эдим. Уни бу йўлдан қайтармадим, унга тасалли бермадим.

Мичман хаёлга ботди. Йўқлама вақтида комендор Погребов йўқ эди. У қаерда, унга нима бўлди — ҳеч ким билмасди. Уни бедарак кетгандар қаторига чиқариб қўйиши. Нефёдовнинг эсига «Уч авлиё»нинг чўкиб кетиши олдидан фонис билан қоронғу трюмга тушгани тушди... Каламушлар, палубада ёлғиз ўзи турган капитан Зарин, рутубатли трюмнинг даҳшатли зулмати, сувнинг жилдирашлари эсига тушиб кетди... Шуларни хаёлга келтирган эди, мичманинг баданлари яна жимирилашиб кетди. Маринканинг ҳўнграб йиғлашини тингларкан, Нефёдов: «Юраксизлик қилдим! Шарманда бўлдим!» деб ўйларди. Маринканинг гапларидан кейин у комендор Погребовнинг кема билан бирга ҳалок бўлиб кетиш мақсадида кемада қолганлигига ишонди. Бушпритга байроқни ҳам ўша кўтарган бўлса керак... Мичман оғир хўрсинди.

— Мен кетай, ҳамроҳларимга етиб олай,— деди Маринка, ўрнидан туриб.

Мичман унинг ёнида борар экан, Погребовдан гап очди. Погребовни мақтади:— ўткир комендор эди! Үртоқлари, матрослар қандай яхши кўришарди! Синопда иш кўрсатганини айтмайсизми! Бетўхтов отаберганидан, замбараги қизиб кетиб, ёрилиб кетишига сал қолганди! — Маринка йиғидан тўхтади, қадамини секинлатиб, Нефёдовнинг гапини тинглаб борарди.

Бу орада юнгаларни жандарм штабга олиб келди. Йўлда у Венянинг қўлидан маҳкам ушлаб олган эди. Веня қўлини тортиб олишга уринмасди ҳам. Аммо штаб жойлашган бино эшиги олдига келганиларида, Веня қўлини жандармнинг дагал қўлидан пайтини пойлаб туриб шартта тортиб олди-да, ҳаммадан олдин зинадан югуриб чиқди.

Андрей Могученко навбатчилар хонасида диванда мудраб ўтиради. Столда ўтхонаси беркитилган самовар қайнаб туради. Веня югуриб келиб отасининг бағрига ўзини ташлади-да, қўлидаги лимонни узатди:

- Дадажон, сенга лимон олиб келдим!
- Раҳмат, ўғлим! Қатта раҳмат. Ҳа, қаерда эдинг?
- Бульварда. Ҳозир яна одамлар келади. Лимонни беркитиб қўй.
- Е лимонни бирон ердан ўғирлаб олдингми?— деб ҳазиллашди чол, лимонни чўнтағига беркитиб.
- Веня жавоб қайтаришга улгурмади: навбатчилар хонасига юнгалар, улар кетидан жандарм кириб келди.
- Жаноби олий адмирал Нахимовнинг буйруқларига мувоғиқ аристонларни қабул қилиб ол. Мана учови шу ерда. Тилхат бермасанг ҳам бўлади.
- Аристонлар? Тришка, сенмисан? Олесь? Учинчиси қани?
- Ана, турипти-ку, ҳаммадан олдин югуриб киргани... Учинчиси ўша бўлади.
- Тушунмадим...
- Ҳозир жаноби олийлари келиб, текшириб кўрадилар. Ӯшанда тушунасан. Исёнчи ўстирган экансан! Энди рухсат, хайр-маъзур. Саломат бўлсинлар...
- Жандарм шпорларини жаранглатиб, қайрилиб чиқиб кетди.
- Аристонлар-а!— Могученко калласини чайқади.— Җани, ўтиларинг, аристонлар, ҳукмни кутинглар энди... Чиқиб бир қарайчи, Павел Степанович келмаяти-микин...
- Чол чиқиб кетди. Юнгалар диванга ўтириб, шивир-шивир қилиб сўкина бошладилар.
- Карцерга¹¹² ўтқизмай қўймайди энди. Трюмга қамайди: у ерда шунақсанги каламушлар бўладики, оғайнилар, ҳар бири мушукдай келади!
- Ўша гардемарин ҳозир қўлимга тушса-ку, юзини уриб ёрадим-а!— деб пўнфиirlарди Трифон.— Ўн тийиндан бераман деб, ўзи қочиб қолди. Қўрқди!
- Уч кишилашиб урадик,— деб унинг гапига қўшилди Веня,— аммо, қаердап қидириб топардинг энди уни!
- Веня гапини айтиб бўлмаган ҳам эдики, навбатчилар хонасига гардемарин Панфилов кириб келди.
- Ийе, жамоат жам-ку!— деб қичқирди гардемарин.— Юнгалар! Нега бошлиқ кирганда ўриндан турмасдан, bemalol ўтирасизлар?
- Биз ҳозир юнга эмас, аристонмиз. Сен ҳам офицер эмассан, юнкерсан,— деб қовоғини солиб жавоб берди Трифон.

— Аристон? Мана, мен ҳам ёнларингга ўтириб, аристон бўлай.

Юнгалар сиқилишиб жой бердилар. Панфилов диваннинг бир четига ўтирди.

— Ўн тийиндан берамай деб ўзинг қочиб қобсан-ку,— деб гардемариндан гина қилди Веня.

— Тўғри айтасан! Ростинни айтсам, мен бу ерга шунинг учун келдим!— деди Панфилов ва картмонидан ўн тийиндан чиқариб берди.

— Келяпти!— деб хабар қилди Могученко.— Туринглар!

Туринглар дейиши ортиқча эди, чўнки гардемарин билан юнгалар илдам ўринларида тубиб, тик қотиб турдилар.

Нахимов кирди. Гардемаринни кўриб, тўхтамасдан туриб:

— Менга келдингизми?— деб сўради.— Қани, марҳамат!

Панфилов Нахимов кетидан маҳкама залига кирди. Могученко уларнинг кетидан эшикни зичлаб ёпди.

— Нима хизмат билан келдингиз, йиғитча?— деб сўради Нахимов стол ёнига бориб ўтириб.

— Ҳузурингизга келдим, жаноби олийлари: гардемарин Панфилов бўламан.

— Бунингиз ортиқча. Мен сизни танийман.

— Павел Степанович! Юнгаларда айб йўқ, уларни мен йўлдан ургандим. Оркестр нимани чалишини улар билмасди ҳам. Ҳамма айб менда.

— Ўзингизнинг келиб иқрор бўлишингиз — яхши! Аммо, уят! Шундай кунларда шўхлик қилиш уят! Бир йилдан кейин мичман бўласиз, уят! Ёш болаларга қандай ибрат кўрсатяпсиз? Улардан қандай денгизчи етишиб чиқади? Сиёsat билан қизиқасизми? Мен сизнинг ниятларингизга тушуниб турибман, аммо сиёsat деган нарса ошиқлик ўйини эмас-да! Декабристларни¹¹³ эсланг. Улар рус байроғига ҳам, денгизчи деган номга ҳам биронта доғ туширмаганлар. Улар ҳар ишда биронтагина эшитмайдиган бўлайлик, ўзимизни шундай тутайликки, биронта хайфсан деган гап эшитмайлик деб онт ичишган... Сиёsatчи одам афандим, кристаллдай тоза ва пок бўлиши керак! Улар худди шундай одамлар эди! Болтиқ флотининг улар билан фахрланадиган, Қора денгиз флоти эса ҳавас қилиб юрадиган замонлар келади, мен сизни жазола-

шим керак. Музиканинг тўхтаб қолганлиги учун эмас, у бекорчи гап! Сиз ўзингизни денгизчига номуносиб тутганингиз учун. Ҳозирча блокшивга жўнайисиз, коменданга бориб айтинг: етти кун карцерга қамасин, сув билан нондан бўлак нарса бермасин! Бу қилган ишингизни адмирал Корниловга хабар қиласман. Боринг!

— Фақат биргина илтимосим бор,— деди Панфилов,— бомбардимон бошланганда мени озод этишингизни ва ўз гуноҳимни бастионларда юнишга имкон беришингизни сўрайман.

— Яхши! Соқчи чақирилмайман, сизни шарманда қилмайман. Узингиз бораверинг.

— Есть!

Гардемарин қоидаси билан қайрилди-да, чиқиб кетди. Нахимов қўнғироқни босди. Могученко кирди.

— Юнгаларни қўйиб юборинг!— деб буюрди Нахимов.

— Есть!

Тўртминчи боб

ҲАЁТБАҲШ СУВ

28 сентябрга ўтар кечаси қаттиқ бўрон турди. Норд-остдан уриб берган, қасирға даражасига етиб борган кучли шамол осмонда увадаларга ўхшаган булутларни учирар, булутлар баъзан ой юзини қоплар ва шаҳар тесасига келиб муздек ёмғир бўлиб қуялар эди. Шамол душман томонга уради, у ерлардан, истеҳкомлардан юборилган рус пиистирмаларидан шамолнинг угуллаши билан бирга аҳён-аҳёнда фира-шира шовқин эшитилиб қолар эди. Кавалерия разведкаси кеча куни инглиз-француз лагерида катта жонланиш бошланди: тепаликларга замбараклар олиб чиқилмоқда, турлар ва ер қазийдиган асблолар ташилмоқда деб хабар берди,— афтидан, душман аллақандай иш бошлаб юборган эди.

28 сентябрь тонгида телеграфда ҳамда кутубхона ма-норасида турган кузатувчилар дурбиндан қараб, олдинига арзимайдиган бир янгиликни кўриб қолдилар: французлар эгаллаб турган Рудольф тоғидан пастроқда, сурранг нишабликда янги қазилган тупроқдан горизонталь бир чизик пайдо бўлган эди: французлар, тунги бўрондан фойдаланиб, Бешинчи бастиондан тахминан тўрт юз

метрча нарига хандақ қазиган эдилар. Бу хабарни даставвал Тотлебенга етказиши. Тотлебен суюниб кетди ва Менников, Корнилов ҳамда Нахимовларга янги ажойиб нарса кўрсатишга ваъда қилиб, кутубхонага таклиф этди. Улар дарҳол етиб келиб, кутубхона манорасига чиқдилар.

Чехраси кулган ва ҳаяжонланган ҳолда Тотлебен келди. Кечиккани учун узр сўради-да, адмиралларга мурожаат қилди:

— Табриклайман, ҳазрати олийлари! Табриклайман, жаноблар!

— Ташаккур,— деб жавоб берди Менников,— чехрангиз кулиб турганидан, сизни ҳам табриклаш керакка ўхшайди, полковник. Аммо, нима муносабат билан?

— Ҳазрати олийлари, душманнинг траншея қазий бошлаганини ўз кўзингиз билан кўриб турибсиз. Штурм бўлмайди. Улар штурмдан воз кечди. Менинг гапим эсигизда бўлса керак, мен: улар бизни қамал қиласи деб айтган эдим...

Менников ишонқирамай кулумсираб қўйди.

— Мен буни ўз кўзим билан эмас, полковник, сизнинг кўзингиз билан кўришни истардим. Аксинча, мен штурм билан бошлаб, штурм билан тугатишига аминман. Шубҳасиз, штурмдан олдин артиллериядан ўққа тутади. Шу сабабдан, деди Менников, Корниловга қараб: мен Севастополь гарнizonини бир неча аскарий полк билан кучайтиришни зарур деб ҳисоблайман.

— Жуда яхши, ҳазрати олийлари!— деб севиниб жавоб берди Корнилов, қаддини сал букиб таъзим қилиб.

Тотлебен Рудольф тоғининг қоқ пешонасига французлар томонидан қазилган траншеяни кўрсатиб, зарда билан:

— Анови ерда замбаракларга туйнук очилганда, сизнинг ҳам кўзингиз очилади, князъ,— деб пўнғирлаб қўйди.

Нахимов индамай турарди.

Балаклавани инглизлар эгаллаб, ичига кириб олдилар. Инглиз флоти Балаклава бухтасига кириб, оғир замбарак ва яроқ-аслаҳаларни тушира бошлади. Французларга Қамишли бухтада энг аввал кемаларда келтирилган материаллардан кимсасиз қирғоққа бараклар қуришга тўғри келди. Бараклардан иборат бўлган посёлкага французлар «Қамиш шаҳри» деб ном бердилар.

Касалдан ҳолсизланиб қолган маршал Сент-Арно француз қўшинига қўмондонликни ғенерал Қаироберга

топширди-да, шифоланғани Истамбулга жўпади. У йўлда вафот этди. Француз қўшилари қўмондоилиги юраксиз, мужмал одам қўлига ўтди. Лорд Ранглан Севастополга дарҳол ҳужум қилиш керак деган таклифни яна киритди. Канробер Меншиков қўшилари ён томондан ё орқадан зарба беради деб кўрқиб, таклифни рад этди. Иттифоқчилар разведкаси руслар гарчи қалъа ишларини тамомламаган бўлсалар-да, ўз батареяларини кемалардан туширилган оғир артиллерия билан мустаҳкамлага-нини билдириди. Штурмнинг муваффақиятли чиқиши учун олдин рус батареяларини бомбардимон қилиб, уларнинг кучини ожизлаштириш керак,— дерди Канробер. Инглизлар ҳам бу мулоҳазаларга кўниб, Севастополни бир зарба билан қўлга киритиш фикридан қайтдилар. Иттифоқчилар шаҳарни қамал қилишга қарор бердилар-да, Севастополь атрофидаги баланд тепаликларга қамал артиллеријасини ўрнатишга киришдилар.

Истеҳком қуриш билан тамомила банд Севастополь ҳимоячилари пиёда аскарларнинг ҳамласи ва замбараклардан ўқ узиш билан душманнинг қамал ишларига пуртур етказиб турар эдилар. Бу ҳамла ва ўқ узиб туришлар француз ва инглизарга батарея қуришга йўл қўймас ва шаҳар яқинига замбарак ўрнаттирмас эди.

Меншиков, гарчи қўшинга янги аскарлар келган бўлсада, сустлик қиласр эди. Бош қўмондон ҳамон куч оз деб яна бир неча дивизия юборинглар деб нуқул Петербургдан илтимос қилиш билан овора эди. Жануб томондан денгизчилар, сапёрлар ва аҳоли хандақлар қазиб, валлар кўтариб, замбараклар ўрнатиб турган бир пайтда солдатлар Шимолий томонда ўзларига чайла қуриш ва земляни қазиш билан овора эдилар.

Октябрнинг охирига бориб бутун Севастополь батареялар тиэмаси билан ўралди. Зарур бўлган жойларда бастион ва батареялар ўртасида окоплар қазилиб, бирбирига боғланди, бу окоплар штурм вақтида милтиқ билан мудофаа қилиш учун мослаб қазилган эди.

4 октябр кундузи душман томонида ҳаракат бошланди, балиқчилар, иттифоқчилар флоти беркиниб турган жойидан чиқишга ҳозирлик кўряпти деб хабар қилишди. Эртаси куни ҳам деңгиздан, ҳам қуруқликдан бомбардимон бўлишини кутиш керак эди. Башарти душман рус артиллеријасини ишдан чиқаришга муваффақ бўлса, штурм бўлиши ҳам мумкин эди.

— Эртага жуда қизғин кун бўлади! — дерди Корнилов, ўз ходимларига.— Тамомила ютуққа эришиш учун инглизлар бутун воситалардан фойдаланадилар. Тажрибасизлигимиз туфайли кўп талафот берамизми деб кўрқаман. Ундаи деса, бизнинг паҳлавоцлар тезда ўзларини эплаб олади. Қурбон бермасдан бўлмайди, афсуски шундай бўлиши турган гап: эртага кўпимиз қулаймиз!

— Сиз ўзингизни эҳтиёт қилишингиз керак, Владимир Алексеевич,— деди Корниловнинг ёнидагилардан бири.

— Ҳозир ўзиңизни ўйлайдиган вақт эмас,— деб жавоб берди Корнилов.— Эртага мен бирон жойда кўринмай қолсам, одамлар нима деб ўйлайди?

5 октябрь тоиг отарида Бешинчи бастион тепасидаги мудофаа казармасининг вахта бошлиги дурбинадан француэларнинг валида одамлар ивирсиб қолганини, тупроқ билан тўлдирилган қопларни чиқариб ташланаётганини кўриб қолди: душман замбарак амбразураларини оча бошлаган эди. Вахта бошлиги барабанчига тревога уришини буюрди. Замбарак ходимлари ўз тўплари ёнига бориб турди.

Эрталаб соат еттида француз батареяларидан оғир мортиналар олдинма-кетин уч марта ўқ узди. Бу ёппасига команда бошлашга берилган ишора эди.

Француз батареясининг дастлабки ўқига Бешинчи бастион ҳамма тўплардан ўқ узиб жавоб берди. Бутун фронт бўйлаб мудофаанинг ўнг томонидан чап томонига тревога янгради. Кечаги кунгача иккала томон бир-бирларининг ўт очиш пунктлари қаердалигини аниқ билмас эдилар,— дастлабки отилган ўқлар ўт очиш пунктлари жойлашган ерларни аниқ кўрсатиб, мўлжални равшан қилди. Артиллерия отишмаси бошланди.

Тип-тиник, беғубор осмонга қўёш чарақлаб чиқди, бироқ канонада бошлангандан кейин бир неча минут ўтмасданоқ порох тутуни билан қопланиб, хира ойга ўхшаб қолди. Бутун атрофни кўкимтири қоронғу парда қоплади. Қоп-қора порох тутуни шу қадар қалин эдики, ҳатто душман замбаракларнинг ёлқини рус томондагиларга кўринмай кетди. Командорлар, дастлабки мўлжаллардан фойдаланиб, қоронғулик томонга қаратиб ўқ узишда давом этар эдилар. Кемаларда яқин мўлжални «бутун борт тўпларидан ўққа тутиш» тажрибаси бу ерда ҳам фойда кўрсатди. Сукунат тушган қисқа дамларда душман томонидан барабанларнинг дириллаши эшитиларди. Меншиков

ўйлаган нарса юз бериши яъни французлар ва инглизлар қалин тутун панасида атака бошлаб юборишлари мумкин эди. Бунинг учун бостион ва батареялардаги ҳамма тўплар ёнига картечъ¹¹⁴ запас қилиб қўйилганди. Штуцерлар билан қуролланган ўқчилар, штурмни милтиқ ўти билан қарши олиш учун ҳандакларда шайланиб турар эдилар. Истеҳкомларининг орқасида, шаҳарда ва кемасозлик томонларида батальонлар атакани найза билан қайтариш учун милтиқларини қўлларида ушлаб турар эдилар.

Корнилов тонг отардан бери отдан тушмасдан, истеҳкомларни айланиб юрди, уни ҳар ерда учратиш мумкин эди. У асабийланган ва ҳатто дарғазаб ҳолда отини бостиондан бостионга чоптириб юрарди. Шундай ачиғланниб турган пайтда Театр майдонида бир батальон пиёда аскарларни кўриб қолди. Солдатлар взвод-взвод бўлиб, яланг ерда ғуж бўлиб турар эдилар. Улар бу ерга кечаси олиб келинган эди. Солдатларнинг юзларидан ҳоригани кўриниб туради. Улар атрофга қовоқларини солиб қарап эдилар. Худди узоқ сафарга олиб чиқиладигандай, нима учундир улар ҳамма яроқ-аслача, асбоб-анжомлари билан олиб келинган эди. Бир чекада офицерлар тўпланиб турар эдилар. Корниловга таниш полковник батальон олдидага якка ўзи у ёқдан-бу ёққа юриб туради. Полковник колоннанинг нариги бошига етиб, худди ёш юнкерга ўхшаб шартта орқасига ўгирилар эди-да, чап фёгининг тумшуғини олдинга чўзиб, колоннанинг бу бошига қараб келарди: у худди қадам ўлчайтганга ўхшарди. У худди ўз солдатларига юриш машқини кўрсатаётгандай туюлар эди. Корнилов полковник ёнига келди. Сўрашдилар.

— Нима учун очиқ ерда турибсизлар, полковник?

— Нима қилгин дейсиз, адмирал? Биз ҳамиша колонна бўлиб тизиламиз. Бизни шу ерга келиб туринглар дейишиди, турибмиз. Ҳамма ёққа бомба келиб тушяпти. Ҳозирданоқ учта одамимни бомба олиб кетди.

Корнилов, полковникнинг юзига тикилиб қараб, унинг ҳам бу кеча ухламай чиққани ва асаблари тортишиб турганини ва бақириб юбориши ёки бирон ёмон қилиқ қилиб қўйиши мумкинлигини кўрди.

Кўкимтир зимиstonликдан атрофга учқун сачратиб бомба визиллаб учиб келди-да, батальоннинг қоқ ўртасига келиб тушиб, «Ввамм!» деган товуш билан ёрилди. Солдатлар атрофга қочишиди. «Замбил!» деган овоз эшитилди.



— Ана, кўрдингизми! — деди батальон командири, қўли билан кўрсатиб.

Корнилов қайрилиб қарамасдан, отини ҳайдади-да:

— Полковник, батальонга буюринг: ранецлар¹¹⁵ини ел-каларидаи олишсин. Батальонни ёйинг. Ҳаммаси ерга ёт-син... — деб қичқирди.

Корнилов кетидан батальон командири:

— Буюриш осон, чорасини кўриш... — деб бақириб қолди.

Ниманинг чорасини кўриш кераклигини Корнилов эшифтади.

Корнилов кетидан аллаким:

— Сиз денгизчиларга мазая! — деб қичқирди, аммо уни айтган албатта батальон командирн эмас эди, интизомни бузган батальон солдатларидан бири бўлса керак...

Корнилов Бешинчи бастион томонга от солди.

— Нима учун биз денгизчиларга маза экан? Ниманинг чорасини кўриш керак? ..

Бу саволлар хаёлдан кўтарилилмас ва жавоб талаб қиласди. Бироқ Корнилов жавоб топишга улгурмади: беш минутдан кейин от уни порох тутуни қамраб олган Бешинчи бастионга етказиб келди.

Кўхна мудофаа казармасининг метин девори ичкарисида Корнилов икки от кўрди; отларнинг бирини таниди: у Нахимовнинг юввошгина оти эди. Корнилов отдан тушди-да, жиловини казакка узата туриб:

— Адмирал қаерда? — деб сўради.

— Тўп отгани кетди, — деб жавоб берди казак, отнинг жиловини ола туриб.

Корнилов казармани айланиб ўтди. Казарма тўплари жим турар эди. Тутун шу қадар қалин эдики, қиёнинг аччиқ ҳидидаи Корниловнинг томонги қичишиб кетди, йўтал тутиб, тўхтади.

Бастионнинг Рудольф тоғига қараган томонидаги ўнта замбаракдан учтаси жим турарди. Битта шикастланган замбаракни бастионнинг ўртасига тортиб олиб келиб қўйишишган эди, тумшуғи тўғри келган томонга буриб қўйилган бу тўп худди ўлардай чарчаган ва ҳозиргина аравадан чиқарилган, на қимиранлашга, на хашак ейишга ҳам мадори қолмаган отга ўхшаб шумшайиб турарди... Бастионнинг ватерпас билан текисланган ва адил қилиб қўтирилган валишининг баъзи жойлари чўкиб, ўпирилиб кет-

ган, амбразураларнинг четлари кўчиб тушгаи эди, тўп ходимлари милтиқ ўқлари ва осколкалардан яширинсин учун тахталардан ясалган маҳсус ғовлар тилка-тилка бўлиб ётар эди, шунинг учун ҳам амбразуралар худди жағини кериб турган афсонавий маҳлуқларга ўхшарди.

Корнилов снарядлар худди тўнғиз подалари кавлаб ташлагандай қўпориб ташланган ялангликдан ўзини се-кин юришга мажбур этиб, бастионга тушди... Оёқ тагла-рида тошлар, тарашалар, чўян бўлаклари ётарди.

Бастион худди кема сингари, бортларидаги замбаракларидан ўқ узиб туради. Комендорлар бир-бирлари билан мусобақалашиб, бор кучларини залпнинг бирга қўшилиб, даҳшатли суратда гумбурлатишга берар эдилар. Замбараклар оғизларидан тутун қусиб, ҳаммалари бара-варига ўкириб, кетинга тисланар эди...

Корнилов вал панасига, икки замбарак ўртасига ке-либ тўхтади. Адмиралнинг пайдо бўлганини олдинига пайқамадилар, аммо уни кўриб қолгандан кейин бастион бўйлаб тизилган тўпдан тўпга «ура!» садолари янгради. Адмирал ҳали салом демасдан матрослар Корнилов бизни мақтаб қўйди деб ўйлаб, унга жавоб берар эдилар. Иш бир он ҳам тўхтамасди. Матрослар гўё кемада артиллерия машқи ўтказилаётгандек, аниқ ва пухта ишлар эдилар. Уларнинг ис босиб кетган қоп-қора юzlари тердан ялт-ялт этарди. Кўзларининг оқи ва тишлари худди негрларнинг кўзи ватишидай оппоқ оқариб кўринар, замбарак отилишидан, бомбаларнинг ёрилишидан кўтарилган оҳакчангি оқартирган шапкалари, курткалари ва шимлари эса худди оқ матадан тикилганга ўхшаб кўринарди.

Нахимов тўплардан бирининг тепасига энгашиб, мўлжалга олишга бошчилик қилиб туради. Нахимов тўпни душман замбарагининг отилиш пайтига тўғрилаб бўлиб ўзини бир четга олди-да, қўлини баланд кўтарди ва ўнг ҳамда чап томонга қараб залпнинг тайёр эканлигига қа-ноат ҳосил қилгач, қўлини бир силтади. Ҳамма замбараклар бирдан гумбурлаб кетди.

Нахимовнинг елкага бостириб кийган фуражкасининг козироги тагидан қон оқиб турганини Корнилов кўриб қолди-да:

— Павел Степанович, ярадор бўлибсиз! — деб қич-қирди.

— Бўлмаган гап! — деди Нахимов ва қўли билан пе-шонасини силаб кўрган эди, унинг қонга бўялганини кў-

риб:— зарари йўқ! Фам чекишга арзимайди. Ҳечқиси йўқ! Пўсти шилинибди, холоси Мени излаб келдингизми? Марҳамат!— деб қичқирди.

Нахимов, азиз меҳмонни энг ҳашамли уйга таклиф ётган меҳмондўст одамдай, бузилиб ётган мудофаа казармасини қўли билан кўрсатди. Адмираллар казарманинг бруствердан уриб туширилган тупроқ халталар билан тўлиб ётган текис томига чиқдилар. Снарядлар ўпириб кетган бурствер бўйлаб чочилиб ётган баник¹лар, анишпуг¹¹⁷лар, парча-парча бўлиб кетган тахта бўлаклари, тарашалар, синиқ скамейкалар, парча-парча бўлиб кетган ёғоч бочкалар, тагсиз бочкалар, кийим парчалари, мажақланниб кетган милтиқлар худди фалокатга учраган кема қолдиқларига ўхшаб ётарди...

Адмираллар юзларини Рудольф тоғига ўгириб, пастликда ҳайқириб ётган ўт тўлқинларига бир он индамай қараб турдилар...

— Жуда яхши!— деди Нахимов.

— Ҳа, биз денгизчиларга яхши, биз бекор ўтирганимиз йўқ,— деб жавоб берди Корнилов,— аммо аскарий қисмларнинг иши чатоқ. Улар бекор туришибти, бунинг устига одамлари ҳам ўлиб кетаётитти. Бастион ва батареяларда пиёда аскарлар учун беркинадиган блиндажлар қуриш чорасини кўриш керак...

— Пиёда аскарларни яна ўз жойига қайтариб юбориши керак. Нима кераги бор? Штурм бўлмайди!

— Снарядлар бутун шаҳарга тушаётитти. Ҳатто Приморский бульварда ҳам одам ўляпти...

— «Лаънати малъун» қаерда!

— Ҳазрати олийлари ҳозир Кемасозлик томондаги истеҳкомларни кезиб юрипти.

— Порох тежалсин деган буйруқ билан икки марта ординарец келди... Ишга аралашмасаку, яхши бўларди-я! Ҳозирча ҳамма иш жойида!

— Мен ҳам шундан қўрқиб турибман...

— Олдингизга солиб ҳайданг...

— Қаерга?

— Ҳалиги... анави... Шимолий томонга,— жаҳла чиққанидан дудукланиб жавоб берди Нахимов.

Корнилов кулиб юборди.

— Ҳа, мен ҳам унга азиз жонингизни әҳтиёт қилинг деб маслаҳат бермоқчиман...

— Ҳа, баракалла!

— Бирон нарсага муҳтожлигингиз борми? Нима юбортирай?

— Сув юбортиринг. Салдан кейин цистерналарда бир томчи сув қолмайди. Замбаракларни, банникларни ҳўллаб устидан сув қўйиб совутдик: қизиб кетганидан қўл текизиб бўлмайди. Ичишгагина етарли сув қолди, холос...

— Хўп, сув юбортараман.

— Ҳа, дарвоқи! Бутунлай эсимдан чиқаёзипти! Айтинг, гардемарин Панфиловни карцердан чиқаришсин.

— Карцердаги ҳамма денгизчиларни бўшатишни буордим, демак уни ҳам чиқаришган.

Корнилов ёнидаги сумкасидан тоза рўмолча чиқардидা:

— Рухсат этинг, дўстим, пешонангизни бир кўрайчи...— деди.

— Ўзимнинг рўмолчам бор, афандим! Мана! Оғриғи ҳам босилди! Арзимаган гап!

Орқа чўнтагидан ис босиб қорайиб кетган ва ғижимланган дастрўмол чиқарди: Нахимов замбарак мойи бошиб кетган қўлларини дастрўмолга артар эди...

— Хайр, азиз дўстим. Ким билади, балки ортиқ кўришмасмиз...

Улар бир-бирларини қучоқлаб ўпишди-да, индамасдан ажралиб кетишиди. Нахимов бастионга қайти, Корнилов қўлидаги рўмолчани ғижимлаб, оти ёнига қараб юрди...

Казак, адмирални кўриб, отнинг пешонасидаги чочини тузатиб, ёлларини силаб қўйди, қоринбогини ушлаб кўрди-да, Корнилов эгарга минаётгандан узангини тутиб турди.

— Яхши қол, иним!

— Саломат бўлинг, жаноби олийлари!

Корнилов траншеялар бўйлаб Пересипъ томонга, Жанубий бухта чўқисига қараб йўл олди... Адмиралнинг тишлари орасида қум ғижирлар эди. Кўзларидан ёш чиққанини сезиб, юзини артди, рўмолчага қараган эди, порох куясининг ҳўл доғларини кўрди.

Шаҳар томондаги истеҳкомларни айланиб чиқиб, штабга қайтгач:

— Могученко! Сув!— деб буюрди.

Сюргугини ечди, қўйлагининг енгларини шимарди, ёқасининг тугмаларини ечди-да, чолнинг ювениш идишлари

олдида ивиришиб бўлишини тақотсизланиб кута бошлади. Могученко кўвадан кўкимтири рангли чинни тоғса сув қўйди-да, Корниловнинг сюртугини тозалагани олиб чиқиб кетди. Адмирал стол тепасидаги ойнага қарамасликка тиришиб, тоғ устига энгашди, қўлларини совунлади,—совундан ва исдан тоғдаги сув дарров қоп-қорайиб кетди, унинг тагидаги енгил шамолда ҳамма елканларини ёйиб, баланд тўлқинларда елиб бораётган клипер расми кўринмай кетди. Корнилов ифлос сувни банди қамишдан тўқилган чинни челякка ағдарди, тоза сув қўйди-да, қўлларини, юзини, бошини ва бўйинларини совунлади.

Могученко сюртукни тозалаб олиб кирди.

— Севастополнинг чангига елимдай ёпишқоқ-да. Ҳеч нарса денгизга етмайди: ҳам яхши, ҳам тоза,— деди чол.— Худди тегирмонга кириб чиққандай бўпсиз, Владимир Алексеевич.

— Тегирмон ҳам гапми, ўғурга кириб чиқдим. Бизни шайтон ўғурига солиб, тоза янчяпти.

— Самовардан иссиқ сув келтириб қўйсан қалай бўларкин?

— Майли!— деб рози бўлди Корнилов.

Бир кўва иссиқ сув келтириб, Могученко Корниловнинг бошидан сув қуя ва янги хабарларни эшиттира бошлади:

— Учинчи бастионда иш қизиб кетибди. Константин Егоричнинг ўғли ўлибди. Константин Егорич ўғлининг юзидан ўпиб, чўқинтирибди-да, энди иш бошига қараб кетаётган экан, юзига осколка тегибди... Тўпчилардан икки сидраси ўлибди. Инглиз бастионни ён томондан ўқ-қа туваётган эмиш...

— Траверслар қурамиз. Бирдан ҳаммасини қилиб бўлмайди-да,— деб жавоб берди Корнилов, Могученко нинг қўлидан крахмалланган ва тўрт букланган оппоқ сочиқни ола туриб.

Сочларини сочиқ билан ишқалаб артаркан, Корнилов ойнага қарашга ботинди, ўзининг аксини кўриб, таниёлмай қолди: чап қоши баланд кўтарилган, чап кўзи эса катта очилиб турган ўнг кўзидан кичикроқ кўринди, ўнг қоши тўғрилигича қолган эди. Корнилов ташвишланиб, чекаларидағи совун кўпигини арта бошлади. Кўпик кетавермади, Корнилов яқинроқ келиб қараган эди: чека сочларининг оқарганини кўрди.

Корнилов сочиқни ғижимлади-да, столга ташлади.

Могученко яиги сочиқ бериб, бир шиша «Көльн сув»ни очди. Сочиққа атир сепаркан, Могученко деди:

— Малахов курганды манора ишламай қолибди. Гап унда эмас-ку, албатта. Батареялар яхши отиб турибди. Бутун гап шундаки, «унинг» Ланкастер түплари бор. «У» икки чақиримга бехато отади, бизники бўлса «унга» бориб тегмайди ҳам...

— Қизишиб кетгандан кейин яқинроқ келади...

Корниловнинг эрталабки ғазабидан ҳозир асар ҳам қолмаган эди, салдан кейин флаг-офицер Жандр штабга келганда адмирал одатдагидек бироз кибрли, сал димофор, олифтанамо кўринарди. Чанг босиб кетгани шим ва этиклари стол устидаги мовут тагидан кўринмасди.

Жандр француздар шаҳарга узунлиги бир ярим газ келадиган мис гильзали ракета отишмоқда, бундай ракеталар илгари кўрилмаган эди деган хабар келтирди. Гильзанинг учига пистонли граната ўрнатилган, гранаталарнинг кўпи ёрилмай қоялпти, ёрилганлари эса шаҳарнинг бир неча жойларида уйларни ёндириб юборди, аммо ўт ўчириш командаси ўчирди, деди.

— Фугас гранатамикин ё ёндирувчи снарядмикин? Айтинг, биттасини менга келтиришсин...

— Ҳазрати олийлари!— деди Могученко ва эшикни кенг очиб юборди.

Устига плашч кийган Меншиков бошидаги денгиз фуржкасини ечмасдан кириб келди. Устида — адмирал мундири. Корнилов ўрнидан туриб, унинг истиқболига юрди.

— Ўтираверинг, қимирламанг!— деди Меншиков қўлинни силтаб ва Жандр суриб қўйган стулга ўтирди.— Маросимотнинг вақти эмас. Хўш, ўнг томонда ишлар қалай, Владимир Алексеевич?

— Жуда яхши, ҳазрати олийлари. Ҳозир Бешинчи ва Тўртинчи бастионлардан келиб турибман. Француздарни тез орада жим бўлишга мажбур этармиз деб ўйлайман. Чап томондачи, ҳазрати олийлари?

— Бемаза. Чой буюринг.

— Могученко, ҳазрати олийларига чой! Чакқонроқ!

Улар канонаданинг гумбурлашига қулоқ бериб, бироз жим қолдилар. Бирдан канонаданинг ғувуллашига даҳшатли бир зарба келиб қўшилди, деразаларнинг ойналари дириллаб, эшик очилиб кетди.

Корнилов қўнғироқни босиб:

— Могученко! Чой қани? — деб қичқириди.

Могученко патнисда чой кўтариб кирди. Чол оғзи қулоғига етган ҳолда:

— Авф этгайлар! Чидаб туролмадим. Эшикка югуриб чиқдим. Рудольф тепасини осмонгача тутун босиб кетди. Французларниң порох обморини портлатиб юборганга ўхшаймиз! Жуда ажойиб! Ақварелниң ўзи дейсиз! Ичинг, ҳазрати олийлари, шифо бўлсин!

Матросининг бундай бетакаллуф муомаласидан Меншиковнинг афти буришиб кетди.

— Ҳазрати олийлари, мен сизга ўзингизни таҳликага солмаслигинизни маслаҳат кўрардим,—деди Корнилов,— подшоҳ ҳазратларининг сиз бўлмасангиз Севастополь етакчисиз қолади деб ёзганини унумаслигиниз керак...

— Албаттаку-я! Бугун қўшинларга намоён бўлдим. Солдатларниң руҳини кўтариш учун шу кифоядир дейман...

— Ҳа, албатта, ҳазрати олийлари!

— Мен Шимолий томонга бориб келмоқчиман. Сизга қаттиқ ишонаман-а, Владимир Алексеевич!

— Ишончинизни оқлашга тайёрман, ҳазрати олийлари!

— «Ҳазрати олийлари», «ҳазратий олийлари», — деб масхара қилди Корниловни Меншиков,— менинг Александр Сергеевич деган исмим бор! Худди полиздан ҳозиргина узуб чиқилган корнишонга ўхшаб ялтиллайсиз-а! Балга отлангандай!

Корнилов илтифот билан табассум қилди, князь «Корнилов» билан «корнишон»* сўз ўйинини бопладим деб хурсанд бўлиши мумкин эди.

Меншиков билан Корнилов штаб олдида отга минаётганларида уларниң ёнига отлиқ лейтенант Стеценков келди-да, Корниловга сизни бастионларда учрата олмадим, юнкерлардан биронтаси ўлса, ота-оналарининг қарғишига қолмайлик деб, юнкерларниң ҳаммасини у ердан қайтариб юбордим деб маълумот берди. Юнкерлар орасида ўн тўрт, ўн беш ёшли ўсмир болалар ҳам бор эди, уларни батареяларга адмиралниң буйруғи билан юборган эдилар.

Гапга қулоқ солиб турган Меншиков:

* Корнишон — найча бодринг.

— Менинг олдимга биронта одамни юборинг, лейтенант, бешта крест бераман. Юнкерларнинг энг муносибларига менинг номимдан тақдим этасиз... — деб гап қистирди.

— Бош устига, ҳазрати олийлари!

Корнилов Меншиковни Граф пристанигача кузатиб қўйди-да, хайрлашиб, ўзи флаг-офицер Жандр билан бирга Пересипга кетди. Йўлда Тотлебени учратди. Улар отларини тўхтатиб, жангнинг боришидан гаплашиб турдилар.

— Ишнинг бориши менингча ёмон эмас,— дерди Тотлебен, хотиржамлик ва ишонч билан.— Тушган снарядларнинг миқдорини назарга олганда, талафот унча кўп эмас. Менингча, душманнинг элликта снарядига битта ўлган ё ярадор тўғри келади. Ундан кўп эмас. Бу оз.

— Баъзан битта одам ўнта одамга арзиди.

— Юзтага ҳам деяверинг! Денгиз батальонлари ва пиёда аскарларни мумкин қадар бехатарроқ жойга жойлаштиришни буюрдим.

— Одамларни пана қилиш учун блиндаж ва ёпиқ жойлар қуриш ва икки ёндан келиб тушадиган снарядлардан сақланиш учун траверслар қуриш чорасини кўриш керак,— деди Корнилов

— Албаттa! Бажарамиз... Кейинроқ. Бугун эса энг муҳими — замбаракларнинг кечга довур отиб туришини таъминлаш, амбраузуларни тозалаб туриш, порох омборларини эҳтиёт қилиш, мен ҳам шундай деб буюрдим. Одам етишмаяпти.

— Кечга довур туриб беришимизга кўзингиз етадими?

— Шубҳаланишга асос йўқ. Ҳа демай французларнинг овози ўчади... Аммо инглизлар қаттиқ урушяпти: уларнинг қўли узун-да! Батареялари ҳам французларни кига қараганда пухтароқ қурилган бўлса керак.

— Уларнинг флоти ҳали ишга киришмаганини унутманг...

— Флот қирғоқ батареяларига яқин келишга ботинмайди. Қемаларнинг ўқи эса бу ерга етиб келмайди. Энг муҳими — ўтни тўхтатмасликда. Порохни аяш керак эмас.

— Князни кўрдингизми?

— Ҳа, кемасозлик томонини айланиб юрувди, қўшинлар билан саломлашди. Ҳеч ким саломига жавоб қилмади...

— Ҳамиша шундай. Ҳаэрати олийларнинг овози паст. Ҳечким эшитмайди.

— Шундай канонада бўлиб турган пайтда яна қийин! Сизни кўрмоқчи эди. Соғлиғи қалай!

— Кўришдик. Мен уни Граф пристанигача кузатиб қўйдим. Саломатлиги ёмон эмас шекилли, чарчаганга ўхшайди, бироқ асқия қилди. Мени полиздан янги узилган бодрингга ўхшатди...

— Рост, сиз анча бардам кўринасиз... Аммо сиз ҳам, Владимир Алексеевич, бироз дам олсангиз зарар қилмасди. Ухлашгаку ухлай олмайсиз-а, аммо бир озгина ётсангиз ёмон бўлмайди. Ахир ишнинг ҳали ярми ҳам тугагани йўқ. Берилиши керакли ҳамма буйруқларни бериб қўйдим. Ўзингизни инглиз снарядининг остига беҳуда ташлаб нима қиласиз... Фалокат-да... Чап томонда нималар бўлаётганини ҳазратдан ва мендан эшитиб билдингиз... Рост айтаман, уйингизга бориб ётинг!

— Сизчи, Эдуард Иванович? — кулиб туриб сўради Корнилов.

— Менми? Мен ҳали ўнг томонга ўтганим йўқ.

— Сиз ҳам чарчагансиз? Сизнинг ширин сўзларингизга мен ҳам худди ўшандай ширин сўзлар билан жавоб бера олмайман: ниҳоятда чарчаган кўринасиз. Сиз ҳам ётиб дам олишингиз керак. Ўнг томонда нималар бўлаётган бўлса ҳаммасини мен айтиб бераман. Уларга факат сув етишмас экан, сув юбортирдим. Хўп деяверинг. Бориб кўриб келдим.

— Йўқ, русларнинг «ўз кўзим билан кўрмагунимча, ишонмайман» деган мақолини биласиз-ку...

Улар тарқалишди: Тотлебен ўнг томонга, Жандр билан Корнилов чап томонга кетишиди. Улар Пересипдан ўтгач, тик кўтарилилган якка сёёқ йўлдан тўппа-тўғри учинчи бастионга чиқиб бордилар. Бу ерда Корниловни артиллерия бошлиғи-Ёргомишев, бастион командири Попандопуло билан унинг адъютанти Наленч-Рачинскийлар кутиб олди. Попандопуло бошини оқ латта билан худди саллага ўхшатиб боғлаб олган эди.

— Кўрдингизми, инглизлар мени турк қилиб қўйишиди! — деб ҳазиллашди Попандопуло.

Ҳақиқатан ҳам бурни катта ва қоп-қора Попандопуло саллали туркка ўхшарди. Корнилов: бундан бир соатгина илгари ўғлидан ажралган одам қандай ҳазиллаша олади деб ўйлади.

Бастионга дамба-дам бомба тушиб турарли. Корниловнинг ёнидагилар ўзингизни хатардан сақланг, ҳар биримиз ўз бурчимизни тамомила адо этамиз дея бошлади.

— Жаноблар, ҳар бирингизнинг бурч ва виждои талабига мувофиқ хизмат қилишингизга аминман, аммо буидай улуғ айём кунда қаҳрамонларимизнинг жанг майдонида мардлик кўрсатишни ўз кўзим билан кўришни истайман,— деб жавоб берарди Корнилов.

Корнилов Учинчи бастиондан чиқиб, траншеялар бўйлаб Малахов курган томонга от солди. Йўлда кетатуриб, Москва полки батальонларининг очиқ ерда турганларини кўриб, Жандрга солдатларни Базарев казармаларига олиб бориб қўйишини буюрди: казармаларнинг беш гиштли қадимги деворлари яхши паноҳ эди. Флаг-офицер топшириқни бажариб, Док жари кўпригидан нарида адмиралга этиб олди. Корнилов бир тўда флот экипажи матрослари орасида турарди. Матрослар ўзларининг севимли адмиралларини баланд овозлар билан табриклар эдилар. Корнилов жимлик ўрнатиш учун қўлини кўтарди. Қийқириклар босилди.

— Душманнинг ҳамма батареяларини уриб йиқитганимиздан кейин «ура» деб қичқирамиз. Ҳозирча фақат француزلарнинг овози ўчиб турипти!

Тепалик устига ғарб томондан чиқсан Карнилов Малахов манорасини жануб томондан пана қилиб турган валининг ўнг томонига келиб отдан тушди. Тепаси хароб этилган манора ишламасди. Малахов курган душманга манорани шарқ томондан худди тақа сингари қуршаб олган вал ортига ўрнатилган тўплардан жавоб берар эди.

Корниловни курган бошлиғи адмирал Истомин кутуб олди.

Икки бухтанинг нафаси уриб турган тепалик чўққисида Бешинчи бастиондагидек нафасни қайтарувчи тутун йўқ эди. Тутун пастроқда ёйилиб ётарди. Док жари ва Килен-балканинг тагидан сузиб бораётган тутунни иккала бухта шимиб турарди. Офтоб чароқларди. Туш пайтига сал вақт қолган эди. Тоғлар фонида инглиз батареялари яққол кўриниб турарди. Улардан бирини, узоқ масофага отадиган бешта замбарак билан қуролланган батареяни, Малахов кургандагилар «беш кўз» деб атаган эйнлар. Французылар залп билан отса, инглизлар мунтазам равишда отиб турар эдилар: батареянинг чап томонидан бошлаб ҳар бир амбразурадан биттадан тутун отилиб чи-

қар, кетидан бешта бомбанинг бирин-кетин ёрилиши эши-тиларди. Кейин жимлик чўмарди-да, яна шу тартиб билан тўп отила бошланар эди. Батарея овози фақат бас товушинга мосланиб қўйилган рояль клавишига ўхшарди.

Батарея чап томондаги амбразурадан ёлқин чиқариб тупурди.

— Замбарак! — деб қичқирди сигналчи. Сигналчи бруствер ёнидаги чуқурга ярим белигача тушиб, вал тепасида душман батареясидан кўзини узмай қараб турар эди.

Матрослар сигналчининг баланд овоз билан огоҳлантиришига қарамасдан, тўплар ёнида овора бўлар эдилар; комендорлар командасиз яқдиллик билан пилик тутдилар, залп берилди, бутун бастионни тутун қоплади.

Инглизларнинг биринчи ядроси ўртага, манора билан вал ўртасига келиб тушди ва чип этди-да, худди чўчиган қурбақа сувга сакрагандай товуш билан ер тагига кириб кетди.

Сигналчи яна:

— Замбарак! — деб қичқирди.

— Иккинчи! — деди Истомин.

Иккинчи ядро ерга тап этиб тушди-да худди кўрсич-қондай ерни қавлаб, ер остига кириб кетди.

Учинчи ядро манора қурилган вақтда ортиқча деб ташлаб қўйилган каттакон тошга келиб тушди, ундан сакраб, адмиралларнинг тепасидан визиллаб учиб ўтиб кетди.

Тўртинчи ядро учиб келиб, бастион ичидаги думалаб юрди. Думалаб-думалаб, замбараклардан бирининг ёнига уюб қўйилган ядроларга келиб ўзини урди-да, сўнди.

Шу замбарак комендори матросларнинг хаҳолаб кулиши остида.

— Қорасини ўртага! — деб қичқирди.

— Энди бешта бомба келиб тушади, буниси билан ўйнашиб бўлмайди, — деди Истомин, хўмрайиб.

Бастион инглизларга ҳали бир залп юбормаган ҳам эдики, сигналчи:

— Бомба! — деб қичқириб қолди.

Матрослар тўплар ёнидан вал панасига тарқалишдида, ерга ётиб олишди.

— Бизники! — деб қўшиб қўйди сигналчи.

Бомба валнинг нариги томонига тушиб ёрилди, аммо ҳеч кимга шикаст етказмади.

Иккинчи бомба бастионнинг ўртасига келиб тушди ва бир неча дақиқа учқун сачратиб вишиллаб ётиб, сўнди.

— Харом ўлди!— деб қичқирди матрослардан аллаким.

— Бомба! Бизники!— деб огоҳлантириди бир ондан кейин сигналчи.

Тўп ёнидаги матрослар танафусдан фойдаланиб, яиги залп отиш учун тайёрлик кўрдилар-да, сигналчининг товуши билан яна беркиниб олдилар. Бомба бастионга келиб тушиши биланоқ ёрилди; осколкалар жаранглар ва чийиллаб ҳар атрофга сачради. Қўланса тутун тарқалди.

Сигналчи бомба ёрилгандан кейин бастионнинг ҳамма тарафига назар ташлади-да:

— Омонлик,— деб қичқирди.

Хеч ким яраланмади.

Тўртинчи бомбанинг осколкаси матрослардан бирининг қўлига келиб тегиб, ярадор қилди. Ходага боғлаб қўйилган қизил крестли байроқ тагидаги тиббий пунктга кетаётган матрос, тирсаги синган қўлини худди чақалоқ болани кўтариб кетаётгандай ушлаб ва ундан кўзини узмай, адмираллар ёнидан ўтиб кетди. Матроснинг афти буришар ва маъюсона кулар эди...

Бешинчи бомба ўртадаги замбаракнинг олдига думалаб келдида, тўпнинг шотисига келиб тиралиб қолди. Агар ёрилса, шотини парча-парча қилиб юбориши ва замбаракни ишдан чиқариши мумкин эди. Тўп комендори илдам югуриб келди-да, бомбани базўр ердан кўтариб, баниклар ҳўлланадиган ёғоч бочкага ташлади.

— Тўнғиз қўпди!— деб қичқирди комендор, шерикларига.

Матрослар ўз тўпларининг ёнига югуриб келишди ва дарҳол Малахов курган бастионидан жавоб залпи янгради.

— Инглиз музикасининг бўлган тургани шу!— деди Истомин.— Бомба ёрилганда ҳидини фаҳмладингизми, Владимир Алексеевич? Бомбаларни аллақандай маҳсус пороҳ билан тўлдиришса керак.

— Тўгри, ҳиди бошқача. Рюденберг порохи бўлса керак. Эҳтиёт бўлинг: қўлда ушлаш хавфли. Ўчирилган бомбани улоқтириб бўлмайди: ёрилиб кетиши мумкин, зарарсизлантирганда ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Йигитларингизга айтиб қўйинг, улар жуда беғам кўрүнади...

Душман батареяси мунтазам равиша отишла давом этарди. Малахов курган жавоб қайтарарди. Курганга ортиқ снаряд тушмай қолди. Душман батареялари энди рейдни ва Кемасозлик томонни ўққа тутарди.

— Маҳкам туринглар! — деди Корнилов. — Бугун кечгача туриб берсак бўлгани. Бугун штурм бўлмайди...

— Штурм? — деди Истомин. — Башарти штурм бўлгандан ҳам, ўнг томондан — французлар томонидан бўлади. Шошманг, мени сигналчи чақиряпти.

Сигналчи, инглизлар батареясидан бошқа томонга дурбиндан қараб туриб, бир қўли билан Истоминни имлаб чақирар ва:

— Владимир Иванович, бери келинг! — дерди.

— Қизиқ бир нарса кўрганга ўхшайди. Мен ҳозир қайтиб келаман! — деди Истомин, югуриб кетатуриб.

— Биз кетдик! Хайр!

Истомин дурбин тепасига энгашди. Сигналчи ўнг томонни кўрсатиб, бир нималар дерди...

Корнилов флаг-офицерга:

— Қани, кетдик! — деди.

Улар батареянинг ўнг томонига қараб йўл олдилар: отларини ўша томондаги ёнбағирликка қўйиб келган эдилар.

Уларнинг кетидан курган худди хайр деб қолгандай:

— Замбарак! Бизники! — деган овоз эшитилди.

Жандрининг қулоғига худди эшкак сувга шалоплаб тушгандай майнин бир товуш эшитилди. Корнилов оҳ деди-ю, йиқилди...

— Тегдими? — деб сўради Жандр, Корниловнинг тепасига энгашиб.

— Йўқ! Тамом бўлдим, — деб шивирлади Корнилов.

Адмирал сюртугининг ўнг этаги қондан қоп-қорайиб кетган эди.

Жандрининг товушига офицерлар ва матрослар югуриб келишди. Корнилов оғриқдан зўрға:

— Виждоининг ҳалол бўлса — ўлиш ҳам осон! Севастополни қўлдан берманглар. Тангри, Россия билан флотни сақла. . . — деди.

Мовут бушлатларининг орқаларига қора ғишин тузтиклиган аристонлар замбилик кўтариб келишди. Икки шотига тикилган полотнодан иборат замбилини Корниловнинг ёнига қўйдилар. Корнилов аристонларнинг унинг жонини

оғритмаслик учун ердан күтаришга ботинолмай турганларини кўриб, қаттиқ қийновдан инграб, синган сони томони билан замбил полотносига ўзи ағдарилди.

Аристонлар шотини ушлаб, Корниловни ердан күтардилар-да, оёғини олдинга қилиб пастиликка, денгиз госпиталига олиб кетдилар. Замбил ёнида кетаётган Жандр уларни шошилтиради.

Кетиндаги замбилчи олдинги шеригининг этигига брэзентдан қон оқиб тушаётганини кўриб қолди.

— Митрий, қўлингни баландроқ кўтар, этигинга қон оқяпти,— деди замбилчи, ўртоғига.

Чошгоҳга етмасдан Херсонес буруни ортидан душман флотининг олдинги кемалари кўринди. Улар олдинма-кетин тизилиб, анча ерга чўзилиб келар эди. Олдинда инглиз кемалари келарди. Денгизда штиль ҳукм сурар, шунинг учун флот бомбардимон бошланишига етиб келолмай қолганди. Елканли кемаларни чап томонидан шатакка олиб пароходлар билан судраб келишга мажбур бўлдилар. Бундай усул билан шатакка олинганда, кемаларнинг рулини бошқариш қийин ва олдинга қараб силжиши жуда оғир бўлади. Аммо шатакка олинган ҳар бир кема белгиланган жойни дарҳол эгаллай олиши ва ўнг томонидаги замбараклардан дарров ўт очиб юбориши мумкин эди. Кемалар худди камалак сингари бир қатор бўлиб тизилиб, Севастополь рейдининг оғзига лангар ташлаб бўлганларидан кейин, Шимолий тил билан кўҳна Херсонес харобаликларигача бўлган масофани эгалладилар.

10-батареядагилар душман флотининг жанговар линиясидаги ҳамма кемаларни санаб чиқдилар: улар ҳаммаси бўлиб йигирма еттига эди; инглизларнинг ўн битта кемаси сафнинг шимол-шарқ қисмини эгаллаган, туркларнинг икки кемаси — ўртада, француzlарнинг ўн тўртта кемаси жануб-ғарб томонда турар эди. Кемаларнинг миқдори замбаракларнинг қанчалигини тахминлаб билишга имкон берарди. Душман флотининг икки минг беш юзга яқин замбараги, яъни икки томонининг ҳар бирида бир минг икки юз элликтадан замбараги бор эди.

Душман флоти Севастополь қирғоқ батареяларидан анча наридан жой олди. Адмирал Дундас флотни хавф остига қўйишни истамай, эҳтиёткорлик билан иш тутар эди.

Душман флотининг бир минг икки юз эллик замбара-
ги залпига Севастополь қирғоқ батареялари ҳаммаси
бўлиб юз йигирма беш, кўп бўлса юз элликта замбарак-
дан жавоб бера олар эди. Шундай қилиб, ўн марта
кучли душман билан жанг бошланди.

Кундуз соат ўн иккidan ошганда камалак шаклида
тизилган душман флоти залп ўти билан қопланди. Бу
пайтда Рудольф тогидаги француз батареялари жим бў-
либ қолган эди: флот уларга мадад беришга батареялари
етиб улгурмаган ва бунинг устига, анча эҳтиёткорлик
 билан танлаган масофадан туриб Севастополь бастион-
ларини ишдан чиқаришга ожизлик қиласр эди. Кураш
фақат инглиз-француз флоти билан қирғоқ батареялари
ўртасида борар эди.

Шимолий тилдан юқорироқ жойлашган ва факатгина-
беш-олтига замбарак билан қуролланган Волохов мано-
раси ўнг томонида қирқ бешта замбаракка эга бўлган
инглиз кемаси «Альбион» билан жанг қиласр, учтагина
замбаракдан иборат бўлган Карташевский батареяси эса
эллик замбаракли «Аретуза» деган инглиз кемасига бас
келар эди. Инглизлар Волохов манораси ҳамда Карташевс-
кий батареясига уч юз саржин жойга яқин келиб турдилар.
Бу уларга жуда қимматга тушди. Баланд қирғож
тепасига жойлашган батареялар бехато ўқ узар эдилар.
Улар инглизлар устига бомба ва қизиб турган ядро ёғдир-
дилар. Комендор-матрослар мисли кўрилмаган даражада
эпчиллик билан ҳаракат қиласр ва бу билан душманнинг
миқдорий устунлигини йўқقا чиқарар эдилар. «Альбион»-
ни ўт олиб кетди. Бу эса инглизларни ўқ узишни тўхта-
тишга мажбур этди. «Альбион»га ёрдам бергани «Ёнди-
рувчи» пароходи шошилди. Бу сафар «Ёндирувчи»га «ўчи-
рувчи» ролини бажаришга тўғри келди. «Альбион»даги
ёнгинни зўрга ўчирди-да, мўлжалдан анча нарига олиб
кетди. «Аретуза»ни ҳам ўт олди. Шимолий батареялар-
нинг тўпчилари ўтни нариги кемага —«Лондён»га кўчир-
дилар ва бехато отилган ўқлар билан уни лянгарини кў-
тариб қочишга мажбур этдилар. Ундан кейин «Сан-
Парейль» кемасининг ҳам тақдирни худди шундай бўлди.
Кўп ўтмай инглиз кемаларининг бутун чап томонидаги-
лари шикастланиб, рус қирғоқ батареяларининг ҳалокат-
ли ўти остида олисроқ жойга бориб туришга мажбур бўл-
ди. Ҳаммаси бўлиб саккиз замбарак билан қуролланган
бу батареялар тўрт юзта замбарак билан қуролланган

эскадрани енгиб чиқди. Волохов манорасида биронта ҳам одам ўлмади, фақат бир неча кишигина ярадор бўлди. Тўплардан бирининг шотиси бомбадан шикастланди. Карташевский батареяси шикастланмади ҳам, одами ҳам ўлмади. Тўпчилар чекинган душманинг кетидан «ура» деб қичқириб қолдилар.

Инглизлар бутун эскадра ўтини рейд оғзини мудофаа қилиб турувчи Константин фортига қаратдилар. Форт узун ва торгина бурунга жойлашганди. Фортнинг ярим доира бўлиб чиқиб турган олд томони жанубга қараб турарди. Метиндан жуда мустаҳкам ва пухта ишланган форт икки қаватдан иборат эди. Пастдаги тўплар шифти қалин қилиб ишланган казематларда¹¹⁸ турарди. Казематлар тепасида, очиқ томда мудофаанинг иккинчи қават тўплари жойлашганди. Инглизлар эскадрасидаги кемаларнинг уч юзта замбарагига Константин форти фақат ўн саккизта замбарак билан жавоб беради. Чап томондан қувилган учта инглиз кемаси Константин фортининг орқасига ўтиб олиб, фортнинг ўқлари тушмайдиган жойни эгаллаб, фортнинг томига ўқ ёғдира бошлади. Бу кемаларнинг юз йигирма тўрт замбарагининг залпига форти фақат икки замбаракдан жавоб беради. Йигирма учта замбарак жуда олисда турган француз эскадрасига қараб ўқ узар эди. Бундай шароитда Константин форти қаттиқ шикастланди. Юқори қаватдаги деярлик ҳамма замбараклар жим бўлиб қолган эди. Снаряд ва тош ос-колкалари ёмғири остида қолган тўпчилар казематларга кириб беркиниб олган эдилар. Шундай бўлишига қарамай, Карташевский батареяси ҳамда Волохов манорасининг мадади билан форт инглизларнинг яна учта кемаси-ни сафдан чиқаришга муваффақ бўлди.

Душман флотининг французлар қисми билан жанг қилиш асосан 10-батарея зиммасига тушганди. Метин тошдан қурилган Александр батареяси икки километр нарида турган душман кемаларига ўқ узарди ва душманга кўп ҳам зарар келтирмас эди, аммо ўзи ҳам оз талафот кўрган эди. 10-батарея ўзининг элликта замбарагининг ўтини асосан етти юздан кўпроқ тўпларидан чиққан тутун остида қолган француз эскадрасига қаратган эди. Батарея комендорларига душман замбараклари оғзидан чиққан ёлқинларни мўлжалга олиб отишга тўғри келарди. Батарея устига ва унинг орқа томонига французлар минглаб снаряд ёғдирдилар. Шундай бўлса ҳам, 10-батарея

Французларнинг: «Париж шаҳри», «Шарлемань» ва «Наполеон» деган учта кемасини сафдан чиқарди.

Тушдан кейин 10-батарея жим бўлиб қолди. Бу Нахимовни хавотирга солди: у, батарея тамомила маҳв қилинди деб ўйлар эди. Тутун қамраб олган батареялар билан алоқа узилиб қолган эди. Денгиз билан Олтинчи бастион ўртасига минглаб бомба тушиб ёриларди. Шундай бўлишига қарамасдан; Олтинчи бастиондаги матрослар орасидан ўқ ёғилиб турган жойдан ўтиб, батареяниң нима учун жим бўлиб қолганини билиб келиш учун талаборлар чиқди. Нахимов розилик билдириди. Матрослар жарликка тушиб, снарядлардан жар ёқаларига беркиниб, денгиз бўйига чиқдилар. Оқшом пайтда, денгиз томондан канонада турган, қуруқликда эса фақат Севастополь истеҳкомларининг чап томонини фақат инглиз тўплари ўққа тутиб турган вақтда, Нахимов юборган ҳамма матрослар қайтиб келди. Батарея командири Троицкий уларни қайтариб юборган ва улар орқали Нахимовга батарея жуда оз талафот кўрди, жим қолганлигининг сабаби эса тўпларнинг жуда қизиб кетганлигида деб хабар берди.

Қош қорайниши билан душман флоти ўқ отишни тутгатиб, позициясини ташлаб кетди. Денгиз устини қўпладан тутун тарқалди. Севастополь бухтасининг рўпарасида фақат бир неча дозорчи кема кўринарди.

Веня французларнинг Рудольф тоғидан отган дастлабки ўқ товушларидан уйғониб кетди. Хоня билан дадасидан бошқа ҳамма уйда ва уйқудан турган эди. Дадаси анчадан бери уйда ётмасди.

Анна Венянинг кўзини очганини кўриб:

— Хўжайн жуда кўп ухлаб юбордилар,— деди.
— Хўжайн хизматга кечикмасалар бўларди,— леб жавоб берди Наташа.

Наташа ўзининг одатдаги жойида, дераза ёнида ўтиради, аммо унинг олдида бу сафар тўрли ястик ўрнида бирталай титилган ип ётарди. Наташанинг бармоқлари одатдагидек илдам ва чаққон қимирларди. У эски полётно ипларини шошилмасдан, бамайлихотир суфуриб ўтиради. Наташанинг рўпарасида ўтирган Маринка ҳам шу иш билан машгул эди. Маринка Наташа билан ким кўп титишга бас бойлашган эди... Шошилишига қарамасдан, тўғрироғи шошганлиги сабабли, Маринканинг иши кўп ҳам

юришмасди. Маринканинг иргиб туриб, қочиб кетишдан ўзини базур тутиб турғанлиги равшан эди. Хоня госпиталга кетганди.

Веня уйнинг ичига бир қараб чиқди, бугун «қизғин жанг» бўлишини эслаб, ўрнидан сакраб турди-да, этигини кия туриб:

— Хизматга... хизматга дейсизлар, ҳали самоварларинг қайнамапти-ку!— деб пўнғирлади.

Самовар карнайи печка мўрисига тиқиб қўйилган, тагидан қип-қизил чўғлар патнисга тушиб пишиллаб турарди.

— Ҳозир қайнайди, хўжайнин!— деб жавоб берди онаси; кейин жўрттага шошиб самоварнинг карнайини олдида, пуфлади. Самовар гувуллаб кетди.

— Ҳозир чой ичадиган маҳал эмас!— деди Веня, қозикдан матросча шапкасини олиб.— Хайр, она!

Эшик бандини ушлади-ю, бироз тўхтади. У ҳозир ойим тўхтатиб, «қаёққа! Уйда ўтири!» деб бақиради деб ўйлаганди. Аммо онаси индамасдан бошини силкитиб қўяқолди.

Маринка, худди кўча қаҳратон совуқдай:

— Бурнингни чиқариб кўрчи!— деди.

Ольга ҳам Маринканинг ёнига тушиб:

— Бор, чиқиб кўр!— деди.

Веня дадил эшикни очди. У эшик ёнида табуреткада ўтирган Ольга ушлаб қолади, кўчага чиқармайди деб умид қиласди. Аммо Ольга қимир этмади.

Веня оstonадан чиқди-да:

— Гапимдан чиқманглар! Хотин-халажлар ва ёш болалар бугун уйдан қимирламаслиги керак!— деб қичқирди ва эшикни тақ этиб ёпиб, ташқари чиқиб кетди.

Ташқариди одатда эрталаб келиб турадиган тезак ва антрацит ҳидига, кемасозлик слободасида аёллар гўё сассиқ қўмир ёқсандай, олtingугурт ҳиди қўшилганди: бу порох ҳиди эди. Малахов курганнинг чўққисини қалин тутун қоплаб олганди. Оқ маноранинг тутун устидан чиқиб турган байроқ дастасида гюйс — секин-аста ҳилпиллаб турарди. Гюйс худди қуриб қолган ўт поясига қўнган ва қанотлари титраб турган капалакка ўхшарди. Веня ҳали курган тепасига чопиб чиқиб улгурмаган ҳам эдики, бирдан снаряд уриб туширган байроқ дастаси кўздан ғойиб бўлди. Олачипор капалак қўрқиб кетиб, тутун ичидагүй бўлиб кетган эди.

Веня Малахов жургандалигини яхши билар эди ва түппа-тўғри мичман Нефёдов-иккинчи қўмондонлиги остидаги ўнг батарея томонга қараб йўл олди: бу батарея валига бошқалар қаторида Веня ҳам тупроқ ташиган ва шу сабабдан уни ўзиники деб ҳисоблар эди. Бу ҳам майли, 36-флот экипажининг юнгаси Вениамин Могученко ўзини батареядаги учинчи замбарак, яъни тепаликка тортиб чиқаришга ўзи ёрдам берган замбаракка бириттирилган деб ҳисобларди. Учинчи замбаракка бириттирилганлар орасида яқин одамларидан Стрёма билан Михайлар бор эди. Кечакорун Веня кўзи уйқуга кетатуриб агар учинчи замбаракнинг комендори ўлса, қўлидан пиликни оламан-да, ўлган ўртоғимнинг ўрнини босаман деб ўйлаган эди.

Ҳозир Веня бу жойларни танимасди. Заҳардай аччиқ ва қалин тутунда фақат оёқ тагинигина кўради, холос. Курган ёнбағридаги ўнқир-чўнқир жойлари анча орқада қолиб кетган эди, юнга худди бастион олдидаги текисланган ва юмшоқ жойга келиб қолдим деб ўйлади. Веня қоқилиб кетиб, ядрога кўзи тушди. Ядро чуқурчада ётарди, ундан сал нарида қаторасига яна бир неча чуқурча кўринарди; ядро худди чуқурга ташлаб ўйнайдиган коптокка ўхшарди. «Копток»ни олиб, эгасига отиш учун Веня дарров чуқурга энгашди. Ядро қизиб кетган ва замбилдай оғир эди. Уни кўтаришга юнганинг кучи етмади ва зўрга чуқурдан чиқара олди. Ўнг томондан бирданига бир неча замбаракдан залп берилди. Веня ядрони ташлаб қочмоқчи бўлган эди, бироқ қаддини ростлай олмади, оёқ босиб турган ернинг секин-аста айлана бошлаганини сезди. Боши айланаб кетди. Веня йиқилиб, ерни иккала қўли билан маҳкам ушлаб олди,— ер худди усталик билан бураб юборилган пирилдоқ сингари, гувуллар ва борган сари тезроқ айланарди.

Аллакимнинг: «Сув! Сув келтир! Буёқقا!» деб бақиришидан ўзига келди.

Ҳали баланд кўтарилимаган қуёш булат ортидан хира кўринса ҳам, иссифи анча билинар эди. Веня офтобга қараб, адашганини пайқади ва батарея саҳнида эмас, балки вал остидаги зовурда ётганини кўрди. Валга чирмashiб чиқди-да, қиррасига миниб олди. Пастда замбаракни отишга тайёрламоқда эдилар: ичини тозаладилар, порох солдилар, пиж тиқдилар, снаряд билан ўқладилар-да, кетидан яна бир пиж тиқдилар.

— Замбарак борт олдига!
Матрослар бараварига қийқириб, замбаракни олдинга итариб келтирдилар.

Веняning тиши тишига тегмас эди. Вал қиррасидан сирғониб тушди-да, банкетдан¹¹⁹ оёғини осилтириб ўтириди. Замбарак гумбурлади, оғзидан олов пуркаб, кетинга тисланди.

— Қаердан келдинг, юнга?

— Йнглизлар томонига ўтгандим,— деди Веня, тишлирини қасирлатиб.

— Ҳа-ҳа-ҳа!

— Жўнаб қол, болакай!

Веня кимнингдир:

— Жўна уйингга, оғайнин!— деган овозини эшитди, овоз таниш эди, аммо кимнинг овози эканини билолмади.

Сўнгра тутун орасидан кимнингдир таниш башараси тепасига энгашди. Шўх қўзлар чақнаб кўринди.

— Ҳа, юнга, совуқ қотдингми?

— Безгак тутяпти,— деб жавоб берди Веня.

— Безгак? Наҳорга уч дона мурч ют, тақатақ қолади.

• Веня ҳеч кимга мурожаат қилмасдан:

— Уйга бориб уч дона мурч емасам бўлмайди. Мен-ку ҳеч нарсадан қўрқмайман-а, безгагим тутяпти...—деди.

— Югур бўлмаса, болакай! Орқангга қарама, бўлмаса «у» кетингдан қувиб етади...

Веня банкетдан сакраб тушди-да, жетди. Тишлари ҳамон бири бирига тегмасди. Веня қалин тутун ичидан борар эдики, офтоб орқасидан уради; салдан кейин курганнинг ёнбағрига чиқиб олди. Бу ерда тутун сийрак эди. Орқа томондан яна замбарак гумбурлаб, ерни ларзага солди.

Залпнинг овози босилгандан кейин Веняning қулоғига курганинг аллақаеридан:

— Сув, сув келтир!— деган овоз эшитилди.

Веня уйга қайтиб кирганида тишларининг қасирлаши босилган эди.

Веня чанқади ва шу ондаёқ: «Сув, сув келтир!» деган овоз эсига тушди.

— Сизлар бу ерда қўлларингни қовуштириб ўтириб-сизлар, бастионда эса матрослар чанқаён қолишаётпи,— деб пўнғирлади Веня.— Томоқларини ҳўллашга бир қатра ҳам сув йўқ. Барининг овози хириллаб қопти.

— Наҳот бастионга бориб келган бўсанг.

— Бўлмаса қаерга борардим? Менинг жойим қаерда?
«Аёлларга бориб айт, жула бўлмаса бир пақир сув келтиришсин» дейишишмаганда, келмас эдим ҳам.

Ольга ўрнидан иргиб турди-да, юргурганча ташқарига чиқиб кетди.

Могученколарнинг ҳовлисидаги доира шаклидаги қудуқ бутун кемасозлар слободасига муздек совуқ ва шириң суви билан донг чиқарган эди. Қудуқ жуда чуқур эди. Четига харсанғитош териб чиқилган қудуқ тепасига челаклаб сув чиқариш учун қия қилиб ўрнатилган ходага ғалтак қўндирилган эди.

Ольга билан Веня кетидан қудуқ бошига Анна билан Маринка бўш челакларни тарақлатиб югуриб келишди. Ғалтак ғижир-ғижир қилиб айлана кетди. Ёғоч бадъя шалоп этгиб сувга бориб тегди.

Арқоннинг учидан маҳкам ушлаб турган Веня:

— Мен тортаман! — деб бақирди.

— Торта қол!

Веня арқонни елкасидан ошириди-да, қудуқ ёнидан нарига қараб кета бошлади. Арқоннинг узунлиги неча қадам чиқишини Веня биларди, шунинг учун ҳам «Тўхта!» дейишишини кутмасдан, бадъя қудуқ оғзида кўринниши биланоқ тўхтади. Ольга бадъяни ушлади-да, икки челакни сувга тўлдирди. Опа-сингиллар сув тўла пақирларни кўтариб, курган томонга қараб югуришди.

— Ҳай, қизлар,— деб қичқирди уларнинг кетидан Анна.— Бошқа пақиримиз йўқ-ку! Қушниларга айтиб кўрингларчи! Пақир олиб чиқишин...

— Есть, қўшниларни ҳозир чақирамиз! — деб жавоб берди Маринка, тўхтамасдан.

— Бу сув билан одамларнинг ташналигини босиб бўлармиди! Шошмай тур, ўғлим! — деди Анна, қудуқ сувидан бир ҳовуч олиб ичиб кўриб.

Кейин уй тагидаги подволга тушди-да, дуб тахтадан ясалган қаттакон бир бочкани думалатиб чиқди.

— Қуриб қолмагандир дейман. Қани, ўғлим, сув солиб кўрайликчи.

Она-бала бочкани лиммо-лим қилиб тўлдирдилар. Бочка тахталари ёнидан сув сизиб оқа бошлади. Тирқишлиари намдан қорайиб кетди-ю, аммо сув унча кўп оқмади.

— Зарари йўқ, нам тортиб кетади,— деди Анна ва уйга кириб кетиб, елкасида алланима солинган қоп билан квас кўпиртирадиган чўп олиб чиқди.

— Нима қилмоқчисан, ойи, квас қилмоқчимисан дейман!— деб сўради Веня.

— Квасдан ҳам, пиводан ҳам, энг яхши винодан ҳам ўткір бўлади, ўғлим.

Шундай деб Анна бочкага қопдан туз ағдариб, чўл билан шопира бошлади. Кейин татиб кўрди-ла:

— Ана энди сувмисан сув бўлди!— деб мақтади.

Веня ҳам татиб кўриб, туфуриб ташлади. Сув унга ёқмади.

— Шўр-ку!..

— Ҳамма мазаси шунда-да! Бундай иссиқ маҳалла чучук сув ташнани босмайди... Караб тур, мақтаб-мақтаб ичишади.

Маринка билан Ольга чelакларни бўшатиб келиб, бочкалан яна сув қуяр эканлар, бир-бирларига гап бермайди билирлар эдилар:

— Оҳ, ойижоним-еъ, у ерни жаҳаннам деса бўлази-я! Бомбалар ёрилиб турибди, ерда ядролар сочилиб ётибди... Манорадаги ҳамма тўплар майиб бўлиб қолибди. Ҳар ерда ўликлар чўзилиб ётибди... Ярадорларни айтмайсанми! Олиб келишяпти, олиб келишяпти, барнибир, кети йўқ! Баъзилар ўз оёқлари билан юриб келишяпти.

— Ё худо, ё худо! Офатку бу! Павел Степанович курганда экан?

— Хонянинг чўқинтирган отаси Бешинчи бастионда иш бошида турибди экан,— деди Ольга.

— Ё олло, ўз паноҳингда сақла уни! Сув яхши эканми, қизлар?

— Икки пақир сув ҳам сувми! Икки бочка ҳам камлик қиласи уларга... Нуқул: «Сув! Сув!» дейишади.

— Бир чelагини Нефёдовга ичиргандирсан?— леб Маринкани укаси койиди ва деразани имлаб кўрсатиб, овозини баланд қилиб:

— Стрёмага ҳам ичирдингми?— деб сўради.

Деразадан бўлаётган гап-сўзларга қулоқ солиб, Наташа қараб турарли.

— Стрёма! Ох!— деб қичқирди Маринка, кула-кула,— ичмайман лейди. «Улсам ҳам ичмайман. Наталья Андреевна ўз қўллари билан ичирсалар — ичардим... оппоқ қўлларидан...» дейди. Кейин баникни замбаракиниг оғзига тиқди. Ҳатто замбарак ҳам хириллаб кетли-я!.. Узи қоп-қорайиб кетган денг!.. Жуда ташна кўринди, назаримда...

Ольга билан Маринка яна кулишди-да, челякларни кўтариб, ҳовлидан югуриб чиқиб кетдилар.

Ҳовлига икки қўшни аёл обкаш билан челяк кўтариб югуриб кирнинди. Ўлар жетидан яна итқи аёл желди. Кейин бирланига учта хотин келди. Матрос хотинлари челякларни тўлдириб, сувни чайқатмаслик учун оёқларини пойма-пой босиб, тепаликка қараб бирин-кетин тизилиб кетдилар. Бочка бўшаб қолди.

— Қани ўғлим, яна сув чиқарайлик энди.

Анна билан ўғли яна ишга киришдилар ва бочкани яна сувга тўллирдилар. Анна сувга туз солди-да, чўп билан шопира бошлади. Венянинг иккала елкаси зирқиллаб оғрир, қўллари арқондан қизиб ловиллаб ёнар, кафтлари қавариб кетган эди.

— Чарчадинг, болам. Бор, кириб дамиигни ол, қаравчи, Наташа нима қилаётган экан. Қўлингни ҳўллама, баттар оғрийди. Гумбурлашини қара, қулоқни жар қиласман дейди-я! Бутун оламини тутун босдими дейман! Офтоб кўринмайди-я! Отамиз қаерларда юрганикин? Қадрдон Павел Степанович қаердайинкин?

— Дадам — ўз ишида. Павел Степанович, ҳам ўз ишида. Иккаламиз яна беш бочка сув чиқарамиз.

— Вой, менинг овунчоғимей! — дерди Анна, Веняни бағрига босиб ва ўпиб,— бор, Наташани овунтири, хўнгхўнг йиғлаб ўтиргандир. Қудуқда беш бочкага етадиган сув қолмагандир.

Веня эшикни секин очди-да, билдири масдан ичкари кирди. Наташа стол ёнида ип титиб ўтиради. Титилган оқ иплар уюми анча кўпайиб қолганди. Қизнинг чевар бармоқлари тез-тез ишларди. Қўзларидан дона-дона думалаб тушаётган ёшлари лабларининг бурчакларига оқиб тушарди.

Веня югуриб опасининг ёнига келди.

— Йиғлама, Наталья. Нега йиғлайсан, тентак? Стрёмага ачинасан-у, ёнига боришга қўрқасанми? Юр. Мен бориб келдим, ҳеч қўрқадиган жойи йўқ. Фақат безгак тутади, холос. Мурч ичмасам ҳам босилди. Юр, Стрёмага сув элтиб берамиз.

— Челяк йўқ-ку,— деди Наталья кулиб.

— Кувада олиб борамиз. Стрёмага етади.

Наташа бошига оқ рўмол ўради-да, учи билан кўзларини артди. Веня токчада турган қизил сапол кувани олди, ҳовлига югуриб чиқиб, бочкадан сувга тўлдириди.

— Биз Наталья иккимиз Стрёмага сув олиб борамиз. Бир ўзи қўрқяпти.

— Бора қолинглар, болаларим. Бора қол, Наташенька! Қўлингдаги тугунинг нимаси?

— Эҳтимол ярадор бўлгандир, латта-путта оливолдим, боғлашга керак бўлар...

Веня Наташанинг қўлидан ушлади. Ҳовлида Аннанинг ёлғиз ўзи қолди. Йиғлагуси келди-ю, аммо кўзида ёш йўқ эди.

Салдан кейин ҳовлига матрос хотинлари пақирларни тақиллатиб қайтиб келдилар-да, бочкани тамомила қуритдилар.

— Жуда сувингни мақташяпти, Анна! — дейишди қўшни хотинлар.— Пастки қудуқлардан ҳам қизлар сув таший бошлишди. Матрослар у сувнинг мазаси йўқ дейишади...

— Менинг сувим — бошқача! — деб кулди Анна ва қопдаги тузни кўрсатди.— Биттангиз қолсангиз бўладиди, қизлар, ёлғиз ўзимнинг сувни тортишга кучим етмас. Сен қола қол, Маремъянушка.

— Қолсам қола қолай! — деб розилик билдириди қўшни хотин.

Бочка беш марта лиммо-лим қилиб тўлдирилди, қопда туз ҳам қолмади. Офтоб ғарб томонга оғди. Еғоч бадъя қудуққа сўнгги марта туширилганда қудуқнинг тагига тақ этиб бориб тегди-да, ярми бўш чиқди.

Наташа билац Веня Сапёrlар йўлидан курганнинг ковланиб ташланган ёнбағрига бурилдилар. Шу ерга етганда улар тутун ичиди қари бир матросни учратдилар. Матрос чап тирсагига таяниб, денгиз томонга қараб бамайлихотир ёнбошлаб ётарди. Наташани ва ёнидаги укасини кўриб, усти мис билан қопланган трубкасини оғзидан чиқарди-да, бошини силкитиб саломлашди. Наташа ҳайрон бўлиб тўхтади: замбараклар бетўхтов гумбурлаб турган бир пайтда пороҳ тутуни ичиди бемалол дамини олиб ётган киши унга ғалати кўриниб кетган эди.

— Ассалом,— деди Наташа, хижолат бўлиб.— Дам олиб ётибсизми?

— Саломат бўл, гўзалим! Ҳа, дамимни олиб ётибман. Батареядаги қайлифингга сув олиб кетаётисанми дейман?

— Ҳа...

— Олиб бора қол, гўзалим, олиб бора қол, бугун у ерда худли пичан ўришга чиққандай, одамлар куйиб-ўртаниб ётибди...

Наташа, матроснинг савлатли ва сокин юзидан қўзларини узмай:

— Сиз ўша ердан келдингизми, бобо? — деб сўради.

— Ҳа,— деб жавоб берди матрос, трубкасини оғзининг бир бурчагига қистириб.

Веня Наташанинг қўлини туртиб, матроснинг қимир этмай узаниб ётган ўнг оёғини кўрсатди: тиззасининг тагти қондан ҳўл бўлиб ётарди...

— Ярадор бўлдингизми, бобо? Нега ўзингиз юриб келдингиз, кўтариб келишарди-ку...

— Ҳамма ярадорларни ташийман десанг одам етишмай қолади! Ўзим юриб борарман деб ўйловдим, шу ерга келиб йиқилдим. Яра ҳам унча эмас, суяк бутун-у, аммо бомбанинг бир парчаси этнинг ичидаги қолганга ўхшайди, ўша юргизмай қўйди...

Наташа матроснинг олдига чўққайди.

— Сув ичинг, бобо.

— Суйганинг насибасини ичидаги қўяман-ку? Ростини айтсан, ичим худди пароход ўтхонасида ловуллаб ёньяпти.

Матрос оппоқ мўйловини енги билан артди-да, кўвадан сув хўплади.

— Яхши сув экан! Жон ороми экан! — деб мақтади матрос.— Сувдек сероб бўлинглар.. Энди йўлингиздан қолманглар. Бориб айтинглар, тепалик тагида иккинчи вахтага қарашли боцман Антонов ётибди денглар. Навбат келганда мени олиб кетишсин.

— Балки бизнинг ёрдамимиз тегар, бобо? — деди Веня.— Мана, Наташанинг тугунчасида ҳар нарса бор: латта ҳам бор, титилган ип* ҳам бор...

— Ёрдам қиласайлик дейсанми? Майли,— деб рози бўлди Антонов.

— Аммо қўлимдан ҳеч нарса келмайди-да! — деди зорланиб Наташа.

— Билмаган — ўрганади! Билганга ўргатиш уста бузормонлик қилиш бўлади! Қани, йигитча, ўнг оёғимдаги этикни тортчи. Тортавер, қўрқма. Эҳтиёт бўл, яна оёғими ни узиб олма.

• Титилган ип ялгари пахта ўрнида ишлатиларда.



Матрос ерга туриб ўтириди ва оғриқдан юзлари буришиб, майиб оёғини кўтарди.

Веня этикни тортиб чиқарган эди, ичидан қовжираб ётган ўт устига қон оқиб туша бошлади...

— Ҳеч қиси йўқ, қизим, қондан қўрқиши керак эмас... Жуда чевар экансан! Бармоқларинг худди ширин попукдай...

Наташа қўлларини қонга белаб, ҳўл пайташани ечдида, кўвадаги сув билан ярани ювмоқчи бўлди.

— Ҳўллама, ҳўллассанг қон кўп кетади... Шимимнинг почасини ўра. Баландроқ қилиб ўра, яна баландроқ. Ҳа, бўлди энди,— деб команда бериб турди матрос,— мен сенга буни бир ўргатиб қўяй. Биринчи марта ярадор бўлишим эмас. Лазаретларда ётавериб, кўрмаган нарсам қолмаган... Фельдшер бўлсан ҳам арзиди. Эҳ, аттанг, трубкам ўчиб қолипти. Ёндириб берчи, йигитча... Мана чақмоқтош. Ёнтир.

Боши осмонга етган юнга трубканни оғзида тутатар экан, матрос Наташага гап ўргатар эди:

— Мен сенга хирургиянинг ҳар иккаласини, кичигини ҳам, каттасини ҳам ўргатиб қўяман. Дарровдан бинтлаш керак эмас. Олдин қонни тўхтатамиз. Тугунингда озгини тизимча йўқми? Сочиқ бор дейсанми? Майли, сочиқ ҳам ярайди... Эҳ-ха-а, жуда ажойиб-ку... ўзинг тўқиганмисан? Чевар экансан! Қани сочиқ билан қаттиқ боғлаб торт. Буни ҳам қилолмайсанми?.. Ҳой, йигитча! Трубкани бер. Ҳов анови таёқни кўрасанми? Келтири. Орасига қистир. Яхши. Энди айлантири...

Веня таёқни сочиқ орасига қистириб айлантира бошлади.

— Мана энди ярани боғласак бўлади, қизим... Е оёқни бутунлай кесиб ташласакмикин, а, йигитча? Пичноғинг борми?— деб сўради матрос, Веняга кўзини қисиб.

Веня қўлини чўнтағига солиб, матросча пакки пичноқни маҳкам ушлаб олди.

— Менда пичноқ йўқ!— деб жавоб берди Веня, қўрқиб кетиб.

— Ийя! Уйингда қоптими? Ундоғ бўлса, сендан яхши матрос чиқмас экан. Менинг чўнтағимдаги пичноқни ол-чи.

— Амаки, қўйинг, керак эмас,— деб қичқириб юборди Веня,— кесманг, ўзи битиб кетади...

— Битиб кетади дейсанми? Ҳа, майли. Аммо, пичноқни ёнимдан чиқар-чи.

Веня матроснинг чўнтағига қўлини солиб, пичоқни олиб очди. Боцман нима қиларкин деб қўрқиб қараб турарди. Чол инграб ва оҳ-войлаб пичоқ учини очилиб турган яранинг ичига тиқдида, жичкина чўян бўлагини ковлаб чиқариб ташлади.

— Айтмадимми, бир бўлак чўян бор деб. Энди, қизча, латтангни босавер.

Наташа ярага титилган ипдан босди-да, устидан боғлаб қўйди. Матроснинг пешонасидан тер чиқиб кетди. Наташа латтани ҳўллади-да, матроснинг юзларини артиб, чекасидан ўпди.

— Минг раҳмат, гўзалим. Энди йўлингдан қолма.

— Бобо, биз сизни уйимиизгача олиб бориб қўямиз. Узоқ эмас. Бизникида яхшироқ дамингизни оласиз...

— Қайлиғингга ким сув олиб боради? Оти нима ўзи?

— Опа-сингилларим ўшаёққа сув ташиб туришипти. Оти — Стрёма.

— Э, Стрёма дегин! Ҳа, Стрёма сувни нима қиларди? Қани, олиб бор мени уйингга. Стрёма кутса бўлади, унга сув зарур эмас. Қани, юнга, мени турғизиб қўйчи.

Матрос Веня ва Наташанинг ёрдами билан чап оёғига таяниб ўрнидан турди-да, Венянинг бўйнидан қучоқлаб олди.

Наташа билан Веня матросни қўлтиқлаб олиб кетишиди. Матрос гоҳ бир оёқлаб сакраб, гоҳ майиб оёғини босиб, сўкина-сўкина ва ихраб-сихраб юриб борар эди. Улар дам ўтмай тўхтаб, секин-секин борар эдилар.

Уйга сал қолганда Веня матроснинг қўлидан чиқди-да, этикни силкитиб, уйга югуриб кирди, қудуқ ёнида турган Аннани кўриб:

— Ойи, бизникига ярадор олиб келишяпти,— деб қич-кирди.

— Вой ўлай! Кимни? Мишаними? Стрёманими?

— Йўқ, йўқ, боцман Антоновни. Чиқ, Наташага қарашиб юбор.

Анна юрганича кўчага чиқди.

Бир ярадор ўрнига иккита ярадор кўрди. Антоновнинг бир қўлтиғидан Наташа, бир қўлтиғидан эса Венянинг ўрнини босган ёш матрос ушлаб келар эдилар. Ёш матроснинг ўнг енги тирсапигача шимарилган бўлиб, қўли латтадай осилиб турар, қонга беланган бармоқларидан қип-қизил қон томиб тушар эди.

Уйга етгач, дармонсизланган иккала ярадор зинага

ёнма-ён ўтирилар. Антонов ёш матроснинг қўлини ушлаб кўрган эди, матрос додлаб юборди.

— Умров суюгинг синипти. Қўлингни кесиб ташлайди энди. Бутунлай бўшайсан. Қани, ҳой келинчаклар, оғай нимизга қаранглар. Қонини тўхтатиш керак. Кейин менинг оғимни қаттиқроқ боғлаб қўясизлар...

— Веня нимани тақиллатиб ўтирибсан, кел, қарашиб юбор!

Ичкаридан болға товуши келарди...

— Ҳозир, ойи,— деб жавоб берди Веня.

Юнга уйдан югуриб чиқди-да, эшик олдидаги панжарадан ошиб ерга сакради. Қўлига ухват ластаси*га Ольганинг қизил рўмолини боғлаб, байроқ қилиб олган эди.

Юнга байроқни харсангтош деворнинг тирқишига қистириб қўйди. Қизил байроқ — яраларни боғлаш пунктининг ишораси эди.

Кечга яқин канонада тинди. Фақат аҳён-аҳёнда замбараклар худди бир-бирларига овоз бергандай, гумбурлаб турар эди. Слободкада итлар хурирди. Қош қорайгунга қадар Могученколарнинг уйи ёнидан жуда чарчаб ҳоллан тойган, дайдиларга ўхшаган ярадорлар ўтиб турди. Оғир ярадорларни бошқа йўлдан госпиталга ва Павел буруни томонга олиб кетар эдилар. Ярадорларнинг батзилари қизил байроқни кўриб, уйга кирап эдилар. Ярадорларга Анна уч қизи билан қарап эди. Улар ҳамма тоза латтальарни ва янги маталарнинг бир қисмини ярадорларга ишлатиб юбордилар. Ишга бош бўлган боцман Антонов нима қилиш кераклигини айтиб турарди. Госпиталнинг топшируви билан титишга берилган хазина латта-путталари ҳам тамом бўлди.

Ярадорлар яраларини боғлаб қўйганларидан кейин бека ва унинг қизларига миннатдорлик билдириб, чиқиб кетар эдилар. Бироқ қоронғу тушгандан кейин уйда бир неча ярадор қолди,— улар дармондан тойиб қолганидан, ўрнидан туролмас эди. Боцман билан бирга ҳаммаси бўлиб етти киши қолган эди. Улар этикларда олиб келган тупроқ аралаш қонга беланган қуруқ ерда ётар эдилар.

Ярадорларни нима қилишини Анна билмас ва боцмандан жаҳли чиқар эди. Боцман худди оғининг майиблигиги унутгандай, стол ёнида ўтирас ва бека «яна бир чаш-

* Идишларни печъинчидаги ўтга қўядиган ва ўтдан олиб қўядиган авра.

ка чой ичинг» деганда, сира йўқ демасди. Ҳозиргача у олти чашка чой ичган ва Венянинг тахминича, яна тўрт чашка чой ичиши керак; бу Антоновнинг қанддондан бир бўлак қанд олиб, уни ўнга бўлганидан ва бир бўлак қанд билан битта чашкадан чой ичишидан кўриниб турар эди.

Қизлар чарчаб, эшик олдида ҳар бири ўз ўйини ўйлаб ўтирад эдилар.

Маринка гоҳ кулумсираб, гоҳ қовоқларини солиб, мичман Нефёдовга сув узатганида у қизнинг қўлидаги челакни тортиб олиб худди отни чўмилтиргандай, бутун челакдаги сувни замбаракнинг у бошидан бу бошигача селиб юборганини ва қизиб кетган тўпни эркалатиб силаб қўйганини эслар эди. Курганинг ҳамма ери: одамлар, уларнинг усти-бошлари, қоракуядан қоп-қора бўлиб кетганди, замбаракларнинг станоклари эса худди тезоб суртилган дубга ўхшар эди. Фақат тўпларнинг бронза ва чўян гаваларигина ялт-ялт этиб турарди: қизиб турган металлга қоракуя юқмас эди.

Боцманинг Стрёмага сув керакмас деган гаплари Наташанинг эсидан чиқмасди. Ё чол Стрёманинг ўлганини кўрдимикин? Ольга билан Маринка ҳам батареяда Панфиловни, Нефёдовни, акалари Мишани кўрганларини айтишибди, Стрёмани эса оғизларига ҳам олишмади; Наташа эса сўрасам бирдан: «Ҳа, Стрёма ўлибди» дейишади деб қўрқиб, сўрамасди.

Қиз дув кўз ёши тўкканча қудуқ бошига югорди. Ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, қудуқ тошига энгашди. Веня опасининг кетидан бориб, қучоқлади-да, овунтира бошлади.

— Қудуқни кўз ёшинг билан тўлдирмоқчимисан?.. Қани, бир қарайликчи, қанча бўпти экан...

Веня бадъя қудуқнинг тагига тушиб синиб кетмасни деб, ғалтакни секин айлантириб тушира бошлади. Бадъя шалоп этиб сувга бориб тегди.

— Оббо Наташа-ей!— деб опасини мақтаб қўйди Веня.— Йиғла яна.

Веня бадъяни чиқариб, сувни уйга олиб кирмоқчи бўлди.

— Ойим полга ўқрайиб-ўқрайиб қараётган эди...

— Веня,— деб укасини тўхтатди Наташа.— Югар, бастионга бориб кел, Стрёма бор-йўқлигини билиб кел. Ойимга сувни ўзим олиб кираман.

Ой чиқди. Оқшом салқинида тутун тарқалиб бўлди. Уй ёнидан денгиз оркестрининг музикачилари тоқقا қараб

йлдам юриб ўтиб кетдилар. Катта-катта қарнайларда ой шуъласи жилваланар эди. Веня оркестр кетидан эргашиб кетди. Оркестр ўтиб бўлгандан кейин тоғ тагидан Могученколарнинг уйи олдига икки туя қўшилган каттакон сояvon арава келиб тўхтади.

Туя ҳайдаб келган фурштат солдати¹²⁰ аравани тўхтатди. Аравадан Мокроусенко тушди-да, уйга кирди. Эшикни очиб, баланд овоз билан:

— Ҳой, яхшилар, чумакларнинг¹²¹ аравасига ортадиган юкларинг йўқми? — деди.

Қайиқсоз уста ерда ётган ярадорларни кўриб, бирдан хижолат бўлди-да, тилини тийди.

— Ана, келди-ку! — деб қичқирди Ольга, севиниб кетиб. — Ҳамма мени: «Тарасинг қани, қаерларда берқиниб ётипти!» деб масхара қиласи, нақ керак вақтида етиб келди-да ўзи ҳам!

— Саломатмисан, азизим Тарас Григорьевич! Пайғамбар экансан-да! Қаердан била қолдинг! — деб севинар эди Анна. — Қара, уйимизнинг аҳволини...

— Ҳа, нега билмай, азизим Анна Степановна! Фурштатлар билан бирга эртадан кечгача батареяларга порох, картечь, бомба ташидик, кейин яна хода ташишни буюришди. Нуқул сизга қандай қилиб ёрдам берсам экан деб ўйлаганим ўйлаган, азизим Анна Степановна. Оҳ, фалокатни айтмайсизми, фалокатни: қанча уйларни шипириб кетди, сизники бутунлигича турибди, шундай бўлса ҳам... эртага бундан ҳам ёмон бўлса керак!

Мокроусенко Ольгага қаради. Ольга қовоғини солиб олди. Қайиқсоз уста ўйга ботди. Бирдан эсига бир нарса келиб, типирчилаб қолди. У сояvon аравани Могученколарнинг лаш-лушкини бехатарроқ жойга кўчириб қўйиш учун олиб келган эди. Энди-ку бомбардимондан юракла-ри ёрилиб ўтиришгандир, энди кўнишса керак деб ўйлан ган эди. Келиб қараса — ярадорлар ётипти.

— Вой, мен аҳмоқни қаранглар! Ҳозир ҳаммасини тўғрилаймиз, азизим Анна Степановна.

Мокроусенко фурштатни чақириб келди. Хотин-халажларнинг ёрдами билан ярадорларни уйдан олиб чиқиб, аравага икки қатор қилиб ётқиздилар. Уйда ёлғиз Антонов қолди.

— Мени ҳам олиб чиқинглар, — деди боцман, — ўзим юра олмайман: оёғим худди йўқдай, сезмайман! Ҳамма қилган яхшилигингиз учун раҳмат, меҳрибон бека.

Подшоқ бўлсам ҳаммаларингга биттадан медаль берардим!

Анна қизлари билан липасини қистириб, худди кема палубасини ювгандай, полни қум билан ишқалаб ювишга кириши.

Нахимов билан Тотлебен Севастополь истеҳкомларини тунда иккинчи марта айланиб, айтилган нарсаларнинг ҳаммаси бажарилган-бажарилмаганлигини текшириб чикдилар. Биринчи кунидагидек, тонг отишида ҳам Севастополь душман ҳамласига қақшатғич зарба берсин учун, ҳамма батарея ва бастионларни тўла тартибга келтириш керак эди. Батареяларда амбразураларни тозалаб, атрофига тупроқ солинган қоп ва турлар қалар эдилар; ўпирлиб тушган зовурлардан тупроқ қазиб, валларнинг устини кўтарар эдилар; шикаст еган замбараклар ўрнига янгиларини келтириб ўрнатар, енгил тўплар ўрнига кемалардан келтирилган оғир тўплар ўрнатар эдилар. Ёнлаб келиши мумкин бўлган снарядлардан сақланиш учун замбаракларни кўндалангига қурилган травверс-валлар билан пана қилар эдилар. Истеҳкомларда сапёр, матрос ва солдатлардан ташқари аристонлар ва шаҳар слободкаларининг аҳолиси ҳам ишлар эди. Бешинчи бастион ва Малахов кургандаги оркестрлар чалиб турагар, бошқа ерларда ишлаётгандарга эса ашулачилар ашула айтиб берар эдилар. Иш қайнарди. Беғубор кўқдан қарийб тўлинилашиб қолган ой ёруғ сочиб турагарди. Қоронгуликни ёритиш учун гулхан ёки машъял ёқишининг ҳожати йўқ эди. Кундуз кунги иссиқ кетиб, одамларга ғайрат берувчи тун салқини тушганди. Пороҳ тутунини тоғдан эсган шамол денгиз томонга учирив кетганидан, одам роҳат қилиб нафас оларди. Душман томон жимжит эди: у ҳам иш билан машғул бўлса керак. Фақат гоҳ у ердан, гоҳ бу ердан икки тараф томондан далага чиқарилган пистирмалардан аҳён-аҳёнда милтиқ товуши келиб турагарди...

Нахимов билан Тотлебен Жанубий бухта чўққисини Пересипъ томондан айланиб ўтиб, отларини секин ҳайдаб ёнма-ён борар эдилар.

— Бизнинг музика ва қўшиқлар уларга эшитилаётган бўлса керак,— дерди Нахимов,— у ердан эса на музика овози, на ашула эшитилади... Юрагим ҳам шодланади. ҳам маъюс. Вазият оғир бўлса ҳам, юрак севинчга тўла.

Одатда камгап адмиралнинг бунчалик юрак сирлари-
яи очиб гапириши Тотлебенга бироз ғалатироқ туюлди.
Нахимовга:

— Улар суюнмаса ҳам бўлади. Улар роса таъзирини
еди. Бизнинг эса ғам чекишимизга асос йўқ. Бугун биз
ғолиб келдик ва тантана қилишимиз мумкин!— деб жа-
воб берди.

— Бугунги кунга сиз жуда баланд баҳо бериб юбор-
дингиз, полковник!

— Бўлмасамчи, адмирал! Ўзингиз ўйлаб кўринг. Якун
ясад кўришимиз мумкин. Якун бизнинг фойдамизга ке-
либ чиқади. Аввал гапни уларнинг флотидан бошлайлик.
Флот ниҳоятда эҳтиёркорлик билан ҳаракат қилди, шун-
дай бўлса ҳам биз уни роса тити-пити қилдик. Бундан
буён ўйлашиб иш қилади. Денгиз томондан биз хатардан
ҳолимиз. Қуруқликда эса улар штурм қилишга ботина
олмади. Батареяларимизнинг кучини синааб кўрди-да. Энг
муҳими шундаки, бизнинг одамлар ҳам истеҳкомларининг
кучини синааб кўрди. Ростини айтсам, кеча ҳам шубҳам
бор эди. Энди ҳеч шубҳам қолмади. Артиллерист матрос-
лар роса иш кўрсатди. Руҳимиз баланд. Шундай, биз бу-
гун душманни енгдик. Бу улуғ зафар; улар штурм қилиш-
га ботина олмади, яқин ўртада ҳам ботина олмайди. Биз
уларни қамалга ўтишга мажбур этдик. Бундан шундай
вазифа келиб чиқадики, биз то қўшин кучайиб, мустаҳ-
камланиб бўлгунга қадар чидаб беришимиз керак. Тала-
фотимиз кўп эмас.

— Биз бугун қайтариб бўлмайдиган талафот кўрдик.
Корнилов ўрнини ким босади?

— Биз содиқ ўртоғимиз ва дўстимиздан айрилдик.
Сиз билан бирга мен ҳам қайгураман! Катта қурбон бер-
дик. Менинг мана бу ерим оғрияпти!— деди Тотлебен,
юган ушлаб турган қўлини кўкрагига босиб.

Тотлебеннинг оти эгасининг бу ҳаракатини тўхташга
берилган буйруқ деб билди. Нахимов ҳам отини тўхтатди.
Тотлебен бош қийимини ечди. Нахимов ҳам бошидан фу-
ражкасини олди. Улар бир он тун товушларига қулоқ бе-
риб, индамай турдилар.

Малахов кургандан хушчақчақ ва шўх Веня вальси
эшитилиб турарди.

— «Ватаним учун ўлиб кетаётганимда баҳтиёр-
ман!»— деди секин Нахимов.— Владимир Алексеевичнинг
енг сўнгги сўzlари шу бўлди. Ватан йўлида ўлиш — улуғ

бахт... Ҳаммамиз шу ерда ўламиз. Марҳумнинг гапи тӯғри, аммо ўлганда ўз вақти билан ва фойда келтириб ўлиш керак. Ҳар биримиз ўз ўлимимиздан мумкин қадар қўпроқ фойда келтиришимиз керак...

Ҳамроҳининг бу фикридан ажабланган Тотлебен:

— О!... — деб юборди. — Кишининг ўлими таъсир қолдирмаса ҳам, фойда қолдириши керак! Фикрингизга жуда яхши тушундим, азиз дўстим!

— Мен марҳумни ўпа-ўпа йиғладим. Ҳа, уялмай айтивераман: йиғладим. Дўст, ўртоқ — бир нарса. Аммо Севастополь ўзининг тенги ўйқ ҳомисидан жудо бўлди — бу бошқа нарса!

Тотлебен қўлини Нахимовга чўэди, бу ишора: «Сиз қолдингиз, сиз» деган маънони билдирад эди. Инженер-полковник овоз чиқариб эса:

— Сиз ўзингизни эҳтиёт қилишингиз керак, Павел Степанович,— деди.

— Бўлмаган гап! Мен кимман? Корнилов қўшинни флот билан, Севастополни Петербург билан боғлаб турган бир киши эди, буни билиш керак, ахир! Меншиков — адмирал ва генерал-адъютант. Корнилов ҳам адмирал ва генерал-адъютант эди. Меншиков унга чидарди, мен бўлсам унинг назарида «боцман», «матрослар отахони»май, холос.

— Қўмондонлик сизга ўтса — ҳақоний иш бўлади. Ҳазрати олий сизнинг ҳуқуқингизга қасд қилмайди. Бундай қилса аҳмоқликнинг энг уччига чиққани бўларди.

— Бутун бало шунда-да! У менга маслаҳат ҳам бера олмайди, менга буюра олмайди ҳам, бундай бўлса-ку майли эди-я, аммо менинг маслаҳатимга ҳам кўнмайди-да. Мана шуниси ёмон!.. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, мен бошимизга тушган кулфатни айтгани ҳузурига бордим. Гапирсам индамайди, нуқул шиша ҳидлайди... Менга бир истеҳзо билан қаради-ю, хайр-маъзур қилиб чиқиб кетавердим. Таубедан: «Бу нимаси? Нимага шиша ҳидлайди?» деб сўрасам, лейб-медик азза-базза: «Э, қўяверсангизчи! Подшоҳ чопар билан юборган янги дори, бугун олди» дейди. Суриштириб қарасангиз, олтин суви, уч миллион томчига қўйилган бир томчи олтин суви экан. Гомеопатик дори¹²² экан. Қайғу ҳасрат шифоси эмиш. Ноумид меланхоликларни¹²³ оташин хушчақчақ одамга айлантирамиши: ҳозир ўзини ўзи осиб ўлдирмоқчи бўлиб турган одам уни ҳидласа, ўйинга тушиб кетармиши!

— Ҳазрати олий жуда хуашақчақ одам-ку, наҳотки ундан бундай бемаъни гап чиқиши мумкин!

— Бемаъни гап? Бемаъни гап ҳам гап эканми? Аммо ҳаммани масхара қилишни яхши кўрадиган жишилар bem'aъni ta'sirga tез beriladig'an bўladi. Bem'aъnili-giga iшонади, bem'aъnili-gini ўзи ҳам билади, билса ҳам ҳидлайди-ҳидлайди-да, жиннилигини қилаверади...

— Тўғри, мудофаамизнинг энг ожиз жойи — шу! — деб рози бўлди Тотлебен.

— Мудофаамизнинг ожиз ери олисда ва баландроқда: Петербургнинг Қишлоқ саройида. Подшоҳ ҳанузгача ҳазрати олийга: «Хафа бўлма, Меншиков» деб хат ёзгани ёзган.

— Эҳтимол, Петербургда у ҳам шу дорини ҳидлаётгандир?

— Эҳтимол! Икки минг чақирим наридан туриб маслаҳат берадилар! Олти кун у ёқقا, олти кун бу ёқقا, ҳаммаси бўлиб икки ҳафта деган гап! Икки минг чақирим нарида туриб урушга раҳбарлик қилиш ўтакетган аҳмоқлик эмасми?

— Ха-ха-а-а! — деди Тотлебен: — Аҳмоқликка аҳмоқлик-а!

— Сиз бугун ғалаба қилдик дейсиз. Тўғри. Бироқ бордию, бирдан «уларнинг» жиннилиги қўзғаб, бутун ишни бузсачи?.. «Улар» қўшинни ҳам, флотни ҳам, Севастополни ҳам ҳалокатта олиб келадилар...

Тотлебен ињамади, отини ҳайдади. Отлиқлар Малахов курган тепасига чиқдилар. Матрослар уларни «ура» садолари билан кутиб олдилар, уларнинг ҳайқириқлари оркестр каршайларининг овозини босиб кетди.

Аннанинг чарчаб тинкаси қуриди, усти-боши билан ўзини кўрпага ташлаб қотиб ухлаб қолди... Хона гости талдан қайтди, сингиллари унга биз курганга «бир минутга» бориб келгунимизча, уйни қоровуллаб тур, Стрёмадан хабар олиб келайлик, Веня ҳам аллақайларга йўқолиб кетди деб ялинишиди.

Наташа бошига оқ рўмолча, Маринка — кўк рўмолча ўраб олишди.

— Менинг рўмолим қани? — деб қолди Ольга.

— Байроқчи?

Ольга девор тирқишидаги ёғочни суғуриб олди-да рў-

молига мих қоққани учун Веняни сўка-сўка, рўмолни ёғочдан ажратиб олди.

Опа-сингиллар курган тепасига етиб келишганда у ерда иш тугай деб қолган эди. Одамлар ахлат ва шағал тошларни йиғиштирас, снарядлар ковлаб кетган чуқурларни текислар, ерни оёқлари билан шиббалар эдилар. Замбарак ён-атрофидаги чиннидай қилиб тозалаб қўйилган саҳнларга артиллериистлар ядроларни пирамида шаклида териш билан овора эдилар.

Корнилов ярадор бўлиб йиқилган жойга кимдир бирор кичик ядролардан крест ясад қўйган эди. Топ-тоза қилиб қўйилган нишаб майдончани ҳамма айланиб ўтарди. Майдончага қум сепиб қўйилган эди. Атроф тўла одам. Одамлар, крестга қараб, бугун бўлиб ўтган воқиаларни эслаб, секин-секин гапиришар эдилар. Бу ердан сал нарида, маңора тагидаги скамейкада Нахимов ойга қараб ўтиради. Икки ёнида Истомин билан Тотлебен. Улар аҳён-аҳёнда бир-бирларига гап қотиб, дам олиб ўтиришарди.

Музика овози тинди. Музикачилар икки қатор бўлиб тизилишди-да, карнайларини ялтиратиб, батареядан кетдилар. Музикачиларга ёруғ бериб турган машъалларни қумда ўчира бошладилар.

Бирдан сигналчининг ховотирланган:

— Тўхта! Ким у келаётган,— деган овози эшилди.

Вал ортидан:

— Матрос!— деб жавоб беришли.

Одамлар сигналчи жойлашган банкет ёнига югуришди. Вал қиррасида олдин уч киши пайдо бўлди, уларнинг кетидан устига алланима ортган тўртинчи киши кўринди.

Қийқириқ ва кулгилар эшилди. Ҳамма адмираллар ва инженер-полковник ўтирган томонга силжиди.

— Машъал, машъал келтиринглар!— деб қичқирди аллаким.

Икки машъал ёруғида ғалати бир манзара очилди. Нахимовнинг олдида қўллари орқасига боғланган гавдали бир одам туради. Унинг кўм-кўк кўзлари ғазаб ўти билан ёнарди. Полвонник бўйнига сиртмоқ ташланган, салгина тортилиб турган арқоннинг бир учини Стрёма, бир учини эса юнга ушлаб турар эдилар. Уларнинг кетида елкасига штуцер қўйиб, қўлтиғига букланган олачипор одеял қистириб олган Михаил Могученко туради.

— Ўзи нима гап?— деди Нахимов, ҳайрон бўлиб.—

Бўйнидан сиртмоқни олиб ташланглар! Қўлларини ечиб юборинглар!

— Есть, сиртмоқни ҳозир олиб ташлаймиз! — деб жавоб берди Стрёма.

Веня арқонни ташлаб, аттанг дегандай танглайнин қоқди. Михаил штуцерни укасига берди-да, асирийнинг қўлларини ечишга шошилди. Озод этилган полвон бўйнидаги сиртмоқни олиб ташлади, оғиздаги коптоқдай латтани олди-да, жирканч билан ерга улоқтириди...

— Стрёма, тапир! — деб буюрди Нахимов.

— Михаил Могученко ҳамда юнга билан бирга пистирмага бордик, булар ўзлари талабгор бўлиб чиқди. Мана бу оғайниларимизга тирик инглизни кўрсатамиз деб ваъда берган эдик. Нега десангиз, узун кун устимизга ўқ ёғдирадио, ўзининг қандайлигини кўрганимиз йўқ... Секин ўрмалаб бордик: қарасак, мана бу дароз турипти. Нуқул ҳомизак тортади. Ойни тамоша қилиб турипти, верикиб кетган бўлса керак-да... Штуцерини қўлтиғига қистириб олган. Қандай қўлга тушириб оламиз деб ўйладик. Олиш қийин! Ҳамма ёқ — жимжит. Биз томонда — музика. Қараб турди, турди-да, ерга одеялини солиб, — одеяли ана, Могученконинг қўлтиғида, — ётди; дам олмоқчи бўлгандир-да. Биз ёпирилиб бориб босдик, финг дея олмай қолди! Оғизга латта тиқдик, қўлларини боғладик. Мен бунга: «Гул Гул»*, энди кетайлик деб биз томонни кўрсатсам, қимир этмайди. Ҳа демай текширгани келиб қолишлигини билади-да, маллавой. Энди нима қиласмиз деб бошимиз қотди. Кўтариб олиб кетайлик десак оғир. Бўйнига сиртмоқ солдим. Эҳтиётдан арқоннинг бир учини ўзим ушлаб олдим. «Веня, ушла!» дедим. Арқонни тортган эдим, хириллай бошлади. Мен бунга: «Марҳамат қилиб, ўринларидан турсинлар. Гул Гул Аммо, товушингни чиқармайсан!» дедим. Тушунди! Ўрнидан туриб, йўлга тушди. Мана, тамоша қилинглар!..

— Тамоша қилишга арзиркан! — деди Нахимов, кулиб. — Жуда азамат экан!

Одамлар орасидан:

— Қизларга йўл беринглар, қизлар олдинга чиқиб турсин, оғайнилар! — деган хушчақчақ овоз эшитилди.

Халойиқ қимирлади. Одамлар кула-кула, қизларни олдинги қаторга итариб чиқаришди.

* Гул Гул — юрмоқ (ингл.)

— Вой ўлай, уятысиз! — деб қичқириб юборди Маринка, қўлларини уриштириб. — Ўзи эркак одам-у, юбка кийиб олипти.

Полвон малла соchlарини силкитди-да, Маринканинг юзига қараб жилмайди.

Олачипор бурма мовут юбка асиrnинг тиззасига ҳам етмасди, жун босиб кетган болдиrlари очиқ эди. Оёқларида катак-катак пайпоқ билан хом теридан тикилган бақувват туфли. Кийимининг пастки қисми юқори қисмидан тамомила ажралиб турарди. Асиrnинг устида енглари торгина калта куртка, елкаларида бизнинг барабанчиларнига ўхшаган катта-катта гулдор эполет. Унг елкасидаги погонининг тагидан ўқдон тасмаси ўтказилган. Чап елкасидан кепггина шарф осилиб турарди.

— Сиз — Шотландия гвардияси ўқчисимисиз? — деб сўради Нахимов, инглиз тилида.

— Шундай, сэр! — дарҳол жавоб берди асиr.

— Қайси қисмдансиз?

— Кембридж герцоги дивизиясига, генерал Бентинк бригадасига қаравали Шотландия гвардиясининг ўқчиси Малькольм Дугласман, сэр!

— Жуда яхши, мистер Дуглас. Мен адмирал Нахимов бўламан.

Шотландияли қаддини кўтариб турди ва:

— Англия газеталари сизнинг номингизни ҳурмат билан тилга олади, жаноби адмирал, — деди.

— Билишимча, лоулендлер¹²⁴ бўлсангиз керак! — деб сўроқни давом эттириди Нахимов.

— Кемасоз дурадгорман, тагим гринокли, жаноби адмирал.

— Биз билан нима учун урушасиз? Бу урушдан мақсад сизга равшанми, мистер Дуглас?

— Англия урушмоқда.

— Ахир, сиз ҳам инглизсиз-ку...

— Тоғдан оқиб тушаётган дарё ўзидан олинган бир челак сувни писаид қилмайди!

— Яхши! Жуда яхши! — деди Нахимов, рус тилида ва яна инглиз тилида сўроқ қилишда давом этди: — Нима учун солдатликка кирдингиз? Ё солдат ёлловчилар қо воқҳонада ичириб, маст қилишдими?

— Йўқ, жаноби адмирал, мен уйимни ташлаб, мумкин қадар йироқроқ жойга бош олиб кетишни хоҳладим... Бу — менинг шахсий ишим.

— Хўш, қалай, Севастополни ва рус флотини қўлга киритишга сизникиларинг кўзи етадими?

— Бугун бизга «Таймс» газетасининг Лондондан шу бугун келган сўнгги соинин ўқиб эшиитириши. Газетада Севастополни олганимиэга икки ҳафта бўлди, рус императори Москва билан Қозон ўртасидаги чўлга қочиб кетди деб ёзилган экан.

Бу гапларни шотландияли жиiddий қилиб айтди.

Нахимов ҳам жиiddий суратда:

— Сиз ниҳма деб ўйлайсиз бу тўғрида, мистер Дуглас? — деб сўради.

— Авлиё Георг ҳақи онт ичиб айтаманки, ҳозир Севастополда турмаган бўлсан, худо урсин! Мана бу шайтонлар бўйнимга арқон боғлаб, итдай судраб келишди. Аммо, ростини айтсан, сизларнинг бу арихонангиздан нарироқ жойда бўлишини истардим.

Нахимов асирининг Лондонда Севастополь олинди дейишияпти деган гапини рус тилига таржима қилиб берди. Одамлар кулишди.

Матрослардан бири:

— Павел Степанович, бизнингча, матросча қилиб бир бопланг, бурни қичиб кетсан,— деб қичқирди.

Нахимов кулди ва асирга мурожаат қилиб, инглиз тилида бир нима деди. Асири кулумсираб қўйди.

— Мен бунга: «Менинг матросларим биттамиз қолгунча ўлсак ўламизки, аммо Севастополни қўлдан бермаймиз» дейишияпти дедим.

Нахимов скамейкадан турди.

— Хизматларингиз учун раҳмат, йигитлар! — деди у Стрёма билан Михаил Могученкога қараб.

Веня олдинга бўйини чўзди.

— Сенга ҳам раҳмат, юнга. Баракалла! Мана бу болага бир қаранг, Малькольм Дуглас. Давид қаршисида Голиаф¹²⁵ қандай бўлса, бу бола олдида сиз ҳам шундайсиз. Аммо бу сиздан қўрқмайди!

Шотландияли бош чайқаб, жилмайди.

— Мен сизни асиirlар учун маҳсус қурилган палаткага жўнатишим керак,— деди Нахимов ва бир оз ўйланниб, илова қилди:— Йўқ! Ўз томонингизга қайтинг, борингда, ҳаммамиз ўлсак ўламизки, аммо Севастополни қўлдан бермаймиз деган гапимизни айтинг!

— Мени отиб ташлашади: қуролимни душман қўлига бериб қўйдим.

— Йўқ, мен генерал Бентинкка хат ёзиб бераман, ўз гуноҳингизни қурол билан юишга имконият берсин...

Нахимов ён дафтаридан юлиб олинган бир варақ қоғозга қалам билан бир-икки оғиз хат ёзди-да, шотландияликка узатди.

— Энди боринг, сиз озодсиз... Қўйиб юборинглар! — деб буюрди Нахимов.— Мен уни бўшатиб юбордим: Севастополда матрос ва солдатларгина эмас, балки аёллар ва ёш болалар ҳам, ёшу қари жон чиққунча курашишга тайёр эканини ўз одамларига бориб айтсин...

Шотландияли бир неча дақиқа нима қиларини билмай турди, кейин орқасига қайрилиб, вал томонга қараб кетди... Вал тепасига бир ҳатлаб чиқди-да, орқасига бир қараб, зовурга сакраб тушди ва инглизларнинг беш кўз батареяси томонга қараб кетди.

Корниловни шаҳарга, адмирал Лазаревнинг тепаликдаги қабри ёнига кўмдилар.

5 октябрда бошланган Севастополь бомбардимони бутун ҳафта давом этди ва секин-аста тина борди. Душманнинг мақсади аён бўлди. Француз ва инглизлар штурм бошлашга ботинмаганларидан кейин Севастополни қамал қилишга қарор бердилар. Душман қўшинлари кечалари билан Севастополь истеҳкомларидан тўрт юз, беш юз метр нарида траншея қазиб чиқар эдилар; бу окопларни ўқчилар эгаллаб, кундуз кунлари Севастополь ҳимоячиларини мўлжалга олиб ўқ узар эдилар. Бу масофада милтиқ ўқлари хавфли эди. Батарея ва бастионларда фақат бомба ва ядролардангина эмас, балки штуцер ўқларидан ҳам эҳтиёт бўлишга тўғри келарди. Душманнинг яқин келиб қолгани биз томондан-отиладиган милтиқ ўқининг аҳамиятини оширди. Батарея ва бастионларда контр-апрош, яъни ўқчи ва пиёда аскарларни пана қилиб турдиган окоплар қазий бошладилар. Душман олдинги окоп линиясига параллель окоплар қазиш мақсадида қалья томонга илон изига ўхшатиб чуқур қазий бошлади. Севастополь атрофидаги жойларни қўлга киритиш билан бирга, душман ўз батареяларини шаҳарга тобора яқинроқ сурисб келар эди. Ёв шаҳар ва истеҳкомларни ўққа тутар ва айни вақтда Севастополни худди тақа шаклида ўраб, қуршаб олиш учун ишни давом эттирас эди. Душман ўз тўпларининг ўтини асосан Тўртинчи ва Учинчи бастионларга қаратган эди. Шунинг учун ҳам душман-

шинг ғұқ тегмағандаған чуқур ҳашишылардан яқириоқ келиш ва шу ердаң шаҳарға ёриб қиринген умид боялаганини нағіқам мүмкін еди.

Мудоғана нацифасы ҳужум қылувчиларниң мақсадидан келиб чықар еди. Бұнынғы артиллериямиз күйдүз күнлари душман батареялары билли олиншып да дүшманинг шаҳарға яқинлашып тұхтатип учып, душман кечаси биләп қазиб чиққан окоң да чуқур Ыўлларини бузиб ташланға тиришпар еди. Тұсегдан ҳужум остида қолишнинг олдини олиш учун кечалары ҳам күз-қулоқ бўлиб туриш зарур еди. Бұнынғы учун далага кучли пистирмалар юборилар еди. Пистирмалардан душман томонда катта ҳаракат бошланды деган хабар келиши биләп Севастополь батареялари күрсатылған томонға замбараклардан картеч ва миљиқ ота бошлилар, ўнлаб ва юзлаб талаборлардан тузилған катта-катта отрядлар далага чиқар едилар. Отрядлар түп қоронғусындан да куз шамолидан фойдаланыб, душман окопларынга билдирилмасдан бориб, у ерда ишлаб турған сапёрларни пайзабозлик қилиб уриб чиқарар, чуқурларын күмиб ташлар да ўлжа олинған яроқ-аслаха да асбобларни күтариб қайтиб келар едилар.

Кечалары севастополлилар бузилған, ёрилған жойларни тузатыб чиқар едилар; амбразуналарнинг снаряд учыриб кетған чекаларнға тупроқ солинган қоп да бочка қалар едилар (тур тұқиши тол новдаси етишмас еди), ўпирисиб тушган зовурларни тозалаб, улардан чиққан тупроқни бузилған валларни қайта күтаришга ишлатар едилар. Батарея ҳамда бастионларга траверслар,— ёндан келған ўқлардан тұпчилар яширинадиган күндаланғ валлар,— қуарар едилар; одамлар беркиниши учун чуқур блиндажлар қуарар едилар,— ҳатто әнг оғир снаряд ҳам тешолмасын учун бу блиндажларнинг томи бир неча қават хода да тупроқ билан ёпилған бўларди.

Октябрь ойига келиб Қримдаги рус құшнинига піёда аскарлар, отлиқ аскарлар да артиллерия құшилиб, құшин анча кучайды. Меншиковнинг құл остидаги ҳаракатдагы құшынларнинг сони олтмиш миннега етиб қолган, Севастополға яна иккі дивизия етиб келиши күтилар еди, бу иккі дивизия етиб келгандан кейин құшынларнинг миқдори тұқсон миннега етарди. Душман ҳам деңгиз орқали аскар келтириб, ўз қаторларини мустаҳкамларди. Аммо әндилукда Меншиков ўзининг бекор турғанига душман кучларининг устулигини баҳона қилиб күрсата

олмасди. Петербург тезроқ ҳаракат бошланг деб қистарди; шундан кейин Меншиков қўшинга икки янги дивизиянинг етиб келишини кутмасдан, Балаклавага ҳамла қилиб, инглизларга зарба беришга қарор қилди. Ўзларининг янги базалари атрофини ҳали мустаҳкамлаб улгурмаган эдилар. Балаклава қўлдан кетса, улар ниҳоятда мушқул аҳволга тушиб қолган бўлардилар. Меншиков бошлаган ҳужум қисман ғалаба билан тугади: жангда душман кавалериясининг кўпгина қисми қириб ташланди. Аммо Балаклавани қўлга киритиб бўлмади. Бу ҳужум инглизларни ўз орқа томонларини мустаҳкамлашга мажбур этиб, душманнинг Севастополга қилиб турган ҳамларини анча сусайтирди; душманнинг диққат-эътибори иккига бўлишиди: душманга қалъя қамалини бўшаштириб, аксарий кучни русларнинг ҳаракатдаги қўшинлари зарасини қайташишга тайёр тутишга мажбур бўлди.

Икки дивизия етиб келгач, Меншиков 24 октябрда душманга яна қайта атака қилишга қарор берди.

Жанг арафаси, 23 октябрда, куни бўйи изғирин шамол аралаш қаттиқ ёмғир ёғиб турди. Ҳамма йўллар тирғончиқ лой бўлиб кетди. Меншиков Инкерман томондан душман эгаллаб турган тепаликларга бошлаган ҳужум шу сабабли оғир бўлди. Солдатлар жангга мардона отилдилар, жонбозлик билан урушдилар, бироқ Меншиков айрим аскарий қисмларнинг ҳаракатларини боғлаб бошчилик қиломади, бутун ишни ҳар бир генералнинг ўз ихтиёрига ташлаб қўйди. Қақшатғич ҳужум бошлаган Меншиков ўз ихтиёридаги кучларнинг деярлик учдан бир қисмини резервда олиб қолган эди. Инкерман жангига ютқизилди. Меншиков, Севастополь мудофаасининг муваффақиятли чиқишига ишончим қолмади деб подшога хат ёзиб юборди.

Инкерман жангидан кейин душман артиллерияси жим бўлиб қолди. Инглиз ва француздар, ўз позицияларининг орқа томонларини ҳужум таҳликасидан ҳимоя қилиш учун узундан-узун, қарийб йигирма километр келадиган истеҳкомлар қуришга киришдилар: қамал этувчиларнинг ўзлари қамалда қолиш ҳавфи остига тушган эдилар.

Инкерман жангига рус қўшини ўлганлар ва ярадор бўлганлар билан ўн бир мингдан ортиқ одам йўқотди. Денгиз ва пиёда аскарлар госпиталлари ва яна учта дала лазарети ҳамма ярадорларни сифдира олмади. Шаҳарнинг бир неча хусусий бинолари ва Благородное собрание

биносида янги лазаретлар очилди. Шунга қарамасдан, юзлаб ярадорлар жойсиз ётар эди. Уларни Шимолий томондаги лазарет лагерига ташиб, тақир ерга қурилган капаларга ётқизар әдилар. Койка у ёқда турсин, ҳатто одамларнинг тагига солиш учун похол ҳам етишмасди.

Куз чўзилиб кетди. Совуқдан ва куз ёғингарчилигидан солдат ва матрослар жуда қийналар әдилар. Шинеллар лойдан, рутубатдан ва тердан могорлаб, жулдуру-жултур бўлиб кетгаиди. Яйги шинеллар йўқ эди. Интендантлар¹²⁸ жуда оз миқдорда калта пўстин тайёрлаган әдилар: улар фақат соқчиларга ва олдинги окоплардаги талабгорларгагина етарди.

Ноябрь ойининг бошида Крим лазаретлари билан госпиталларида ётган касал ва ярадорларнинг сони йигирма мингдан ошиб кетди. Севастополь ярадорларга тўлиб кетди. Уларни етмиш чақирим нарига Симферополга жўнатишга тўғри келди: у ердаги ҳамма жамоат ва пошишликка қарашли бинолар ва кўпгина хусусий бинолар лазаретга айлантирилган эди. Касал ва ярадорлар ортилган аравалар Симферополь йўлида лойларга тиқилиб қолар, одамлар бир неча соатлаб совуқ жала тагида қолиб кетар әдилар. Кўпларга тиббий ёрдам берилмай йўлла ўлиб кетарди.

Врачлар жуда оз эди, уларнинг ҳар бири баъзи кунларда бир мингга яқин касал ва ярадорни қўлдан ўтказишга мажбур әдилар. Ҳатто Кемасозлик томонда Корников ва Нахимов ташаббуси билан мукаммал таъмин этилган денгиз госпиталида ҳам, ҳаммаси бўлиб саккизга - врач ишлар әди, ҳолбуки госпиталдаги бир ярим минг койканинг ҳаммаси касал ва ярадорлар билан банд эди.

Денгиз госпитали Малахов курган тагига, Жанубий бухтага яқин бир ерга жойлашганди. Бомбардимоннинг биринчи куниёқ госпиталь томига бирнечча снаряд тушиб, тешиб кетган эди. Бу ернинг ярадорлар уйи эканлигини билдириш учун госпиталь тепасига байроқ тикдилар. Шундан кейин душман денгиз госпиталини мунтазам суратда ўқса тута бошлади. Снарядлар шифтни тешиб ўтиб, палаталарнинг ичидаги ёриларди. Шу сабабдан бу бинони ташлаб, госпитални денгиз казармаларига, Павел бурунига яқин жойга кўчиришга тўғри келди: у ерга снарядлар камдан-кам тушарди.

Қиши яқинлашиб қолди, ёғингарчилик палласи бошланди. Кечалари денгиздан кучли шамол турарди.

2-ноябрға ўтар кечаси шамол штромга айланиб, шариллатиб муздек жала қуя бошлади. Тоғлардан жарларга оқиб туша бошлаган сел сувлари душман лагеридан шамол учирине кетгап палаткаларни, қўпориб ташланган казарма баракларининг ёғоч-тахталарини, отларнинг ўлигини денгизга оқизиб кетар эди. Ёмғирнинг кети кўринмасди. Окопларни балчиқ босиб кетди. Нишаб қилиб қазиган чуқур йўллардан шариллаб оқиб ётган сувлар пана қилиб туриш учун қурилган валларни ўпириб кетар, хандақларга лой келтириб тиқар эди. Икки томонда ҳам канонида овози босилди. Севастополь истеҳкомларида ҳам, душман эгаллаган тепаликларда ҳам,— ҳамма ерда гулханлар ёқилар, улар атрофидаги совуқ қотган одамлар исиниб ўтирад әдилар. Бўрондан блиндажларга қочиб кириб беркинишининг иложи йўқ эди: блиндажларнинг ичини сув босиб кетганди.

Душман флотига шторм жуда катта зарар етказди. Шторм турганда очиқ денгизда қолган кемалар Крим қирғоқларига сурилиб келиб қолган эди. Ҳамма лангарлар ташланса ҳам кор қилмасди! Лангарнинг кучи етмас эди: лангар занжирларини бўрон шарт узиб ташларди; кемалар бир-бирлари билан уришиб кетиб, бир-бирларини пачақлаб чўқар әдилар. Севастополдан шимолроқ жойга, Қача дарёсининг денгизга қуйиладиган ерига душман кемаларидан ўн саккизтасини бўрон саёз жойга чиқариб ташлади. Йиғлизларнинг ўқ-дори, озиқ-овқат, емхашак ва иссиқ кийим-буш ортган етти транспорти бутун экипажлари билан бирга денгиз тагига чўкиб кетди. Бир ҳанча фрегат ҳам ҳалок бўлди. Жанговар кемаларчинг бошқалари қаттиқ шикастланиб, ремонт учун Истамбулга жўнатилди.

Штормдан кейин душман қўшини ғоят оғир вазиятда қолган эди. Душман томонидан биз тарафга қочиб ўтувчиликлар пайдо бўлди, уларнинг сони тобора ортиб борди. Уларнинг ҳаммаси бир оғиздан: француз ва инглизларнинг ҳоли танг дер әдилар. Уларнинг лагерида вабо ва бошқа касалликлар кўпайған эди. Қамал ишлари сустлашиб қолган эди. Севастополга яқинлашишни душман ўйламасди ҳам: сув тамомила бузиб, ювиб кетган батареяларни тузатиш, лой тиқилиб қолган траншеяларни тозалаш ва окоплардаги сувни оқизиб юбориш билан кеча-кундуз овора эди. Инглиз батареялари жимиб қолди, фақат аҳён-аҳёнда милтиқ овозлари эшитилиб турарди,

инглизларнинг позицияларида порох ва снарядлар тугаган бўлса керак. Шторм ўтиб кетгандан кейинги уч ҳафта ичидаги Севастополь ҳимоячилари жуда оз талафот бердилар; у ҳам бўлса милтиқ ўқидан берилиган талафотлар эди.

Қақшатғич бўрон Севастополга ҳам кўп зарар етказди. Душман истеҳкомларига нисбатан Севастополь истеҳкомлари бўрондан кам зарар кўрган бўлса-да, уларни тузатишга кўп меҳнат ва вақт сарфлашга тўғри келди. Тотлебен жанг босилишидан бўрон етказган зарар оқибатларини тугатиш учун фойдаланди: истеҳкомларни янада мустаҳкамлади, башарти душман мудофаа линиясининг бирон ерини ўпириб ўтишга муваффақ бўлгудай бўлса, унга қаршилик кўрсатиш учун истеҳкомларнинг баъзиларини айланма фортларга айлантирди. Малахов, курганда катта ишлар қилинди. Катта айланма истеҳком ҳолига келтирилган Малахов курганга Корнилов бастиони деган ном берилиди. У Қемасозлик томон мудофаасининг энг асосий пункти бўлиб қолди.

Бешинчи боб

ПОДШОХ БУСАСИ

Замбарак ўқлари тушмайдиган масофани тўпчилар ўлиқ масофа деб атайдилар. Тўпчилар позицияни душман ўқдан ўлиқ масофага қочиб беркина олмайдиган қилиб танлайдилар ва душман эгаллаб турган бутун атрофни ўққа тутишга, яъни ўлиқ масофани бутунлай йўқотишга тиришадилар. Аммо ёмғирдай қуйилиб турган ўқлардан ўзини сақлаб қолмоқчи ва ўз ҳаётини душманга қайта зарба бериш учун сақлаб қолмоқчи бўлган одам «ўлиқ» масофани «ҳаёт» масофаси деб атаси мумкин. Севастополнинг «ҳаёт» масофаси мудофаа истеҳкомларининг орқа томони бўлиб қолди.

Душман шаҳар марказини оғир замбараклардан ўққа тутар, қизиб турган ядролар ва узоқ ерга тушиб ҳам шикаст етказа оладиган ракеталар ёғдириб турарди. Бу ядро ва ракеталар шаҳарда кўп уйларни ёндириб юборди. Давлатманд қишилар шаҳар уйларини ташлаб, бола-чақалари билан бирга бирин-кетин Севастополдан кўчиб кетар эдилар. Амалдорлар ва офицерлар квартиralарини ташлаб, хотин ва бола-чақаларини Қrimdan Россияга

кўчириб юборар эдилар-да, ўзлари ё Шимолий томонга ё бўлмаса хавф-хатар оз бўлган Шимолий бухтага яқинроқ жойга кўчиб ўтар эдилар.

Севастополь истеҳкомлари тизилган ҳамма ерни душман ўққа тута олмас эди, албатта. Инглиз ва французлар шаҳар, реид ва Жанубий бухтани бетўхтов суратда ўққа тутиб турис билан бирга, асосий кучларини истеҳкомларга қаратар ва уларни йўқ қилишга тиришар эдилар. Истеҳкомларнинг орқа томони ўлик масофа бўлиб қолди. Шаҳар атрофидаги хуторларнинг аҳолиси олдинига шу ўлик масофага қочиб кела бошладилар. Уларнинг уйлари қалъя кўтармаларининг нариги томонида қолган эди. Қочқинлар учун кемасозлик томони энг яхши паноҳ эди. Кемасозлик томондаги тепаликларнинг ёнбағирларига ва жарларнинг бикинларига камдан-кам ўқ тушарди. Даставвал шаҳар теварагидаги слободкаларнинг қашшоқ-бечоралари, кейин шаҳарнинг майда фуқаролари,— ҳатто дабдабали катта шаҳарларда ҳам бундай кишилар саройлар орасида қолиб кетган чолдеворларда, ҳовлининг ичкари томонларида ва подвалларда турадилар,— шу «ҳаёт» масофасига қочиб кела бошладилар. Майда ҳунармандлао — — эгикдўзлар, бичиқчилар, тунука созлар, тикувчилар, чайқовчи хотинлар, тешиқкулчачилар, қвасфурушлар, бўёқчилар, фолбин лўлилар, лўли-мисгарлар, дайдилар, баҳт ахтарувчилар, яширин майфурушлик қилувчилар, олиб-сотарлар, эскифурушлар, шарманқачилар, тиланчилар, кобзарлар ва болалар етаклаб юрадиган сўқир лирниклар,* — буларнинг ҳаммаси ҳувуллаб қолган шаҳардан кемасозлик томонга кўчиб келиб, шимолий ҳамда жанубий тепаликларнинг ёнбағирларига ўзларига уйча ва кулбалар қуриб, ер тўла ва форлар қазиб олган ва ташландиқ тош тарашлиқ конларига ҳам кириб олган эдилар.

Бу кишиларни бу ёрга фақат ўз жонини сақлаб қолиш истаги қувиб келмаган эди. Ахир улар хавф-хатардан қочиб эмас, балки хавф-хатарга янада яқинроқ келиб қолган эдилар-да: эртами-кечми, ахир бир куни штурм бўлиши муқаррар эди, штурмдан олдин эса душман ўз артиллериясининг бутун зарбасини атака қилинадиган жойга ҳам, унинг орқа томонидаги «ҳаёт» масофасига ҳам баравар қаратади. Аммо бу ҳали келажакдаги нарса,

* Лириклар — қадим вақтларда шаҳарма-шаҳар, қишлоқ-ма-қишлоқ ва бозорма-бозор лира чалиб, достон айтиб юрувчилар.

ҳозир эса Севастополь қашшоқ-бечораларининг ҳаёти батарея ва бастионлардаги матрос ва солдатларнинг ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетган эди. Аҳоли асосан Кемасозлик томонда ва унинг ўртасидаги Малахов кургандада говжум бўлиб олганди.

Шаҳар томон ҳувиллаб қолди. Бошлиқлардан ёлғиз адмирал Нахимовгина ўз квартирасида қолган эди. Император Николайнинг шахсий топшириғи билан Севастополга келган флигель-адъютант Альбединский ҳам худди шу томонга қараб келарди.

Альбединский Нахимовниги якка ўзи келаркан, ўзи билан йўл кўрсатиб берадиган биронта казакни олиб келмаганига афсусланап эди. У, подшоликка қаравали отга миниб борар эди. Баландликка кўтарилиб борадиган ва снарядлар кавлаб ташлаган кўча қимсасиз эди. Подшоҳ чопарига штабдагилар: «Нахимов нақ тоғнинг тепасида туради. Тўғри тоққа қараб чиқаверинг, уйини дарров таниб оласиз. Йўл кўрсатувчининг ҳам кераги йўқ. Ҳар бир учраган одам айтиб беради» деган эдилар.

Ҳеч ким учрамас эди. Кўчанинг икки томонида гоҳ деразалари синиб кетган бўш уйлар, гоҳ ёниб битган ва томлари ўпирилиб кетган бинолар турарди. Бўшаб колтан шаҳар қаттиқ совуқ бўлган тонг пайтида худди тундаги шаҳарга ўхшаб кўринарди. Кемасозлик томондан шамол пороҳ ҳидини келтиради. Канонада секин-аста қизиб борарди. Ҳар тарафдан замбараклар, гўё ҳали ухлаб тўймагандек, истар-истамас гумбурлаб қўярди. Ҳар бир замбарак товушидан Альбединский сесканиб-сесканиб кетарди...

Унинг олд томонига, кўчага бомба келиб тушди-да, визиллаб ва жаранглаб ёрилди. Альбединский қўрқиб улгуролмади ҳам, ҳамон олдинга қараб бораётган отини тўхтатиб улгурмади ҳам. Отнинг табиий сезгиси нима деса, Альбединскийга ақл ҳам шундай деди: ҳозиргина бомба тушиб ёрилган жойга иккинчи марта бомба тушиши маҳол эди. Бироқ Альбединский ақлга зид ўлароқ, отни ўнг томонга тикка кўтарилган кўчага бурди. Бу ерда ҳам тунги сукунот ҳукм сурарди. Тош кўчанинг қоқ ўртасида, бир ўлик от кўчада кўндалангига оёқларини чўзиб ётарди. Ўлимтик устига қўнган каттакон қузғун қанотларини секин-секин қоқиб учди-да, сал наридаги тош деворга бориб қўнди. Ўлик отдан сал нарида бир тўда дайди итлар думларини ликиллатиб ўтиарди: улар

отнинг ўлганига ҳали унча ишонмаса керак, шунинг учун нонуштага шошилмас эдилар. Альбединскийнинг оти ўлиқ отнинг тепасига келдию, таққа тўхтади, у на отнинг устидан ҳатлар, ва на ёнидан айланиб ўтар эди. Альбединский отга қамчи урди. От қимир этмади, чап юганни тортиб, ўнг томонда ланг очиқ турган дарвозани калласи билан силтаб кўрсатди. Отлиқнинг от кўрсатган томонга бурилишдан бошқа иложи йўқ эди. От аллақандай бир савдорнинг ҳувуллаб ётган ҳовлисига бурилиб, тош деворнинг бузилиб ётган бир еридан тепа кўчага чиқди.

Олдинда денгиз ялтиллаб кўринди. Альбединский қайси томонга юришини билмасди, шунинг учун отнинг бошини қўйиб юборди. От чап томонга дадил бурилди-да, бирнеча минутдан кейин тоғнинг тепасидаги жигарранг уй ёнига йўргалаб чиқди. Уй олдида бир неча казак эгарлиқ отларнинг жиловидан ушлаб турар эдилар. Альбединский от жиловини казакларга бераркан, ҳатто Нахимов шуерда турадими деб сўрамади ҳам, очиқ турган эшикка кириб кетди.

Даҳлизда флигель-адъютантни ҳеч ким кутиб олмади, плашч ва каскасини қўлидан олмади. Вешалкада бирнеча плашч билан фуражкалар осиғлиқ турар эди. Ўнг ва чап томондаги эшиклар ланг очиқ. Ўнг томондаги эшикдан қараган эди, ичкарида қизил ёғочдан ясалган зарҳал нақшли мебель териб қўйилган зални кўрди. Ланг очиқ турган нариги эшик остонасидан ярқираб турган паркетга кемаларда ишлатиладиган арқондан тўқилган жўнгина поёндоз солинган, поёндоз этик лойидан ифлос бўлиб кетган. Энг ичкаридаги бўлмадан гурунглашиб ўтирган кишиларнинг овзлари эшитиларди.

Альбединский плашчини ечиб вешалкага осди, ойна олдига келиб, қалин мўйлабларини силаб қўйди-да, каскасини букилган чап қўлида ушлаб, шпорларини жаранглатиб, гурунг эшитилиб турган ичкари бўлмага поёндоздан юриб кетди.

Эшикдан киргач, Альбединский олифтанамо кеккалиб тўхтади. Петербургдан келган меҳмон кирган бу бўлма уч томони ойнабанд катта балкондан иборат эди. Кун ботар томонга қараган катта девордан ҳозир сурранг ва кўримсиз денгиз кўриниб турар эди. Ташқарига қараган ва қиши олдидан тирқишилари сувалган эшикнинг икки ёнида биттадан яшил бочка туради; бочкаларда ўстирилган барғлари тимкўк ва ялтироқ чирмович атр гуллар

шода-шода бўлиб гуллаб ётарди,— гуллар майдада-майдада бўлиб, ранги бинафша раингга ўхшаш кетарди.

Балкондан эшигилаётган сухбат, кутилмаган меҳмон кириши билан тўхтади.

Чап томонга бурилган поёндоз Альбединскийга қайси томонга юриш кераклигини кўрсатди. Чапда, балконнинг яланг девори тагида, бўялмаган каттагина оддий стол ёнида қамишдан тўқилган креслода устига матрослар киядиган қалин ич кўйлак кийган Нахимов ўтиради. Астари тую жунидан тикилган қишилик мундири креслога илиб қўйилганди. Стол атрофида яна бир неча ҳарбийлар ўтиради, улар орасидан петербургли меҳмон полковник Тотлебенни, ўзининг ҳамполки князъ Васильчиковни ва генерал Дмитрий Ерофеевич Остен-Сакени таниди.

Альбединский Нахимов ҳузурига келди-да:

— Подшоҳ ҳазратлари сизга салом айтиб, ўпиб қўйишни амр қилдилар,— деди.

Нахимов кулди. Кўм-кўк кўзлари чақнади.

— Яна саломми? Подшоҳ ҳазратларидан ўтган ҳафтагина салом олган эдим. Уларнинг саломидан кечгача бошим оғриб юрди... Бизга салом эмас, қамчи керак. Қамчи келтирсангиз бўларди! Бизда тартиб деган нарса йўқ...

— Салом айтиб, ўпиб қўйишни амр қилдилар!— деб қатъий суратда такрорлади Альбединский.

— Э, ҳа, ҳали бўсаси ҳам бор денг!

Нахимов креслодан турди-да, стол устидан энгашиб, кўзларини қаттиқ юмиб, топ-тоза қирилган юзини флигель-адъютантга тутди. Подшоҳ бўсасини амалда етказиш Альбединскийнинг хаёлига ҳам келмаган эди: салом ҳам, ўпиш ҳам оғзаки эканлигига ҳамма тушунарди. Уз флигель-адъютантини юбораркан, Николай Павлович Ҳам уни ўпмаган эди, бироқ адмирал юзини шундай соддадиллик ез жиддийлик билан ўпишга тутиб турар эдикки, бу маросимни ҳазилга айлантиришга Альбединский журъат этолмади. Нахимовнинг юзига энгашди-да, шопдай мўйлабларини адмиралнинг топтоза қирилган юзига босди...

— Бетакаллуф ўтираверинг. Мана сигара, чексангиз. Хоҳласангиз мана саперави, ёмон вино эмас! — деб таклиф этарди Нахимов подшоҳ бўсасини юзидан артиб.

Альбединский ўз обрўсини тўқмасликка тиришиб каскасини тиззасига қўйиб, савлат тўкиб ўтиради. У

Нахимовнинг Петербургдан, подшоҳдан гап сўрашини, Севастополь ҳақида саройда ва Петербургда нималар дейишади, қандай мадад беришмоқчи деб сўрашини кутар эди. Бироқ Нахимов ҳеч нима сўрамади, подшоҳ адъютантига ўзининг тиниқ ва ҳалол кўзлари билан қараб туриб, умумий сукунотдан кейин:

— Мени йўқлаб келибсиз, полковник, миннатдорман,— деди.— Малахов курганни ҳам бориб кўрсангиз қалай бўларкин? Ҳозир ҳаммамиз Кемасозлик томонга кетмоқчи бўлиб турувдик. Яхши келдингиз: бизнинг нималар билан шуғулланётганимизни ўз кўзингиз билан кўриб кетасиз. Гойтахта қайтиб борганингизда қовоқхоналарда эшитган афсоналарни эмас, балки ўз кўзингиз билан кўрган нарсаларни ҳикоя қилиб берасиз. Ҳўпми?

Альбединский бошини эгиб розилик билдириди.

Ҳамма ўрнидан турди ва Альбединскийни ўртага олиб, унга савол ёғдира кетишиди. Остен-Сакен: Пирогов академиянинг катта вакалотлари билан келаётган эмиш, касал ва ярадорларга қарааш учун жуда кўп қизларни олиб келаётган эмиш, тўғрими?— деб сўрарди; князь Васильчиков, подшоҳ ҳазратлари Қrimга гвардия қисмларини юбормоқчи эмасми ва менга хат келтирмадингизми деб сўрарди. Тотлебен не вақтлар бурун ҳарбий министрга юборган аллақандай муҳим чертёжларнинг тақдирини билишни истади. Мичман Лесли: «Петербург олифталари Большая Морская кўчасига сайир қилгани чиққанда қўнжи баланд «севастополча» этик билан бошларига Нахимовчи фуражка кийиб чиқишлиари ростми» деб сўради.

Альбединский айни муддаоси шу эди ва ҳамма саволларга жони-дили билан батафсил жавоб бера бошлади. Пироговни Симферополда учратди. Тўғри, шафқат ҳамшираларининг ҳам келаётгани рост. Қrimга гвардия юборишимаса керак, чунки ипглизларнинг Болтиқ денгизидан ҳужум қилиб қолиш хавфи йўқ эмас. Ҳамманинг оғзида — Севастополь, аммо севастополча картуз кийишмайди,— Альбединский Севастополда бундай картуздан биронтасини ҳам кўрмади. Севастополдан чертёжлар борган-бормагани тўғрисида подшоҳ ҳазратлари ҳеч нима демадилар. Альбединский бир сумка тўла хат олиб келган, сумка Шимолий томонда ординарида қолди, аммо кимларга хат олиб қелганини Альбединский билмайди, эсида йўқ ва ҳоказо ва ҳоказолар...

Альбединский роҳат қилиб гапирап ва ҳатто ҳеч ким

сўрамаган нарсаларни ҳам гапириб берар эди. Дафъатан кўришгандаги хижолат орадан кўтарилган эди.

Бу орада Нахимов байка астарли мундирини кийган, денгизчилар тақадиган калтагина қиличини елкасидан ошириб белига тақиб бўлған, бошқа елкасидаги қайишга эса қамчи тасмасини осиб олган эди. Кийинаркан, Нахимов Альбединскийнинг сафсатасига қулоқ бериб турарди.

— Мен тайёр! Қани, марҳамат!

Нахимов эшик томон юрди. Унинг кетидан бошқалар ҳам гувуллаб эргашишди.

Нахимовнинг тепаси ғижимланган фуражкасининг пойтахтда расм бўлиб кетган фуражкага ўхшашлигини, олифталар фуражкаларини Нева бўйларида бошларига худди шундай орқага суриб кийиб юришларини Альбединский дарров пайқади.

Кавалькада бошида Нахимов, унинг чап ёнида Альбединский борарди. Нахимов петербургли меҳмонга илтифот кўрсатар ва йўлда нима кўринса, ҳаммасини тушунириб борар эди,—Альбединскийнинг сўрашининг ҳожати йўқ эди. Альбединскийнинг миясида: Нахимовнинг уйини ким пойлаиди? Ҳеч ким кузатмади, эшикни ҳам ҳеч ким беркитиб олмади, деган бемаъни савол ўтарди. Эшик олди-да турган казакларнинг ҳаммаси кавалькада кетидан келар эди.

Шаҳарнинг жануб томони нуқул хараболиклардан иборат эди. Уйларнинг бурчаклари ўпирилиб кетган, ойналари синиб кетган деразалар қол-қорайиб кўринарди. Пастлаб кетган кўчадан ўтиб бораётган кавалькада ёнидан тўда-тўда солдатлар ўтиб турарди. Нахимов уларга йўл бериш учун отини тротуарга бурарди. Йўлда учраган матрослар Нахимовни кўриб, бошларидан шапкаларини олар эдилар. Устига калта пўстин, оёқларига солдатча этик кийган бир аёл рўмолга боғлаб олган хурмача кўтариб ўтиб кетди. Олд томонда, тепаликда илон изидай траншеялар қазиб ташланган, тахта, хода, бочка ва тупроқ солинган четанлар сочилиб ётган яланглик кўринди; у ер худди катта қурилиш бошлангану, аммо тамом бўлмасдан ташлаб кетилган жойга ўхшарди. Замбил учради: тўртта солдат бошигача шинель ёпилган жасадни олиб ўтди. Олдиндан замбарак ўкирди. Альбединский сесканиб тушди.

— Тўртинчи бастионда, аммо у ерга боришга улгура олмаймиз,— деб тинчиди уни Нахимов,— ўзи ҳам ҳамма-

ёғи лой, бу ернинг лойи-ку қотиб қолган-а... у ерга пиёда бориш керак.

Нахимов чапга, ўнг томони тош уюмлари билан пана қилиб қўйилган Пересипъ томонга бурйлди-да, отини тўхтатди. Ўнг томондаги француз хандақларидан штуцерлар шарақлаб отилиб турар, уларнинг қисқа-қисқа овози худди краҳмалланган коленкор йиртилганга ўхшарди.

— Бу ерда ўз асабларингизни бир синааб кўрасиз, полковник,— деди Нахимов.— Бу ер энг хавфли жой. Эшиятпизми, ўқларнинг сайрашини? Худди арихонанинг ўзи. Бир зумда отни елдириб ўтмасак, «у» устимизга ўқ ёғдиради. Ҳов анови омбор деворининг тагига етиб олсак бўлгани, у ер хавфсиз.

Нахимов худди отини қамчиламоқчи бўлгандай, қўлини баланд кўтарди. Унинг юввошгина оти яланг ердан лўкиллаб чопиб ўта бошлади.

Альбединский отига шпор уриб, бир онда Нахимовдан ўзib кетди. Уларнинг кетидан бутун кавалькада от солди. Казаклар қийқириб шовқин солиб от чоптирад әдилар. Ўқ кўпроқ ёғдирила бошланди. Ўқлар минг хил товуш билан сайдарди: баъзилари йўғон товуш билан ғунғиллар, бошқалари чинқирад, яна бошқалари чийиллаб учар эди... Альбединский кўзларини чирт юниб, отига яна шпор урди.

Бузуқ тош девор панасига етиб отини тўхтатгач, Альбединский орқасига қайрилиб қараб ҳаммадан олдин етиб келганини кўрди. Кавалькада анча ерга чўзилиб кетганди. Энг кетинда Нахимов отини лўкиллатиб келарди. Афтидан, гарчи қўлини худди отга қамчи солмоқчи бўлгандай кўтариб турган бўлса ҳам, шошилмасди: қамчиси ёнига осилганича бекор турарди. Нахимовнинг боғичиз шимининг почалари тиззасидан баландга сидирилиб чиқкан, этигининг калта қўнжи устидан ич кийими кўриниб турарди.

Альбединский афтини буриштирди: подшоқ ёнида юрадиган бир олифта генералнинг: «Il faut être brave, mais il faut faire ça avec élégance*» деган гапи эсига тушиб кетди.

Нахимов унча олифта эмас эди. Агар қўрқоқлик қиласмаганда, буни бошқалар фаҳмлаганликлари туфайли ўзидан нафратланмаганда эди, Альбединский Нахимовни масхара қилиб кулган бўларди.

* «Мард бўлиш керагу, аммо олифталикин ҳам унутма-да».

қовуриларди. Бутун кўчани солдат ва матрослар босиб кетганди, ахир отлиқлар кўчадан ўтолмай қолдилар. Халойиқ ҳайқирап ва секин-секин чайқалар эди. Кўп солдат ва матрослар бошлариға инглиз фуражкаларини, Шотландия ўқчиларининг қундуз шапкаларини, француз офицерларининг кепкаларини ва ҳатто зуавларнинг¹²⁸ попуги қулоққача осилиб тушиб турадиган қизил дўппиларини, драгунларнинг¹²⁹ туғ тақилган мис каскаларини кийиб олган эдилар. Солдатлар қўлларида француз сувдонларини, портупеялар¹³⁰, пистолетлар кўтариб юрар, инглиз манеркаларини¹³¹ шиқиллатиб юрадилар, туркча кавшларни бир-бирига уришириб кўрсатар эдилар... Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда одамлар тепасидан ханжар, қилич ва ойболталар кўриниб қоларди.

— Марҳамат,— деди Нахимов, флигель-адъютантга.— Ўзингизга бирон ўлжа топиб олармикинсиз деб сизни бу ерга бошлаб келдим. Салонларда¹³² Севастополга бориб келганингизни таърифлаб берасиз... Қаранг, анови уқипар тақилган яшил берет жуда яхши эканми...

Альбединский қош-қовоғини солиб, индамай турарди. Халойиқ орасидан елқасига олачишор шолрўмол ташланган, бошяланг бир лўли хотин чиқиб қолди.

Лўли хотин бошига гвардиячиларнинг каскасини кийиған олифта Альбединскийни олий мартабали одам деб ўйлаб, юзига қараб туриб:

— Бахти экансан, толенинг баланд экан!— деб қичқирди.

Кримдаги ярадор ва беморларнинг ҳоли оғир деган хабар бутун Россияга тарқалди. Бу хабар Петербургга ҳам етиб борди. Ҳамма ерда ионага пул, кийим-бош, дори-дармон, яра боғлаш учун материал, моталар, чой, қанд, винолар тўплана бошланди, бироқ куз ёғингарчилиги туфайли ҳамма йўлларнинг бузилганидан, буларни Севастополга етказишнинг иложи йўқ эди.

Подшоҳнинг ҳа деб қисташларига Меншиков душман аҳволи ночор деб жавоб берар, аммо яна ва яна янги аскарлар, порох келтирилишини талаб қилас ва, ниҳоят, атрофимдаги ҳамма генераллар ношуд одамлар деб, ўзига ёрдамчи сўрар эди. Николай Меншиковнинг илтимосини қондирди. Генерал-адъютант Дмитрий Ерофеевич Остен-Сакен ҳам шу муносабат билан Севастополга келиб

қолган эди. Меншиков уни Севастополь гарнизонига бошлиқ этиб тайинлади. Нахимов аввалгидек гарнизон бошлигининг ўринбосари бўлиб қолди.

Остен-Сакенning келиши Меншиковнинг янги асия тўқишига сабаб бўлди. У вақтларда «Ерофеич» деган аччиқ ва ўткир настойка ичиш расм эди. Меншиков, ўзининг яқин тутганлари орасида:

— «Ерофеич» мададкор бўлгандан бери кучимиз анча ошди,— деди.

Князниng Альма жангидан кейин айтган ҳамма асияларидан ўткирроғи бўлган бу асия дарров бутун Севастополга тарқалди. Ресторанларда офицерлар малайлардан: «Ерофеич келтир!», «Ерофеичдан тезроқ келтирсангчи!», «Ерсфеич қани?» деб талаб этар эдилар. Пошшолик томонидан бериладиган бир қадаҳ арақни солдатлар ҳам «Ерофеич» деб атайдиган бўлдилар.

Подшоҳдан ёрдамчи талаб қилиб олгач, Меншиков командир ҳамда солдатлар орасида унинг обрўсини тўкишга шошилди.

Куз лойгарчилиги князь Меншиковнинг ўзининг ҳам сиҳатига ва кайфиятига қаттиқ таъсир қиласр эди. У, «Ерофеич»нинг кучи қолмади деди-да, Севастополь гарнизони бошлиғига ёрдамчи этиб тайинлади: гарнизон бошлиғи этиб князь Васильчиковни тайинлади. Аслида, бу тадбир иккала генерални ҳам ишдан четлаштириш деган бир гап эди. Ўзининг эски маслаҳатчиси полковник Вуншдан-Меншиковнинг ихлоси қайтиб, генерал Семякинни ўз штабига бошлиқ этиб тайинлаб, ўзига яқинлаштириди. Бироқ кўп ўтмай Семякин ўзининг ҳазрати олий ҳузурида маҳкамама бошлиғи бўлиб қолганини, тўғрироғи, старший мирза бўлиб қолганини сезди. Тўғри, Семякин келганда ҳазрати олий маҳкамасида бутун ишлар хароб ҳолла эди. «Жавоб кутган» ва «бажарилмаган» хат-қофозлар жуда кўпайиб кетган эди. Князь фақат подшоҳ, ҳарбий министр ва Жанубий қўшин қўймондони Горчаков билан ва олий мартабали ҳарбийлар билан хат ёзишиб турар эди.

Семякин маҳкамага бир неча мирза олдирди, буйруқларни босиб чиқариш учун сайёр босмахонани юргизиб юборди ва Меншиковга жуда кўп қофозларни имзо чекишига тавсия этабошлади. Ҳазрати олий имзо чекишини эрмак деб билиб қофозларни жон деб имзоларди, бу иш унга шу қадар ёкиб қолган эдики, ҳатто баъзан Семякиннинг

етиб келишига тоқат қылолмас, лойгарчилликка қарамасдан, уч чақирим юриб бўлса ҳам, унинг штабига ўзи борарди.

Қоғозларни бўрин-кетин имзоларкан, князъ:

— Эҳ-ҳе-е, иш жуда кўпайиб кетибдию муборак бўлсин!— дерди.

Генерал Семякин имзо устига қум сепар, князъ майдада қум шарчаларини туфлаб ташларди¹³³. Семякин қоғозни олиб қўярди. Князъ янги қоғозга имзо чекарди. Семякин қум сепар, князъ туфлаб ташларди. Семякин қоғозни олар, князъ янгисига имзо чекарди...

— Бўлдими? Тамомми? Хи-хи-хи!— деб куларди князъ.— Бу ишимиз худди матбаа становига ўхшайди-а, Константиң Романович?

Князда янги одат пайдо бўлган эди. Ҳаммани масхара қилиб бўлиб, энди ўзини ўзи масхара қиласидиган бўлганди:

— Жуда қизиқ-а,— дерди у, Семякинга хиринглаб,— шунқорларга қўмондонлик қиласиз-у, турадиган жойимиз Куриная балка! Нега бундай?

— Жой одамни эмас, одам жойни безатади, ҳазрати олийлари!

— Йўға, нима учун «Куриная балка»? «Орлинай» деб ўзгартирсак қандоқ бўларкин? Ё бўлмаса «Страусовая балка» десак яхшироқ бўлмасмикин?.. Денгизчилар мени туяқуш деб аташади, эшитгандирсиз, Константин Романович? Хавф келганда хавфни кўрмаслик учун бошимни буталар орасига беркитиб турадишиман, хи-хи-хи! Адрес: Страусовая балкада турувчи ҳазрати олийлари князъ Меншиковга! Эҳ, жуда бўлмаса жилмайиб қўйсангизчи, генерал!

Семякин жилмаймас, соддалиқ билан индамасдан турар эди. Князъ эса ҳар бир аскиясиниг жилмайиш эмас, балки атрофидаги ҳамма одамларни завқлантириб кулдиришига ўрганиб қолган эди.

Никола-Зимний арафаси куни Семякин имзо чектириш учун ҳамма қоғозларни тайёрлашга улгурмади. Меншиков зерикиб, Семякиннинг олдига ўзи кетди. Қоронғу тушган. Изғирин совуқ шамол уриб туради. Семякин ўз мирзаси ва ординари билан турадиган уй деразаларига шамол ёмғир томчиларини келтириб уради.

Кеч пайт Жанубий томондан ўлардай чарчаб қайтган генерал «Ерофеич» билан ужин қилиб бўлиб, почтани кў-

ришдан олдин, — столда бир талай пакет уюлиб ётарди,—энди бироз дам олиб ётмоқчи бўлиб турган эди.

Бирдан дераза тақиллади, вестовой генералга:

— Ҳазрати олийлари келдилар,— деди.

— Олиб кир!

Вестовой пиқир-пиқир кулиб:

— Юролмайдилар! — деди.

— Бу нимаси, нима деб валдираяпсан!

— Йўқ, рост! Тагларидаги жонивор қимир этмай турибди!

— Қанақа жонивор, аҳмоқ!

— Үзингиз чиқиб кўринг!

Семякин князни кутиб олгани эшикка чиқди. Вестовой фонис тутиб турарди. Уй эшиги олдида ёмғир суви кўлмак бўлиб ётарди. Семякин кўлмакнинг нариги томонида эшак минган Меншиковни кўрди. Князни кузатиб келган казак кучининг борича эшакнинг орқасини қамчи билан саваларди. Эшак нуқул думини ликиллатар ва қамчига қарамасдан, деразадан тушиб турган шуъладан ялтилаб кўринган сувдан ўтишни истамасди: кўлмакни жуда чуқур деб қўрқкан бўлса керак.

Семякиннинг саломига князь хушчақчақ овоз билан:

— Мен олдингизга парвардигор Исодай эшак миниб келдим... Яхши эшак-ку, шу ерга келганда қайсарлиги тутиб қолса бўладими!.. — деб жавоб берди.— Бу ерингиз жуда чуқурми?

— Балчиқ. Лой-да, ҳазрати олийлари, яххиси айланаб ўтганингиз тузук...

— Шошмайтур, ҳазрати олийлари,— деб қичқирди князга вестовой,— ҳозир ўзим боплайман.

Вестовой уйга югуриб кириб кетди-да, қайтиб чиқди ва балчиқни сачратиб, эшак олдига югуриб келди-да, унга бир бўлак қора нон кўрсатиб алдай бошлади. Эшак олдинга қараб юра бошлади. Вестовой қота-қота кулиб, кетинга тисланаверди, эшакни эшик олдига алдаб келиб, князь қўлидан юганни олди. Эшак аламдан ҳанграб юборди: вестовой уни алдаган — нонни чўнтағига солиб олган эди.

— Таъзиiringні е! Бундан буён қайсарлик қилмайдиган бўласан! — деди вестовой, насиҳатомуз.

Эшак баттар ҳангради.

— Ҳа, ма, ма, еяқол! Ҳанграма! — деб овунтирди эшакни вестовой, қотган нонни эшакнинг оғзига тиқиб.—

Гаврилич, отхонага олиб кир буни. Бечора жонивор совуқ қотгандир.

Казак жиловни қўлига олиб, эшакни орқасига телиб-телиб йўлга солди. Эшак хурсандлик билан иргишилди, орқасига тисарилди-да, кейин казакнинг оти кетидан йўр-ғалаб отхонага юрди.

Даҳлизда генерал ординарлари князнинг устидан нам ўтмайдиган плашчини, этикларини ечиб олиш билан ово-ра эдилар. Яхши кайфият князни тарк этган эди: шими ва ички иштони тиззасигача ҳўл бўлиб кетганди...

— Ички кийимларингизни ҳам ечинг, ҳазрати олийла-ри. Уйимиз иссиқ. Оёғингизга ҳозир валенка келтириб бераман. Печкада турибди, иссиққина,— деб гир капалак бўларди вестовой.— Усти-бошингизни бир пасда қури-тамиш!

Князь бутунлай ечинди, оёқларига иссиққина валенка кийиб олди. Генералнинг запас шинелига ўранди-да, крес-лога ўтириди. Чой келтирдилар. Меншиковнинг яна кайфи очилиб кетди.

— Биринчидан нима учун бу ерга эшак миниб кел-ганимни, иккинчидан бунча бемаҳал ва тўсатдан келга-нимни, учинчидан, нима учун ўзимни худойи таоло билан тенглаштирганимни билишга ошиқиб ўтиргандирсиз, азиз дўстим? Бир бошдан бошлайлик!— деб вайкарди Менши-ков, ҳушвақтлик билан ва чой ҳўплаб.

Семякиннинг бу нарсаларни билишга унча ошиқмаёт-гани қўриниб турарди. Унинг бирдан-бир истаги — шундай чўзилсаю, бир ухлаб олса! Бироқ хизмат юзасидан, у, қаддини ҳазрат томонга сал букиб, уни тинглашга тай-ёр эканлигини изҳор этди.

— Биринчидан, эшак масаласи. Касалим отга мин-дирмай қўйди. Коляскада сизникига келиб бўлмайди. Йўл ёмон. Таубе менга эшакда юришни тавсия этди: ба-ланд отга минишдан паст эшакка миниш осонроқ. Тоғ-ларда эшак миниш одат, аммо кундуз кунлари ўлсам ҳам эшак миниб юрмасдим: кўмондон эшак миниб юрибди деб масхара қилишади! Бунинг нақадар аломат эканли-гини тасаввур этасизми, генералим! Иқрорман, ноқулай ҳам! Оёқларимни қанча баланд кўтармай, тоҳ сувга тегиб кетади, тоҳ тошларга сидирилади... Ик-кинчидан, ўзимни парвардигор билан тенглаштирганим-

нинг сабабини сўрарсиз? Ҳар сафар менга келган хатлар билан бирга диний лавозимлардан бир неча икона ҳам олиб турман, иконалар митрополит ва игуменлардан тортиб қишлоқ поплари ва аёллар монастирларининг нозирларидан ҳам келади. Ҳамма хатлар ниҳоятда юксак ватанпарварлик руҳи билан тўла бўлади. Деярлик ҳамма хатларда мени «Россиянинг халоскори» деб атайдилар, ҳар сафар мени дуо қилишларини ёзадилар ва мендан Севастополни мумкин қадар кўпроқ қўлдан бермай туришимни талаб этадилар... Россияда ҳеч қачон бунча жаноза ва тирнкларга бунча дуо ўқилмагандир ва «дushman устидан» фалаба қозонишга бунчалик фотиҳа берилмагандир. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, фақат биргина Киевнинг ўзидан етти мингдан ортиқ икона келди, ҳали ҳам келиб турибди, кети кўринмайди. Уларни нима қилишимни билмай қолдим.

— Менинг маслаҳатимга кўнсалар...— деб гап бошлиди Семякин.

— Йўқ, йўқ,— деб унинг тапини кесди Меншиков.— Мен сиздан маслаҳат сўраб келганим йўқ, азиз дўстим. Подшоҳ ҳазратларининг битта хатлари бутунлай хаёлимдан кўтарилибди, подшоҳ ҳазратлари амрини бажаришнинг энг кейинги муҳлати — эртага. Солдатга буюринг, менинг кичкина портфелимни олиб кирсин, сортугимнинг чўнтагида турибди, сув тегмагандир деб ўйлайман...

— Ўзим бажараман!— деди генерал ва эшикка томон юрди.

— «... оби-ҳаво яна бир ойча шундай туриб берса, уларнинг куни битишига аминман, умидворманки, бизнинг қўшинларимиз оби-ҳаводан зарар кўрмайди, негаки, биз руслар қишдан қўрқмаймиз. Уларни яхши боқилса бўлгани, бунинг учун меҳнатингни ҳам аяма, пулни ҳам аяма, одамларнинг қорни ҳамиша тўқ юрсин. Арақни кўпайтириброқ бериш мумкин, агар иложи бўлса сбитень ҳам бериб турилса, ёмон бўлмасди!..»

Генерал ошхонага кириб:

— Бу нимаси?— деб ўшқирди.

Мирза саросималаниб қолган юзини генералга ўгириб:

— Подшоҳ хатини қуритаямиз,— деди.

Ошхона ўчогида аланга ловуллаб ёниб турарди, князъ либосларининг айрим бўлакларини кўтариб турган бир неча солдат ўт олдида тиқилишиб турарди. Солдатларнинг бири ўтга мундир тутиб турар, иккинчиси ўчоқ тепа-

Сида ҳазрати олий шиминг буғланиб турган почаларини икки ёққа жериб тураган әди. Ўчоққа яқинроқ турган мириза қўлидаги катта пулларни елпуғичдай ёйиб қуритар, старший мириза эса картмон билан хатни қуритиб ўтиради.

Семякин миразаларнинг қўлидан портфелни тортиб-олди-да, ичига пул билан хатни солиб, бироз хижолат ҳолда уйга қайтиб кирди.

Менников хатни очаркан:

— Нима бало, куюк ҳиди келяптими,— деди.

— Хат ҳўл бўлиб қолибди, ҳазрати олийлари. Хизматкорлар қуритишаётган экан.

— Э! Ҳа-ҳа! Баъзи ҳарфлари ёйилиб кетибди. Юз ҳилдан кейин бирон тарихчи хатни архивдан топиб ўқибди-да: «Подшоҳ ушбу хатни кўзларидан ёш тўкиб ёзган экан. Подшоҳ хати муқаддас кўз ёшлари билан суғорилган» ва ҳоказо, ва ҳоказолар деб ёзади. Хатнинг энг асосий жойини ўқиб бераман,— мен атайлаб шунинг учун келдим. Мана:— Севастополь қаҳрамонларига бошчилик қиласман деб руҳинг тушмасин, азизим Менников, ихтиёрингда 80 минг ботир аскар бор, улар қўлларидан ҳарнарса келишини яна бир карра исбот этди, уларга тўғри бошчилик кўрсатиб, олдинга бошлаб борилса кифоя; бундай ботирлар турган жойда мағлубиятга учраймиз деб ўйлашнинг ўзи уят. Севастополни қўлдан беришни ўйлашнинг ўзи уят. Бундай қилиш — бурчни унудиши, орномусни унудиши, рус номига қасам бериш билан баравар, шу сабабли бунга йўл қўйиб бўлмайди. Севастополь гарнizonida икки ойдан бери хизмат қилиб келаётган ҳамма пиёда ва денгиз аскарларига мислсиз мардлик кўрсатгандиклари, тиришқоқликлари ва қилган меҳнатларига миннатдорлигимиз тариқасида ҳар бир ойни бир йилга баробарлаш ва ҳамма ҳуқуқ-имтиёзларнинг сақланиши тўғрисида амр қиласман ва буни ҳамма қўшинларга эълон қилишни сенга буораман. Улар бунга муносиб иш кўрсатдилар. Буни 6 декабрь куни ошкор қил!* Сен баҳилсан, одамларни камдан-кам мукофотга тақдим этасан: ўтинаман сендан, муносибларни тавсия эт, мен уларни мукофотлаб, ўзимни севинтирай...» ва ҳоказо, ва ҳоказо... Мана, эшитдингизми? Мен сиздан маслаҳат сўраб кел-

* Эски стилга кўра 6-декабрь — Николай куни ҳисобланади, бу куни Николай иккинчига от қўйилган эди.

дим, подшоҳ ҳазратларининг менга қаратиб айтган бу илтимосини бажариш керакми ё йўқми?

— Ҳазрати олийлари!—деди Семякин ҳайратланниб, саволингизга тушунолмай қондим. Ахир бу, имри озий ку! Бу амрни бажармасдан бўладими?

Меншиков хатни менсимасдан столга ташлали.

— Эҳ дўстим, дўстим! Подшоҳ ҳазратлари менга кунида хат ёзди, илтимос қиласди, маслаҳат беради, имр қиласди, бугун ундаи деса, эртага буидай лейди, ишинга фельдъегерь бутунлай бошқа амр келтирали... Азар Санкт-Петербургдан келган ҳамма фармонларининг, маслаҳат ва илтимосларнинг ўндан бир қисмиии бажарганимда ҳам аллақачон ҳузур-ҳаловатда яшар әдик. Шармандаларча сулҳ битилишини ўзингиз яхши биласиз, қимматли Константин Романович...

— Нимадан қўрқасиз, ҳазрати олийлари? «Бир ойнинг бир йилга ўтиши»ни билдиришнинг ўзи ҳамманинг руҳини қўтариб юборади, одамларнинг кучи куч кўшади...

— Мана шунга шубҳам бор-да, азиз дўстим. Ишлаган йилига қараб «mansab oshiриш» умуман фақат ёш офицерларнигина қизиқтиради. Аммо ишлаган йилага қараб юқори мансабга эга бўлишдан кўра жанг майдонда қаҳрамонлик кўрсатиб, эга бўлишнинг осон эканлигини улар жуда яхши билади... Бу янги имтиёздан фақат ем-хашак тайёрловчи офицерлар, ҳўқиз қўшилган аразаларни ҳайдовчилар, интендантлар ва умуман урушида таҳликадан четда юрганлар ютади... Сиз билан бизга, азиз дўстим, бошқа генералларга ҳам бу имтиёзиниғ алоқаси йўқ.

— Аммо сиз, ҳазрати олийлари, подшоҳ ҳазратларининг бу қимматлари қўйи мансаб эгаларига, солдат ва матросларга ҳам оидлигини унутманг-да.

— Шубҳасиз. Менингча, бутун хавф-хатар ҳам шундай. Ахир, Севастополни нима тутиб турибди?

— Денгизчи ва солдатларининг мардлиги ва бергараз қаҳрамонлиги,—деб қатъни қилиб жавоб берди Семякин.

— Тўғри, аммо мардлик билан қаҳрамонликнига жеғизи нимада, ахир? Урушининг ҳа демай туганинга, бутун куч-қувватимизни тўплаб туриб, дунимаига бир зарда берамизу, денгизга улоқтириб ташлаймиз деган умидга. Сиз билан мен ёлғиз гапиришиб ўтирибмиш, бир-биримиз

дан яширадиган гапимиз йўқ. Биз худди лангарни кўтармас қилиб ташлагандай бир вазиятдамиз. «Лангар» кунларининг тугаб, сафар кунларининг бошланишига умид йўқ. Подшоҳ ҳазратларининг насиҳатлари Петербургда ҳам бунга ишонч йўқлигиги билдириб турибди. Ҳа-ҳа, дейди солдат ва матрослар, бу жаҳаннамдан қутилиб чиқишга зифиртча умидимиз бор эди, энди бу умид ҳам йўқолибди... Мадад келмайди, мадад келишни кутиш — беҳуда, дейди... Бугун бўлмаса, эртага ўқ еб ўлиш хавфи остида ойни йил деб санаб, яна туриб бериш яхшими ё бўлмаса ишни бирёёлик қилиб, милтиқ найзасини срга санчишу, батареяларни ташлаб кетиш яхшими деб ўйлади...

— Солдат ва матросларимизни яхши билмас экансиз, ҳазрати олийлари; уларни бунчалик срга уриш яхши эмас... — деб жавоб берди Семякин, ғазабини яширасдан.

— Ҳамма менга шундай дейди,— деди Меншиков, қўлинни силтаб,— аммо мен одамларни яхши биламан ва одамларга юксак баҳо бермаслигимни яширмайман... Шоир айтгандек: «эҳ, ҳалқ, дарди-бедаволар зоти, ҳолингга кулайми, йиғлайми...» Аммо иш бунгача бориб етмас деб фараз қиласлий. Бироқ солдатлар юрагига алам ўти ёқишимиз равшан. Бунинг заҳри менга эмас, подшоҳга қарши қаратилган бўлади.

Семякин эътиroz айттолмай, деди:

— Рухсат этсангиз, подшоҳ ҳазратларининг хатини бошдан охиригача ўзим ўқиб чиқсан.

Меншиков хатни генералга узатди. Хатни кўздан кечиргач, Семякин ошхонада мирзанинг оғзидан эшиштган арақ ва сбитенъ сўзларининг «бир ойни бир йил ҳисоблаш»ни қўшиналрга эълон қилиш тўғрисидаги илтимосдан кейин келишини билди. Хатни Меншиковга қайтариб бераркан:

— Ҳазрати олийларидан яширмайман: ошхонага кирганимда мирза хатни овозини чиқариб ўқиб турган экан, пул билан бирга қурита туриб, ўқигуси келган-да. Агарда бу амр ҳаммага эшииттирилмаса, биз тўғримизда подшоҳ марҳаматини қўшин ва флотдан яширишди деган гап тарқалади...

Меншиков дарғазаб бўлиб типирчилади ва шу ондаёқ шалвайиб тушди. Бир ича минут давом этган жимликдан кейин қуруқ ва расмий бир оҳангда:

— Генерал! Подшоҳ ҳазратларининг Севастополь ҳимоячиларига кўрсатган янги ҳимматлари ҳақида буйруқ тайёрланг. Ниҳоятда қисқа бўлсин. Мен имзолайман. Буйруқни бостириб, эртага ҳамма қисмларда ибодат кетидан ўқиб эшилтириш учун, дарҳол тарқатиш керак... — деб буюорди.

— Бош устига, ҳазрати олийлари.

Семякин бир пасда буйруқни ёзиб чиқди. Меншиковга буйруқ манзур бўлди. Генерал қўнғироқни босиб, кирган вестовойга дарҳол литографчи буйруқни плюрга¹³⁴ қўчириб, имзо чекишига келтирсан деб буюорди.

Литографчи буйруқни тайёрлаш билан овора экан, Меншиков Семякин билан бир-икки оғиз арзимаган нарсалар тўғрисида гапиришиб ўтириб, ўтирган ерида мудраб кетди. Ярим соатдан кейин литографчи буйруқни тайёр қилиб келтирди. Меншиков уйғонди-да, плюрга сўлали тушиб кетмасин учун оғзини қўли билан беркитиб туриб, литография сиёҳи билан имзо чекди, имзо чекканда ҳам буйруққа сиёҳ томдирмаслик учун Меншиков қўлини баланд кўтариб турди. Меншиковнинг имзоси остига Семякин имзо чекди.

Солдат буйруқни бурчакларидан эҳтиёт билан кўтариб олиб чиқиб кетгандан кейин, Меншиков кериша-кешиша:

— Ишим битди, эшагим лойдан ўтди,— деди.— Ҳа, айтмоқчи, яна арақ масаласи ҳам бор-а, аммо бу нарса менинг имзомсиз ҳам бўлаверади, подшоҳ ҳазратларининг номи айтилмаса ҳам бўлади. Арақ нормасини икки ҳисса оширишиň ўз номингиздан буюраверинг. Ҳа, яна сбитенъ ҳам бор-а? Сбитенъ масаласи қийинроқ. Асал, шакар ва шинниларни җаердан оламиз?.. Бу тўғрида Ерофеич бош қотирсан,— бадан қиздирадиган ичимликларнинг мутасаддиси ўша... Мен энди уйга қайтай, азиз дўстим. Айтинг, менинг усти-бошимни олиб киришсан, кейин менга казакларнинг отидан бирини берарсиз. Эшакни эртага юбортиарсиз...

Князь инқиллаб-инқиллаб ўрнидан турди, уй эгаси билан хайр-маъзур қилиб, зинадан туриб отга минди-да, жўнаб кетди.

Никола-Зимний куни подшоҳнинг туғилган куни бўлгани учун эмас, балки Николай авлиёнинг денгизчилар ҳомиси эканлиги сабабли Севастополда байрам ҳисобланар эди. Петербургдаги Николай Морской собори бу-

тун Россия флотининг собори деб ҳисобланар эди. Севастополдаги ҳамма черковларда, батарея ва бастионларда 6 декабрь куни тантанали ибодатлар ўқилиб, подшоҳга, унинг хотинига, шоҳзодага, бутун подшоҳ хонадонига, қўшин ҳамда флот бошлиқларига ва, ишоят, ёнгилмас аскарларга «узоқ умр» тиланди.

Шаҳар соборида бўлган ибодатда князъ Меншиков ва генераллар, шаҳар қўшин ва флот амалдорларининг кўпчилиги ҳозир эди. Дъяконнинг йўғон овоз билан «узоқ умр тилаймиз» дейишига қулоқ бераркан, ҳазрати олийлари истеҳзо билан жилмайди ва ўнг ёнида турган Ерофеичга энгашниб:

— Модомики, бизда бир ой бир йил деб ҳисобланаркан, «узоқ йиллар» эмас, балки «узоқ ойлар» дейиш кепрак эди,— деб шивирлади.

Ерофеич ҳазрати олийларининг қулогига энгашди:
— Ҳа-ҳа-ҳа!

«Узоқ йиллар умр» тилашдан кейин черковларда ва бастионларда подшоҳ марҳамати ҳақидаги буйруқ ўқиб эшиттирилди. Севастополда бир ой бир йилга ўтади деган эълонга солдат ва матрослар одат бўйича «ура» деб жавоб бердилар, аммо улар пойма-пой ва лоқайд қичқирад эдилар. Эълон этилган подшоҳ марҳамати одамларни хурсанд қилиш ўрнига ажаблантириди. Подшоҳнинг бу ўйлаб топган нарсаси мудофаани чўзиш учун бошини ҳар куни ўққа тутиб берувчиларни хурсанд қилмайди деб Меншиков тўғри айтган эди.

Буйруқни эшиттиб Нахимов Истоминга деди:

— Бу ўтакетган маккорлик-ку! Мансабпаратларнинг бари энди Севастополга оқиб келаверади денг! Жангда қатнашмасдан, орқада юрадиган текинхўрлар ўзимизда ҳам тўлиб ётибди-ку!

Буйруқ ўқиб эшиттирилмасдан олдин унинг ҳали қуrimаган нусхалари кечаси трактирларда (трактирлар энди ёпилай деб турган пайтда), баракларда ва елкаларидан офицер погонларини тақиб, бирон марта ҳам пороҳ ҳидини ҳидлаб кўрмаган, вақтларини нуқул ичкиликбозлик ва қартабозлик билан ўтказадиган ҳар турли комиссioneerлар¹³⁵ палаткаларида пайдо бўлган эди. Буйруқнинг энг биринчи нусхалари пайдо бўлиши билан трактир ва қовоқхоналар беркилди, яъни дераза эшиклари беркилди, кўча эшиклари ҳам маҳкам беркитилди, аммо иччиликбозлик өрталабгача давом этди. Яширин қовоқхо-

шалариниң эшиклари, акснича кенг очиб юборилди. Ҳамма қовоқхоналарда бир кечада ичилган вино қамал бошидан ўтган уч ой ичида ичилган винодан кўп эди: кўп одамлар ичилимай қолиб кетгани винонинг ўринини тўлдириш ва одатда уч йилда ичиладиган винони бир кечада ичиш керак дейишарди. Довлариниң миқдори ҳам кўтарилиб кетди. Севастополда бу кечадагидек ҳеч қачон катта пул тикиб қимор ўйналмаган эди (ҳар бир подпоручик бир неча ойдан кейин капитан мансабига етишини билар эди). Подшоҳ ҳазратлари шаънига кўтариладиган қадаҳларнинг сони-санори йўқ эди. Қадаҳ кўтарилганда «ура» деб бақиришар, дераза ойналари титрагди. Бир-бирларини осмонга кўтариб ташлашар, янги мансаблар ва мояналарнинг оширилиши билан табриклар эдилар. Меншиковнинг аскиябоз шогирди ҳам чиқиб қолди: ҳўқиз транспорти бошлиқларидан бири подшоҳ саломатлиги учун қадаҳ кўтараркан, подшоҳ хизмати ҳам ҳар ойи йилига ҳисоблансанни деб қолди.

— Раҳм-шафқат хазинаси бўлмиш подшоҳ отамиз биз Севастополь ҳимоячилари билан бирга, Севастополь қанча туриб берса у ҳам шунча йиллар умр кўрсин. Севастополни бермаймиз! Ура!

Аммо шу пайтда сира куттилмаган ҳодиса юз берди. Оғзи қулогига етган аскиябозининг ёнига яп-янги мундир кийгани фирт маст бир подпоручик келди-да, қўлида ушлад турган лиммолим бир бокал винони аскиячининг юзига сепинб юборди:

— Аблаҳ! Севастополь кўкламгача туриб беролмайди. Демак сен подшоҳ ҳазратларининг фақат уч йил яшашини истар экансан-да! Аблаҳ, уринглар буни!--деди, у.

Ёш офицернинг бу таклифига майпарастлар жон деб қўшилди: унинг гапи бирдан мантиқли бўлиб куринган эди:

— Ур!

Аскиябоз қовоқхонадан орқасига қарамай қочиб қутилишга мажбур бўлди...

Малахов курганда ибодат учун снарядлар бузиб юборган маноранинг орқасидаги очиқ жойни танладилар. Ибодатга мудофаанинг тўртинчи бўлим аскарий қисмларидан оз-оздан одам чақирдилар: ҳамма матрос ва солдатлар майдонга сиёмас, бундан ташқари, ҳамма одамларни хавф остига қўйиб бўлмасди ҳам. Бу куни замбарак отишмаси

Өдатдагидек тонг ёришиши билан бошланди, аммо зам-бараклар сийрак отиларди (инглизларнинг снаряди тамом бўлган эди). Декабрь ойига келиб тўртинчи бўлимда қўшинларнинг сони анча кўпайган эди. Йикки пиёда полк, Бутирский билан Бородинский полклари, 36-флот экипажига қўшилиб, Малахов курган гарнизонини ташкил этган эди. 35- ва 39-флот экипажлари Кемасозлик томоннинг асосий резервиде турар эди.

Веня отаси билан бирга ибодатга отлана бошлади. Кун совуқ бўлганидан Веняга бушлатидаги погонлари устидан бултур қишиб юрган эски пўстинини кийишга тўғри келди. Пўстин билан бирга матросча шапка кийишни, хаёлга ҳам келтириб бўлмасди, бундай қилса бутуни 36-экипажни шарманда қилган бўларди. Веня ўзининг шўр пешона эканлигига тан беришга тиришар ва ибодатга дадам ҳамма форма кийимларини кийиб боради-ку деб ўзини ўзи овунтиради. Дадаси шинелини ҳовлида тўмтоқ супурги билан тозаларкан, Веня оstonонада дадасининг чап этигига пуфлаб, шчётка билан ўбдон ишқалар эди. Ўнг этикка қорамой суртиб, шу қадар ялтилатган эдикни, Веня унга худди ойнага қарагандек қараб, ўзининг маъюс башарасини кўрар эди. Қора мой ҳидини Веня яхши кўрарди. Веня эсини танигандан бери қора мойнинг шодхуррам байрам кунлари билан боғлиқ эканини биларди. Шу сабабли Веня суратли қора мой қутиласини ҳам яхши кўрарди: ялтиллаган этикда ўз аксини кўриб турган олтин маймун теварагига: «Энг яхши қора мой—францу Жако қора мойи» деб ёзилган бўларди. Хоня Веняни шу ёзувдан саводга ўргата бошлаган эди... Аммо бугун Веняни қора мойнинг ҳиди ҳам, Жако маймуни ҳам хурсанд қилмади: Малахов курганда баъзибир кўнгилсиз нарсаларга дуч келишини сезар, ҳатто бундай бўлишини аниқ билар эди ҳам.

Дадаси отланиб бўлди, белига камарини тақди-да, хотинининг олдига келиб ва унга худди ойнага қарагандай қараб, бакенбардларини¹³⁶ таради ва Веняга:

— Қани, кетдик, юнга!— деди.

— Мен қанақа юнгаман! Юнгалар шунақа кийинадими!

Веня сийқаси чиқиб кетган қулоқчинни бошига босиб кийди-да, латта билан этик чўтқани пўстини этагига яшириб:

— Кетдик, чол!— деди.

Малахов курганни Тотлебен ҳамма атрофи мустаҳкам-ланган истеҳкомга айлантиргандан кейин, у ерга фақат илгари бастионнинг очиқ саҳни ўрнига қазилган чуқур зовур устига қурилган кўприкдан чиқиб бўлар эди. Торгина ва баланд кўприкни матрослар, Суворовнинг Швейцария сафарида қўлга киритган машҳур бир жой хотирасига «Шайтон кўприк» деб атаган эдилар.

Шу ерга етганда бирдан Венянинг қайсарлиги тутди.

— Бормайман. Еаъзи экипажлар ўз юнгаларини жуда яхши кўради, баъзи экипажлар бўлса юнгаларига парво ҳам қилмайди... Бутун экипаж учун ўзим уялиб кетаман, дада!

— Ана холос, ўғлим! Князъ Меншиков буйруқ ёзиб чиқарибди, худди сени айтган-а, ўша буйруқда!

— Рўйхатда йўқманку, мени буйруқقا ёзиб нима қиласди?

— Борсанг— ўз қулоғинг билан эшитасан. Бормсанг— мен ҳам айтмайман... Ахир, буйруқ сенинг тўғрингда деяпман-ку!

— Хўп, майли, борсам бора қолай!— деб рози бўлди, Веня.

Улар Малахов курганга етиб келганда ибодатнинг ярми тугаган ва хонишчилар гулдурос янглиғ овозлар билан: «Душман устидан зафар бағишла...»ни айтмоқда эдилар.

Ота-бона сафдан ташқарида турганлар ёнига бориб туришди.

Веня ибодат қачон тугаркин, қачон буйруқ ўқиларкин деб бетоқат бўлар ва ҳарёнга жовдираб қараб турар эди, бироқ кўзи ҳа деб 39-экипаж сафида турган Репка билан Бобёр деган юнгаларга тушарди. Гарчи бу юнгалар Малахов курганда яқинда пайдо бўлган эсалар ҳам, Венянинг таъбини ўбдан хира қилиб қўйган эдилар Улар келмасдан олдин Веня ўзини Малахов кургандаги битта-ю битта юнгаман, мен бу ерда умрбод юнга бўлиб қоламан деб ўйлаб юради. Репка билан Бобёр ҳам Веняни учратиб, курганда юнга борлигидан ҳайрон бўлган эдилар.

— Ҳа-ҳа! Анови юнгани қаранглар! Бир қара, Репка!— деб фўлдирлади Бобёр, хириллаган овоз билан.— Оғзида она сути қотмабди-ю, ўзини юнгаман дейди.

— Ҳа-ҳа! Ўнгани қаранглар! Ойиси этагини туғиб қўйибди-ю,— деб жавоб берди Репка, овозини йўғон қилиб.

— Стрёмадан ё бўлмаса Михайло акамдан сўраб кўринглар, юнгаманми ё юнга¹³⁷ эмасманми,— деди мақтаниб Веня.— Мен улар билан бирга бир инглизни асир олиб, арқонда шу ергача судраб келганман. Менга Павел Степановичнинг ўзи раҳмат деган!

Юнгалар «ичаклари узилар даражада» кулаётганларини ёўрсатиш учун қоринларини қўллари билан ушлаб хахолаб кулдилар.

— Эҳ, супурги, супурги!* Супургидек бўйи бор-ку, ёлғон гапиришни ўрганганини қаранглар,— овозини йўғон қилиб дерди Бобёр.— Инглизни асир олган бўлсанг, буйруқ чиқиши керак эди. Буйруқ чиққанми?

Веня:

— Буйруқ чиққани йўқ,— деб иқрор бўлишга мажбур бўлди.

— Буйруқ чиқмаган бўлса, инглизни асир олганинг ҳам ёлғон. Қани, айтчи: йнглиз қанақа эди?

— Маллабашара, дароз эди. Юбка кийган. Шими йўқ эди.

Юнгалар кўзларини бақрайтириб қолдилар ва бу сафар чинакамига хахолаб кулиб юбордилар.

— Ҳа-ҳа! Маллабашара? Юбка кийган?

— Ҳа-ҳа-ҳа! Дароз? Шими йўқ?

Веня ўзини масхара қилувчиларга ўқрайиб қараб турарди.

Уларнинг иккови ерга йиқилиб, оёқларини ликиллатиб қота-қота кулар эдилар.

Веня ўз командасининг сафида турган Репка билан Бобёр томонга қааркан:

— Шошмай турларинг, мен қанақа супургилигимни сенларга бир ёўрсатиб қўяй!— деб шивирлар эди.

Веня у томонга қарамасликка ва Владимир Иванович Истоминнинг ориқлаб кетган рангсиз ва ташвишли юзига қарашга аҳд қилди. Малахов курган бошлигининг қирқ кундан бери Кемасозлик томонидан кетмасдан, уст-бошини ва этикларини ҳам ечмасдан ётиб юришини, уйида ухлай олмаслигини, аллақандай «мускус» деган дори ичишни,— ухлатадиган дори бўлса керак,— аммо бари

* Веник — супурги деб Бобёр сўз ўйини қилмоқда.

бир ухлай олмасдан кечаси курганга югуриб келишларини Веня яхши билар эди. Малахов курган бошлиғи курганга келар эди-да, вахта бошлиғига: «Жуда қийналиб кетдим, уйқу келмаяпти. Шу ерда ухлаб олай деб келдим» дер эди. Кейин қўлларини шинелининг сенгиға тиқар эди-да, топчангага¹³⁸ ётиб, пистирмалардан эштилиб турган отишма товушларига ҳам қарамасдан, бирон соат мизғиб оларди. Куздан бери Истоминнинг мўйлови оппоқ оқариб кетган ва энди худди жуни калта чўткага ўхшарди: Владимир Иванович ҳа деб мўйловини тишлай вериб сийрак қилиб қўйган эди, бўлмаса, унинг мўйловидай қалин мўйлов йўқ эди.

Веня юзини Истомин юзидан маъюсланиб буради ва яна 39-экипажнинг лаънати. Юнгаларига кўзи тушади. Веня юнгаларнинг шинелларида ялтиллаб турган тугмалардан кўзини зўрға олиб қочади-да, Павел Степанович Нахимовга қарай бошлайди. Нахимов бошини сал кўтариб, бепоён осмоннинг бир нуқтасига тикилиб қараганича тик турар эди... Нахимовнинг ўнг томонида биринчи ранг капитан Зарин турар эди. «Кемалар чўқтирилганда йиғлаган эди!» деб эслади Веня ва ўзи ҳам йиғлаб юбор-маслик учун юзини бошқа ёққа буриб олди...

Дъякон ўчиб қолган исириқдонни силкитади ва шамол ўчириб кетган бир ярим газлик узун шамни силкитиб, икона турган нишаб стол теварагида айланиб, попга таъзим беради; поп ҳам стол атрофида айланиб, дъяконга таъзим беради. Иккови икки хил товуш билан:

— «Правило веры и образ кротости, воздержания учителю, явися стаду твоему...» деб ашула айтгаидай, чўзиб дуо ўқирдилар.

Банкет тепасида турган сигналчи:

— Бомба! — деб қичқирди.

— «Ты бо явил смиление высокое, нищетою богатое...»

— Сув ичгани кетди! — деб қичқирди сигналчи, хушчақчақ овоз билан.

Ҳамма, дъякон билан поп ҳам, бошларини кўтариб, баланд осмондан сариқ из қолдириб Жанубий бухта томонга ўтиб кетган тутунга қарайдилар. Ёлғиз Нахимов қимир этмасдан, бепоён осмоннинг бир нуқтасига қараганича турарди.

Ибодат тугади. Ибодат вақтида Малахов кургандан инглизлар томонга уч марта залп берилди. Дъякон ҳам-

мага яхши эшитилсан деб, оёғининг учига кўтарилиб, «Узоқ йиллар умр берсин!» деб қичқирди. Худди бунга жавоб бергандай, Венянинг кулоғига батареядан мичман Нефёдов иккинчининг:

— Замбараклар бортга! — деб янграган овози эши-тилди.

Тўртинчи залпнинг гумбури хонишчиларнинг овозини босиб кетди. Замбарак гумбурининг орасидан яна тутун ортидан:

— Бомба! Бизники! Тойчоқ! — деган овоз эшитилди.

Ён томондан отилган оғир бомба паҳмоқ ёлини ёйиб учиб келиб, батарея ёнига чинқириб тушди-да, шу онда-ёқ ёрилди.

Сигналчи ингичка овоз билан:

— Замбил! — деб қичқирди.

Яқинроқ жойдан аллакимнинг йўғон товуши:

— Замбил! — деб такрорлади.

— Есть! — деб жавоб бердилар манорадан ва йўл-йўл кофта кийган икки аристон, чекиб турган маҳоркала-рини ерга ташлаб, батареяга замбил кўтариб югуриб кетишиди.

Веня ҳамма нарсани унутиб, аристонлар кетидан югурди. Ибодат тугади. Нахимовнинг флаг-адъютанти овозини баланд қилишга уриниб, ҳазрати олийнинг буйругини ўқиб эшиттириди.

Веня батареядан қўрқиб ва ранги оппоқ оқариб қайти-ди, дадасининг қўлидан ушлаб ҳарсиллаганича:

— Дада, дада, Нефёдов ўлди! Эҳтиёт бўл, уйга қайтганда тағин айтиб қўйма, Маринка жинни бўлиб қолади-я... — деди.

— Ол-а! — деб жавоб берди чол Могученко. — Ана холос, «кўп йиллар умр» тилаш оқибати шу бўбди-да!

Хонишчилар шу онда бараварнига:

— Омин! — деб бўкиришди.

— Омин дегани тамом дегани! Юр, ўғлим, бориб энди сомсани ейлик!

Уйга қайтишда Андрей Могученко лой ё қуруқ демасдан тўғри келган ердан юриб борар, этиклари сап-сариқ лойга беланиб кетганди. Веня отасидан кейинда қолиб кетмаслик учун елиб чопарди.

— Дада! Менинг тўғримдаги буйруқни ўқишидими?

— Оббо! Энг кераклигини эшитмай қолибсанда! Нега замбил кетидан эргашдинг. Албатта ўқишиди!

— Буйруқда нима дейилган экан?

— Подшоҳ, биби Марям туғилган кундан бошлаб замон ўн икки марта тезроқ юрсин деб буюрибди. Ҳар ой бир йилга ўттаркан. Бир кун бир соатга юраркан. Тун ҳам бир соат деб ҳисобланаркан. Ўйқудан турмасингданоқ яна ётиб ухлайсан. Қарайсангки, ажалинг ҳам ётиб қопти. Соат сайин кунинг яқинлашади.

— Қандай қилиб бир ой бир йилга баравар бўларкан?

— Қандай бўларди. Подшоҳ амр қилдими, бўлди, ишимиз юришиб кетди деявер. Масалан, сен менинг штабимга бормаганингга қанча бўлди? Борсанг — соатнинг аҳволини кўрардинг: минут стрелкаси доирани беш минутда айланиб чиқадиган бўлган. Қаккуни айтмайсанми, уясига беркинишга ҳам ўлгурмайди, какку-какку дегани деган. Ҳеч тинмайди.

— Сенга нуқул кулиш бўлса. Ажалинг келганда ҳам кулиб кўрчи! Яна сен тўғрингда буйруқ чиқди дейсан-а...

Могученко тўхтади-да, оғир қўлини ўғлининг елкасига қўйди.

— Ҳайронман: тентаклигингни ҳам билмайман, ақллигингни ҳам. Тушунолмай қолдим, йигитча, биби Марям туғилган кун неча ёшга кирган эдинг?

— Тўққизга.

— Бугун Никола куни, шу кунгача орадан қанча вақт ўтди?

— Уч ой ўтди!

— Хўш? Подшоҳ амрига кўра, неча ёшга кирган бўласан?

Веня оғзини очиб, қаддини ростлади, тўйиб нафас олди-да:

— Ўн иккига? — деб жавоб берди.

— Ана! Бирдан бўйинг уч вершок ўсди-қолди!

— Дада! — деб қичқириб юборди Веня севиниб кетиб ва устидан пўстинини ечиб ташлаб. — Ушла буни! Шапкамни ҳам ушла. Фуражкани буёққа бер... Бўлди, мен энди билиб ишимни қиласман!

Могученко Венянинг пўстини билан шапкасини олдида, ўғлининг бошига форма шапкани кийгизиб қўйди.

Юнга:

— Ура! Узоқ йиллар умр кўрсин! — деб бақирди ва орқасига, Малахов курган томонга қараб чопиб кетди.

Андрей Moguchenko ўғлининг кетидан бакенбардларини силаб, кулиб қараб турар эди.

КУН ҚАЙТИШИ

Ибодатдан кейин курган жимжит бўлиб қолди. Одатдагидек, туш пайтда канонада тинди. Ибодатдан кейин халойиқ тез тарқалди. Матрос ва офицерлар ионушта қилгани блиндаж ва земланкаларга кириб кетдилар. Фақат часовийлар ўз жойларида ва сигналчилар банкетларда қимирлаб турар эдилар. Байрам муносабати билан кургандаги ишлар тўхтатилган эди. Ахлатхоналарда гўнг қарға, ола қарға ва зағчалар беор чумчуқларни ҳайдаб, бемалол ахлат титкилаб ётар эдилар. Офтоб хийла қизитарди, гоҳ унда, гоҳ бунда тортилган арқонларда матросларнинг пайтава ва фуфайкалари шамолда ҳилпиллаб турарди.

Веня оқ манора томонга қараб йўл олди: маноранинг пастки қаватида Малахов курган бошлигининг маҳкамаси жойлашган эди. Бир вақтлар замбарак очиқ далага тумшугини чиқариб турган доира шаклидаги деразага энди аллақаердан топиб келинган квадрат ром қоқиб қўйилганди. Веня эшикни очиб қараган эди, дераза тагидаги стол ёнида ўтирган ўзининг таниши Николай Петрович Нечитайло деган мирзага кўзи тушди. Навбатчи мирзанинг олдида, стол устида ғоз паглари¹³⁹, тоза қоғоз, яримта пиёз, устига қалин қилиб туз сепилган бир бўлак нон туар. Яримтали бўш арақ шиша билан стакан турарди. Девор тагидаги икки топчандан бирида адмирал Истомин чироқдан кўзини фуражкаси билан беркитиб ухлаб ётар эди. Мирза пичноқ билан ғоз патларини очиб ўтирас. —

— Утири, Могученко, меҳмоним бўласан,— деб Веняни қарши олди мирза, шивирлаб,— аммо жим ўтирасан. Жаноби олийларининг энди кўзи илинди. Нимага келдинг?

Веня жиддий оҳангда туриб, бугун эълон қилинган буйруққа жура, ўзини расмийлаштиргани желганини шивирлаб билдириди.

— Мени Қора денгиз флотининг ўттиз олтинчи экипажига юнга этиб қабул қилиш тўғрисида буйруқ ёзиб беринг, Николай Петрович амаки, бутун таъминот берадиган бўлишсин ҳамда менга мойлама этик, мис тугмали ва қундуз ёқали шинель билан қишилик мўйна қалпоқ беришсин. Ҳов анови, ўттиз тўққизинчи экипаждагига ўх-

шаган. Подшоҳ ҳазратларининг амрига кўра, ёшим бугун ўн иккига тўлди.

Нечитайло Венянинг илтимосидан ҳайрон бўлганини ҳатто билдирмади ҳам. Очилган патни қулоғига қистириди-да:

— Тўғри! Агар ёшинг тўққизга кириб, яна уч ой ошган бўлса, демак бугунги кунда ўн иккига кирган бўласан. Юнгаликка ёзилишга тўла ҳақинг бор.

— Буйруқни ёзиб берақолинг, амакижон,— деб ялиниди Веня, энтикиб шивирлаб.

— Биринчидан: юнгаликка буйруқ билан қабул қилинмайди, юнгага қабул қилинганни буйруқ билан эълон қилиш — катта гап, сен кимсан, офицермидинг! Иккинчидан: юнгалар ҳар куни эрталаб экипажга бериладиган буйруқ билан бирга оғзаки тайинланади, учинчидан: бугун байрам, улуғ айём кунлари оддий буйруқ, берилмайди. Тўртинчидан: фавқулодда буйруқ бериш мумкин, бундай буйруқлар байрам кунлари ҳам берилади, ҳатто энг катта улуғ айём кунлари ҳам берилиши мумкин.

— Фавқулодда буйруқ ёзиб берақолинг, амаки. Мен жеч кутолмайман!

— Хўп, фараз қилайликки, ёзиб бердим. Аммо, бешинчидан: ким имзо чекади, муҳими шунда-да!

— Адмирал.

— Ҳа, сени деб адмирални уйғотиш керакми?.. Адмирал ҳам дамини олсин-да!

— Амаки, адмирал тургунча кутиб тураман.

— Бу ҳам майли дейлил. Яна олтинчиси ва энг муҳими бор: байрам куни сени юнгаликка қабул қилиш тўғрисида фавқулодда буйруқ ёзиш ва сени деб пошшолик сиёҳи, куми ва қофозини сарфлашдан менга нима фойда? Шиша бўш турибди, ана яна қанча закуска бекор ётибди. Ўзинг бундоғ ўйлаб кўргин-да!

Веня буни анча бурунроқ, Нечитайло ўз далолатларини энди санай бошлагандаёқ ўйлаб қўйган эди. Юнга анчадан буён чўнтағида қўлда маҳкам ушлаб турган ўн тийинлик пулни дарров ғирзанинг олдига чиқариб қўйди,— бу пул юнгалар кузда учта лимон еганлари учун гардемарин Панфилов берган ўн тийинлик эди.

Нечитайло пулга қарамади ҳам, хомизак тортди-да, уни ўнг қўлинининг кафти билан столдаги нон ушоқлари аралаш сидириб, чап кафтига солди-да, оғзига ташлаб, ютиб юборди.

Веня қўрқаниданвой деганича қолди.

Веня ухлаб ётган адмирални ҳам унугиб:

— Ўн тийинликни... ютиб юбординг-ку! — деб юборди.— Энди ўлиб қоласан!

— Смирно! Қанақа ўн тийин? Ўн тийинликни кўрган бўлсам, кўзим ситилсин.

— Мен стол устига қўйдим-ку.

— Э! Э-е-е? Ёмон бўпти-ку! Ҳа, майли, йиғлама, юнга. Мен ўн тийинликларни ютадиган аҳмоқ эмасман. Мана, ўн тийиннинг...— Нечитайло кафтини Веняниг тумшуғи тагига келтириб кўрсатди. Веня матроснинг икки бармоғи ўртасига қистириб қўйилган ярим тангани кўрди.

— Мазкур Веник Могученко-тўртичини юнгаликка қабул қилишга монелик топмади, деди керилиб мирза ва патни тили билан ҳўллади-да, чап қўли билан сиёҳдоннинг оғзини очди; танганинг қўлидан тушиб кетмаганини кўриб, Веня жуда ҳайрон бўлди.

Нечитайло патни сиёҳга ботирди, қўлини осмонда баланд айлантириб, қофозга энгашди.

Патни қофозга фижирлатиб ёзаркан, Нечитайло:

— Қофозга қарама, ҳалал берасан! — деди.

Кейин имзо чеккандай бўлди, хат устига қум сепди-да, қозиқдан шапкасини ола туриб:

— Жим қимирамай ўтири, қофозга тегма, адмирал тургунча ўтири, балки ўзи қўл қўйиб берар, мен бир таниш хотинниги бориб, дарров яримта олиб келаман,— деди.

Нечитайло чиқиб кетди. Веняниг Нечитайло ёзиб кетган хатни жуда ўқиб чиққуси келар эди, аммо уни ўқи-масдан адмиралнинг уйғонишини кутиш ундан ҳам ширинроқ кўринарди. Ўзини ўқишидан тийиш учун Веня кўзларини чирт юмиб:

— Жуда бўлмаса замбарак отсачи, бўлмаса кечгача уйғонмайди! — деб шивирлар эди.

Худди юнганинг истагини сезгандек, манора яқинидан порглаш овози эшилди. Дераза дириллаб кетди. Веня кўзини очди. Портлаш овозидан уйғонган Истомин топчандан оёқларини тушириб ўтирида афтини буришириб, Веняга дарғазаб бўлиб қаради.

— Бу нимаси! — деб жаҳл билан сўради Истомин.

— Мен эмас, Владимир Иванович, бомба,— деб жавоб берди Веня ўрнидан иргиб туриб.— Сизни мен уйғотганим иўқ, ёлғон гапирсам худо урсин!

— Мен буни сўраётганим йўқ. Бу ерда нима қилиб ўтирибсан деб сўраяпман! Мирза қани?

— Подшоҳ ҳазратларининг амрига мувофиқ мени юнга этиб тайинлаш тўғрисида фавқулодда буйруқни ёзил, сизнинг туришингизни ва имзо чекишингизни кутиб ўтири деб кетди. Узи бир иш билан кетди... Қофоз мана, столда ётибди. Владимир Иванович, қўл қўйиб беринг, ўтинаман сиздан...

Истомин мирзанинг ўрнига келиб ўтириди-да, қофоз устига энгашди. Кейин Веняга қараб туриб:

— Үқиши биласанми? — деб сўради.

— Сал-пал!

— Үқи!

Веня адмиралнинг қўлидан қофозни олиб ўқий бошлиди:

— «Фоз қаноти пати қандай ёзаркин. Фоз қаноти пати қандай ёзаркин. Могученко-тўртинчи, Веник, флот хизматида қолган унтер-офицер Андрей Могученконинг ўғли. Проба. Проба. Могученконинг бурни оқиб ётиптию, юнга бўламан дейди... Ёзил қўйилсин, ёзил қўйилсин. Яримтага ўн тийин олинди. Адмирални ўйғотма. Адмирал ҳам уйқуга тўйсин бир марта. Жуда бўлмаса, байрам куни. Фоз қаноти пати қандай ёзаркин. 36-нчи флот экипажининг кичик мирзаси Нечитайлло».

Венянинг кўзларидан қайнаб тошиб оқа бошлаган қўз ёшлари қофозга тушарди. Юнга бошини столга қўйганича, ачиқ аламдан қимир этмай ўтирас эди.

Истомин қўлига пат олди-да, тоза қофозга ёза бошлиди:

«36-нчи экипажга. Унтер-офицер Андрей Могученконинг ўғли Вениамин экипажга юнга этиб тайинланисин ва таъминотга олинсин. Юнганинг оти Могученка-тўртинчи деб юритилсин.

Контр-адмирал Истомин
Севастополь, 1854 йил 6 декабрь.»

— Юнга, қўй, йиглама. Табриклайман! — деди Истомин, столдан Венянинг бошини кўтариб. — Эҳтиёт бўл, флотга ҳалол ва мардона хизмат қил. Отангдан ва акаларингдан ибрат ол. Ўзингдан ҳам ўртоқларингни азиз кўр.

Веня Истоминнинг ёзганини ўқиркан, ўзига ишонмас эди, кейин қофозни тортиб олдида, «ура» деб бақирганича маҳкамадан чопиб чиқиб кетди.

— Ҳой тирмизак! Севиниб кетганидан раҳмат дейишни ҳам унутди дейман! Юнга! Бери кел!

Веня қайтиб кирди, адмирал рўпарасига келиб нима қиларини билмай турди.

— Хизматни ёмон бошладингиз-ку, оғайни! Сенга адмирал флотга ҳалол, фидокорона ва мардона хизмат қилдеяпти. Нима деб жавоб қайтаришиңг керак?

— Бош устига, жаноб олийлари...

— Энди жўна!

— Минг ташаккур, жаноби олийлари. Яхши қолинг, жаноби олийлари.

Юнга чап томонидан айланиб, қадамларини: «Левой! Левой! Левой!»га дадил ташлаб, эшикдан чиқиб кетди.

Уйга юнга шошилмасдан юриб келарди. Ҳали эшикни очмасидан Венянинг қулоғига ичкаридан зиёфатда ашула айтаётганлар овози эшитилди. Могученколарникида Никола-Морской¹⁴⁰ шарафиға берилган зиёфатнинг айни қизиган пайти эди.

Ичвор давра қадаҳини қолдирмай ҳеч бир,—
Ичсанг ҳам, ичмасанг ҳам — ўласан бари бир!

Дастурхон атрофида меҳмонлар ўтиришарди. Мокроусенко жуда ёқимли тенор овози билан ашулани бошлаб берарди. Андрей Могученконинг энг яхши кўрган ашуласи айтилмоқда эди.


Бир кун келди жодугар ажал,—
Яъни кампип кўтариб ўрок,
Дедим: «Совчи, соғ бўл ҳар маҳал,
Соғ бўл, ичгин мен билан арақ!»

Стрёма, Ручкин, Андрей ва Михаил Могученко стаканларини уриштириб, нақаротни кўтаришди:

Ичвор давра қадаҳини қолдирмай ҳеч бир,—
Ичсанг ҳам, ичмасанг ҳам — ўласан бари бир!

Веня адмиралнинг хатини ҳаммага кўрсатишга ошиқарди. У картабоз катта козир билан картани уриб олган-дек қилиб буйруқни стол устига қўймоқчи бўлиб турарди. Аммо Веня онасининг қовоқларини солиб турганини кўриб, бунга ботинмади. Қизи Ольга билан бирга Анна меҳмонларга хизмат қилиб турарди. Ҳоня, Наташа ва Маринкалар меҳмонхонада кўринмасди.

Ашулага қизиқиб кетган майшат қилаётганлар юнганинг келганини пайқамадилар. Веня ойисининг ёнига келди-да, секингина:



- Маринка қани? — деб сўради.
- Ҳужрада.
- Дадам Нефёдовни айтдими?
- Дадангиз ҳам ошкор бўлди.
- Хоня қаерда?
- Тирик-ўликлигини билгани лазаретга кетди.

Веня чала ёруғ ҳужрага кирди. Ҳсрғин Маринка кўзларини юмиб, Наташа билан қучоқлашиб ўтиради. Наташа унинг соchlарини силарди. Веня Маринкани секин чақирган эди, Маринка иидамади: балки эшишмагандир ё жавоб беришга ҳам ҳоли қолмагандир. Веня ҳужрадан секин-секин юриб чиқди-да, Ручкин ёнига скамейка четига келиб ўтириди.

— Ана, янги юнгамиз ҳам келиб қолди. Қани, ишлардан гапир,— деб буюрди дадаси, ахир Веняни кўриб.

Юнга истар-истамас ва хомушлик билан жавоб берди:

— Ишлар нима бўларди! Истомин «Қабул қилинсин» деб экипажга фавқулодда буйруқ ёзиб берди.

— Йўғ-е?

Веня Истомин ёзган хатни отасига узатди. Адмирал буйруғини ҳаммага ўқиб эшиштиргач, Андрей Могученко:

— Онаси, ана, кенжангни ҳам денгиз олиб кетди,— деди.

— Ерда юрибдику, денгиз қаёқда! — деб ғамгин товуш билан жавоб берди Анна.

— Фарқи йўқ: денгизчи бор жойда денгиз ҳам бўлади. Севастополь ҳам бир кемадай гап.

— Қон ва кўз ёшларидан ҳосил бўлган иккинчи денгиз! — деди маъюс оҳангда Ольга.

— Ўртоқлар, юнга Могученко-тўртинчини шавкатли Қора денгиз сафига кириши муносабати билан табриклаймиз! — деб таклиф этди Ручкин, тили зўрға калимага келиб. — Гарчи менинг денгизчи деган номим бўлмаса ҳам, флот билан қадрдонман, денгизчилар ҳам менинг туғишган оға-иниларим. Ҳаммаларинг менинг оға-иниларимсиз. Ҳаммангизни яхши кўраман. Юнга Могученко-тўртинчини ҳам яхши кўраман.

— Эҳ, жуда латта экансанку, Ручкин. Ҳали тузукроқ ичганимиз ҳам йўқку, алжиб қолибсан! — деб койиди Митяни, дадаси.

— Янглишасиз, ҳурматли Андрей Михайлович! Мен винодан эмас, ҳаётдан мастман. Бугун менинг ҳаётимда жуда катта баҳт очилди...

Столга товада қовурилган балиқ келтириб қўяркан.

Ольга:

— Хоня сизни баҳтиёр қилишга розилик билдиридими дейман?— деб кесатиб қўйди.

— Янглишдингиз! Сиз ҳам янглишдингиз, қимматли синглим!

— Наҳотки бугун Ручкиннинг бошига қандай баҳт қуши қўнганини билмасанглар, яхшилар... — деб гап бошлади Анна.

— Йўқ! Йўқ! Йўқ! —деб қўчқирди Ручкин, қўлларини Аннага чўзиб.— Сиз гапирмай туриңг, онажон...

— Ана, кўрдингларми! Ҳалитдан мени она дейди!

— Йўқ! У эмас дедим, у эмас. Марина Андреевнанинг бошига тушган мусибат менинг юрагимни эзид юборди. У хаёлимга ҳам келгани йўқ... Шундай бўлса ҳам, юрагимнинг эзилиб кетаётганига қарамасдан, мен баҳтиёрман.

— Мен ҳам жуда баҳтиёрман,— деди ғамгинлик билан ўксиниб Мокроусенко ва бошини қуи солди.

Юнга Могученко-тўртингчи . кемасоз устага тақлид қилиб хўрсинди:

— Ҳаммадан ҳам мен баҳтлиман,— деди.

Анна ўзини қулгидан тутаолмади:

— Жуда бўлмаса сен айтсангчи, Тарас Григорьевич, нимага баҳтли эканлигингни...

— Эҳ, қимматли азиз Анна Степановна. Мени фақат Ольга Андреевнагина баҳтли қила олишини ўзингиз яхши биласиз-ку. Ольга Андреевна бугун менга: «Сен қаҳрамон бўлишинг керак, уста» деди. Агар нотўғри гапирсам, ўзидан сўранг. Менга: «Шуни билиб қўй, Тарас! Михайл билан Стрёма кўкрагига Георгий крестларини тақиб юришибди. Нима учун? Душман томонга бориб, ёвнинг учта замбарагини парчинлаб келишгани учун! Сен бўлсанг, битта ҳам замбаракни парчинлаганинг йўқ. «Георгий» олмагунингча, тегиб бўбман сенга» деди. Суюнганимдан юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Эҳе, Тарас!— дедим ўзимга ўзим.— Улар икки киши бўлиб уч замбаракни парчинлашинг керак экан! Нима қипти, қоп-қоронғу кечани пойлайсан-да, пластунлар билан бирга пистирмага бориб, бир яримта замбаракни парчалаб келасан! Ана ўшанда кўрамиз. Ольга Андреевна, Тарас Мокроусенкога нима деркин!

— Сўзимдан қайтмайман! — деб жавоб берди Ольга.

— Эшитдингларми? Гувоҳ бўлинглар! — деб Мокроусенко ҳаммага бир-бир қараб чиқди. — Мен бахтли бўлмасам, ким бахтли бўларкан!

— Ручкин, қани, сен айтчи, нимадан бахтлисан, — деб сўради Веня.

— Тушунармикинсан! Менга ҳечкимнинг тушунгуси келмайди!

— Тушуниш қийин эмас! — деб кесатди Ольга. — Подшоҳининг амрига кўра, замон ўн икки марта тез айланмоқда. Ручкин бехатар манорасининг устига чиқиб ўтириб олади-да, ипларни тортиб ўтира беради, қарабисизки, вижданан кўрсатган хизмати учун бирон мансабга эга бўлади...

— Яна бир хато! — деб қичқирди Ручкин ва Веняни қучоқлаб, бағрига тортди. — Ўнга! Менга сендан бошқа ҳеч ким тушунмайди, Могученко-тўртинчи! Тўғри, замон энди тез айланади, ўн икки марта эмас, балки минг марта тез айланади! Бизнинг оптик телеграфимизнинг куни битди. Петербургдан Севастополгача устун ўрнатиб, сим тортиб келишмоқда, — уни гальваник телеграф дейдилар! Уни электр учқуни ҳаракатга келтиради. Чақмоқ қандай тез учса, депеша ҳам сим орқали шундай тез учиб келадиган бўлади! Чиқ этиб босдингми-бўлди! Петербург эшикни энди қоқиши билан Севастополь: «Ким у?» деб сўраб турадиган бўлади. Менга ҳаммасини мина офицери гапириб берди. Шаҳарга миначилар ротаси келган, эшитдингми? Мен гальваник командага ёзилдим. Душман тагига чуқур ковлаб борамиз-да, электр қуввати билан мина портлатамиз! Порох солинган бочкага сим улаймиз-да, битта учқун юборсак, бас, гумбур-гумбур этади-ю, портлайди — кетади. Француздарнинг оёғи осмонга бўлади! Оёғи бир ёқقا учиб кетса, қўли бошқа ёқقا учиб кетади!

— Ёлгонни жуда ошириб юбординг-ку, Ручкин, — деб қўйди Анна. — Қандай қилиб депеша сим орқали келаркан?

— Петербургдан Севастополгача етадиган сим ҳам йўқ, — деб қўшиб қўйди Мокроусенко. — Бунаقا узун симни қаердан топишади?

Аммо юнга Могученко-тўртинчи депешанинг сим орқали чопиб келишини равшан кўз олдига келтирди: осмонда парвоз қилиб турган варрак ипга боғлангандек, симга қофоз боғлаб қўйсанг, ўзи учиб кела веради.

— Нимасига тушумайсизлар! Ручкин ҳеч ҳам ёлғон гапираётгани йўқ! — деди Веня, ойисига ўқрайиб қараб.— Учқун қанақа учқун ўзи?

— Электр учқуни,— деб тушунтириди Ручкин.— Шиша банкаларга солинган серная кислота билан цинкдан ҳосил бўлади. Плюсни минусга қўшсанг, учқун чиқади. Гумбур-гумбур этиб портлаб кетади. Парча-парча қилиб ташлайди.

— Ақлга сиғмайди!

Ҳамма Ручкинни масхара қила бошлади ва яна гапир, деб ундашар эди. Ручкин бўлса ҳа деб:

— Гумбур-гумбур! Гумбур-гумбур! — дерди, холос.

Меҳмонхонага Хоня югуриб кирди. Ҳамма кўзини унга тикди. Хоня тўхтамасдан бошидан қора рўмолини олиб, тўғри ҳужрага югуриб кириб кетди.

Меҳмонхонадагиларнинг ҳаммаси жим бўлиб, қимир этмай қолдилар. Бирдан ҳужрадан Маринканинг чинқирган товуши эшилди, худди электр ургандай, ҳамма бир сесканиб тушди.

Маринка ув тортиб йиғлай бошлади. Унга қўшилиб Наташа йиғларди. Анна билан Ольга ҳужрага отилдилар-да, Наташа билан Маринкага қўшилдилар.

— Бошлашдику,— деди Андрей Могученко, қовоғини солиб.— Уларга энди битта хўроz камлик қиляпти! Бундан чиқди, Нефёдовнинг тамом бўлгани рост экан-да!

Веня ҳужрага отилиб киришдан ўзини зўрға тийиб туарди. Ёу воқиа кеча бўлгандага онаси ва опаларига қўшилиб йиғлаган бўлар эди. Аммо Венянинг чўнтагида адмирал имзо чеккан қофоз ётиди: ҳаракатдаги флот юнгасига хотинларга ўхшаб дод-вой солиш ярашадими?

Ҳужрадан Хоня чиқиб, Михаилнинг ёнига келиб ўтириди.

— Шундай қилиб, жон берибди дегин? — деб сўради кекса Могученко, хириллаган овоз билан шивирлаб.

— Йўқ! Улмайди, Пирогов жаноблари айтди...

— Бўлмаса, Маринка нимага ҳўнграб йиғлаяпти?

— Суюнганидан, дада. Лазаретга Пирогов афандининг келиб тургани Нефёдовнинг баҳти экан. Бошқа бир доктор замбилчиларга: «Уликни нимага олиб кирдинглар?» деб турган эди, Пироговнинг кўзи тушиб қолди-да:

«Жуда яхши бўпти, ўликлигида ўзим қараб чиқай. Да-ставвал, қўлдан бошлаймиз...» деди.

— Кесиб ташладими?— деб сўради юнга Могученко-тўртинчи, қўрқиб кетиб.

— Йўқ, қўли ҳам бутун қолди. Елкасидан пастроғининг суюги синган экан. Пирогов синган суюкни жойига солди-да, гипс тахтакачга олинглар деб буюорди. Тахта-качга солишаётгандা мичман ўзига келди. Бомбанинг бир парчаси бошига келиб теккан экан, шундан хуши кетиб қолган экан. Пирогов: «Ярангиз арзимаган яра экан, шу ҳам яра бўптими, йигитча!» деди. Аристонларга нимал Нефёдовни Гушчин уйига* олиб кетишишмоқчи эди...

Андрей Могученко ўзининг одатда кемада бақирадиган йўғон овози билан:

— Ҳой, хотинлар!— деб бақирди.— Қўй, ув тортмаинглар энди! Маринка, бу ёққа чиқ!

Хужрада йифи тинди, пиқир-пиқир кулги эшитилди, кейин эгачи-сингиллар худди келинни олиб чиққандай Маринкани қўлтиқлаб, тўйларда айтиладиган шўх қўшиқ айтиб олиб чиқишиди.

Ранги оппоқ оқариб кетган Маринканинг юзида табассум ўйнарди. Уни столнинг тўрига ўтқаздилар.

— Ойи, ертўладан семиз шишани олиб чиқ-чи. Келинчак матрослар билан кўк вино ичса ярашмас,— деди Ольга.

— Ро-ост,— деб жавоб берди Анна ва эшик томонга қараб юрди. Эшик тиқиллади.

— Худо яна кимни юборди экан?..

Анна эшикни очди ва кетинга тисланиб таъзим бердида, уйга янги меҳмонни киритди. Уйга гардемарин Панфилов кириб келди. Унинг матросча шинелига яп-янги мичман погонлари тақилганини ҳамма дарров пайқади. Матрослар ўринларидан турдилар.

— Қимирламанглар, қимирламанглар, дўстларим! Мени фақат бугунгина мичман этиб тайинлашди. Ўзим ҳам кутмаган эдим ва суюнганимдан чидаб тура олмадим: погон топиб олдим... Мен шунинг учун келдимки... Ҳозир лазаретда эдим. Лазаретда Нефёдов-иккинчи ётибди...— дерди Панфилов, гапдан янгишиб ва тили тутилиб.

* Савдогар Гушчиннинг бўш ётган уйига тузалмайдиган ярдорларни ётқизар эдилар.

Маринканинг юзи оппоқ оқариб кетди ва Панфиловнинг юзидан кўзларини узмай қараб қолди.

— Қўрқманг. Тирик. Аҳволи тузук. Қўли бутун қолди. Фақат бошим ғувуллайди дейди. Контузия. Мендан илтимос қилдики, бориб Маринкага...

Маринка Панфиловдан кўзини узмасдан, ўзини у томонга ташлади. Юзи чўғдай ёнар, сўнук кўзлари чарақлаган, рангсиз лаблари қип-қизарип кетган эди.

— У мендан шуни илтимос қилди: «Маринага бориб айтинг, денгиз тагида ётганни унутмасин» деди.

Қиз икки қўлини уриштириди. Бир он ҳамма ҳозир бoshини столга уриб йиглаб юборади деб ўйлади. Бунинг ўрнига Маринка севинч ичида чинқириб ўрнидан туриб кетди-да, ўзини Панфиловга ташлаб, бўйнидан қаттиқ қулоқлаб юзидан ўпди.

— Ана, айтмадимми, унинг гапига тушунишингизни билардим,— деди севиниб Панфилов.— У шуни айтмоқчи эдикি... нима демоқчилигини ўзингиз яхши биласиз. Жуда шўх-да... Унга нима деб жавоб берай?.. Шуни билиб қўйингки, сизнинг унинг ёнига боришингизни Пирогов қатъян ман этди... Биласизми, уни ҳаяжонга солиш мумкин эмас. Аммо мен бориб айтишим мумкин. Нима деб айтай?

— Жавобим шундай бўлади: «Ўлгунимча унутмайман!»

— Жуда яхши! У жуда хурсанд бўлади. Биламан. Энди хайр!

— Йўқ, жаноби олийлари, бизни хафа қилмайсиз. Қизимизни хурсанд қилдингиз, энди бизнинг нон-тузимиздан ҳам ҳазар қилмайсиз!— деб илтимос қилди Анна, меҳмонга таъзим қилиб.— Жавобни мичманга кейинроқ етказарсиз, ўлиб қолмас... Аммо, ростини айтсан, бир гапга тушунган бўлсан, ўлай агар!

— Ўтири, ўглим,— деб хотинининг ёнига тушди Андрей Могученко.— Шинелингни ечиб, қозиқقا ил. Яна' бир жуфт погонга пулинг етмаганга ўхшайди-а? Гардемарин Георгий ордени кавалери билан бир стол ёнида ўтираса, айб эмас...

Панфилов шинелини ечди-да, кираверишдаги қозиқقا илди. Андрей Могученко янгишмаган эди: гардемарининг елкасида офицерлик погони йўқ эди.

Анна ер тўладан Қримнинг қўҳна ширин виноси қўйиб қўйилган семиз шишани олиб чиқди. Стаканлар тўлдирилди, Андрей Могученко қадаҳ кўтарди.

— Кўп йиллар яшасин генерал-медик Пирогов! Ура!

— Э-ҳа-а, Пирогов кўп яхши ишлар қилди,— деди Панфилов, қадаҳдан кейин.— Бир ўзи ўн кишининг ишини қиласди-я. Академиядан келган шогирдлари ҳам шунаقا..

— Хирургиясиз медицина — бир пул!— деб овоз берди Ручкин.

— Гап хирургияда эмас, ҳисобда,— деб эътиroz билдириди Андрей Могученко.— Энг муҳими шундаки, Пирогов афанди ўғирликнинг томирини қуритди. Пирогов афанди келмасдан бурун бизнинг докторлар ва қуий мансабдаги хизматчилар солдатларнинг қонини кўриб, семириб ётар эди. Ҳисоблаб чиқса бўлади. Қrimдаги лазаретларда ҳаммаси бўлиб йигирма мингга яқин одам ётибди. Ҳар бир кишига кунига ўи беш тийиндан пул ажратилади, — ҳаммасини жамласайт кунига уч минг сўм бўлади. Шундай касаллар борки, фақат: «Сув! Сув!» дейди. Сув беришади, вассалом! Пул — лазарет ходимларининг ёнида қолади. Ҳар бир касалдан беш тийиндан қолганда ҳам табибларнинг ёнига бир минг сўм нақд пул қолади. Үлганлардан ҳам фойда қилишади: одам ўлиб кетган бўлса ҳам, рўйхатда тирик деб ёзаверадилар, негаки, харажат пули келиб туради-да. У пул қаёққа кетади? Яна ўша таги йўқ чўнтакка кетади! Пирогов афанди: «Бас! Мен бунга ортиқ йўл қўймайман! Таъзирларингни бераман!» деди. Ҳуллас калом, қисқасини айтганда, Пирогов афандим саломатлигига яна бир қадаҳдан кўтараильик!

— Бажону дил!— ҳаммадан олдин жавоб берди Митя Ручкин.

Иил охирини Севастополдагилар куннинг қишдан ёзга оғишини кутиш билан ўтказдилар. Декабрь тугай деб қолган. Халқ календарига кўра Спиридон Поворот куни, яъни янги стиль билан ҳисоблаганда 24 декабрь куни кун қишдан ёзга оға бошлайди¹¹¹. Россиянинг ўрта томонлари шаънига айтилган мақол: «кун ёзга бурилса, қиш чиллага киради» дегани 1854 йилда Кримга ҳам жуда тўғри келди: 24 декабрь куни қаҳратон совуқда Севастополда қор ёғди. Тоғлар оқарди. Йўлларнинг лойи қотди. Севастополь атрофидаги тоғ йўлларидан юриш мумкин бўлди. Қора дарёнинг юзи пиёда аскарларни кўтарадиган даражада яхлади. Қаҳратон совуқдан душман ниҳоятда қийналар

Эди. Князь Меншиковга худди табиатнинг ўзи ожизланиб қолган душманга қақшатғич зарба бериш учун яна бир қулай фурсат бергандай эди. Меншиков бу сўнгги қулай пайтни бой берди. Совуқлар пасайиб, кунлар исий бошлили. Қор юмшаб, тезда эрий бошлади. Йўллар яна лой бўлиб кетди. Севастополь болалари шаҳарда қордан қалъалар ясад, уларга штурм қилар эдилар. Ур ва жарлардан сувлар шалдираб оқа бошлади. Қора дарёнинг сатҳи кўтарилиб, муз парчаларини бухтага қараб оқизиб кета бошлади. Тоғлар қорайди, офтоб қаттиқ қизита бошлади, водийларда майсалар кўкара бошлади. Қрим қиши бирдан тугаб, иссиқ ва қуруқ кўклам бошланди.

Денгизчи талабгорларнинг Севастополдан душман позицияларига муваффақиятли ҳамла қилиб, қайтиб келишлари душманин муваффақият билан атака қилиш мумкинлигини кўрсатар эди. Бироқ Меншиков ўз қўшинининг орқа томони таҳликада қолмагунча, ийрик операция бошлашга журъат этолмади. Евпаторияга кемалардан иккита турк ва бир Миср дивизияси,— ҳаммаси бўлиб йигирма мингга яқин одам туширилди. Петербург қистовлари остида қолган ва ўзининг орқа томонидан хавфсираган Меншиков Евпаторияга ҳужум бошлашга аҳд қилди: у турклар Перекоп томонга юриш бошлайдилар, Қрим билан Россияни боғлаб турган бирдан-бир ягона йўлни кесиб қўяди деб қўрқарди. Меншиковнинг бу ҳаракати ҳужумга ўхшарди, холос. Аммо 5 февралда жуда оз кучлар билан бошланган Евпатория ҳужуми муваффақиятсизлик билан тугади. 7 февраль куни Меншиков бу тўғрида маҳсус чонар билан Петербургга ахборот юборди ва ахборотига шаҳзода Александрдан жавоб олди. Александр отасининг исмидан (Николай Павлович касал ётган эди) Меншиковни Қрим қўшинлари бош қўмондоилигидан бўшатиб, унинг ўрнига Жанубий қўшинлар қўмондони Горчаковни тайнилаган эди.

Алами ичига сиғмаган Меншиков, Горчаковнинг етиб келишини кутмасдан, қўшинларни ва Севастополни «Ерофейч»га, ўзи ёмон кўрган Остен-Сакенга ташлаб, Симферополга кетиб қолди.

Декабрда Николай Павлович Россияга қаратиб мурожаатнома чиқарган, аммо бу мурожаатномада душманга сулҳ тузиш тўғрисида шама қилинап эди. Сулҳ тўғрисида дастлабки музокаралар Венада бошланди, музокара вақтида душман вакилларидан бири: «Музокарани Севасто-

поль таслим бўлган деб ҳисоблаб, олиб борамиз» деб айтди. Бу менсимай айтилган гаплардан Севастополь душман учун ҳам урушнинг энг асосий узели экан деган маъно келиб чиқарди.

Севастополь тебранмас тоғдай мустаҳкам тураркан, на Ўнайдаги рус қўшинларининг чекиниши, на Кавказ уруш майдонида рус қўшинларининг муваффақиятлари ишни бир ёқлиқ қила олмас эди.

Меншиковнинг Симферополга кетиб, янги бош қўмон-дон Горчаковнинг етиб келиши ўртасидаги «подшоҳсизлик» пайтидан Тотлебен билан Нахимов яхши фойдаландилар. Душманнинг ҳамма атака ва ҳамлаларини Кемасозлик томонга ва асосан Малахов курганга қаратиш нияти маълум бўлди. Душманнинг бундай нияти борлигини жуда бўлмаганда шундан билиш мумкин эдик, қамал ишларининг ўнг қанотидан француздар пайдо бўлган эди.

Учинчи ва Тўртинчи бастионлар орасидан Севастополга ўриб кириш тўғрисидаги дастлабки режанинг хатолигига эртами-кеч душманнинг ўзи ҳам иқрор бўлишига Тотлебен шубҳа қилмас эди. Башарти бу бастионлар таслим бўлганда ҳам, душман шаҳарда қола олмасди: Малахов курган батареялари уни ер билан яксон қилиб ташлар эди. Корнилов бастиони шаҳарни ҳам, рейдни ҳам, Жанубий бухта тепасидан ўтган йўлни ҳам назорат қилиб турарди.

Севастополь шаҳрининг калиди Малахов курган эди.

Нахимов билан Тотлебен чап қанотда актив мудофаага ўтишга қарор беришганда, француз генераллари ҳали ҳам Севастополга Кемасозлик томондан ҳамла қилиш плани устида бахслашиб ўтирап эдилар.

Тотлебен француздарни ғафлатда қолдириб, дадил илгари силжиди-да, душман Малахов курганнинг олди томондаги тепаликнинг ёнлари ва орқа томонини ўққа тувиш учун жойлашиб олмоқчи бўлиб турган позицияларга янги истеҳкомлар қурдилар. Малахов кургандаги матрослар бу тепаликни «Қийшиқ товоң», француздар эса «Яшил тепа» деб атаган эдилар.

Февраль тунларидан бирида Қилен-балка ортида иккита янги редут пайдо бўлди, бу редутлар чап томонга, душман томонга яқинроқ жойга қурилган эди. Бу редутларга уларни қурган полклар: Волинъ ҳамда Селенга полкларининг номлари берилди. Янги редутларга

қатнаб туриш учун Нахимов Қилен-балқага кўприк қурдирди.

Француздар янги редутларни қўлга киритиш учун бир неча марта қаҳрамонона ҳамла қилиб кўришиді-ю, бироқ, натижада чиқмади. Редутлар учун жойни Тотлебен жуда усталик билан танлаган эди: редутлар тепаликнинг чўққисига, Малахов курган, бухтадаги пароходлар ва Шимолий томон батареяларнинг ўқлари тўқнашадиган жойга қурилган эди.

Шундан кейин Тотлебен француздар силжиб келаётган «Қийшиқ товоң»ни мустаҳкамлашга киришди. «Яшил тепа»га қаратилиши мумкин бўлган ҳамма замбаракларнинг ўти 26 февраль куни душманнинг шу участкадаги ишларига қаратилди.

Замбараклардан отилган ўқлар француздарни ишни тўхтатишга мажбур этди, эртаси куни тонг отарда эса француздар «Яшил тепа»да бир кеча ичида кўтарилилган баланд валларни кўрдилар. Душман бу янги истеҳкомларни дарҳол ўққа тута бошлади, аммо бу, ишга ҳалал бермади. Француздарнинг «Қийшиқ товоң»га қилган бир неча ҳамлаларини Камчатка полки қайтариб турди. Мудофаанинг бу янги пунктига унинг шаклига қараб ва полк шаънига Камчатка люнети¹⁴² деган ном берилди: истеҳком, букир томони душман томонга қараган янги кўринган ой шаклига ўхшарди.

Февраль охиirlарида бир куни эрталаб Тўртинчи бастион тўғрисидаги окоплардан бир группа француздар оқбайроқ кўтариб чиқди-да, уларнинг қаршисига чиққан рус парламентёrlарга¹⁴³ 18 февралда Петербургда император Николай Павлович ўлди деб хабар қилдилар.

Душман подшоҳ ўлими ҳақидаги хабарни тезда етказиши билан Севастополь ҳимоячилари орасига саросима солишини, уларнинг руҳини туширишни ўйлаган эди: француздар русларнинг ишларидан бехабар ва халқ Николай Палкин деб атаган Николай Биринчининг номи рус халқи учун на қадар нафратли эканини билмас эдилар.

Биринчи март куни Севастополда қўшин ва флот янги подшоҳга қасамёд этди. Петербургдан Александр Иккинчининг тож кийгани ҳақида хабар келтирган чопар янги бўйруқлар ҳам келтириди: вице-адмирал Нахимов 2-нчи мартда Севастополь ҳарбий губернатори ҳам Севастополь порти командири этиб тайинланди. «Фийбатчи чол»— ад-

мирал Станюкович Петербургдаги Адмиралтейство кенгашши аъзоси этиб тайинланган эди, у дарҳол Севастополдан жўнаб қолди. Қалъа, флот ва денгиз муассасаларининг бутун изми энди биргина Нахимовлинг қўлида бўлиб қолди. Ҳамма бундай бўлиши мудофаанинг янада яхшиланишига имкон беради дерди.

Кураш давом этарди, «қари ажал»— ўлим сира ҳормай ишларди, 7 март куни Малахов курган ҳимоячиси Истомин вафот этди. У Камчатка люнетидан курганга қайтиб кела туриб йўлда ҳалок бўлди. Адмирал траншея чўққисидан юриб келмоқда эди.

Люнет командири Сенявин Истоминга:

— Траншета тушсангиз бўларди, жаноби олийлари, бу ер жуда хавфли,— деди.

— Э, отахоним, мен аллақачон бу дунёдаи ўтган одамман. Бари бир: минг қилсанг ҳам ядродан қочиб қутилолмайсан.

Худди шундай деб турганда инглиз батареясидан замбарак отилиб, Истоминнинг бошини ядро учирашиб кетди.

Истоминнинг ҳалок бўлиши Нахимовни чуқур қайғуга солди. «Севастополь мудофааси ўзининг ҳамиша олийжасоб ғайрат ва мардона жасорат билан жўш урган энг катта ҳимоячиларидан биридан жудо бўлди,— деб ёэди Нахимов, марҳумнинг укаси К. И. Истоминга.— Корнилов бастиони ва бутун тўртинчи дистанциянинг даҳшатли истеҳкомлари ҳатто душманни ҳайратга соларди, бу истеҳкомлар энг муҳим ва айни вақтда энг ожиз пост бўлганидан унга марҳум бошлиқ қилиб тайинланган эди. Марҳумнинг сафдошлари бўлган бизлар уни Қора денгиз денгизчилари учун муқаддас ҳисобланган қабрга, унугилласада адмирал Михаил Петрович Лазарев ҳамда Севастополь мудофаасининг энг биринчи ва энг катта қурбони Владимир Алексеевич Корниловларнинг жасади ётган сағанага кўмдик. Бу жойни мен ўзимга атаб қўйган эдим, марҳумга бердим».

Саккизинчи март куни Шимол томонга янги бош қўмондон Горчаков катта штаби билан бирга стиб келди. Меншиковга ҳеч қандай штаб керак бўлмаган эди, янги бош қўмондонни эса ҳаддан ортиқ тантана-дабдабозликда айбласа бўларди: унинг штаби еттита ясанган-тусангани генералдан — штаб бошлиғи, артиллерия бошлиғи, сиёхечерлар бошлиғи, генерал-квартирмейстр,¹⁴⁴ навбатчи ге-

нерал, генерал-интендант ва, ниҳоят, ҳатто «походний атаман»дан иборат эди.

Севастополь ҳимоячилари янги бош қўмондон душманнинг тез орада Кримдан ҳайдаб чиқарилишига ишонч билдириб өўзларатан нутқини тингладилар. Горчаковга ишонмадилар, чунки унинг бекарорлигини, биринчи марта муваффақиятсизликка учраши биланоқ руҳи тушиб кетишини билар эдилар.

Янги бош қўмондон қўшинларни айланиб, улар билан чинқириб кўришиди. Унинг овозига, янги бош қўмондоннинг кўзойнак таққанига солдатлар ҳайрон бўлар эдилар. Солдатлар Горчаковга дарҳол «шапқўр» деган лақам бердилар. Денгизчилар Горчаковни бутунлай танимас эдилар ва уни, «бу — аскарларнинг иши», бизга алоқаси йўқ деб, менсимай қарши олдилар.

9 мартда французлар тўсатдан ҳужум қилиб, Камчатка люнети олдидаги ўқчи окопларни эгаллаб олдилар, эртасига эрталаб эса траншеяларга ўрнатилган замбарак, дала тўплари ва кичкина мортиralардан люнетни тор-мор қила бошладилар. Французлар артиллерия ҳимояси остида кундуз куни истеҳком ишларини олиб боришга ботиндилар ва илгариги траншеялар билан бир қаторда янги траншея қазидилар, бу билан улар бир кун олдин қўлга киритган окопларни Камчатка люнетига қарши қаратишни кўзлар эдилар, бу окоплар эса «Камчатка»дан ниҳояти юз қадамча нарида эди. Француз окопларидан тинмай отилиб турған кичкина мортиralар люнетга граната ёғдирар эди.

Мудофаанинг чап қанотидаги қўшинлар бошлиғи генерал Хрулёв билан бўлган кенгашда Нахимов билан Тотлебен кечаси душманга ҳамла қилиб ва унинг траншеяларини тор-мор қилиб, французларнинг бу қилмиши учун таъзирини беришга қарор қилдилар.

Тўсатдан қилиниши керак бўлган бу ҳамлага Хрулёв истар-истамас рози бўлди. Ҳужумга бир неча батальон пиёда аскар, ҳаммаси бўлиб олти минг киши юбориладиган бўлди. Асосий зарба Камчатка люнетидан тўппа-тўғри французларга бериладиган бўлди. Душман диққатини тарқатмоқ учун французларга қарши ҳамла қилиш билан бир вақтда инглизларнинг Учинчи ва Тўртинчи бастионларга тинчлик бермай турган икки батареясига ҳам

жум қилинадиган бўлди; айниқса Лабораторная балка деган жар ёқасидаги Гордон батареяси бастионларга кўп зараар етказар эди. Малахов курган остидаги Док жарлиги ёнбағрига қурилган батареяниг бошлиғи флот лейтенанти Будишев Гордон батареясига қилинадиган ҳужумга бошлилик қилишни ўз устига олди. Будишевнинг ихтиёрида ҳаммаси бўлиб штуцерлар билан қуролланган юз нафар ўқчи-матрос ва грек батальонининг тўртта ротаси бор эди, холос. Будишев талабгор чақирди. Волинъ полкнинг резервдаги солдатлари билан Учинчи бастионга Малахов курган матрослари талабгор бўлиб чиқдилар. Талабгорлар чақирилиб турган пайтда Тарас Мокроусенко Корнилов бастионига блиндаж қуриш учун энди хода келтириб турган эди.

Юнга Могученко-тўртинчи, қайиқсоз устами кўриб қолиб:

— Тарас Григорьевич! Пайтни бой берма! Пайти келди: инглизлар батареясидаги замбаракларнинг овозини ўчиргани отланяпмиз. Ольга сенинг андишангдан ўлиб бўлди, қиз бечорага раҳминг келсин...— деб маслаҳат берди.

— Сен кимсан ўзинг, болакай: командирмисан дейман?

— Ҳозирча менинг амалим унча катта эмас: мени мичман Завалишин ўзига йўл бошловчи қилиб олди. Док жарининг мен билмаган ери йўқ. Ҳар бир бутасини, ҳар бир тошини биламан. Матросларни айтган ерига тўғри бошлаб бораман...

— О-о, даҳшатку! Сен борсанг, майли, бора қолай. Бўпти, борганим бўлсин! Худо урсин, бормасам! Фурштатларимни қайтариб юбораман-да, ўзим сизлар билан кета вераман! Учта ерш¹⁴⁵ олиб оламан, иккаламиз, йигитча, учта замбаракнинг ичига биттадан ерш тиқамиз, бошқалар кўп ҳам кеккя бермасин! Ершни замбаракнинг ичига нима билан уриб киритадилар, болакай? Болта олиб олиш керакми ё болғами?

— Унақа асбоблар олинмасин дейилган: уларнинг батареясида метин, белкурак, болта-молталар тўлиб ётиди.

— Юксиз борар эканмиз-да. Яна яхши! Хўп, болакай, бордию ўқ-мўқ ё бомба-момба тегиб кетса, унда нима бўлади...

— Ўқ қўрқоқча тегади,— деб билармонлик билан жавоб берди Могученко-тўртинчи:—қўрқмасанг—бўлгани.

— Енингдан тегмай ўтиб кетади дегин? Яғриним жуда кенг-да. Четлааб ўтирамапми дейди-да, нақ юракка келиб ўзини уради...

Веня Тараснинг барваста, аммо ягрини кенг гавдасига қараб чиқди-да, жаҳл билан:

— Қаймоқ билан вареникни¹⁴⁶ камроқ е... Мана, мени қара, қандай озғинман... — деди.

— Худо урсин, болакай, кечгача ҳеч нима емайман. Балки сал озарман! Ундоғ бўлса, Ольга масхара қилади-да! Хўп, қачон кетамиз?

— Люнетдан сигнал берилганда.

Будищев люнетдан барабандан сигнал берилиши биланоқ, инглизлар батареясига бирданига уч томондан атака қилмоқчи бўлди: рўпарадан, ўнг томондаги Лабораторная балкадан ва Док жарлигидан ўтиб, инглизларнинг орқа томонидан атака қилишга қарор берди. Шунинг учун у ўз жангчилариин уч отрядга бўлди. Соат тўққизларга етиб қолганда найзалари қадалган штуцерлар билан куролланган ўқчи-матрослар отряди мичман Завалишин командирлиги остида Будищев батареясидан чиқди-да, Док жарлигининг кун ботар томонидан юриб, унинг чўққисига йўл олди. Энг олдинда Завалишин билан бирга юнга Могученко-тўртинчи борар эди. Улар кетидан сўқмоқ йўлдан матрослар битта-битта тизилиб, овоз чиқармай борар эдилар. Ҳаммадан кетинда ўқчилар командасининг сартароши билан бирга елкасига болта қўйиб олган Тарас Мокроусенко борар эди.

Ой бота бошлаган эди. Сутдек ойдин кечаларни дентизчилар «қора» тун деб аташади: ойнинг ёруғи тарқоқ бўлмайди, шунинг учун ерга тушиб турган ойнинг қалин кўланкасида ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Ой тоғ ортига беркинди. Юнга Могученко-тўртинчи матросларни бошлаб бораётган якка оёқ йўлдан энди ой кўринмасди. Жарнинг қалин соя тушиб турган ғарбий ёнбағридан кетаётган отрядни француzlар кўра олмас эди. Жарнинг нариги томонида, ой ёритиб турган ёнбағрида, француzlарнинг эгри-буғри қилиб қурилган траншеялари яққол кўриниб турарди. Француз траншеяларида ҳаракат борлигини сезиб, Завалишин тўхтади. Камчатка люнетидан «ура» деган қийқириқ эшитилди. Бунга жавобан француз окопларидан залплар берила бошлади. Бу генерал Хрулёвнинг люнетдан асосий атакани бошлаб юборганининг аломати эди. Француз батареяларининг замбараклари гумбурлай

кетди, траншеялардаги мортиналар овоз бера бошлади. Завалишин ўз стрядини тұхтатди. Бундай отишмада Камчатка сигналини эшишиб бўлмасди. Мичман мен ҳам бошлаб бозавераман деди-да, сигнални кутмасдан, матросларга Док жарлигининг нариги томонидаги француз скопларига залп берилсин деб буюрди. Қасирлатиб залп отилди. Француз солдатларининг иккинчи траншеядан тоғ тепасига, инглиз батареясининг ҳимояси остига қоча бошлагани яққол кўриниб турарди,— афтидан, душман чап томондан қуршовга олиндик деб ўйлаган бўлса керак. Тобора сийрак эшитилаётган «ура» садолари борган сари секинлашиб борар эди: Хрулёв солдатлари тоғ тепасига, жануб-шарқ томондаги инглизларининг «Виктория» деган редутига чирмасиб чиқа бошлаган эдилар; француздар чекинмоқда эди.

Ой қип-қизил чўғ бўлиб денгизга ботди ва сўнди. Бирдан ҳамма ёқин қоронгулик босди, Док жарининг чўйқисидан ҳеч нарса кўринмай қолди,— ой ёруғида траншеялар, тошлар, чуқурлар, кўкимтири бўлиб кўриниб турган жойлар энди юлдузлар чараклаб турган осмон фонида узунасига кетган тепалик бўлиб кўринарди. Бирдан тепаликнинг устини рангба-ранг бомбаларнинг ёруғи камалак каби қуршаб олди. Гродно батареясининг пастки ва юқори қаторлари гумбурлай кетди. Батарея Камчатка люнетини ўқса тутиб, люнет билан француз окопларининг ўртасини тор-мор эта бошлади. Инглизлар руслар бошлаган атаканинг миқёси қанча эканлигини пайқамаган бўлса керак, улар ўzlаридан хавфсирамай, француздарга мадад берар эдилар.

Завалишин матрослари милтиқларини ўқлади, отряд яна йўлга тушди.

— Жарнинг ўзинг айтган қиррасига бошла, юнга,— деди мичман Веняга.

— Сал нарида тикка кўтарилиган жой келади, жаноби олийлари. Сўқмоқ йўлдан бориб бўлмайди, «у» кўриб қолади.

— Қайси йўл яхши бўлса, шунисидан бошлай бер.

Веня сўқмоқ йўлдан жарнинг тикка пастлаб кетган томонга бурилди. Мичман билан матрослар унинг кетидан пастга туша бошладилар. Оёқларнинг тагидан шағал тошлар шириллаб тушарди. Пастликка сирғониб тushiб кет-

маслик учун ажинанинг* узуи пояларига ёпишиб, юқорига тармашар эдилар.

Бирдан уларнинг тепасидан, жар қиррасининг нариги ёғидан товушлар эшитилди. Одамлар команда берилмасданоқ ерга ётиб, жим қолдилар. Веня мичманнинг ёнига ётиб:

— Қўлга тушдик, жанёби олийлари!— деб шивирлади.

— Жим!— Мичман товушларга қулоқ бериб ёди-да, Веняга шивирлаб тушунтирди:— француз инженери ер ўлчаяпти, жар ёқаси бўйлаб траншея қазишмоқчи шекилли, улар кўп эмас. Ҳозир қайтиб кетишади. Бизни сезишмади.

Тепадан болта овози келди: болтанинг орқаси билан ерга қозиқ қоқа бошлаган эдилар. Кейин овозлар жар ёнбағридан пастликка қараб узоклашиди.

— Йўлга тушиш керак, жаноби олийлари, жарнинг тагига оз қолди,— деб маслаҳат берди Веня.— Бўлмаса, худо кўрсатмасин, яна қайтиб келиб қолади. Тур!

Мичман турди-да, Венянинг кетидан юрди. Бу бошқалар учун ишора эди. Тепалик тугади. Веня энгашиб, ишабликдан югуриб ўтди-да, ўнг томонга, чуқурликка бурилди. Чуқурликнинг таги тош зиналардан тоққа қараб кўтарилади. Бир неча минутдан кейин Веня ҳарсиллаб тўхтади. Орқадан ўртоқлари ундарди. Яқин бир жойдан, олд томон ва сал ўнгроқдан замбарак гумбурлади.

— Жарнинг қирраси— шу, сал нарида — юқори батарея,— деди Веня.

— Офарин!— деб мақтаб қўйди мичман, юнгани.

— Хизматга тайёрмиз. Аммо бир оз чарчадим. Юрагим гупиллаб уряпти.

— Дамингни ол. Биз борайлик энди, сен бизни шу ерда кутиб тур.

— Ана холос!— деб Веня хафа бўлди:— Шунча юриб-юриб энди қол экан-да! Нима, мен отнинг думини тозалайдиганманми? Буюр, «ура» деб қичқиришсин, яланг ердан чопинб ўтмасак бўлмайди.

Командир билан йўл бошловчи атрофига матрослар тўпланишиди.

— Йўқ, оғайни, бу ерда «ура» кестмайди, товуш чиқармасдан иш қилиш керак,— деб маслаҳат берди матрослардан бири.

Мичман унинг гапига қўшилди.

* А ж и на — қора малина.

— Бўлти, йигитлар, товуш чиқармасдан югурамиз!

— Югуришнинг ҳам кераги йўқ,—деди бояги кўпши кўрган матрос,—«унга»ча ҳали уч юз қадамча келади. Чопсак «у» дарров кўриб қолади. Секин-секин, шошилмасдан бемалол юриб бориш керак, ўзимизнинг одамлар деб ўйласин. Сен, жаноби олийлари, юнга билан бирга олдинга ўт, у билан французча гапиришиб бор, бизни французлар деб ўйласин. Яқин қолганда Алёна*ни чақирамиз.

Матрослар орасида секин кулги кўтарилиди.

— Шундай қылсак яхши бўлар,—деб рози бўлди мичман.— Демак, дўйстларим, бемалол юриб бора верамиз, кейин овоз чиқармасдан устига ёпирилиб найза санчамиз. Тамом! Кетдик.

Завалишин Венянинг қўлидан ушлаб олди, қиличини яланғочлади-да:

— Олга!..—деб команда берди.

Матрослар иккита-иккита бўлиб, тепаликдан инглизлар батареяси томонга бемалол юриб борар эдилар, одинда Веня билан мичман борар эди. Батарея ўқ узиб турарди. Тўплар отилган пайтда батареяда пиёда аскарларнинг йўқлиги, фақат артиллеристларнинг ўзи шошилмасдан, бемалол ишлаб тургани кўринар эди. Артиллеристлар тўплар атрофида фонис кўтариб юардилар.

Батареяга эллик қадамча қолди. Мичман Венянинг қўлини маҳкам сиқиб, тилига келган нарсани гапира бошлади:

A quoi bon entendre
L'oiseau du bois?..

— Қаёқقا? Ҳов анови томондаку! Чиқ! Дубу дай!— деб дадил жавоб берди юнга, француз тилида.

L'oiseau le plus tendre
Chante dans ta voix**.

Веня жавоб беришга улгурмади.

— Qui vive?***— деган инглиз соқчисининг ховотирли товushi эшитилди.

* Allons nous! — атакага борувчи французларнинг ҳайқириғи.

** «Урмон күшининг куйини тинглаб нима қиласан? Овозингнинг ўзи ажойиб қушдан қолишмайди-ку»— В. Гюгонинг шеъридан.

*** Ким у?

— France vous regarde*, — деб жавоб берди мичман, парольга, таҳдид қилемоқ учун эсига желган дастлабки сўзни айтиб.

Мичман Венянинг қўлини қўйиб юборди-да, қиличини ўйнатиб олдинга қараб отилди. Матрослар пишқириб нафас олиб, мичман кетидан батареяга югурдилар. Веня чопиб кета туриб қоқилиб йиқмлди. «Ётавер, қимирлама! Бўлмаса ўласан!» — деб ўзини ўзи ундарди Веня, батареядан даҳшатли овозлар, ҳайқириқлар, инграш ва яроқ-аслаҳаларниг шарақлашини эшитиб ётиб.

Кўп ўтмай жимлик чўмди. Матрослар бир марта ҳам ўқ узмасдан, ҳамма тўпчиларни ва командирларни найза билан тамомлаган эдилар.

Веня бошини кўтариб қаради ва қўрққанидан чинқириб юбориб, батареяга югурди: назарида, худди қоронғу зимистонда бирор елкасидан тортаётгандай бўларди.

Ур-ийқит вақтида бутун қолган фонисларни кўтарган матрослар ўлгайлар орасида ивирсиб юришар, уларнинг яроқ-аслаҳаларни ечиб олар эдилар. Матрослар блиндажларга ҳам кириб олган ва стойкалардаги штуцер ва патрон халталарини йиғиштириб олар эдилар.

— Тўплар қулатилсин! — деб буюрди Завалишин.

— Э, аттанг, ерш олмай җелибман. Ишнинг бундай бўлишини билганимда... — деб жавоб берди матрослардан аллаким.

— Нега олмай келардик, — деган Мокроусенконинг овози эшитилди, Венянинг қулоғига, — мана, учта ерш. Тарас шуни деб келди-да бу ерга!

Веня Мокроусенконинг овози эшитилган томонга югурди... Қайиқсоз, запалнинг тешигини қидириб, замбаракнинг ўқланадиган жойини пайпаслаб турарди.

— Қаёққа йўқолди? Оғайнилар, буларнинг замбаракларининг тешиги йўқ-ку!

— Ёнида! Буларники ёнида бўлади! — деб қичқирди Веня.

— Ҳа, ҳа, топдим! Раҳмат, йигитча! — деб жавоб берди Мокроусенко, тўпнинг ичига ерши болта билан уриб кирита туриб. — Оғайнилар, ким ерш олиб келганини ва замбаракнинг ичига тиққанини кўриб қўйинглар: мен Тарас Мокроусенко бўламан!

* Французниг умиди сизларда

— Бир чекиб олишга рухсат этинг, жаноби олийлари... Кейин уйга қайтсак ҳам бўлади...

— Мумкин! — деб жавоб берди мичман.— Қўлимдан ярадор бўлдим.

— Сартарош! Буёққа кел! Жаноби олийлари ярадор бўптилар.

Сартарош югуриб келиб, мичманинг чап қўлини боғлаб қўйди: тирсагининг юқоририғини найза тилиб кетган эди.

Пастликдан, учинчи бастион тарафдан милтиқ овозлари портлаб эшитила бошлади.

— Бизнинг грекослар ҳужум бошлади. Чап томондан ҳам отишмоқда... Бирюлев Яшил тоққа чиқа бошлаган бўлса керак...

Матрослар батарея валининг устига тўпландилар. Кимдир бирор Веняни брустверга миндириб қўйган эди, ўнг ва чап томонлардан милтиқ залларининг хира ёлқинларини кўрди. Инглизларнинг минг қадамча пастда ва олдинда турган қуйи батареяси Ланкастер замбаракларидан учинчи бастионни ўққа тутарди. Батареядаги фонисларнинг милтиллаб у ёқдан-бу ёққа юриб тургани кўринарди. Пастки батареядаги инглизлар юқори батареяларидаги ҳималар бўлаётганидан хабарлари йўқ эди. Учинчи бастион инглизларга жавоб бермас эди, Севастополнинг то денгиз бўйигача тизилған ва қоронгуда кўзга кўринмайтган батареялари ҳам жим тураган эдилар. Шаҳарда ва рейдда сийрак чироқлар милтилларди. Ундан нарида, қоп-қоронғу ер тепасида баланд денгиз кўкрагини кериб ётарди. Буларнинг ҳаммаси Венянинг эсига ўтмиш кунларни соларди,—бу тоғ тепасига дим уйдан қочиб қутулиш учун июль кечалари Могученконинг бутун оиласи тез-тез келиб тураган эди...

— Нега хўрсиидинг, юнга? — деб сўради Венядан, ёнида турган бир киши.— Кимга ачинасан?

— Ўзимга,— деб жавоб берди юнга.

Матрослар ўзаро секин-секин гапиришиб турар эдилар.

— Пастда милтиллаб турган чироққа бир залп берсак, сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетарди-да!

— Бориб етмас дейман!

— Нега етмас экан. Жаноби олийлари, бутун борт замбаракларидан қуйи ярусга залп беришга рухсат этинг,



15 Малахов курган

— Қўйинглар, оғайниар! Билиб қолиша, ишимиз чатоқ бўлади. Усиз ҳам ишимиз жойида бўлди.

— Унчалик жойида деб бўлмайди: ана, Федя Бабунинг боши пачақланиб ётибди...

— Уйга қайтганда санаймиз!

Пастдаги инглиз окопларида ва чап томонда сурнайлар тревога чала бошлади. Орқа томонда, олисда,— Канробер редутида бўлса керак, трубалар янграй кетди.

— Жўнаб қолиш керак!— деб буюрди Завалишин.— Асбоб-анжом олинмасин, йўлимиз олис.

— Рухсат этинг, жаноби олийлари, болтамии инглиз болтасига алиштириб олай, хотира учун,— деди Мокроусенко.

— Алиштира қол. Отланинглар, йигитлар. Ишни бажардик.

Матрослар батареядан жарликка илдам чопиб туша кетдилар. Матросларнинг кўпи елкасига иккитадан мильтиқ кўтариб олган эди, бундан Веня, батарея олдида қолган фақат Федя Бабунов эмаслигини пайқади.

Веня билан Мокроусенко олдинга ўтиб олган эдилар. Юнганинг таъби хира эди.

— Сен жуда бўлмаса болта оливолдинг, мен икки қўлим бўш қайтаётибман.

— Нега бирон нарса олмадинг, йигитча?

— Бутун иш тез бўл, тез бўл билан ўтди-ку!

Отряд Док жарига тушди-да, жар тагидан ўтган Севастополь йўлидан кетди. Юқорига чиқаётганларида, бор ерга ётиб, беркинган тик тепаликка етганларида, жар тепасидан пойма-пой мильтиқ овозлари эшитилди. Хавфли жойдан чопиб ўтдилар-да, французлар ташлаб кетган траншея ёнида дам олгани тўхтадилар.

— Жаноби олийлари, рухсат этинг, йигитча билан иккимиз тўғри Камчаткага ўтиб кетайлик, юнгамиш онасини соғиниб қолибди. Ҳа, эсингииздан чиқмасин, жаноби олийлари, биз икковимиз, яъни Могученко-тўртинчи билан мен Мокроусенко Тарас,— уч замбаракни парчинлаб ташладик, ҳар биримизга бир яримта замбаракдан тўғри келади!

— Раҳмат, Мокроусенко. Эсимдан чиқмайди. Энди бор уйингта, юнга. Кўрсатган хизматинг учун сенга ҳам раҳмат.

— Саломат бўлинг, Тарасни унумтманг. Башарти мукофот чиқиб қолса, ўртоқлар, бир кварта арақ мэндан.

Матрослар кулишди.

Мокроусенко билан Веня тоғ ошиб, тұғри Камчатка люнетига кетдилар. Французлар ташлаб кетгандын ги траншея ичида мис мортиркага дуч келдилар.

Мокроусенко тұхтади-да:

— Ана, сенга ҳам ўлжака топилди, йигитча,— деди.— Хоҳласаңг, мен сенга мис итни тақдим этаман. Малахов курган тепасидан туриб акиллаб турсин...

— Тақдим этаман эмиш: мен буни қандай күтариб кетаман...

— Тарас бу ерда нима қилиб турибди?

Мокроусенко мортиркани ёғоч станогидан уриб чиқарди-да, болтани Веняга бериб, мортиркани ўнг елкасига даст күтариб қўйиб, Камчатка люнети томон тоқقا қараб чиқиб кета бошлади. Веня севинчи ичига сифмай, унинг кетидан зўрга етиб борар эди.

Эрталаб Камчатка люнети олдидағи кенг ялаиглик худди чамандек гуллаб кетгандың ўхшарди: тунги жангдан кейин бутун дала ҳалок бўлғанларнинг усти-бошлари билан қопланганди; кўк курткалар, қизил чалворлар, мундирлари ечиб олингандарнинг ички оқ қўйлаклари, нам ўтмайдиган сариқ плашчлар,— бу ранг-баранг кийимлар корамтири-яшил тепаликларни гуллаб турган лолазор қилиб юборганди. Ўлик рус солдатларининг жулранг шинелларини бутун далани қоплаб ётган тошлардан ажратиш қийин эди. Аммо кулраңг тошларининг баъзилари бирдан қимирлаб қолар, ярадорлар бирдан ҳушга келиб, ётган ерларидан турар, қўлларини кўтарар, яна ерга йиқилиб, ўз томонларига силжишга уринар эдилар. Балки улар нажот истаб овоз берәётгандир, аммо канонада гумбурлашидан уларпинг товушлари эшитилмас эди. Қечаси бошланган отишма эрталаб янада авжга чиқди. Гордон билан Чапманларнинг тунда тор-мор этилган инглиз батареялари овоз бермасди, улар кетидан бошқаларнинг ҳам овози тинди. Французлар ва инглизлар ҳамма замбаракларнинг ўтини Севастополь мудофаасининг чап қанотига қаратдилар. Камчатка люнетига, Килен-балка ортидаги редутларга ва Малахов курганга минглаб снаряд ёғилиб турарди. Душман қечаси кўрган талафоти учун энди аламдан чиқмоқда эди.

Тунги ҳужум жуда муваффақиятли чиқди. Бастионларда, казарма ва штабларда тунги жанг ҳақида дув-дув

гап, баҳслар борар эди. Меншиков даврида нуқул мағлубиятга учраб келган пиёда аскарларнинг ҳардлиги ва ҳужумда матонат кўрсатганлиги Горчаковни ва ушинг генералларини ҳайратда қолдириди. Тунги жанг тафсилоти энди, кундуз куни, жанг иштирокчиларининг айтишига қараганда, бундай эди: солдатлар Камчатка люнети қаршисидаги окопларнинг биринчи линиясидан зуавларни уриб чиқариб, дўлдай ўқ ёғилиб туришига қарамасдан. Қочиб кетаётган душман билан кетма-кет босиб, траншеяларга бостириб кирганлар. Даҳшатли найзабозлик жанги бошланган: наизалар ва милтиқ қўндоқлари билан уришган, траншеяларниң тагига беркиниб олганларнинг устига паралептлардаги тур ва тошларни қулатганлар, айни вақтда сапёрлар француузлар ўзлари учун қисман тузатиб олган олдинги окопларни тузатишга киришганлар.

Кейинроқ душманинг шу кечада Камчатка люнети ва Килен-балка ортидаги редутларга ўттиз минг аскари билан атака қилмоқчилигини билиб қолдилар. Генерал Хрулёв атаканинг олдини олиб, ўзининг ихтиёридаги ҳамма кучларни жангга ташлади. Француузлар биринчи паралелга чекиндилар.

Камчатка полкининг солдатлари траншеяларга бостириб кириб, ҳамма тўпларни ағдариб ташладилар. Шу вақтда Будишчевнинг денгизчилари учинчи бастион пастидаги окоплардан инглизларни уриб чиқариб, траншеяларни кўмиб ташладилар. Завалишин Гордоннинг юқори батареясини қўлга киритди. Лейтенант Бирюлев қўл остидаги матрослар Яшил тоғда инглизларни Чапман батареясининг орқа томонига сурив бориб, ундаги замбаракларни парчинлаб ташладилар.

Хрулёв тунги жанг олдига қўйилган мақсадга эришилди деб ҳисоблаб, чекинишга буюрди, бироқ буни бажариш мумкин бўлмади. Қизишиб кетгани солдатлар отбой сигналларига ҳам эътибор бермас эдилар (улар бу сигнални француузлар бераётитти деб ўйлар эдилар): француузлар кўпинча шунақа найранг ҳам қиласар эдилар. Қочиб кетаётган ёвни таъқиб этаркан, солдатлар инглизларнинг Ланкастер батареяси билан француузларнинг Канробер редутини қўлга киритмоқ учун зўр бериб Док жари билан Килен-балка ўртасидаги тепаликка интилар эдилар. Ҳужум қилувчиларни тўхтатиш учун Хрулёв ўзининг ҳамма ординар ва адъютантларини ҳар ёқса тарқатди: башарти француузларнинг резервда турган ниҳоятда

кўп аскарлари ишга аралашса, ҳужум қилувчиларнинг бари қирилиб кетган бўларди. Ниҳоят тонг отарга бориб ҳужумкорлик ғайрати сўнди, қўшиплар ярадорларни кўтариб, артиллерия, редутлар ва бастионларниң ҳимояси остига чекина бошладилар. Ярадорларнинг ҳаммасини олиб кетиб бўлмади. Шу сабабдан 11 март куни Севастополдан парламентёр юборилди, парламентёр тирикларни сақлаб қолиш ва жанг майдонида ётган ўликларни кўмиш учун яраш тузишни таклиф этди. Яраш 12 марта нинг туш пайтига тайинланди.

10 марта бўлиб ўтган жанг учун мичман Завалишининг ўқчилар командасига учта Георгий крести билан, сафдан ташқаридагиларга учта медаль ажратилди.

Буни эшитиб Мокроусенко ўйланиб қолди. Завалишин қўйл остида ўтган тунги жангда сафдан ташқаридагилардан уч киши: Мокроусенко, Могученко-тўртинчи билан сартарош қатнашган эди. Учала медалининг шу уч кишига берилиши турган гап, бироқ Мокроусенко крестга умидвор эди, медаль хабари чиққунча вақти ҳуш бўлиб юаради. Ховотирлигини босиши учун ишхонада верстак ёнида туриб, Могученко-тўртинчининг «митти ит» тўпи учун дуб ёғочидан уч фидиракли станок ясад берди. Ўзи ясаган нарсага маҳлиё бўлиб қарапкан, Мокроусенко ашула айтарди:

Ай, анави тепа ортида
Ишлашар ўроқчилар,
Тепапинг нақ тегроғида —
Казаклар шаҳдам келар.
Гетман Дорошенко шоввоз
Келар лашкарни бошлаб,
Лашкарлари жуда ҳам соз.

Мокроусенконинг дурадгор шогирдлари арра ва рандаларини қўймасдан, ашулага жўр бўлдилар.

Ишхонага юнга Бобёр кириб келди-да, овозини ашулачиларнинг овозидан ҳам баланд қилиб:

— Севастополь портининг сафдан ташқари солдати қайиқсоз уста Тарас Мокроусенко тезда ўттиз тўққизинчи флот экипажининг штуцерчилар казармасига етиб борсин! — деб қичқирди.

Мокроусенко: «Нимага?» деб сўрамоқчи бўлиб энди оғзини очган эдики, юнга орқасига бурилиб, эшикни тақ

этіб ёпіб чиқіб кетди. Ашулачилар жим бўлиб, арраларни, рандаларни қўйиб, ишдан тўхтадилар.

Мокроусенжо станок фидиракларини тери билан ишқалаб турган ишини йигиштириди, фартугини ечди-да:

— Йигитлар, мен ўз ишим билан кетдим. Ҳамма ўз ишини қиласверсін, мен келгунимча ҳеч ким бекор турмасин,— деди.

— Тарас Григорьевичи табриклаймиз!— деб қичқирди шогирдлар.— Табриклаш керак!

— Раҳмат! Ҳозирча, табриклашга арзийдиган гап йўқ. Хўп, мен кетдим.

Мокроусенко «мис ит»га атаб ясагаи станокни елкасига кўтарди-да, Веня билан маслаҳатлашгани Малахов курганга кетди. Яраш бўлиши муносабати билан кемасозлик томон жимжит эди. Суқунатдан хавфсираган чумчуқлар маржон буталар орасида шовқун-сурон билан мажлис қуриб, нима сабабдан шаҳарни жимжитлик босганилигини муҳокама қиласр эдилар. Қўраларда хўроллар қичқиради. Осмонда загчалар ўзларини ҳар ёнга уриб учарди. Бақатеракларда ва бомбалар хароб этиб кетган денгиз госпиталида ўтирган қарғалар худди куз фаслидагидек, бирдаи қўзғалиб, шовқун солиб осмонга учиб чиқар ва кўклам фаслидагидек бир-бирлари билан осмонда ўйнашар, кейин худди командаға бўйсунгандек, ҳаммалари бирдан чап қанотлари билан ағдарилиб, яна осмонга учиб кетар эдилар.

Анча қизита бошлиған қуёш тип-тиниқ осмонда кўзни қамаштиргудек чақнарди.

Малахов курганга етиб келгач, Мокроусенко юнгани бастионнинг бурган ўтлар босиб ётган бир бурчагидан топди. Веня тиз чўкиб олиб, мортиркани едирилган гишт билан ўбдон ишқалаб ўтиради. «Мис ит» ялтиради.

— Бу ёққа қара, йигитча, замбарагингга станок олиб келдим.

— Тайёрми? Э, раҳмат, минг раҳмат! Бобёр ҳадеб: «Станоксиз замбарак ҳам замбарак эками!» деявериб жонга тегди.

Веня севиниб кетди. Икки кишилашиб мортиркани станокка қўндиришди-да, устидан маҳкамлаб беркитиши. Тамомила ускунадан чиқсан «ит» энди худди янги туғилган кучук боласи онасига ўхшагандай, беш пудли катта замбаракка ўхшарди.

— Ана, йигитча, бир қара итваччангга! Жудаям қутуриб акилласа керак дейман! — деб мақтарди Мокроусенко, кичкина замбаракнинг устини силаб.

Веня бир сўз дея олмасдан, ўзининг «лайча»сидан кўзини узмай маҳлиё бўлиб қараб турарди.

— Хўш, Бобер сенга ҳам повестка олиб келдими, йигитча?

— Бўлмасачи! Келиб кетди, казармага бор деди...

— Мени ҳам айтиб кетди. Сиз нима дейсиз, юнга, нима балога боришимиш керак экан?

— Сизга айтмадими? Менга айтди: менга медаль беришмоқчи! Сизга ҳам. Сиз билан биз сафдан ташқаридамиз-ку.

— Ҳа-ҳа-а! — Мокроусенко аламдан томогини қириб қўйди, ходага ўтириди-да, трубкасини майда тамакига тўлдириб, чека бошлади.— Медаль? Ҳали шунаقا бўпти-да. Ўзингизга маълумки, йигитча, ақлингиз етади: агар мен кўкрагимга медаль тақиб борсам, Ольга Андреевна масхара қилиб кулмайдими?..

— Ҳа, шундай бўлиши ҳам эҳтимол — унга кулги бўлса бас,— деб унинг гапига қўшилди Веня.

— «Хи-хи-хи,— деб Ольгага тақлид қилиб кулган бўлди Мокроусенко.— «Георгий» оламан деб мақтаниб эдинг. Медални мишиқи болага ҳам бераверади» демайдими!

— Қха-қха!— Могученко-тўртинчи унинг бу гапига ҳам қўшилди.

Тарас Григорьевич шошиб қолди:

— Тағин сизни айтиаётидими деб ўйламанг. Асло! Худо сақласан. Сиз, юнга, бошқачасиз, бошқаларга ўхшамайсиз. Масалан, Боберни олайлик, югуриб келдио, мишиқи, гапни тузукроқ ҳам тушунтириб айтмай, чапга бурилиб, иштонини ҳилпиратиб чиқди-кетди... Сиз унақа өмассиз, юнга. Мен ўша Боберга ўхшаган мишиқилар билан гапиришмасдим ҳам. Сиз ақлли боласиз. Ўзингиз айтингчи, ўтиниб сўрайман сиздан: мастеровой одам сафдан ташқари деб, унга крест берилмаслиги тўғрими? Ана, Павел Степанович Нахимов бир аристоннинг кўкрагига «Георгий» крестини ўз қўли билан тақиб қўйди. Эшитгандирсиз?

— Қхм-қхм,— деб йўталиб қўйди Веня.

— Нима бало томоғингиз қичишиятими, юнга?

Веня қаттиқроқ йўталди-да, савлат билан туфуриб:

— Павел Степанович хоҳлаган одамига крест тақиб қўйишга ҳақи бор,— деб жавоб берди.— Менинг батареяга бостириб кирганимни ўз кўзи билан кўрганда, менга ҳам албатта крест берарди, аммо Павел Степанович кўрмагандан кейин, кимга крест, кимга медаль бериш кераклигини ўртоқларимизнинг ўзи ечади. Балки улар бўлган ҳамма ишни назарга олиб, сизга крест беришар... Ахир, сиз замбаракни парчинлаб ташладингиз!

Мокроусенко бироз ўйлаб туриб:

— Бундай бўлса, борсак ҳам бўлади,— деди.

Юнга айёрлик билан жилмайди ва Мокроусенко сингари хаёлга ботган киши қиёфасига кирди-да:

— Бориш-бормаслигимни билмайман,— деди.— Сизнинг ишингиз-ку жойида-я. Сиз тўғрингизда дадам билан маслаҳатлашдим, Тарас Григорьевич. Дадам: «Медаллар ҳам ҳар хил бўлади, баъзи медаль крестдан ҳам қолишмайди» дейди. Дадамнинг битта медали бор — устига олтин югуртирилган, қизил лентали медаль, медалнинг юзидаги қизил доира ичига крест шакли солинган... Орден билан баравар деса бўлади. «Аммо сенга,— менга қаратиб айтади дадам,— авлиё Анна медалини беришмайди» дейди. Мен шунда: Тарас Григорьевичга шу медалдан тегса эди. деб ўйладим.

— Медални нима қиласиз, бошингизга урасизми, юнга?

— Дадам: сен билан,— қхе-қхе!—Мокроусенкога яна қачон медаль тегиши номаълум, дейди. Севастополь учун энди медаль чиқаришмоқчи, дадамнинг медалига ўхшаган медаллар ҳозир ҳам берилади. Тоҳкли! Лентали медаль! Устига яна юз сўм кумуш пул қўшиб беришади. Мазал Мен нима қиласман бориб? Менга аталган медаль ҳали дунёга келмаган. Мана, дарров медални кўкрагингга тақиб қўйишар деб, ойим тўғноғич берган эди, сиз ола қолинг, Тарас Григорьевич.

— Эҳ, йигитча, ким бўлишингизни билмайман: ё муттаҳам бўласиз,— Мокроусенко тўғноғични бушлатининг ёқасига тўғнаб қўйди ва бироз ўйлаб туриб, давом этди:— ё, худо билади, ким бўлишингизни. Бориш керак. Керак бўлса — бораверамиз. Лайчангизга ҳеч ким тегмайди, юнга.

Веня бултурги бургандан бир нечта тупуни юлиб олдида, ялтираб турган мортирка ўтган-кетганинг ҳавасини көлтирмасин деб, эҳтиётдан, устини берқитиб қўйди.

Юнга билан қайиқсоз кургандан тикка сўқмоқ йўл орқали пастга тушдилар-да, док томонга қараб йўл олдилар.

Флот штуцерчилари командаси портнинг бўш ётган бир складида турар эди. Уч сидра темир эшиклар ланг очиқ эди,— складда дераза деган гап йўқ. Складнинг эшиклари бухтага қаарди. Зумраддай товланиб турган сувдан тарвуз ҳиди келиб турарди. Қирғоқнинг гранит девори остида чайқалиб турган лихтерлар¹⁴⁷ бир-бирларига тегиб рижирлар, мачталарининг учлари эса осмонга бўй чўзган эди.

Юнга билан бирга склад томон келаркан, Мокроусенко йироқдан хушчақчақ ҳангома ва ҳушвақт кулги овозларини эшитиб қолди. Улар ичкарига киришлари билан ҳамма жим бўлди. Ёрудан кирган Веняга ичкари жуда қоронғу бўлиб кўринди.

— Йие! Менинг оёғимни сақлаб қолган бола-ку!— деган овозни эшитди Веня; бу овоз Веняга таниш кўринди.— Кел, юнга, ёнимга ўтири...

Веня кўча ёруғини йўқотиш учун кўзларини чирт юмди, кейин очиб, шифти пастак кенг бинони кўрди: шифтни йўғон-йўғон темир ходалар тутиб турарди. Ходалар устидаги икки капитар юриб турарди, бири нуқул ғувулларди. Ўрта эшик олдида, тўрда— усти ёпилмаган стол. Стол ёнида, бомбардимон бошланган куни Веня билан Наташа Малахов курган ёнбағрида порох тутуни ичидаги учратган, майиб оёғини боғлаб, муздек шўр қудуқ суви ичириб, уйларига олиб келган боцман Антоновнинг ўзи ўтирап эди.

— Салом, Антонов амаки!

— Сен ҳам саломат бўл. Кел, ёнимга ўтири! Сен ҳам ўтири, уста, агар бўш жой топсанг...

— Салом, ўртоқлар!— деди Мокроусенко.— Тикка турганлар бор экан, мен ҳам тикка турсам, ҳеч нарса қилмас!

— Мукофот кавалерига ҳамма вақт жой топилади!

Скамейкалардан бирйда матрослар сиқилишиб, жой бердилар, Мокроусенко скамейка четига ўтириди, Веня Антоновнинг ўнга ёнига бориб ўтириди. Боцман юнгани оёри билан туртди:

— Оёғим бутунлигини кўрдингми? Ўшанда кесдирмаганинг яхши бўлган экан.

— Мен сизни ўшанда ҳазиллашаётисиз деб ўйловдим, Антонов амаки.

— Ҳазил қаёқда... Ҳазилнинг вақти эдими... Ҳўш, матрослар, энди ҳамма кавалерлар тўпланиб бўлди. Муҳокама қиласизми... ё бошқача...

— Муҳокама! Муҳокама бўлсин! — деб ҳар томондан жавоб беришди матрослар.

Столда, Антоновнинг олдида, кичкина рўмолча устида ётган қофозга Венянинг кўзи тушиб қолди.

Боцман кафтини шу қофознинг устига қўйиб, сўз бошлади:

— Мана бу қофозга «Старший адъютант Леонид Ухтомский» деб ёзилган ва имзоланган, нимага десанглар адмирал Нахимов мукофотларни кимга беришни муҳокама қилиб чиқиши ва мукофот олганларнинг рўйхатини порт бошлиғи ва ҳарбий генерал-губернатор жаноби олийлари вице-адмирал Нахимовга топшириши буюрган... Шундайми? Шундай! — деб ўзига ўзи жавоб берди Антонов.— Демак, нестроевойлар учун учта медаль ажратилган, строевойлар учун эса учта крест ажратилган. Нестроевойлардан бошлаймиз. Медаль — учта, жангда қатнашган нестроевойлар ҳам учта. Шундайми? Шундай! Ҳар бирига биттадан медаль. Муҳокама қиласизми?

Жимлик чўқди. Фақат капитарнинг ғувуллаши билан лихтёрларнинг бир-бирига тегиб ишқаланиши ва ғижиралиши эшитиларди.

— Ҳўш, нима дейсизлар, ўртоқлар?

Ахир бир бурчакдан аллакимнинг якка овози эшитилди:

— Муҳокама қиласиз!

— Муҳокама қиласиз! — деб давом этди боцман.— Расм-қоидаси билан-а? Қичиклардан бошлаймиз. Ҳў-уш. Ўттиз олтинчи флот экипажининг юнгаси Могученко-тўртинчи!

— Есть! — деб жавоб берди Веня, ўрнидан иргиб туриб.

— Март ойининг йигирма иккинчи кунида бўлиб ўтган жангда йўл бошловчи бўлиб қатнашган,— деб бошлади боцман, худди қофоздан ўқиб бераётгандай.— Одамларни керакли жойга олиб борган. Ёнида қуроли йўқ эди. Юнгада қурол бўлмайди ҳам. Шундайми? Шундай! Ўзи яхши бола. Бултур ёзда, биринчи марта бомбардимон бўлганда, менинг майиб оёғимни кесиб ташла, деб илтимос қилганимда, кесиб ташламаган эди, кесиб ташлаганда эди, бутунлай бўшаб қетган ва ўлгунимча ёғоч оёқни тиқилла-

тиб юрган Сўлардим... Жангда ўзининг садоқатли ўртоқ ва довюрак эканлигини кўрсатди!

— Мичман билан французча ҳам гапиришган,— деди аллаким.

Матрослар хахолаб кулиб юбориши.

— Демак, Могученко-тўртинчига медаль берилсин деб ёзамиз. Шундайми? Шундай... Мирза, ёзиб қўй!— деб гарини тугатди Антонов, гарчи ҳеч қанақа мірза бўлмаса ҳам.— Ёзйлди!— деди, гарчи ҳеч ким ҳеч нарсани ёзмаган бўлса ҳам.— Тўғри ҳукм қилдикми, ўртоқлар?— деб сўради Антонов.

— Тўғри!

— Тартиб билан буёғини давом эттирамиз. Нестроевийларнинг иккинчиси — батальон сартароши Пётр Сапронов. Ёнида ҳамма асбоблари, яъни устара, совун, спирт, увада ва бинтлар солинган сумкаси бор эди. Мичман Завалишинининг қўлини боғлаб қўйди. Ўлганларни ўлганга чиқарди, ярадорларни душман қўлига ташлаб келмаслик учун. Шундайми? Шундай! Қаисан, ҳой, Сапронов!

Бир бурчакдан:

— Бу ердаман...— деган овоз зўрға эшишилди.

— Бу киши оёқда туролмайди, Василь Семёнич, севинганиларидан байрам қилиб юборибдилар.

— Вої лаънати! Бир соатгина сабр қилсанг бўлчамиди... Бошқа вақт бўлганда-ку, боцманча қилиб сўкардим-а, аммо ҳозир улуф бир он бўлгани учун мен сенга, сўлохмои, пияниста, ўтарчи, флот сартароши бўлмай қолтур, мен сенга биронта ширин сўз демайман. Сенга медаль тегиши керак...

— Бўлмасамчи!— деб овоз берди сартарош.— Албатта медаль тегиши керак...

— Шундайми? Шундай! Мирза, ёз. Тўғри ҳукм қилиндими, ўртоқлар?

— Тўғри! Тўғри!

— Хафа қилдингиз, Василь Семёнич!— деб бақирди узоқдан туриб Сапронов.— Хушёр одамни халойиқ олдида пияниста қилиб кўрсатасиз.

— Жим!— деб Антонов бир бўкириб берган эди, кантарлар ҳуркиб кетганидан шифт тагида типирчилаб қолди, кейин қанотлари билан ҳуштак чалиб, очиқ эшикдан ташқарига учуб чиқиб кетди...— Давом этамиз. Учинчи нестроевой қайиқсоз уста Тарас Мокроусенко.

— Есть! — деб жавоб берди Мокроусенко, ўрнидан туриб.

— Узи талабгор бўлиб борган,— деб худди хат ўқиб бераётган одамдай, бийрон гапира кетди Антонов.— Ённида қуроли йўқ эди, бунинг учун койиб қўйишим керак. Сен сайир-тамошага борганинг йўқ. Узи билан учта ерш олиб борган, сиз бўлсангиз, оғайнилар, буни унутған-сизлар, шўпинг учун сизларни ҳам койиб қўйишим керак. Замбаракларни парчинглаб беркитиб ташлаган. Медаль бериш керак. Шундайми? Шундай! Мирза, ёз. Ёзилди.

Мокроусенко уч тарафга эгилиб таъзим берди.

— Раҳмат, ўртоқлар, раҳмат! Уч кварта биздан...

Матрослар шовқун кўтарди, баъзилар кулар, баъзилар сўқинар, яна бошқалари ҳуштак чалар эди, афтидан, «уч кварта» деган сўз, ҳамманинг иззат-нафсига теккан ва хафа қилган эди. Мокроусенко худди мукофотдан ё бундай шовқун кўтарганидан суюнган одамдай, билдирар-бильдирмай кулимсираб қўйди.

Юнга бу шавқун-сурондан фойдаланиб, боцманнинг қулогига:

— Антонов амаки! Унга крест бериш керак... Бу Ольганинг, яъни менинг опамнинг қайлиғи-ку... — деб шивирларди.

— Крёст бериш керак дейсанми? Мен бераётганим йўқ, ўртоқлар бераётиди. Уртоқлардан сўраб кўрайлик...

Боцман юнганинг шивир-шивирини бир қулоги билан тинглаб, бошини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга буриб, матросларнинг юзига тикилиб қарап эди. Матросларнинг баъзилари: «Бериш керак!» деб қичқирса бошқалари: «Бериш керак эмас!» деб қичқирар эди. Уч бурчакдан уч киши ҳаммаси бирдан Мокроусенкога қараб бақирав эди, улар уни сўкишяптими ё қўллаб-қувватлашяптими — билиб бўлмасди. Матрослар йигинининг бу шовқунига бегона одам сира ҳам тушуна олмаган бўлар эди. Бу йигин муҳим бир масала юзасидан қий-чув кўтарилиган ва бегона одам сира тушуниб етолмайдиган қишлоқ йигинига ўхшарди. Антонов қичқириқ ва бақириқларни тўхтатмасданоқ ҳар хил фикр борлигини пай-қади, ҳамма қичқириқ ва бақириқларнинг маъносига етди ва айтиладиган муҳим гапларнинг айтиб бўлинишини кутиб, ахир қўлини кўтарди.

Шовқун тинди. Овозлар босилди. Қий-чув тугади. Сув қуйгандек жимлик чўқди.

— Мен сенига бир гап айтай, Мокроусенко,— деди боцман, қайиқсозга қараб.— Сенинг нестроевой эканлигинг, мастеровой лигинг кўринниб турибди! Агар сен тартиб-қоидани тушунадиган, ҳақиқий матрос бўлганингда эди, бу ерда кварта тўғрисида гапирмаган бўлардинг. Айёр одам экансану, аммо айёрлигингни ошириб юбординг. Ҳамма кавалерлар биттадан зиёфат қарздор,— ҳаммамиз қувонамиз, қоидаси шу. Юнгалар ҳисобга кирмайди. Юнгалардан зиёфат ейилмайди. Аммо биз бу ерда вижданан мұхқомана қилаётимиз, кимнинг муносиблигини. Бундай пайтда кварта у ёқда турсин, бир бочка ром ҳам ҳеч кимнинг эсига келмайди.

— Бу катта тоғарада арақ қўймоқчи! Бели бақувватда!— деб кесатиб қўйди аллаким.

Мокроусенко қўлини кўксига қўйиб:

— Ўртоқлар, менга ҳам гап беринглар,— деди.

— Гапир. Сўз берайлик, ўртоқлар. Гапир, уста,— деб рухсат берди боцман Антонов.

— Ўртоқлар! Уч кварта деб мен хато қилибман, тўғри айтасизлар. Ножӯя гап бўлди. Уч квартами, бочками, тоғарами — барибир эмасми. Гап унда эмас, гап ҳаётмамот устида кетаётиди.

— Крест олмоқчи.

— Ҳа, олмоқчиман, ўртоқлар, яширмайман! Шуни ҳам айтайки, ўртоқлар, крестга муносиб ҳамманг.

Мокроусенко қўлини кўксидан олди.

— Қалбим ғам-аламдан ўртаниб битди, ўртоқлар. Ўзим учун эмас, мастеровойлар учун. Севастополни нима суюб турибди? Наизами? Милтиқми? Замбаракми? Шундай деса ҳам бўлади, демаса ҳам. Сиз қаҳрамонлар, оғайниларим, сиз мардоналар шаҳарни ушлаб турибсизлар. Мен сизларга арз-додимни қилиб айтаманки, шундай деса ҳам бўлади, демаса ҳам. Доклардаги темирчилар темирчилик ишини йиғиштиридими? Йиғиштириди. Қуювчилар пўлат қўймай қўйдими? Қўймай қўйди. Менинг усталарим қайиқ ясарди энди нима қилмоқда? Замбаракнинг станогини снаряд ёриб кетса, кимга олиб келишади? Мокроусенко Тарасга ва унинг шогирдларига олиб келишади. Штуцерларингнинг қўндоғи синиб кетса, кимга олиб келасизлар? Милтиқсоз устага олиб келасизлар. Даля тўпининг фидирагини кимга олиб келасизлар? Темирчиларга, яна ўша Тарас Мокроусенкога олиб келасизлар. Бу тўғрида кўп гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам

йўқ, ўзларинг тушунадиган одамсизлар, биласизлар: Севастополни сиз мардоналар ҳимоя қиласизлар. Аммо фақат сизлар эмас, мастеровойлар ҳам, ишчи халқ ҳам ҳимоя қиласиди. Ёлғиз найза билан эмас, балки тоштарошнинг метини билан, болға, арра, ранда, болтаси билан ҳимоя қилинганипти, ёлғиз ҳарбийларгина эмас, - балки ишчилар ҳам ўз меҳнати билан ҳимоя қилиб турибди. Фақат замбараклар билан эмас, балки белкураклар билан ҳам ушлаб турибди. Мард дегани ким ўзи, ўртоқлар? Буни ҳам аниқлаб олиш керак. Мен бир ақли калта одамман, менинг фикримча, ўққа ўқ билан жавоб бериш учун катта мардликнинг кераги йўқ. Балки, сени бир урсалар, сен икки урарсан. Одам, жон-жаҳди билан найза санчганда, кесиб, чопиб ташлаганда, милтиқ отганда, юрак қаҳру ғазабга тўлиб-тошиб кетади. Бунда ҳам завқ, ҳам шавқ бўлади. Винонинг ҳам кераги йўқ! Мастеровой-чи? Мастеровой ўяди, болға уради, кавлайди, букади, рандалаиди, қуяди ва жанг майдонига бориш тўғрисида эмас, балки берилган топширикни яхши ва пухта бажариш устида ўйлайди... Ўқ билан бомба ҳеч кимни ажратмайди,— қўлингдаги нима, белкуракми, болғами, штуцерми, қиличми, деб сўрамайди. Ажал ҳаммани бараварига қириб кетаверади. Менга мукофот бераётисизлар, оғайнилар, бунинг учун сизларга икки букилиб миннатдорлигимни билдираман, аммо мастеровоийлар ва ишчилар учун қалбим ўртанади...

Мокроусенко бир хўрсинди-да, қўлини кўксига қўйиб, бошини кўкрагига эгиб, скамейкага ўтиреди.

Чуқур сукунат ичидан бурчакдан аллакимниг ҳўнграб йиғлагани эшитилди. Сартарош Сапронов йиғлар ва:

— Заҳматкаш одамни хафа қилдинглар! Нима гуноҳ қипти у?— деб бақирар эди.

— Яхши гапирдинг, Мокроусенко,— деб мақтаб қўйди Антонов қайиқсоз устани.— Қара, ҳамма ўртоқларимиз индай олмай қолди. Ҳаммамиз индай олмай қолдик. Ҳамма учун мен жавоб берай сеига. Флотга кимларни оладилар — озод матросларни, мастеровоийларни, қўлидан ҳамма нарса келадиган одамларни оладилар. Мен ўзим ҳам флотга кирмасимдан олдин ёшлигимдан Берд заводида слесарлик қилиб келганиман. Ана, ёнингда Сумгигин ўтирибди, Невада биринчи пароходни ясаганимизни ўша айтиб берсин. Биринчи рус пароходини биз ясаганимиз! Ана, мисгар Передряга ўтирибди, кублар, қозонлар-

ни тоблаш билан умри ўтган. Ана, Иван Степений ўтирибди,— Васильевский островда Қебке заводида елкан бичиб келган. Мана, мен сенга уч кишини санаб бердим,— учови ҳам асл мастеровой, жанг бўлган куни кечаси сен билан бирга тоққа чиқиб тушган, учови ҳам крестга муносиб одамлар. Биз, Қора дengiz flotining матрослари, бундай деб ўйлаймиз. Ким мардроқ? Ҳамма мард! Ким чақон? Ҳаммамиз чақонмиз. Ҳаммамиз бир-биримизга меҳрибон ўртоқмиз. Уч кишига крест берилибдими — ҳар биримизга берилгандай деб биламиз. Менга крест тегмайди, мен тоққа чиқиб тушганим йўқ. Аммо ўша шонли жанг учун бериладиган мукофотни мен ҳам кўксимда сақлайман! Сенга мукофот теккан бўлса — бутун Қора дengiz flotiga теккан бўлади. Мана шунга тушундингми, уста? Раз сен бизнинг қитигимизга тегдингми, биз сенга жавоб бермасдан қололмаймиз. Гап мардликда ё номардликда эмас. Балки дунёда сенга тенг келадиган мард йўқдир, гап бунда эмас. Гап биз сени ўз қаторимизга қўшишимизда, сени ўз орамизга қабул қилишимизда. Шундайми? Шундай! Демак, ҳамма ўртоқларимизнинг тилидан айтганда, сен бизнинг қитигимизга тегиб ўтдинг. Матрос деган танти бўлади. Қора дengiz flotining матроси қирғоқда ҳам ишчини етаклайди. Шунинг учун биз сени, ишчи киши бўлганингни назарга олиб, ҳаракатдаги флот матроси қаторига қўшишимиз керак. Тўғри гапирдимми, ўртоқлар?

— Тўғри! — деб бир овоздан жавоб берди матрослар.

— Ёз, мирза! Ёзилди. Шундайми? Шундай! Демак, биз гарчи Мокроусенко Тарас нестроевой бўлса ҳам, ҳақиқий матрос деб ҳисоблаб, флотчилар баҳтидан ўз улушкини беришга қарор қилдик. Шундайми? Шундай! Ёзилди. Тоққа бизнинг экипаждан, нестроевойлар ҳамда мичмандан ташқари, эллик киши чиқиб тушган. Экипажимиздан саккиз киши тоғ тепасида қолди. Қуръамиз қирқ иккита, Мокроусенкони қўшсак — қирқ учта бўлади..

Антонов ўрнидан турди-да, столдаги рўмолчани чап ёққа суриб қўйди. Рўмолча тагида қофоздан бежирим қилиб қирқиб қўйилган квадратларга Веняning кўзи тушиб қолди.

Боцман қирқ учта қуръани санаб ажратди. Квадратларнинг учтасига Антонов қалам билан крест чизди-да, кафтлари билан бир пасда думалатиб найча ясади, унинг бу ишга уста бўлиб қолганлиги кўриниб турар эди.

Матрослар Антоновнинг қўлидан кўзларини узмай, тикилиб қараб ўтирас эдилар.

— Юнга, шапканги бер, сен ҳали бегуноҳсан.

Веня бескозиркасими очиб турди, Антонов юнганини шапкасига кичкина найчаларни биттадан санаб ташлади.

— Қирқ уч! — деб санаб бўлди Антонов.— Шундайми? Шундай! Юнга, энди силкит...

Юнга — худди ун элаётгандай, шапкасини силкитди ва тантанали маросим тамом бўлгунга қадар силкитиб турди.

— Қани, келаверларинг, оғайнилар, битта-биттадан, бир-бирларингни туртмасдан,— деб таклиф этди Антонов:

— Мокроусенко ола қолсин олдин, тоқати тоқ бўлиб турибди! — деб қичқирди аллаким.

— Йўқ! — деб қисқа жавоб берди қайиқсоз.

Веня шапкасини силкитар ва шапка тагида думалаб ётган ва бири-бирига ўхшаган найчаларга қараб-қараб қўяр эди.

— Қани, вақт кетмасин, оғайнилар, қадаҳ кўтариш, боршч тушириш вақти ҳам бўлиб қолди. Қани, сен бошлай қол, Передряга...

Передряга таваккал деб борди-да, шапкага қарамасдан ичидан найча олиб очиб қараган эди, пуч чиқди! Передрягадан кейин Степений олди, уники ҳам пуч чиқди. Энди иш тез юришиб кетди,— ҳамма ўз толенини синааб кўришга ва тезроқ қутулишга ошиқарди. Найчалар анчагача пуч чиқиб турди, Берд заводининг собиқ қозончиши шапка тагидан крестли найча чиқарганда шапкада ҳаммаси бўлиб ўн еттига найча қолган эди.

— Биринчи крест Пётр Сумгинники. Ёз, мираза! Езилди! — деди Антонов ва крест шакли солинган квадрат қоғозни ҳаммага кўрсатиб, орқасига: «Сумг» деб ёзиб қўйди.

Сумгиндан кейин крест солинган найча жингалак сочларини пешонасига тушириб тараф қўйган ёш матросга чиқди.

Шундан кейин Мокроусенко ўрнидан турди. Матрослар яна шовқун кўтардилар.

Мокроусенко кўзларини чирт юмиб, шапка тагидан битта найчани олди-да, очмасдан Антоновга узатди.

— Йўқ, ўзинг очиб қўр!

Мокроусенко найчани очди.

— Крест! Оббо! — деб юборди Мокроусенко; юзи қип-қизариб кетган ва шу қадар ачинарли эдики, Антоновдан бошқа ҳамма матрослар унга қараб ҳахолаб кулиб юбордилар.

— Учиинчи крест қайиқсоз уста Мокроусенко Тарасга чиқди. Мирза, ёз!

Антонов учинчи найчанинг орқасига: «Мокроус» деб ёзиб қўйди.

— Ёзилди. Юнга, бўлди, силкитма.

— Мен эмас, қўлимнинг ўзи силкиняпти, амаки.

— Тагида қолганини стол устита ағдар.

Шапкадан столга тўкилган найчаларни Антонов биттадан санаб чиқди.

— Ўн бешта қуръя.

Боцман қолган ҳамма найчаларни бирма-бир очиб кўрсатиб бўлгунга қадар матрослар унинг қўлига тикилиб қараб турдилар.

— Тўғри муҳокама қилдикми, биродарлар? — деб сўради Антонов.

— Тўғри! Тўғри!

— Кавалерлар, диққат! — деб худди «бутун рейдга эшилтириб» айтгандай, йўғон овози билан бўкирди Антонов.— «Мен өнди орденлиман, сенда орден йўқ» деб кеккайманглар. Сенинг толеинг келиб қобди, уста, ўртоқларинг юзига дадил боқиб юрабер. Крестни бутун Севастополь меҳнаткашлари учун тақишингни унугтма. Суюн, шодлан! Аммо кўкракда крест борми-йўқми, бундан қатъи назар, ҳамманинг кўксидা нишон борлигини бил ва ҳамма ҳам билиб қўйсин! Флот учун, Севастополь учун, Россия учун, рус ҳалқи учун жонимизни фидо қиласиз!

Еттинчи боб

«КРАСНАЯ ГОРКА»

Хоня ота уйини биринчи бўлиб тарк этди. Лазаретда ярадорларни боқиб юриб, тиф касалига учради. Касал бир паснинг ичидан оёқдан йиқитди: Хоня великий постнинг¹⁴⁸ олтинчи ҳафтаси якшанба куни, сулҳ битилишининг эртаси куни ётиб қолди. Академик Пирогов билан бирга Петербургдан келган шафқат ҳамшираларидан би-

ри унга қараб турди. Жуда яхши боқилиш ва даволашга қарамасдан, Хоня қирқ соатдан кейин жон берди.

Хонянинг ўлганини Веня кечқурунгача билмади. Эрталаб Стрёма ва Михаил билан бирга мортирканси синааб кўрмоқчи бўлиб, уни Камчатка люнетига фиддиратиб олиб келган эди. «Лайча»ни беш пудли баҳайбат мортира ёнига ўрнатдилар (бу мортирани эски комендор ўлгандан кейин, энди Михаил отар эди). Каттакон мортира ёнида «лайча» кичкина ўйинчоқдай кўринарди. Бироқ, ўйинчоқ учун ҳам қолипи тўғри келадиган бомба ва тутатадиган трубкалар топилди. Бундай мортиркалар фақат француздардагина өмас, Севастополда ҳам бўлгучи эди.

Юнга Могученко-тўртингчи тўп отармиш деган овоза юнгалардан Бобер билан Репканинг ҳам қулоғига етиб борди. Улар,— бири ичидаги «ҳаммаси ёлғон гап» деб ишониб, иккинчиси «ёлғон» бўлмаса ҳам, мортирка отилмайди, отилса ҳам биринчи отишда ёрилиб кетади — ажаб бўлади-да, деган умид билан люнетга келишиди. Хуллас, улар буни «бекорчилик» дердилар. Бироқ, люнетга келгандаридан кейин улар доғда қолдилар, уларнинг қалбини ҳасад ёндириди.

Бобер билан Репканинг ҳам қулоғига етиб борди. Улар,— бири ичидаги «ҳаммаси ёлғон гап» деб ишониб, иккинчиси «ёлғон» бўлмаса ҳам, мортирка отилмайди, отилса ҳам биринчи отишда ёрилиб кетади — ажаб бўлади-да, деган умид билан люнетга келишиди. Хуллас, улар буни «бекорчилик» дердилар. Бироқ, люнетга келгандаридан кейин улар доғда қолдилар, уларнинг қалбини ҳасад ёндириди.

— Яхшимисан, веник*, — деб бепарво саломлашди Репка, ўртоғи билан.

— Салом, репица**, — деб боплаб жавоб қайтарди юнга Могученко-тўртингчи.

— Сенга аллаким замбарак ҳадя қилди дейишади. Қани замбарагинг? — деб сўради Репка, «лайча»га орқасини ўгириб ва ҳомизак тортиб атрофга қараб.

— Қўзингни каттароқ очиб қара! — деди Веня, жаҳли чиқиб. — Қаеринг билан қарайсан ўзинг!

Репка ахир замбаракка кўзи тушиб:

— Э, ҳа-а! — деди. — Қўзга дарров қўрина қолмайди ҳам!

Репка қўзларини жўрттага қисиб, гоҳ Михаил Могученконинг беш пудли тўпига, гоҳ юнга Могученко-тўртингчининг «лайча»сига қаради.

* Веник — супурғи.

** Репица — дум ўсири, думғаза.

Матрослар тўпларни залп отишга ҳозирлаб бўлиб, юнгаларнинг атрофига тўпландилар ва индамасдан жиддий суратда, ҳатто ўқрайиб уларга қараб турар эдилар. Факат Михайл кўзлари укасининг кўзлари билан учрашганда секин кулиб қўярди,— акасининг истеҳзоли, шунинг билан бирга меҳрибонларча кулиб қўйишини Веня яхши кўрарди. Шундай пайтларда Михайл Хоня опасига ўхшаб кетарди.

— «Лайчам» кичкиналикка кичкина, албатта,— деди Веня.— Аммо бир кўтариб кўрчи. Кўтара олмайсан! Мен буни француз батареясидан елкамда кўтариб келганиман.

Веня кўкрагидаги медалини тўғрилаб қўйди-да:

— Агар ёлғиз ўзингнинг кучинг етмаса, Репка, икки кишилашиб кўтариб кўринглар. Қани, юнгалар, бир кўтариб кўрларингч! Биз тамоша қиласайлик.

Юнгалар кўнди. Бобер билан Репка икк韶лари қанча чиранмасин, «лайча»ни ердан узишолмади.

— Аҳмоқлар!— деди Веня.— Ўқлаб қўйилган-ку, ахир! Ичига порохнинг ўзидан ўн беш пуд кетади, унинг устига яна беш пудли бомбани қўшларинг. Отиб бўлганимдан кейин кўтаришларинг мумкин.

Мичман Панфилов келди.

— Хўш, кавалер, сенинг ишларинг қалай?

— Тўлни отишга ҳозирлаяпман,— деб жавоб берди Веня.

— Демак, залп берсак бўлади дегин. Ҳамма жойжойига! Сигналчи!— деб қичқирди Панфилов.— Сен ҳаммадан ҳам Могученко-тўртингчининг замбарагидан отилган бомбанинг қаерга бориб тушишига қараб тур.

— Есть,— деб жавоб берди сигналчи.

Комендорлар жой-жойларига бориб турдилар.

Михайл ўз тўпининг тутантирувчи ипининг учидан ушлаб:

— Нари қоч!— деб қичқирди.

Веня Репка билан Боберга зарда билан қараб:

— Нари қоч!— деб такрорлади.

Юнгалар орқага тисландилар.

— Пали!— деб команда берди Панфилов.

Қатор турган замбаракларнинг гўмбири орасида юнга Могученко тўпининг овози эшиклилмай кетди.

Сукунатда йироқдан уч бомба портлагани эшиклилди.

— Сигналчи, кўрднигми? — деб сўради Панфилов.

— Кўрдим. Могученко-тўртинганинг бомбаси французларининг заряд яшигини портлатиб юборди.

Веня қовогини солди: бу очиқдан-очиқ масхара эди. Могученко-тўртинганинг юнгаларга кўз қирини ташлаб қараб қўйди. Аммо улар замбарак гумбуридан қулоқ кар бўлмасин деб оғизларини очганича ҳали ҳам беркитмай ҳайратланиб туради.

— Яна отасанми? — деб сўради Репка.

— Шунинг ўзи ҳам кифоя! — деб жавоб берди Веня ва Наташа тикиб берган брезент жилд билан «лайчанинг оғзини беркитиб қўйди.

Репка Веняга қўлини узатди:

— Яхши қол, кавалер. Бизнинг бастионга ҳам бориб тур. Бизда ҳам қизиқ-қизиқ нарсалар топилади. Хўroz уриштиришини кўрсатамиз. Менинг сариқ Пелисеевим ҳамма хўрзоларни қочиради!

— Хизматдан бўшасам, бориб қоларман! — деб такаллув билан розилик билдириди юнга, Репка билан Бобернинг қўлини сикиб.

Веня уйига қараб чопди. Ҳали эшикни очмасдан опасининг ув тортиб йиглаётганини эшилди. Анна Хоняниш денгиз сандигига суюниб ерда ўтиради.

— Вой, болам! — деб ув тортиб юборди Анна, Веняга қўлларини узатиб. — Хонюшка бизни ташлаб кетди, кўзимнинг оқу қораси...

— Қаёққа кетди!

— Ҳали боласан, билмайсан! Бутунлай кетди, ер қаърига кетди! Ола қанотли қалдирғочим учди-кетди! Ҳадемай ҳамма қушчаларим ҳар тарафга қанот қоқиб учиди кетади!

— Олыгачи? Маринкачи?

— Опаларини у дунёга ясантиргани кетишди. Қизагинамга кафан ўрнига яхши ният билан тикилган кийимларини кийдиргани кетишди. Шум тақдир унга бу кийимларни меҳроб олди-да эмас, гўрга кийиб боришини буюрган экан!..

Хоняни Шимолий томонга, денгиз тепасига, урушда ўлғанлар учун қурилган янги гўристонликка кўмдилар. Кўмиш маросимида қавм-қариндошлардан ташқари адмирал Нахимов ҳам бор эди; адмирал Нахимов Хоня билан

черковда видоълашди-да, пристаигача кузатиб қўйди, пристаиди тобутни Шимолий бухтага олиб ўтиш учун барказга қўйдилар.

Баркәз нариги қирғоқ бўйидаги сўрига бориб тақалганда, Веня бошларига оқ рўмол ўраб, учини олдинга боғлаган бир неча аёл ва эски шинель кийган, этиклари лой, паст бўйли бир солдатни кўрди. Солдат шапкасини бошидан олди, унинг икки чекасидаги сийрак ва узун соchlарини шамол ўйната бошлади. Веня бу одамлар шаҳар томонга ўтиш учун барказ кутиб турган бўлса керак, деб ўйлади. Барказ сўри ёнига келиб тўхтади. Венянинг дадаси, Михаил, Стрёма ва Панфиловлар тобутни кўтардилар. Бояги солдат тобутга эгилиб таъзим қилди, шапкасини аёллардан бирига берди, кейин Михаил ўз сочиини унга берди. Солдат сочиқни елкасидан ошириб ушлаб олди. Тобутни тепаликка олиб чиқа бошладилар.

Маринка укасига секин:

— Веня, қара, Николай Иванович Пирогов шу киши бўлади,— деб шивирлади.

Хоня госпиталдан уйга тунагани келиб қолганларида «Пирогов жаноблари» тўғрисида кўп гапириб берар эди.

— Бугун госпиталга бир солдатни олиб келишди,— деб ҳикоя қилиб берди бир куни Хоня.— Солдатнинг оёғини ўқ тешиб кетган экан. Оёғини кесиб ташлаш керак, бўлмаса ўлиши турган гап. Столга ётқизиши. Олдига клеенка фартук таққан, бошига аёллар рўмолини ўраган, енгларини шимарив олган Пирогов жаноблари келди. Ҳамма ёғи қон! Пироговни кўриши билан солдат: «Вой дод!» деб юборса бўладими! Ҳақорат қила бошлади. Пирогов унга «Жим ёт!» деб ўшқириб берган эди, солдат қўрқиб кетнб, жим бўлди. Пирогов оёғини кесди, ҳамма ишни саранжом қилиб бўлди, солдат қийналса ҳам, индамасдан жим ётди. Аммо оғриққа чида бўлмайди. «Баракалла!— деди Пирогов.— Тирик қолдинг!» «— Раҳмат жаноби олийлари. Энди бақирсан бўладими? Жуда бўлмаса бир мартагина бақирай!»— «Энди қанча бақирсанг бақирабер». Солдат овозининг борича: «Хе, онангни!..» деб сўкди. Пирогов кула-кула бошқа одамини ўлимдан сақлаб қолишга тутинди. Кейин солдатнинг ўзи ҳам кулиб юборди... Бошқа сафар яна бундай бўлди: лазаретта бир матросни замбилда олиб келиб қолишиди. Навбат-

чи доктор замбилга қаради-да: «Нимага буни бу ерга олиб келдинглар, калласи йўқ-ку!» деб қичқирди. «Зарари йўқ, жаноби олийлари, калласини кетимиздан олиб келишяпти. Пирогов жаноблари бир амаллаб танасига улаб кўяр. Матрос бизга яна керак бўлади».

— Бўлган гапни айтётибсанми, Хоня, ё эртак айтаяпсанми? Бу гапларингга ким ишонади? — деди Ольга, опасининг гапини тинглаб бўлиб.

— Эртак? Мен сизларга Пирогов тўғрисида солдатлар тўқиган бир эртакни айтиб берай бўлмаса. Эшиласизларми? Эшилинглар. Бир куни қишида Пирогов шаҳардан Шимолий томонга келибди, ўлгудек чарчаган, оч экан,— у вақтларда ҳали Шимолий томонда кўмир складида турар эди. Николай Иванович қайиқдан тушибиди-да, лой қечиб тепаликка кўтарила бошлабди, оёқлари лойга ботиб қолармиш, сал бўлса этиги лойда қолиб кетай дермиш. Қоп-қоронғу зимистон. Энди уйига етайдеб қолгандা пастдан тепага қараса, бир неча отлиқ турганмиш. Пирогов уларни казаклар бўлса керак деб ўйлабди. Бирдан тўрт киши отдан сакраб тушибиди-да, Пироговнинг бошига қоп ташлабди, Пирогов ҳатто бақиришга ҳам улгурмабди. Қўл-оёқларини арқон билан боғлашибди. Кейин отга ўнгаришибди. Ҳеч биттаси индамасмиш. От солишибди. Пирогов ўлганини ҳам билмасмиш, тириклигини ҳам. Қаёққа олиб кетишяпти, кимлар олиб кетяпти — билмасмиш. Гоҳ тепаликка чиқишармиш, гоҳ пастликка тушишармиш, гоҳ дарё кечиб ўтишармиш,— отларнинг сёғи тагида сув шариллармиш-да. Бир маҳал яна тепаликка чиқишшибди. Пирогов энди мени ўлдиришади деб ўйлабди. Йўқ, худога шукур, бир ерга бориб тўхташибди. Пироговни отдан туширишибиди-да, қўл-оёқларини ёчиб, бошидан қопни олишибди, докторни оёққа турғизишибди. Пирогов қараса, атрофида милтиқ кўтарган бегона одамлар фонис ёритиб туришганмиш. Николай Иванович асир олинганини билибди. Уни душман лагерига олиб келишган экан. Николай Иванович олдида бир инглиз офицери турганмиш. «Сизга нисбатан бундай беадаблик қилганимиз учун афв этасиз, жаноб Пирогов. Бошқа иложимиз йўқ эди. Сиз билан бизнинг бош қўмондонимиз, фельдмаршал лорд Раглан кўришмоқчи, аммо сизни иззат-икром билан таклиф этиш,— шубҳасиз, сизга шундай иззат-икром кўрсатишимиш керак эди,— мумкин эмас, нетаки, сиз билан биз бир-бирниизга уруш эълон қилган-

миз. Лорд Раглан ҳузурига бир кириб чиқишга йўқ де-
массиз?» дебди офицер. «Мени князь Меншиков сақлаб
қололмабдими — мени нима қилиш сизнинг ихтиёргиз-
да, мен сизнинг асирингизман,— дебди Николай Ивано-
вич.— Аммо, жуда чарчаганман, эрталабдан бери ҳеч
нарса еганим йўқ. Балаклавага пиёда юриб ҳам боролмай-
ман, отда ҳам».— «Хотирингиз жам бўлсин, жаноби
Пирогов, Балаклавагача темир йўл қурганмиз. Темир
йўлдан биз тоққа порох, замбарак, снаряд ва озиқ-овқат
ташибиз. Балаклавагача роҳат қилиб борасиз». Пиро-
говин жуда катта карета ёнига олиб келишибди, каттали-
ги худди уйдек келармиш. Каретага атиги икки от қўшил-
ганмиш. Николай Ивановични каретага олиб кириб,
диванга ўтқазишибди. Сурнай чалинибди. Отларни ҳай-
дашибди. Карета темир йўл изидан ғилдиракларини
тақирлатиб юриб кетибди.

Бир пасда Балаклавага етиб боришибди-да, фельд-
маршал турган уй ёнига келишибди. Пироговни уйга,
каттакон залга таклиф этиб, креслога ўтқизишиб-
ди. «Марҳамат қилиб бир минут кутсангиз, ҳозир
лорд келади». Бир минут ҳам ўтмасдан фельдмаршал
кирибди. Пирогов уни кўриб ҳайратда қопти: лорд
Рагланнинг битта чап қўли бормиш, ўнг енги бўш эмиш.
Инглиз Пироговга чап қўлини узатибди, Пирогов ҳам
чап қўлини берибди. «Жаноби фельдмаршал, қўлдан қа-
чон ва қандай қилиб айрилдингиз, сизни ярадор бўлди
деб эшитмаган өдик-ку?»— деб сўрабди Пирогов. Фельд-
маршал Пироговнинг рўпарасидаги креслога ўтирибди-
да, маъюс жавоб берибди: «Буни руслар қилган эмас,
бу қўлимдан ҳозир эмас, балки ўттиз йил илгари, Напо-
леон Бонапарт билан урушганимизда* айрилганман. Қў-
лимдан мени француزلар жудо қилган, аммо эндиликда
биз улар билан иттифоқмиз. Менинг бу бўш енгим машъ-
ум ўтмишни эслатиб туради. Сизнинг донғингиз, жаноби
Пирогов, бутун Европани тутган. Сизни муъжизалар яра-
тади дейишади. Менга янги қўл улай олмайсизми? Гарчи
чап қўлим билан ёзишини ва ҳатто пистолет отишни ўрга-
ниб олган бўлсам-да, ҳарбий кишига бир. қўл билан
яшашнинг не қадар қийин эканлигини ўзингиз билсан-
гиз керак!» Пирогов: «Яқинда бизникилар тунги жангда

* Инглиз фельдмаршали Раглан ўнг қўлини 1815 йилда, маш-
хур Ватерлоо жангидаги йўқотган эди.

сизнинг Қелли деган бир полковнигингизни асир олиб келишди, унинг иккала қўли ҳам йўқ-ку. Шундай бўлса ҳам, қўмондонлик қилиб келган-ку» деб эътироz билдирибди. «Бу гапингиз-ку тўфрия, аммо шундай бўлса ҳам мен янги қўл ўстирсан деган эдим»—«Кечирасиз, аммо қаердан оламан қўлни? Сизга ҳар қанақасига қўл улаш имумкин, сиз ҳам қўлни ҳар қанақасига ишлатиб кетишингиз мумкин, аммо қўлнинг ўзи қани?» Фельдмаршал бир оз хижолат бўпти-да: «Урушда қўлдан ажралганлар озми» деб шама қипти. «Нима дедиигиз?— дебди Пирогов, ўрнидан иргиб туриб кетиб.— Тирик одамнинг қўлини кесиб, мента ула демоқчимисиз? Хирургия нуқтаи назаридан қараганда буни қилиш мумкин, аммо бошқа кимсанни қўлдан жудо этиш— олижаноб иш бўлмайдику! Сиз Пироговни ким деб ўйлайсиз, афандим, душманга қўл улади деб ўйлайсизми? Йўқ, отиб ўлдирсангиз ўлдирингки, сизнинг ҳожатингизни чиқаролмайман,— мен ўз ватанимнинг содиқ фарзандиман!» Раглан ҳам креслодан туриб, Пироговнинг чап қўлини сиқибди ва: «Сиз олижаноб одам экансиз, жаноби Пирогов! Сизнинг ўрнингизда мен бўлсан, мен ҳам шундай қилардим. Русларнинг қанақалигини энди билдим, нима учун Севастополни ололмаганимизга ҳам энди тушундим! Сиз озодсиз. Сиз билан танишганимга кўп хурсандман. Мен буйруқ бераман, тонг отаргача сизни Севастополга элтиб қўйишади, хоҳласангиз пароходда, хоҳласангиз темир йўл орқали» дебди. «Темир йўл тузуқроқ» дебди Пирогов. Эрта билан Пироговни Қора ларё бўйига олиб келишибди-да, оқ байроқ кўтариб, казаклар пикетита топширишибди. «Оғайнилар,— дебди Пирогов казакларга,— бир бурда нон билан бир кружка сув беринглар. Инглизлар менга ҳеч нарса беришмади, бўлмасам фельдмаршалнинг ҳузурида бўлдим-а!».— «Ўзларининг ҳам супраси қуруқдир-да!»— дейишибди казаклар ва Николай Ивановичга бир ёрлоғи сув билан сухари келтириб беришибди. Кеча куни бўйи обед ҳам қилмаган, ужин ҳам қилмаган одам шу ерга келиб нонушта қилибди.

Пирогов ҳақидаги эртакни эсларкан, Веня худди тезроқ етиб боришига ошиқаётгандай, олдинга югуриб ўтарэди-да, оғир тобутни тепаликка кўтариб чиқаётган кишиларни кутиб, Пироговдан кўзини узмай қараб турарди.

Эртакларда номи айтиладиган Пироговнинг шу киши эканлигига Венянинг ишонгуси келмасди.

Ниҳоят ҳамма ёғи очиқ тўристонлик кўринди, устла-рига крест қўндирилган қатор-қатор янги қабрлар. Омо-нат қўндирилган ёғоч учидаги рангини билиб бўлмайди-ган кичкина бир байроқча шамолда ҳилпиллайди, у байроқча янги қазилган қабрнинг қаердалигини кўрсатиб турар эди: ўликлар қаторасига кўмилар эди. «Бу ёққа олиб келинглар!»

Маросим қазиб қўйилган қабрларнинг энг четидагиси, байроқча тепасига бориб тўхтади. Тобутни қабрга туширдилар. Устидан тупроқ тортдилар. Иш тугагандан кейин Хоняни кузатиб қўйганларнинг ҳаммаси қабр тепасида бир пас хаёлга ботиб турдилар,— одатда кўмиш маросими ўзи шундай бўлади: яна бирон нарса қилиниши керакдай туоладио, аммо нима қилиниши кераклигини ҳеч ким билмайди. Анна нам қабрга бағрини бериб, одат бўйича ув тортиб йигламоқ учун бегона одамларнинг қайтиб кетишини кутарди. Пирогов сал нарида турарди, у кетишга шошилмасди. Унинг ёнидаги аёл ҳамроҳлари бир нимани кутиб тургандай кўринар эдилар. Бирдан Пирогов Анна учун ва марҳуманинг қавм-қариндошлари учун кутилмаган бир ҳолда қабр тепасига келди-да, шапкасини қўлига олиб, бошини қуий солиб, ҳеч ким тушунмайдиган бир тилда бир неча сўз айтди.

— Қадимги юон шоири айтган бу сўзларни,— деб рус тилида давом этди Пирогов,— ҳозиргина биз қабрга қўйган кишига қаратиб айтиш мумкин. Бунинг исмини ҳамма унугади. Аммо Севастополь аёллари қилган улуғ иш ҳамманинг эсида абадий қолади. Биз, мен билан менинг ходимларим, бу ерга келганимизда шак-шубҳалар билан, ҳатто қўрқа-пуса келган эдик. Ҳарбий госпиталлардаги одатларни, ходимларнинг бешафқатликлари ва дағалликларидан, фельдшерларнинг нодонлиги ва пиянисталигини, нозир ва директорларнинг очиқдан-очиқ ўғрилик қилишларини ва врачларнинг бунга атайин йўл қўйишларини билар эдим. Менинг устимдан ҳам кулиб масхара қиласи билар эдилар. «Нима, нима? Қассоб пичноғидан бошқа нарсани билмайдиган, жасур, ҳатто ҳеч нарсадан қўрқмайдиган хирург Пирогов дала лазаретларида аёллар қўлидай нозик ва енгил воситадан фойдаланмоқчими? Лазарет даҳшатларига аёл киши чидаш бера олармикин? Усти-бошлари ифлос касал ва ярадорларга, шишиб кет-

ган яраларнинг сассиқ ҳидларига, қон-йиринг ва нажасаларга чидай олармикин?!». Йқорман, ўзим ҳам иккичланган ва муваффақиятсизликка учрайманни деб қўрқ-қан эдим. Бунга аҳд қилиш учун дала хиргурги жасоратига эга бўлиш керак эди. Мен аҳд қилдим. У ёқ-бу ёқни кўриб олиш учун олдин мен фақат врачларни олиб келдим, шафқат ҳамшираларини олиб келмадим. Бу ерда кўрган даҳшатли нарсалар кутганимиздан минг марта ошиқ бўлиб чиқди. Аммо шу билан бирга мен беҳад суюниб кетдим ҳам. Бошқаларда шак-шубҳа туғдирган, бошқаларнинг мазахига сабаб бўлган, аммо ёвузликни тугатиш учун менга энг яхши бир восита бўлиб кўринган нарса — Севастополнинг ўзидан топилди! Госпиталларга, лазаретларга биринчи марта келиб киришимдаёқ аёл ва қизларни кўрдим, улар бегона одамларни туғишган акукаларидан ҳам яхшироқ боқар эдилар. Улар матросларнинг хотинлари ва опа-сингилллари эди, улар орасида бир денгиз офицерининг хотини ҳам бор эди. Уларни ҳеч ким чақирмаган. Улар ўзлари келишган. Мен аҳд қилган иш учун Севастополда замин тайёр эканлигини билдим ва ҳарбий-даволаш муассасаларида аёл киши қўлининг жуда кераклигига, кўп фойда келтиришга, унинг ўрнини бошқа ҳеч нарса босолмаслигига шубҳа қолиади, тўрт ойдан кейин бу шубҳа ҳеч кимда ҳам қолиади.

Мен Феврония Андреевна Могученкони дастлабки кунлардаёқ учратдим ва танишдим, уни солдатлар ҳам, матрослар ҳам «Хоня синглим» деб чақиради, мен ҳам шундай деб айта бошладим. Бугун биз ундан жудо бўлдик. У ниҳоятда чиройли эди, гўзаллиги ишда халал берарди, аммо унинг дили ҳам ниҳоятда гўзал эди, бу эса унинг ишига мадад берарди. У барча паст ва ёвуз гапларни ўзига юқтирумади, ўзидан улоқгириб ташлади. Дастлабки даврда госпиталь маъмуриятининг ўғрилик ишларига қарши кураш бошланган вақтларда ҳамшира Хоня менинг ўнг қўлим бўлди. Мен келмасимдан олдиноқ у, ярадорларга ювинди эмас, балки жадвалда кўрсатилган қуюқ шўрва берилишига эришди. Үлганларнинг кўп-кўп пулларини бола-чақаларига қайтариб берди, у бўлмаганда бу пуллар еб тўймас ўғриларнинг чўнтағига тушиб кетган бўларди. Госпиталга биринчи марта келганини ҳамшира Хоня менга гапириб берган эди. Ваҳтёруни госпиталга киритмабди. Госпиталь дўзахининг

эшигида ўтирган цербер^{*}га Хоня: «Менинг қайлифим ярадор бўлиб ётибди» дебди. «Қани, кўрсат қайлифингни!» деб бироз юмшабди у. Хоня тўғри келган бир одамни кўрсатибди, у алаҳсираб ётган ярадор бир матрос экан. Вахтёр Хонянинг қолишига рухсат берибди, аммо эртаси куни цербер яна Хонянинг йўлини тўсибди: «Қайлифинг ўлди. Йўқол бу ердан!» дебди. Шунда ҳамшира Хоня: «Бу ерда ётганиларнинг ҳаммаси менинг қайлифим!» дебди. Вахтёр нима дейишини билмай, ҳамширани тўхтатмайдиган бўлибди. Хоня ярадорларга пул бериб турар, уларга чой, қанд, вино олиб берар эди. Бу пулларни қаердан оларди? Хоня йиллар давомида йиғиб қўйилган цепимни сотишга онам рухсат берди, деб иқрор бўлди. Бутун бор-йўгини баҳтсиз бечораларга сарфлади. Ҳаётини ҳам аямади. Тинч ёт, қадрдонимиз ҳамшира, биз энг содиқ кўмакчимииздан, жафокашлар меҳрибони ҳамширадан ва меҳрибон қайлиқдан жудо бўлдик. Сенинг мардоғавор ишларинг бошқаларни илҳомлантиради ва ўрнак бўлади. *Sid tibi terra levis*^{**}.

Пирогов қабрга паст эгилиб таъзим қилди-да, қўлини ерга тегизиб, шапкасини бошига кийди ва ҳеч кимга қарамай, гўристонликдан чиқиб кетди.

Анна қабр устида ув тортмади. Пироговнинг нутқи айтиб йиғловчи йиғичининг ҳамма гапларини унуттириб юборган эди.

Пироговнинг гапларини Веня худди эртак эшигандай тинглади. У шинель кийган доктор менинг опами эмас, балки бутунлай бошқа одамии айтятти деб ўйларди. Уйга поминкага қайтганларида Веня тўппа-тўғри Хонянинг денгиз сандигининг ёнига келиб, қопқофини очиб қаради: сандиқ бўш эди...

Великий постнинг страстной ҳафтасида Могучен-коларнинг иккинчи қизи Ольга ҳам ота уйини ташлаб кетди.

Бўхта орқасидаги сухари заводи тиклана бошлаган эди, шунинг учун Ольга ҳар куни эрта билан уйдан чиқиб Павел бурунига кетар, у ердан қайиққа тушиб, Шимолий бухтадан сухари заводига етиб олар эди. Павел бурунига борадиган йўл анча хавфли эди: бу ерга кўп-кўп бомба тушиб турарди. Душанба куни уйдан чиқиб кетган Ольга

* Қадимги грек афсоналарига кўра, ўликларни қўрқиловчи даҳшатли ит.

** Ётган еринг юмшоқ бўлсин!

кечаси қайтиб келмади. Сешанба куни ўтди ҳамки, Ольга қайтмади. Онаси ва сингиллари кеча Ольга ўзининг биронта дугонасиникида тунаб қолгандир, деб ўйлаган өдилар, ё бўлмаса йўлда ярадор бўлган ёки бомба тагида қолиб ўлдими деган хаёлга ҳам бордилар. Сешанба куни эрталаб опасидан хабар олиб келгани Веняни сухари заводига юбордилар. Юнга ҳали эшикдан чиқмаган ҳам эдики, кўкрагига «Георгий» тақиб олган Мокроусенко уй олдига соявон арава ҳайдаб келиб қолди.

Анна қайнұсоз устага тикилиб қараб туриб:

— Ольга қани?— деб сўради.

— Ташвиш тортманг, қимматли Анна Степановна, Ольга сог-саломат юрибди ва сизни сўраб юборди...

— Узи қани?

— Менинг уйимда туришни ихтиёр қилдилар. Кемасозлик томондан Шимолий томонга қайиқда җатнаш жуда хавфли бўлиб қолди,— деб изоҳ берарди хижолатда қолган Мокроусенко.— Мени сандиққа юбордилар... Усти-бошлари керак бўлиб қолган экан.

— Кўтар, олиб кет сандигингни! Очиб қара, бўшаб қолмаганмикин!— деб алам билан бақирди Анна.

— Очиб қараймиз!— деб жавоб берди Мокроусенко ва сандиқни кучаниб ердан узиб кўрди.

Қайнұсоз уста Ольганинг зил-замбил сандигини уйдан ташқарига судраб чиқаётганда ҳеч ким, ҳатто Веня ҳам қарашмади. Мокроусенко Ольганинг оғир сандиги билан овора экан, Анна иккала қўлини кўкрагига қовуштириб, истеҳзо билан кулиб қараб турди. Бесўнақай сандиқни аравага ортиб бўлгаёт, Мокроусенко уйга қайтиб кирди-да, таъзим бериб:

— Саломат бўлинг, қимматли қайнанамиз, худо буюрган күёвингизникига қўймоққа боринг,— деди.

Анна пеъ ёнига келди-да, нима учундир қўлига оташкурақни олди: пеъ ёқилмаган эди. Аммо Мокроусенко Аннанинг нимага оташкурак олганини пайқаб, илдам ташқари чиқиб кетди.

— Ана, иккинчиси ҳам берухсат кетди. Раҳмат дегани бу! Энди навбат сизларга, жоним қизларим: Наташенька билан Маринка мени нима билан хурсанд қиласкин? Веня кўрибди: Стрёманинг азиз рафиқасига атаб қурган кулбаси тайёрмиши. «Олдий матрос хотини бўлмайсан, қиролича бўласан» деб мақтанар эди, ана, ўзининг қироли-часига ертўладан сарой қуриб берибди!



Наташа умрида биринчи марта жаҳли чиқиб, онасиға қараб қичқира бошлади:

— Нега ҳа деб Ольгани уришаверасиз! Ўзингиз дадам билан неча йилдан бери беникоҳ умр кўриб келасиз.— Стрёма иккимиз «Красная горка»да* черковга бормоқчимиз...

— Подшоҳ қопуни йўл бермагани учун даданг билан беникоҳ туриб келдик. Ҳозир замон ҳам бошқа, турган жойимиз ҳам бошқа: у «Колабабъя воля» бўлса, бу ерни «Машҳур Севастополь шаҳри» дейдилар... Сен нега индамайсан, Маринка, сен ҳам онангни хурсанд қилақол. Қайлифинг тузалай деб қолгандир? Қўлини ва қалбини тақдим этгандир? Ё шошилмаяптими? Онасининг фотиҳасини кутаётгандир?

Маринка ойисига чақнаб турган кўзлари билан бир қаради, ранги оппоқ оқариб кетганди, аммо тилини бодай ширин қилиб мулойим гапира бошлади:

— Ойижоним! Нефёдов тузалиб қолди. Келаси ҳафта дам олгани жўнатадилар. Аммо жуда ожиз, нимжои бўлиб қолган. Ойижон, мен ҳам у билан бирга кетаман, бориб ўзим боқмасам бўлмайди. Ўзининг туққан онасидан хат келди. Менга ўқиб берди хатни. Менсиз турол-маслигини ойисига ёзган бўлса керак. Онаси рози бўпти, менга уйланишини буюрибди.

— Замбилга солиб черковни айлантиришадими?

— Ойижон, биз «Красная горка»да унашмоқчимиз, поп госпиталга келади, тузалганидан кейин никоҳдан ўтамиш.

— Узим ҳам билувдим-а!— деди Анна, дарғазаб бўлиб.— Уй хонавайрон бўлиб кетсин-е! Даданг бўлса уйга сира келмайди. Михаил қарзни узиши керак, уй деса жони чиқади. Трифонни бўлса, ўлдирсанг ҳам кемадан пастга туширолмайсан. Веник ўзига замбарак топиб олган... Ёлғиз ўзим яккаю-ягона бўлиб қолаберамани... Ё парвардигор, битта бомба тушириб, уйни остин-устун қилиб юбор!..

Веня ойисини қаттиқ қучоқлаб, йиғлай-йиғлай овута бошлади:-

— Ойижон, мен уйланмай тураман. Мен ёнингда қоламан. Ҳеч ҳам сени ташлаб кетмайман. Ўла-ўлгунимча сен билан бирга бўламан.

* «Красная горка» — православ байрамларидал бири.

— Менга аччинадиган битта сен бор экансен! — деди Айна, ҳам йиғлаб, ҳам қулиб. — Қани, юр, кўрсат, Стрёма ўзининг қироличасига қандай сарой қуриб берибди экан.

Тўрт киши бўлишиб Стрёманинг «кулба»сини кўргани кетишиди.

Аннанинг уйимга бомба тушсин дейишининг сабаби қўни-қўшниларнинг унга ҳасад билан қарашида эди. Кемасозлар слободкасида бойлар ўзларига бомба тушмайдиган уйларни танлаб олишди, деган гаплар юрар эди. Слободканинг пастки қисмида кўп матросларнинг уйларини снарядлар хароб этиб кетганди. Истеҳкомларга яқин жойда туриш кундан-кунга ҳавфли бўлиб борарди. Хотин-халажлар ва ёш болалар ҳавфли жойдан Шимолий томонга кўчиб ўтсин, деган буйруқ чиқсан, шундан кейин шаҳардан қочиб келганлар бу ерларга ҳам землянка, ҷодир ва бостирмалар қуриб, шаҳарча пайдо қилган эдилар. Шаҳарнинг кўп уйлари бузилиб-ёзилиб, хароб бўлиб кетган эди. Шаҳар, айниқса унинг Тўртинчи бастионга яқин жанубий қисми тобора бўшаб борар эди. Давлатманд хонадонлар мол-мулкларининг кўпини олиб уйларини ташлаб кетган эди. Бўш ётган уйларга ҳоҳлаган одам кириб олиши мумкин эди, резервда турган аскарий қисмлар милтиқ ўқидан шу уйларга беркинар эдилар: қамал ишлари шаҳарга яқин келгани сари ўқлар бу томонларга ҳам учиб келадиган бўлиб қолган эди. Бастион ва батареялар қанчалик ҳавф-хатарли бўлса, шаҳар ҳам, ҳатто унинг маркази ҳам шунчалик ҳавфли бўлиб қолган эди. Шу сабабдан генерал ҳамда офицерларнинг кўпчилиги ҳам шаҳар уйларини ташлаб баъзилари бастионлардаги блиндажларга, баъзилари снаряд кам тушадиган рейд яқинига ўтган. Николай ва Павел батареяларининг снаряд тешиб ўтмайдиган тош казематларига беркиниб олган эдилар.

Шаҳарнинг маркази билан истеҳкомлар ҳалқаси ўртасидаги «обод» масофада аҳоли тобора кўпайиб борар ва ниҳоят шаҳар томоннинг ҳамма бева-бечоралари ҳам шу ерга кўчиб ўтган ва бу билан ҳавфдан узоқлашган өмас, балки ҳавфга яқинлашган өди. Севастополнинг ҳарбий губернатори этиб тайинлагандан кейин, Нахимов шаҳарда эгасиз қолган уйларнинг ходаларини, тахталарини, әшик ва деразаларини бошпана қурувчиларга бердириди. Нахимовнинг ўзи ҳамон ўзининг шаҳар квартирасида,

ҳувуллаб ётган, ярим хароба бўлиб, ёнғинда куйган уйлар орасидаги уйида якка ўзи турарди.

Стрёма ўзининг кулбаси учун жойни Малахов курган тагидаги жарликнинг туртиб чиқсан еридан, ташландиқ тош конидан танлаган эди. Бир вақтлар бу ердан тош қазилар, кейин ташлаб кетилган эди. Форнинг ичини кенгайтиришга фурсат йўқ эди: Стрёма Мокроусенко ҳамда Михаилнинг ёрдами билан форнинг оғзини тахта девор қилиб беркитиб, девордан эшик билан дарча очиб қўйди.

Қизлари ва ўғли Веня блан Анна саройни кўргани келганда, меъморлик ишлари тамом бўлган, ҳаммаёқ саришта қилиб қўйилган эди. Сарой эгаси уйда йўқ эди.

Жар ёқасига қурилган саройнинг олд томони ниҳоятда кўркам эди. Чап томонда — Людовик XV услубида ишланган нақшинкор ва зархал эшик (бу эшикни Стрёма савдогар Воскобойниковнинг ташландиқ уйидан олиб келган эди). Эшик олдида ўша уйдан олиб келинган ва дуб ёғочи фонига қора юлдуз шакли солинган квадрат паркет ётарди. Паркетнинг бир четига этикнинг лойини қириб ташлайдиган темир қоқиб қўйилганди. Эшикнинг ўнг томонида, саройнинг олди томонида — нақшинкор ва ойналари кўк, қизил, сариқ, яшил доира дераза. Дераза тепасидан самовар қарнайига ўхшаган ва уни осмонга қаратилган труба чиқиб турарди. Трубанинг учига оғзини катта очиб турган ва темир тожли аждаҳо шаклида ишланган флюгер қўндирилганди. Кузнинг изфирин шамоли уриб турганда, сарой ичida шинам ўчоқца ўт ёқилганда, бу аждаҳо оғзидан тутун ва учқунлар сочиб, даҳшатли калласини айлантиришига ҳеч ким ишонмас эди.

Саройнинг ички жиҳози ҳам жар тепасидаги тош деворга қўндирилган фасад сингари ажойиб бўлса керак. Могученколар индамасдан саройга маҳлиё бўлиб қараб турар эдилар.

Анна кулемсираб қўйди-да:

— Қизларим ичida энг баҳтлиги сен экансан: эринг сени ўз уйига олиб келар экан,— деди.

Русларнинг (православларнинг) пасха байрами ҳамда французларнинг (католикларнинг) пасха байрами 1855 йилда бир якшашба кунга тўғри келди. Бу эса камдан-кам бўлади. Тонг отарда, заутренядан кейин Могученколар

окласи Қамчатка люнетига отлана бошлади, Стрёма билан Михайл бугун тунги вахтада туришлари керак эди. Анна кулич¹⁴⁹, пишлоқ ва бўялган тухумларга ўзи «фотиҳа» берди¹⁵⁰: у ҳали ҳам ўзининг қадимги поморлар динидан чиқмас ва православ черковига фақат бир марта, шунда ҳам Хоняниң жанозаси ўқилганда борган эди.

Байрам олдидан люнетни тартибга солдилар: замбаракларнинг станокларини бошқатдан бўядилар, тўпларни ювдилар, улар тагидаги платформаларни тозаладилар, майдончага қум сепдилар. Веня ўзининг «лайча»сини яна бир карра ғишт билан ишқалаб ялтиллатди ва энди онаси, отаси ва опаларига мақтаниб кўрсатар эди. Анна Венянинг замбарагини кўриб ҳайрон қолди ва бошини чайқади, дадаси эса замбаракни ғишт билан ишқаламайдилар, «бу самовармиди!» деди.

Қамчаткага ҳаммадан кейин иккала Мокроусенко: Ольга билан Тарас келди. Ольга отаси ва онаси билан уч мартадан ўпишиб кўришаркан, уйдан берухсат кетганидан кечирим сўради. Онаси ҳеч нима демади.

Мокроусенко люнетга қоп орқалаб келди.

— Тарас Григорьевич қовурилган чўчқа боласини олиб келдими дейман,— деб тахмин қилди Маринка.

— Йўқ!— деб жавоб берди Мокроусенко, кўзини қисиб.

— Бўлмаса, бир нимта дудланган ветчинадир да,— деди Стрёма.

— Йўқ!

Веня қопни ушлаб кўрди: қопда қаттиқ ва дум-дум малоқ бир нарса ётарди.

— Билдим! Билдим!— деди Веня.— Тузлаган тарвуз олиб келган!

— Йўқ, йигитча! Бундай кунда тузлаган тарвузни ким ейди? Тузлаган тарвузни великий постда ейдилар да.

— Бўлмаса, кўрсат олиб келган нарсангни!

Мокроусенко қопдан беш пудли катта бомбани думалатиб чиқарди. Ҳамма вой деганича қолди. Бомба худди Украинада байрам кунлари бир-бирларига берадиган ва ҳар хил бўёқларга бўялган тухум сингари қип-қизил ва ям-яшил гуллар ва япроқлар билан безатилган эди...

— Нимадан қўрқасизлар? Бомбанинг заряди йўқ, ичи бўш. Француз билан христослашмоқчиман¹⁵¹, байрам

билин күтламоқчиман. Ўч кун вақтим кетди буни бе заб чиқишига. Веня, югар, батарея командиридан ижозат олиб кел: бомбани отайлик..

Веня суюнганидан қийқириб, мичман Панфилов туралдиган землянкага қараб югурди ва қайтиб кела туриб, узоқдан:

— Мумкин! Мумкин! — деб қичқирди.

Ичи бўш, аммо ранг-баранг бўялган бомбани Михаилнинг тўпига солдилар-да, отдилар.

Бир неча минутдан кейин француздар батареясидан жавоб келди, Камчатка сигналчиси:

— Бомба! Бизники! Эҳтиёт бўл! — деб қичқирди.

Аёллар ваҳима ичида ўзларини таппа ерга ташладилар. Бомба увиллаб учуб келиб, люнет орқасига тушиб ёрилди, ҳамма ёқни сассиқ қора тутун босиб кетди. Осколкалар визиллаб учуб келиб, ерни тешиб кириб кетди.

— Хотиржамлик! — деб эълон қилди сигналчи ва кетидан:

— Ҳазилни билмас экан-ку! — деб қўшиб қўйди.

— Қани, юр, кетдик, кампир, фалокатдан нарироқ турдилар, уйга қайта қолайлик! — деди Андрей Могученко.

Меҳмонлар Камчаткадан кетишиди. Француздарнинг жавоби матросларнинг жаҳлини чиқариб юборди ва Панфилов залп беришни буюрди, бироқ бу сафар ичи бўш бомба билан эмас, балки ўқланган бомба отишни буюрди. Француздар жавоб қилмади. Умуман бу куни ҳамма истеҳкомлар яна тинч бўлди. Ўлган ва ярадорлар ҳаммаси бўлиб қирқтacha келар эди.

Душанба куни тонг отарида, кучли шамол туриб, жала куйиб турган пайтда Севастополь бухтасининг оғзини қўриқлаб турган француз кемасидан осмонга ракета учди. Бу сигналга жавобан француздарнинг ҳамма батареялари бирданига губурлай бошлади, бир соатдан кейин уларнинг ёнига инглизлар ҳам қўшилди.

Севастополь истеҳкомлари ҳам жавоб бериб, уларнинг устини канонада ўтлари қамраб олди. Севастополь комендорлари беш соатгача душман билан отишдилар ва улардан сира қолишмай, тинмай отиб турдилар. Порох ва снарядлар тамом бўлди ва шундан кейин ҳамма батальонларга душманнинг икки ўқига битта ўқ билан жавоб берилсин, деган буйруқ тарқатилди.

Инглиз ва француздар порох билан снарядни язмалар. Улар Балаклава темир йўлидан фойдаланиб, байрам кунига ўз позицияларига жуда кўп миқдорда шрор ва снаряд келтирган ва энди Севастополь устига минглаб снаряд ёғдирар эдилар. Канонада гумбур-гумбурила қайси томоннинг тўплари отилиши билимас эди, уларнинг ҳаммаси кети кўринмас ва қулоқни битиравчи ҳайқириккаг айланиб кетган эди.

Кеч кирди. Канонада ҳамон тинмади ва кечаси *Бислан* давом этиб чиқди. Ядро ва бомбалар валларни қўйориб кетар, ҳандақларни кўмиб ташлар, замбарак туйшукларни беркитиб ташлар, бастионларнинг саҳналарила иштакатта чуқурлар қазиб кетар эди. Айниқса мулофаанинг чап қанотидаги олдинги истеҳкомлар — Селинг ҳамда Волинь редутлари, Камчатка люнети оғир зарар ийргарди,— улар тупроқ, тош, тур, тахта ва ходалар уюмига айланиб кетган эди.

Тунда, канонада бўлиб турганига қарамасдан, севастополлилар истеҳкомларни тиклашга киришдилар. Слободкалар ва бастионларнинг илгари бехатар ҳисобланган орқа томонларига Севастополь бева-бечоралари қурган кулба ва уялар аҳолиси жала остида сўқмоқ йўллардан лой кечиб, бастион ва батареяларга келдилар. Солдатлар, матрослар ва халойиқ эрталабгача ҳамма истеҳкомларни тузатиб чиқдилар, шикастланган тўплар ўрнига батареяларга янги тўплар келтирилди, тонг отганда Севастополь душманнинг бетўхтов, қақшатғич ва беомон ўтига яна бояги-боягидай қақшатғич жавоб қайтариб турда. Замбаракларнинг гумбур-гумбури яна бутун кун давом этди, кечқурун эса душман окопларидан милтиқ заллари ҳам эштила бошлади; душман шу милтиқ залларни панасида баъзи жойларда рус траншеяларининг олдинги қаторини атака қилишга уринди. Ҳамма атакалар даф қилинди. Ярим хароба ҳолга келиб қолган истеҳкомларга тунда штурм бўлишини кутар эдилар. Қўшинлар милтиқларини шайладилар. Замбаракларни картечъ билан ўқладилар. Аммо нима учундир душман штурм бошлашга ботинмади ва канонадани давом эттираберди.

Шундай қилиб, даҳшатли кураш олти кечаю, олти кундиз, бутун бир ҳафта давом этди. Тўртнинчи бастион таомомила хароб бўлиб кетган эди, уни бутунлай бошқатдан куришга тўғри келди. Душман пиёда аскарларининг ке-

чалари қилиб турган суст атакаларини севастополлилар милтиқ наизалари билан даф қилар әдилар. Кўшин ва халойиқ тамомила ҳолдан тойди. Замбаракларга заряд етишмасди, бу эса милтиқ патронларини очиб бўшатишга мажбур этди: болалар ва хотин-халаж патронларнинг порохини холост халталарга бўшатиш билан банд әдилар.

Шанба куни душман Тўртинчи бастионнинг тутиб чи-қиб турган бурчаги тагига келтириб кўмган ер ости ми-нани портлатиб юборди. Қоп-қора тутун лоп этиб осмонга кўтарилидю, бастион устига тупроқ ва тош ёғила бошлиди. Мина портлашида мина қўяётган русларнинг гальваник командасидан бир неча кишиси галереяда ҳалок бўлди. Гальваник команда солдати Ручкин ҳам шу ерда ҳалок бўлди.

4 апрель якшанба куни, «Красная горка» арафасида икки томондан ҳам канонада бироз пасайди. Севастополда бир одат бўлгучи эди: бу куни қуёш чиқишини тепаликларда кутиб олинарди: Севастополь слободкаларининг аҳолиси якшанба кунига ўтар кечаси ишдан бўшаб, бастион ва батареяларда қолди. Ўрмон қоплаган тепаликлар ортидан қип-қизил ва ширмондай қуёш кўриниши билан бастионларда шодиёна садолар ва қўшиқлар янграб кетди. Солдат хотинлари ва матросларнинг қизлари бастионларнинг снарядлар кавлаб ташлаган саҳнларида бир-бирларининг қўлларини ушлаб довра қуриб, айланар ва ашула айтар әдилар. Гоҳ у ерда, гөҳ бу ерда батальон хорлари ашуласига, балалайка ва сурнайлар куйига ўйин тушар әдилар.

Кундуз куни шаҳар томондаги черковда Наташа билан Стрёмани никоҳ қилдилар. 1855 йилнинг «Красная горка» байрами куни шунча никоҳ ўқилдики, Севастополда ҳеч қачон бир кунда шунча никоҳ ўқилмаган эди. Яқиндагина Хоня жанозаси ўқилган черков оқ никоҳ кўйлаги кийган қизлар, парад мундир кийган ёш-ёш аскарий ва флот офицерлари, кўкракларига «Георгий» крестлари таққан солдат ва матрослар, келинларнинг ясанган-тусангани дугоналари ва куёвларнинг олифта бўлиб олган ўртоқлари билан тўлиб кетди. Қиз ёки ўғилларининг никоҳига ота-онанинг келишига одат йўл қўймас эди.

Никоҳ тамом бўлгандан кейин Наташа Стрёмани Камчатка люнетига кузатиб қўйди: Стрёманинг вахтада ту-

риш вақти яқинлашиб қолган эди. Наташа ота уйига қайтди ва бу ердан ҳаммалари Стрёманинг Док жары тепасига қурган кулбасига жүнадилар. Тюменьда ясалған оғир сандиқни дадаси билан Тарас Мокроусенко иккى кишилашиб құлда күтариб келдилар.

Сандиқ олиб кирилгандан кейин ҳамма келғанлар кулбага сиғмай қолди. Наташа саройнинг ранг-баранг ойнали деразасидан тушган ёруғ ажойиб ёритиб турған ички жиҳозини Анна ёқтирасдан күздан кечирада:

— Иккинчи күёвимни унча бой деб бўлмас экан!— деди.

Сўри устида кичкинагина матросча чемодан, сўри тағида бир жуфт солдат этиги, тош орасига қоқиб қўйилған қозиқда Стрёманинг жомакори осиғлиқ турарди.

Наташа сўрида яшнаб кулиб ўтиради.

Шу онда кулбага Веня югуриб кирди, у харсиллар, кўзлари эса шокосасидан чиқиб кетгундай эди.

— Йиғлама, Наташа, йиғлама! У тирик!— деб қичкириди Веня.— Ўқ кўкрагидан кириб, тешиб ўтиб кетди. Ўзи ҳам қуллади. «Югар, хотинимдан суюнчи ол!» деб тоборди мени. Павел бурунига олиб кетишиди.

Наташа гуллар билан безатилған фатани¹⁵² бошидан олиб ташлади. Чинқирмади ҳам, кулбадан ўқдай отилиб чиқди-да, Павел бурунига қараб чопди.

... Орадан ярим йил ўтди, Малахов курганда адмирал Корниловнинг ярадор бўлиб ўлган кунидан олти ой ўтиб, еттинчи ойга қадам қўйған эди. Бу орада кўп ўзгаришлар юз берди, аммо бир нарса ҳамон ўзгармасди. Севастополь замбарақ ва мортиркалардан душманни ҳамон ўққа тутди. Баъзан қасира-қусир милтиқбозлик бошланиб кетарди: руслар Севастополь истеҳкомларининг ўнг қанотига ва марказига — Учинчи ва Тўртинчи бастионлар рўпарамасига ҳандақ ва траншеялар қазиб тобора яқинлашиб келаётган душман устига тўсатдан ҳамла қилиб қолар эдилар. Контр-апрошлар¹⁵³ қазиб олган Севастополь ҳимоячиларини француз ва инглизлардан торгина «эгасиз» ер ажратиб турарди, бу «эгасиз» ернинг кенглиги баъзи жойларда юз қадам, баъзи жойларда эса ундан ҳам жам келарди.

Фақат чап қанотда анча олдинга туртиб чиққан редутлар ва Камчатка люнети французларни Малахов курган-

дан минг қадамча нарида тутиб турарди. Севастополга жануб томондан яқинлашишга душман жуда кўп вақт, куч ва қон сарф қилди, аммо бундан сира натижа чиқмади: Малахов курган ва унинг олдинги истеҳкомлари мешиндай мустаҳкам тураркан, Учинчи ва Тўртинчи бастионларга штурм қилиш бехуда эди.

Кемасозлар слободасида ҳаёт ўз йўли билан давом этарди. Стрёманинг яраси тезда тузалиб, Камчатка люнетидаги ўз жойига қайтди ва бўш вақтларини ўз қироличаси учун, (Наташани у фақат қироличам деб атарди) қуриб берган қасрда ўтказар эди. Ольга ҳамон сухари заводида ишларди. Мокроусенконинг ишхонасига жуда кўп иш топширилганди. «Красная горка» кунидан бери ўтган бир ой мобайнида Тарас билан Ольга Малахов курганга бир марта ҳам келиб кетмадилар. Маринка ўз қайлиғи билан госпиталда унашиб, уни ўзи парвариш қилгани олиб кетди. Уйдан Маринка фақат бир тугун олиб кетди, холос. Маринканинг сандиги Хонянинг бўш сандиги ёнида қолаверди. Андрей Могученко уйга кўп деганда ҳафтада бир марта келиб турарди. Веня уйга ундан ҳам кам келарди, келганда ё ўзи, ё Михаил билан бирга келарди,— у акаси билан бир вахтада турар эди. Трифонни эса аллақачон «кесиб ташланган бўлак» дердилар.

Анна бир неча кунлаб ёлғиз қоларди: Наташа қудук-қа сувга келганда онасиникида «бир соатгина» ўтириб кетарди. Анна Нахимовнинг ҳар куни эрталаб Малахов курганга ўтадиган маҳалини билиб олиб, худди шу маҳалда йўлга чиқиб супургига эрман юлишни одат қилиб олган эди. Нахимов Анна билан мулоим кўришар, унга кулиб қарап эди, аммо бирон марта отини тўхтатиб, гапиришмас әди. Анна унинг кетидан қараб қолар эди-да, кейин тошга ўтириб, эрмандан ва бурган ўтлардан чамбар тўқир ва ўқларнинг чийиллаб учишига парво қилмай, ашула айтиб ўтиради:

Отамда шафқат йўқ эди сира,
Мен қизни денгиздан қутқазмади,
Лаққа чўр тошдан ҳам қутқазмади.
Онамда шафқат йўқ эди сира,
Мен қизни денгиздан қутқазмади!

Анна бир йилга етадиган супурги боғлаб, печка тепасига осиб қўйди: бозорга олиб чиқиб сотсанг арзийди! Еш

ва қари қўшни хотинилар кургани тагига юриб олганда 818
баларидан Аннага қараб ҳайрон бўлар ва ҳатто ғулалар
замонда ашула айтганини койир эдилар: Қулурунга ўғи
тортиб, қудуқ ёнида кир ювгандада ҳам, эшик өздиш үчириш
ўғилларининг усти-бошларини ямаб ўтирганида чи. Ҳозир
чаткага элтиб бериш учун ҳовлидаги ўчоқчада 1922-жили
ширганида ҳам, қўшнилар Аннанинг ингичка 1922-жили
овозини эшитар эдилар. Анна бу ерли кишилар 1922-жили
қўшиқларни айтарди. Ҳовли ўртасидаги барилори 1922-жили
қайин дарахтига деразадан қараб-қараб, қизларни 1922-жили
ўйин билан айтадиган ашуласини айтарди:

— Нега калтак сдинг, ёш қизча,
Азобландинг ёш қизча нега?
Нима ўргатишиди, ёш қизча?
— Ўргатишиди қиз одатини!
Ўқдиришиди қиз одатини,
Унутмайман ўлсам ҳам буни,
Хеч тарк этмайман рақс тушиши,
— Очил, яйра, эй гўзал қиз,
Ўйна, ўйна, эркин куйлаб,
Текис, майса дала бўйлаб.
Оқ тангача, товлан ҳаргиз
Оппоқ қайин бўйин бўйлаб.

Бирдан Аннанинг қўширини ҳовлининг ўртасидаги туштуб
ёрилган оғир бомбанинг овози кесди. Цераза сўзлари
жаранглаб синиб тушди, том черепидаларг қўниб тушди.
Анна эшикдан югуриб чиқиб,вой деганча қадиде бомба
нинг бир осколкаси қайин дарахтининг танасишини ўтиб
билиб кетган ва қадди букилган қайнининг жерига келди
учи ерга узун шохларини ёйиб ётарди.

Анна йиглаб юборди ва югуриб бориб қайинни ёзган
кўтарди, у турғизиб,тираб, синган жойини боғзаб ташла-
тиromoқчи бўларди. Дараҳт енгил шабадада ҳайкалар
турганда одамга жуда енгил кўринади, аммо синганда
кейин кичкина дарахтчанинг ҳам оғирлиги мездум ёлан-
ди. Анна қайинни кўтариб қўйишга кўп уринди — ёлан-
ди, қайтангга дараҳт бутунлай синиб узлагиб тушди. Анча
уйга югуриб кириб кетди-да, самоварнинг қайнад тошиб
кетганини ҳам пайқамай, ўзини ҳар ёнга ура бошлини.
Аннанинг кўзларини қоронғу босди, кўрпага мукка тушид
ётиб, ҳушдан кетди.

Кримда қайин дарахти кам учрайди. Севастополда же
унинг атрофида эса Анна ўз қўли билан ўстикроҳ ҳўйхар-
тирган қайниндан бошқа биронта қайин дарахти ёнг 282

Бундан йигирма уч йил илгари, Андрей Могучий Қоладан чақирирганда Анна тошлар орасида қўкариб ётган бир яшар қайнин дарахтини илдизи билан суғуриб олиб, илдинин чимӯтларга ўраб, Қора денгизга етиб келгунча авай-лаб олиб келган эди, йўлда бир яшар Мишани қандай эҳтиёт қилиб келган бўлса, қайнини ҳам шундай эҳтиёт қилиб келган эди. Севастополга келгач, қайнин дарахтини Анна ҳовлининг ўртасига ўтқазди. Дарахт кўкардию, аммо суст ўса бошлади. Анна уни тўйдириб-тўйдириб суғорар эди, шу сабабдан дарахт худди мажнун тол сингари ўсган эди. Могученконинг ҳамма болалари мажнун қайнини яхши кўрар, уни ардоқлар ва бундай қайнин бошқа ҳеч кимницида йўқ деб мақтанар эдилар.

Анна ўзига келгач, ястиқнинг кўз ёшларидан ҳўл бўлиб кетганини кўрди.

— Э, қизгина! Яна одамлар кекса хотинларда кўз ёши бўлмайди дейдилар! — деди Анна, ўзига ўзи.

Уй ичини йифиштирди-да, ҳалок бўлган дарахтга яна бир қарай деб ҳовлига чиқди. Қайнининг ёрилиб ётган тепаси ичидан оқиб ётган шираси офтобда худди қон сингари сарғиш-қизил бўлиб қотарди.

Саккизинчи боб

МАТРОС ҚАРЗИ

Апрель охирида қамал қилувчи Франция қўшинларининг беқарор, бироқ қайсар қўмондони Канроберни янги бош қўмондон генерал Пелисье алмаштириди; генерал Пелисье жасур ва ботир одам эди. Руслар томонига қочиб ўтувчи француزلарнинг сони тобора кўпайиб борар эди. Улар французылар орасида ҳам, инглизлар орасида ҳам, интизом жуда бўшашиб кетди, дердилар. Французыларнинг интизомини кўтариш мақсадида Пелисье жуда қаттиқ чоралар кўрди ва инглизлардан ҳам шуни талаб этди. Қаттиқ жазолаш чоралари солдатлар орасида норозилик түғдирди. Окопда ётабериб жуда қийналиб кетган французыларни ўқчиларидан бири бош қўмондон Пелисье окопларни айланиб юрган маҳалида уни отиб ўлдирмоқчи бўлган. Милтиқ отилмай қолган. Ўқчининг ҳарбий-дара судига берилиши ва отилиши равшан эди: у Пелисьени отиб ўлдирмоқчи эканини иқрор қилди, бу қарордан қайт-

маслигини айтди. Пелисьевнинг ўқини тушив танишидан, фақат милитарийнинг будукчиги учунини бўйруни виговор бериб қўя қолганин ҳаммани ҳайринга ишлариди. Агар қочиб ўтгандарининг гани тўғри бўлсан, Пелисьевни бу иши солдатлар ўргасида ушинг обрёснин жура ишлариди юборган эди. Севастононди бастионларида гилар хам бўйни эшишиб, француздарининг янги бош қўмондлониниң тақиёдиди. Канроберга иисбатан қаттиқ қўлни, жисур ва ҳаракатчани өканлигини билдилар. Жерве батареясининг мизорида замбаракларнинг овози тинган маҳалларда хўрх үришириши эрмак қиласр эдилар, юнга Боберниң уин үзиги үришқос ҳўрози бор эди, матрослар уига «генерал Пелисьев» деб ном қўйган эдилар.

Генерал Пелисьевнинг қатъий ҳаракатлар бошлаб ишоришини кутиш мумкин эди. Дезертирларининг ҳаммаси бир оғиздан Пелисье Кемасозлик томондаги редутлар ҳажда Камчатка люнетига штурм қилмоқчи ва башарти уларни қўлга киритса, бу истеҳкомларни Малахов курган томонига буришга қарор беради, дер эдилар. Бу маълумотлар тўғри чиқди. Июль ойининг биринчи кунлари кузатувчи постлардан душманнинг Камчатка люнети рўпарасидаги траншеялаго аскар тўплаб, атакага ҳозирлик кўра бошлиганин тумкин эди; 25 май куни кечқурған француздар тажомларни ўқقا тува бошладилар. Кадал бомбага тутдилар, шаҳарни ўтиди. Эртаси куни душман Кемасоз кечгача тинмай ўқقا тутиб турди анатнинг канонадаси тўпларенди.

танишидан дараж берарди.
қўшин қўмондони генерал

лика солиб, Шимотий томоня-

га уин қўмондлоникни ўз устига олган генерал Хрулёв олдинги позицияларни янги аскарлар билан ёзди мустаҳкамлаб бўлган ҳам эдики, бирдан штурм бошланаб кетди.

Камчатка люнети рўпарасидаги тепалик устига худди рангбаранг гулдастадек бўлиб сигниал ракеталари учанди. Люнетдан дурбин билан қараб турганларга бир талай отлиқлар группаси кўринди,— улар генерал Пелисье билан штаб аҳли бўлса керак.

Генерал Хрулёв Малахов курганга от чоитирраб келдида, Кемасозлар слободасида турган резервларни келти-

ришни буюриб, штурм бошланганини ҳабар қилиш учун бир казакни Нахимовга юборди.

Французлар чап қанотнинг энг чеккасига ҳужум бошладилар. Волинь редути уларни картеч билан қарши олди. Французлар атакага «Марсельеза» айтиб, илдам юриб келар әдилар. Муром полкининг бир батальонигина ҳимоя қилиб турган Волинь редутига олти минг киши лавадай ёпирилди. Муромлилар кучларининг борича қаршилик қўрсатди, аммо кучлари камлик қилганидан, чекиндилар жанг майдонида редут коменданти флот лейтенанти Шестаков, ўз командирлари майор Беляев ва солдатлардан ярмининг ўлиги қолди. Батальоннинг қолган солдатлари Забалкан батареясига чекинди. Забалкан батареясига қарши французлар тоғ артиллерияси билан қучайтирилган бир дивизия пиёда аскар юборди.

Адмирал Нахимов французлар «Виктория» редутидан энди штурм бошлашга сигнал бериб турганларида Камчатка люнетига етиб келди. Отини люнет орқасидаги устунга боғлади-да, денгизчи-тўпчилар билан кўришиб, люнет олдидан юриб кетди. Бирдан сигналчининг:

— Штурм! Французлар силжиди!— деб бақиргани эшитилди.

Нахимов тревога чалишни буюрди. Тўпчилар ўз тўплари ёнига югурдилар. Солдатлар штурм қилиб келувчиларнинг устига ўқ ёғдириш учун банкетларга қатор тизилиб турдилар. Замбараклар французларга картеч билан икки марта залл бериб улгурган эдики, Жазоир ўқчилари: «Ё олло! Ё олло!» деб қичқириб, чап томондаги батарея томондан люнетга бостириб кирдилар. Люнет ичидаги найзабозлик жангни бошланиб кетди. Матрослар тўпларни қўйиб, қўлларига миљтиқ олдилар.

Люнетнинг олди томонидан ленийний пиёда полк французлари ёпирилиб кирди. Ўнг томондан зуавлар бостириб кирди.

Нахимов қиличини яланғочлаб, жангнинг энг қизғин жойига отилди. Унинг заррин адмираллик погонлари душман солдатларининг диққатини ўзига жалб этди, улар Нахимовни қуршовга олдилар. У ё ўлиш, ё асир тушиш хавфи остида қолган эди. Матрослар Нахимов таҳлика остида қолганини кўриб, қуршовни ёриб кирдилар-да, найзалини ўқталиб, люнет кўттармаси тагига тислана бошладилар. Веня акаси Михайл билан бирга Нахимов ёнидан силжимасди. Бирдан юнга қорадан келган, соқоли қоп-

қора, бошига баланд қизил феска, устига зарҳал солиб тикилган яшил нимча кийган душман солдатини кўриб қолди. Солдат найзани кўкраги билан баравар кўтариб, бостириб келар эди. Веня даҳшат ичидаги чинқириб юборди. Солдат тўхтамасдан ва Веняга қарамасдан, унинг елкасига милтиқ қўндоғи билан урди-да, Нахимовга отилди. Михайл Нахимовни итариб ташлади-да, уни ўзининг гавдаси билан тўсиб қолди, аммо душман зарбасига зарба беришга улгуролмай, унинг найзасига кўкраги билан йиқилди.

Михайл қичқириб юборди, қўлидан милтифи тушиб, Веняни ҳам ўзи билан эргаштириб ерга йиқилди. Матрослар Нахимовни яна ўртага олиб, уни ҳамон люнет кўтармаси томонга итариб бўрар эдилар..

Веня иргиб турди-да, акасининг юзини осмонга ўгириб қўйди. У ҳа деб Михайлни турттарди. Михайлнинг оппоқ кўйлагига қон ёйилар эди.

— Тур, Миша! Турсангчи! Бизникилар кетиб бўлди.

Михайл кўзларини очиб:

— Укам, сенмисан? Югур, дадамга бориб айт... — деб хириллади.

Михайлнинг томоғида бир нарса ғилғила тортди-да, оёқларини узатиб, жим бўлди...

— Нимани айтай? — дерди Веня, акасининг бошига энгашиб ва юзига тикилиб қараб.

Матроснинг кўзларидан нур кетди. Михайлнинг чеҳрасига мамнуният акс этган ғалати табассум ёйилди. Оёқларини узатди. Веня Михайлнинг жон берганини пайқади.

Веня ўрнидан турди-да, атрофга қаради. Люнетда ўликлар орасида ярадорлар инграб, оғриқдан тиришиб ётар эди, улар қаддини кўтариб, яна йиқилар эдилар. Душман солдатларининг ҳар хил кийимли алномони люнетдан анча йироқлашиб, Иккинчи бастион томонга силжиб қолган эди: бир гўда матрослар ва Қамчатка люнетининг солдатлари Нахимов билан бирга ўша томонга чекинмоқда эдилар.

Малахов курган билан Иккинчи бастион замбараклари гумбурлай бошлади. Замбараклар картечъ отаётган бўлса керак. Веня аломнининг тўхтаганини ва бир тўда одамларнинг бастион валлари томонига тарқалишиб чопиб кета бошлаганини кўрди.

Веня Михайлнинг кўкрагидан «Георгий»ни апир-шапир

ечиб олди-да, қўйнига беркитди. Акасининг музлаб қолган лабларидан ўпиб, унинг милтигини елкасига осиб, югуриб кетди.

Ҳайқириқлар эшитилди. Веня орқасига қаради. Французлар шошилмасдан валдан ошиб люнетга кўтарилаар эдилар. Байроқдор бастион валига уч рангли француз байроғини тикди.

Веня люнетдан чопиб чиққан эди, бирлан отининг азоб ичида ҳиринглаганини эшитиб қолди: Нахимовнинг оти арқонини устунга чалкаштириб тортар ва хириллар эди. От нажот сўрарди. Веня отни ечди-да, эгарга тирмашиб минди. От қамчисиз чопа кетди. Док жарига туша беришда Веня отни секинлатиб, йўлдан бурилди. Унинг рўпарасидан солдатлар милтиқларини олдинга қилиб, олдинмакетин чопиб келмоқда эдилар. Солдатларнинг олдида генерал Хрулёв қиличини ўйнатиб от чоптириб келар эди. Генерал Хрулёв орқасига қайрилар ва:

— Азаматлар, олға! Камчатканни халос қилайлик! Азаматлар, бўш келманглар! Тезроқ!.. — деб қичқи-рарди.

Солдатлар амуницияларини тақиллатиб, ҳарсиллаб чопар эдилар, генерал кетидан карнайини орқасига илиб олган трубачи от чоптириб келар эди. Нахимовнинг юввов оти таниш жойга келиб қолганини билиб, тинчида-да, Малахов курган томонга йўргалаб кетди.

Веня Шайтон кўприк ёнига етгач, Нахимовнинг отини боғлади,— Нахимов Малахов курганга келганда отини ҳамиша шу ерга боғларди. Қош қорая бошлаган эди. Бастионда одатда гарнizon ўзгарган пайтда бўладиган шовқун-сурон ҳукм сурарди. Бастионнинг чап томонидаги замбараклар. Килен-балкани ўққа тутиб турарди.

Кўприкнинг нариги томонида бир тўда хотин-халажлар турарди, Веня улар ичидан ўз онасини кўриб қэлди. Анна рўмолга тугилган чугунок* кўтариб турарди: бошқа хотинлар билан бирга Камчаткадаги ўғли ва эрига кечки овқат олиб бормоқчи бўлиб турган бўлса керак.

— Ойижон, Михаил ўлди!— деб қичқирди Веня, йифлаб-йиглаб ойисининг олдига югуриб келиб.— Бир нафасда ўлдиришди! Менга айтдики, дадамга бориб...

Аннанинг юзи тошдай қотиб қолди. Турган ерида тиз чўқди-да, Веняни қучоқлаб, юзини унинг кўксига босди.

* Чуғунок — овқат соладиган идиш.



Боршч тўла чугунок қўлидан тушди, рўмол ечилиб кетиб. боршч тўкилди.

— Ойижон, йиғлама, Мишанинг дадамга нима демоқчилигини билдим: дадамнинг қарзини Миша тўлаб кутулди...

Довра қуриб турган матрос хотинлари бир-бирлари билан секин-секин гапиришиб, кўзларини артиб турар эдилар. Хотинлардан бири қаттиқ аламли товуш билан деди:

— Улган битта эмасдир. Менини ҳам ўша ерда эди.

Анна ўрнидан турди-да, деди:

— Ҳар ким ўз қарзини тўлайди. Юр, болам, дадангга бориб айт, даданг Павел Степанович билан бирга... Люнетда кўрганларингни улар билиши керак.

Анна билан Веня Нахимовни Корнилов бастиони бошлигининг блиндажи ёнидан топдилар: Нахимов, Тотлебен ва Васильчиковлар блиндаж олдидаги скамейкада ўтирад эдилар. Нахимовнинг орқасида Андрей Могученко унинг плашчини кўтариб турар эди.

Анна ўғлининг икки елкасидан ушлади-да, Нахимовнинг рўпарасига итарди. Нахимов Веняга бир қараб қўйди-да, Тотлебенга мурожаат қўлди:

— Волинь редутига ўзингиз бориб келмоқчимисиз? Камчатка люнетининг аҳволини билиш муҳимроқ. Мана, у ердан хабарчининг ўзи ҳам келиб қолди. Юнга, Камчатка люнетидан биздан кейин кетдингми?

Веня кўрган ва билган нарсаларини: Камчатка люнетига француз байрофи тикилганини, генерал Хрулёвнинг Камчаткани халос қилгани бир батальон бошлаб кетганини тутила-тутила гапириб бера бошлади.

Гапнинг энг муҳими эсига келгач, акасининг милтирини елкасидан тушириб, қўндоғини ерга тиради-да, Нахимовнинг тепасидан отасининг юзига қараб туриб:

— Миша ўлди. Ўша ерда ётганича ётибди. Мана милтифи. У менга: «Дадамга бориб айт...»— деди.

Веня онасининг қўллари елкасини қаттиқ қисганини сөзди. Веня жим қолди, кўзларини Нахимовнинг юзига тикиб, тамом қилди:

— Люнетдан отингизни миниб келдим, жаноби олийлари. Ана у ерга, Шайтон кўприк ёнига боғлаб қўйдим.

Нахимов фуражкасини ечди, бошини эгиб хаёлга ботди. Венянинг юраги орзиқиб-орзишиб кетарди. Анна ўғли-

ни бағрига босди, юнга онасининг ҳам оғир нафас олаёт-
ганлигини сезди. Веня Нахимов нима деркин деб, қўрқиб
турарди.

Адмирал бошини кўтарди: унинг чеҳрасида табассум
асари ҳам, ғам-хасрат асари ҳам кўринмас эди, Нахимов-
нинг чеҳраси порларди. Аннанинг юзига сокин қарапкан:

— Ҳаммамиз ҳам ватан олдидаги қарзимизни тўлай-
миз. Ҳаммамиз шу ерда ўлиб кетамиз. Ўлсан ҳам, тирик
қолсам ҳам, мен бу ердан кетмайман,— деди.

Кейин Нахимовнинг кўзлари Веня билан учрашиб,
сал кулумсиради-да:

— Отимни олиб келганинг учун раҳмат, юнга,— дё-
ди.— Мен сендан қарздорман...

Веня милтиқ қўндоғини ерга турс әтиб урди.

— Милтиқни отангга бер,— дағаллик билан деди
Нахимов ва Тотлебенга қараб, яна ўз ишидан гапира
бошлади:— Менимча, Забалкан батареясига бориб кел-
ганингиз маъқулроқ, Эдуард Иванович. Хрулёв фран-
цузларни люнетдан сурисиб чиқарса, улар Қилен-балки
ортидаги — редутларни ҳам қўлда сақлаб қола олмайди.
Майлими, князь?— деди Нахимов, Васильчиковга қараб.

— Албатта,— деб дарров жавоб берди Васильчиков.—
Редутларнинг аҳволини полковниждан бошқа ҳеч ким би-
ла олмайди.

Веня Михаилнинг милтиғини отасига берди. Андрей
Могученко милтиқни худди ўзининг милтиғидай елкасига
қўйди-да, Шайтон кўприкка қараб илдам юриб кетди. Ан-
на ўнинг ёнида борар эди. Юнга Могученко-тўртинчи
уларнинг кетидан қовоқларини солиб, тумшайиб бо-
рарди.

Андрей билан Анна Веняни унутиб, ўзаро гапиришиб
борар эдилар.

— Хўш, Ондре, қарздан узилдим деб севинмайсан
ҳам,— деди маъюс бир оҳангда Анна, әрига.

— Қарзни-ку — уздим-а, энди процентини тўлаш ке-
рак. Мен бир қари тентак одамман, зарари йўқ, ўзим тў-
лай олмаган бўлсам, ўғлим тўлар, деб юрган эканман.
Нотўғри ўйлаган эканман! Ўз қарзини ҳар ким ўзи узиши
керак экан, Павел Степанович тўғри айтди.

Анна хўрсинди.

— Сен нуқул ўзингни ўйлайсан, Павел Степанович
қачонги гапни гапирди! У сени қутқазгани ўзини сувга
ташлаган бўлса, ўз бурчини бажарган. Ҳар кимнинг ўзи-

га яраша бурчи бўлади. Миша ҳам, қора тунимни ёруғ қилиб келган чироғим, сенинг қарзингни эмас, ўз қарзини узди...

— Менга гап ўргатмоқчи бўласан шекилли, Анна,— деди жаҳли чиқиб Могученко.— Мени «Хизмат бурчи»нинг нималигини билмайди дейсанми? Шторм қутуриб турган бир пайтда шлюпкасини сувга тушириб, бир матросни денгиздан чиқариб олиш мичман Нахимовнинг хизмат бурчига кирмас эди. Щтурвалчи Могученко ким эди ўзи? Матрос эди ва матрослигича қолди. Мен ўз бурчимни яхши биламан! Мичман Нахимов адмирал Нахимов бўлиб етишди. Агар у ҳалок бўлиб кетса, бизнинг тақдиримиз нима бўлади? Ҳаммамизнинг тақдиримиз? У бўлмаса, Севастополнинг ҳам куни битади!

— Хо-хо!— деб хўрсинди Анна.— Мен бўлсам ўз қарзларимни тўлашга ожизман. Синганман.

Андрей Могученко бир оз жим юриб борди-да, хоти-нига секин жавоб берди:

— Сен ўз қарзларингдан узилгансан, Анна. Ҳеч гуноҳинг йўқ. Ўтган ишга салавот.

Веня отаси билан онаси ўртасидаги гапларга тушунмас ва жики-бийрони чиқиб борар эди. Юнга мушкини билан отасининг орқасига туртиб, ўзидан дарак берди:

— Ҳадеб «қарз» деяверасизлар... Менинг лайчам люнетда қолиб кетди. Мен энди қандай қилиб комендор бўла оламан? Адмирал Мишанинг штуцерини менга берар деб ўйлаган эдим, у бўлса кекса одамга олиб бериб ўтирибди. Билганимда, олиб келмаган бўлардим. Милтиқни сен нима қиласан?

Отаси Веняга қайрилиб қаради-да, жаҳли чиқиб:

— Милтиқни нима қиласан дейсанми? Ана холос. Ахир энди Михаилнинг ўринини босишим керақ,— деди.

Генерал Хрулёв Камчатка люнетини французлардан яна қайтариб олди, аммо у ерга мустаҳкам ўрнашиб олиш учун икки батальон озлик қилди. Французлар Камчаткага бир неча пиёда полклар юбориб, яна атака бошладилар, бу атакага ҳамма батареялари бирданнiga ўқ узиш билан мадад бериб турди. Хрулёв люнетдан чекинди. Французлар уларнинг кетидан милтиқ отиш билан чекланиб, таъкиб этмадилар. Забалкан батареясига етиб келгач, Тот-

лебен Қилен-балка ортидаги редутларга француэларнинг мустаҳкам ўрнашиб олганини кўриб, бу фикрини дарҳол генерал Хрулёвга билдири.

Генерал Хрулёв эртаси куни эрталаб, қўлдан кетган истеҳкомларга атака бошлишни мўлжаллар эди. Тотлебен билан Нахимов бунга рози бўлишмади: Малахов курган олдидағи тепаликларни әгаллаган францууз корпусининг ўттиз олти батальонига қарши ҳаммаси бўлиб ўн икки батальон тўплаш мумкин эди.

Камчатка люнети қўлдан кетгандан кейин князь Горчаков подшоҳга умидсизланиб хат ёзди:

«Менинг аҳволим тобора ёмонлашиб бормоқда... Мен энди Севастополни йигирма мингдан ортиқ одам талафот бермасдан туриб, ташлаб чиқиш ўйлини излайпман. Кемалар ва артиллерияни қутқариб қолиш тўғрисида ўйлаш ҳам ортиқча. Севастополь қаҳрамонларининг ярмини йўқотиб бўлса ҳам, қолганларини шаҳардан олиб чиқиб кетишдан бошқа иложим йўқ».

Севастополни ташлаб кетиш матрослар, солдатлар ва Кемасозлик томоннинг бутун аҳолисининг хаёлига ҳам келмади. Малахов курганинг орқа томонига Тотлебен-нинг раҳбарлиги остида янги истеҳком қурила бошлаган эди: Тотлебен рейддан то Жанубий бухтагача милтиқ ҳамда тўплардан ўт очишга қулайлик берадиган вал тортиримоқчи эди: Кемасозлик слободасининг бу қисми «рентраншемент», яъни ички истеҳкомга айланиши керак эди; башарти душман Малахов курганинг әгаллаб қолса, бу ердан туриб яна мудофааи давом эттириш мумкин бўлар эди. Анча олдинга чиқариб қурилган Забалкан батареясини ҳимоя қилишни Тотлебен фойдасиз деб тобди. Батареянинг ҳамма тўпларини бухтага ағдариб юбордилар, батареяни ташлаб чиқиб, Қилен-балка кўпригини бузиб юбордилар. Аммо Док жари билан Шимолий бухта ўртасидаги мудофаа линиясини кучайтириш ишлари жадаллашиб кетган эди. Катта калибрли замбараклар учун валлардан янги туйнуклар очардилар. Штурм эҳтимолига қарши да-ла замбараклари учун керакли жойларда барбетлар қу-рар, батареяларнинг валларига ўқчилар учун банкетлар ясар эдилар. Ретраншементнинг у бошидан бу бошигача бир километрдан ортиқ келадиган масофага қатор қилиб тош қалаб чиқдилар. Узоқ жойлардан қопларда тупроқ ташиб, тош устига тўқдилар. Агар Кемасозлик томоннинг ҳамма аҳолиси қатнашмаганда эди, бу катта ишларнинг

ҳаммасини солдатларнинг ёлғиз ўзи бажара олмаган бўлар эди.

— Башарти ақлга сифмайдиган бир нарса юз бериб, душман шаҳарни олган тақдирда ҳам, биз Малахов курганда яна бир ойча туриб берамиз,— деяр эди Нахимов қатъий қилиб.

Пелисье Камчатка люнетини эгаллаб, энди Малахов курганни штурм қилишга тайёргарлик кўради. У муваффақият қозонишга шубҳа қилмасди ва Малахов курганни олсак, шаҳар ўз-ўзидан таслим бўлади деб ишонарди.

Французлар императори Наполеон III Пелисьени шошилтиради ва ғалаба янада тантана ва дабдабали бўлсин учун Севастополни 6 июнда, яъни Ватерлоо ёнида бўлган жангнинг¹⁵⁴ йиллиги куни штурм қилишни буорган эди.

Франциянинг 1815 йилда, Наполеон Биринчи даврида мағлубиятга учраганини штурм олдидан французларнинг эсига солишининг беадаблик өканини инглизлар билар эдилар, ундан ташқари, штурм тайёргарлиги ҳали тамом бўлмаган ҳам эди. Инглизларнинг бош қўмондони лорд Раглан французлар билан бўлган дўстлик андишасига бориб, штурмни 6 июнда бошлашга қатъий розилик билдириди.

5 июнь тонг отарида канонада бошланди. Шу билан Севастополнинг тўртинчи марта бомбага тутилиши эди, бу сафаргиси олдинги учтасидан қолишмас эди. Душман бир кечаю бир кундуз мудофаа истеҳкомларини, Кемасозлик томонни ва шаҳарни тинмай ўққа тутиб турди. 6 июнга ўтар кечаси ҳам бомбага тутиш давом этди. Душман пароходлари рейд оғзига келиб, шаҳарга, қирғоқдаги батареяларга ва бухтада турган кемаларга залп кетидан залп отиб турардилар. Шаҳар томонининг ҳамма ерига ёндирувчи снарядлар ва ракеталар тушиб турар эди. Шаҳарда ёнгинлар чиқди.

Севастополь порохни штурмга сақлаб, канонадага сийрак жавоб берар эди. Кемасозлик слободкаси аҳолисининг, ҳамма денгизчи ва солдатларнинг куч-қуввати истеҳкомларнинг бузилган-ёрилган жойларини тузатишга қаратилган эди.

Севастополнинг порохдан бошқа ҳам муҳтоҷлиги бор эди. Заряд картузлари ясаш учун мато етишмасди, картузларни адмирал эшкакчиларининг фланель кўйлакла-

ридан тикабошладилар. Уттиз олти футли деңгиз замбараклари учун ядролар етишмасди. Бундан кўп йиллар муқаддам артиллерия машғулотлари вақтида кемалардан шундай замбараклардан Шимолий томондаги вални мўлжалга олиб, ўқ отганларини эсладилар: валнинг тагини қазиб, бир неча мингтacha ядро ковлаб олдилар. Катта калибрли замбараклар учун ядро ўрнига ёндирувчи бомбаларни қум билан аралаштириб снаряд ясар эдилар. Уғил ва қиз болалар отилган ўқларни ердан териб ва кавлаб келиб, арсеналга топширап эдилар, буни «қўзиқорин териш» дейилар эди. Баъзан шундай «қўзиқорин» териб юрилган пайтларда ўқ ёғиб турган жойларга бориб қолар ва баъзилари ўлиб қетар эдилар. Шундай бўлса ҳам, минг хил чора кўрилишига қарамасдан, ўқ-дори етишмасди, душман канонадасига ва милтиқдан отган ўқларга камдан-кам жавоб берар эдилар: ўқ-дорини штурм маҳалига сақлар эдилар.

Севастополь батареяларининг сийрак отиб туриши француздар бош қўмондонини алдади. Уб июнь тонг отарида канонадани бошламай туриб, штурм бошлаб юборишга қарор берди,— Пелисье Малахов курганни тўсатдан босиб олишни мўлжалларди.

Кечаси француздарга қарши Севастополдан пистирмалар юборилди. Фира-шира тонг ёришган пайтда Килен-балка тепасидаги пистирмадан генерал Хрулёвга жарга жуда кўп душман аскарлари тўпланиб турибди деб ҳабар берилди. Пистирмалар дарҳол француздарнинг олдинги қаторларини ўққа тута бошладилар. Сири ошқор бўлган душман Кемасозлик томондаги истеҳкомларнинг чап қанотига,— Биринчи ва Иккинчи бастионларга штурм бошлади. Рус пароходлари Килен-бухтанинг оғзига келиб, француздарни қаттиқ ўққа тута бошладилар. Шимолий томон батареялари ҳам ишга киришди. Пароход ва батареяларнинг тўплари француздарнинг жуда кўп одамини қириб юборди. Француздар, бастионга етолмай чекиниб, Килен-балка тагига беркиндилар.

Тўсатдан қилинган ҳамла натижа бермади. Чап қанотга қилинган штурм қайтарилгандан кейингина Пелисье «Яшил тепа»га (Камчат люнетини француздар «Яшил тепа» деб атар эдилар) от чоптириб келиб қолди. Фақат шундан кейингина «Яшил тепа»дан осмонга учта ракета

стилди, бу ёппасига штурм бошлаш сигнали эди. Французлар Малахов курганга уч томондан бостириб кела бошлилар.

Малахов курган ҳимоячилари французларни тўп ва милтиқлардан қақшатғич ўтиб қарши олдилар. Курган олдидаги майдон ўликлар билан тўлиб кетди. Французларнинг тор-мор этилган колонналари бетартиб аламонга айланисиб кетди. Шундай бўлса ҳам аламон Малахов курганинг тикка кўтарилиган жойигача етиб келди; французлар штурм нарвонларини ўрнатиб, валга чиқа бошлади. Нахимов шу ерда эди. У: «Найзалар билан кутиб олинсин», деб команда берди. Французларни рўпарадан туриб отилган милтиқ ўқлари ва найзалар билан қарши олдилар, уларнинг устига тош ва бомба осколкаларини ирғита бошладилар. Французлар орқага қайтди ва курганинг чап қанотига яна икки марта беҳуда атака қилдилар. Сўнгги атакани қайтаришда умр бўйи матрос ўтган 36-экипажнинг унтер-офицери Андрей Могучий бир неча ўқ еб, ҳалок бўлди.

Марказда Корнилов бастионига қилинган икки атака қайтарилиди, картечъ ва милтиқ ўқларидан французларга талай талофат етказилди. Курганинг ўнг томонида французлар вақтинча муваффақиятга эришган эдилар. Французлар Жерва батареясини эгаллаш билан Малахов курганинг ғарб томонидаги ёнбағирга етган эдилар. Бу ёнбағирдаги уйларнинг аксарини кечаси снарядлар қўпориб ташлади. Могученколар уйининг деразалари синиб тушди. Беш пудли бомба черепицани ёриб ўтиб, чердакда ёрилди ва шифтни ўлириб кетди. Бу пайтда Веня бастионда эди. Анна билан Наташа Малахов курган билан Иккинчи бастион ўртасидаги вални кўтариш учун тупроқ ташиш билан овора эдилар. Бошқа уйларда ҳам ҳеч ким йўқ эди.

Французлар Жерве батареясининг тўпларини Кемасозлик томон мудофаасининг ичкариги линиясига буриб турган пайтда, батареяга генерал Хрулёв Полтава полкнинг бир батальони билан етиб келди. Полтавалилар французларни батареядан улоқтириб ташладилар: батарея душманни картечъ билан таъқиб этди. Бундан сал олдин слободкага бостириб кирган французлар қамалиб қолди. Уларга уйларга ва бостирмаларга бекиниб олиб, милтиқлардан ўқ уза бошладилар. Ҳар бир бинони штурм билан олишга тўғри келди. Полтава полкнинг солдатла-

ри ва 36-экипаж матрослари душманинни уйлардан зўрға сурини чиқардилар ва ўнлаб француз солдатларини асири олдилар.

Инглизларнинг Учинчи бостионга қилган ҳамласи ҳам қайтарилиди, улар жуда кўп талафот берди. Эрталаб соат олтига яқин душман атакалари тўхтади. Француздар ва инглизлар Ватерлоо йиллиги шарафига бошлаган штурм натижа бермади.

6 июнь ғалабаси муносабати билан жуда кўп мансаблар, орден ва пул мукофотлари берилди. Солдагларга киши бошига икки сўмдан пул ва ҳар бир рэтага учтадан «Георгий» крести берилди.

Адмирал Нахимовга мояна устига йилига олти минг сўмдан «ижара ҳақи» бериладиган бўлди. «Бу пулни ни ма қиласман?— деди у.— Бунинг ўрнига бомба юбориши майдими». Штурмдан сал олдинроқ генерал унвони олган Тотлебенга З даражали Георгий ордени, генерал Хрулёвга Владимир ордени берилди.

Андрей Могученкони Шимолий томонга, Хөнянинг ёнига кўмдилар. Нахимов ўзининг эски қадирдон дўстини қабргача кузатди-да, тобут устига ҳарбий нишон сифатида Камчатка люнетида ҳалок бўлган Мехаил Могученконинг Веня ечиб олган орденини қўйишни буюрди.

Штурм икки томонни кучдан толиқтириди. Жимлик чўмди. Душман артиллерияси деярлик отмай қўйди. Севастополлилар порохни аяр эдилар. Аммо тинч кунларда душман қамал ишларини давом эттириди. Рус ва душман траншеялари бир-бирларига тобора яқинлашиб келар эди. Душман ўқчиларининг милтиқ ўқлари остида Кемасозлик томондаги истеҳкомларни мустаҳкамлаш ишлари ҳам давом этарди. Минёrlар ер тагини худди каламушдай қазиб, душман траншеяларини портлатиб юбориш учун кўраларга порох солинган бочкаларни кўмар эдилар.

Еттинчи июнь куни генерал Тотлебен Малахов курганга тушиб ёрилган бомбадан контузия бўлди; врачлар Тотлебенга «қимирламай ётишни» буюрдилар, бироқ эртасига ёқ инженер-генерал минёrlарга зарур иш топшириш учун Жерве батареясига етиб келди. Керакли буйруқларни бериб бўлгач, Тотлебен Малахов курганга кетди. Душман ўқчилари уни кўриб қолдилар. Милтиқлардан ўқ узилди. Ўқ Тотлебенинг оёғига келиб тегди. Етиб келган

сартарош этикни кесиб, ўқ оёқни тешиб ўтиб кетганини аниқлади. Оёқни боғлаганяридан қейин, Тотлебен тайёр турган замбилга ётди-да, сигара чекиб, квартирасига олиб боришлиарини буюрди.

Тотлебен ярадан қийналса ҳам, мудофаа истеҳкомлари ишларига ғойибдан раҳбарлик қилиб турди. Аммә бу илгаригидек эмас эди: матрослар ҳам, солдатлар ҳам, аҳоли ҳам Тотлебени Нахимов билан бирга Севастополнинг энг хатарли жойларида кўришга ўрганиб қолган эдилар. Энди Нахимов ёлғиз қолганди. У Тотлебенинг ғамини еб, ёнига маҳсус одамлар қўйдирди, ўзи ҳам тез-тез ҳабар олиб турагар, унинг уйини гуллар билан безаттирагар эди.

Бир куни Нахимов Тотлебенниги дарғазаб бўлиб келди.

— Қабиҳликдан хабарингиз борми? — деб қичқирди, оstonадан киратуриб.

— Йўқ, хабарим йўқ,— деб жавоб берди Тотлебен, кулиб.— Илгариги қабоҳатлар озмиди, яна қандай қабиҳлик қилишибди?

— Шимолий бухтага кўприк қуришмоқчи. Иккенер-генерал Бухмайер ахир ўзига иш топибди: ёғоч кўприк лойиҳасини тузибди...

— Буни у, албатта, князъ Горчаковнинг буйруғи билан қилган. Қандай қабиҳлик? Бухмайер ўз вазифасини бажарадиган ва нимани буюришса шуни қиладиган одам. Фазабингиз сабабини билиб турибман, дўстим: кўприк қуриш деган гап — Севастополни ташлаб кетишга қарор берилди деган гап. Мен буни шундай деб тушунаман.

— Гап сиз билан менинг қандай тушунишимизда эмас, гап буни солдат ва матросларнинг қандай тушунишларида... «Тўрт томонларинг қиблла, ҳамма нарсани ташлаб, ўзларинг қочиб қолларинг...» деб тушунади улар. Биз яна уч ой туриб берсак — бўлгани. Сентябрда душман қамалдан воз кечиб, уйига қайтиб жетади. Бу ерда яна бир марта қишилашга тоқати йўқ.

— Шубҳасиз. Аммо бу уч ойнинг бизга қанчага тушишини биласизми?

— Қанчага тушса тушаверсин. Россиянинг шон-шарафи миллион марта қиммат эмасми.

— Келингчи, Павел Степанович, қизишмайроқ гаплашайлик. Ҳамма ро et contra*ни тарозига солиб кўрайликчи.

* Ҳам яхши, ҳам ёмон томонларини.

— Тарозига солиб бўлмайдиган нарсалар ҳам бор-да. Севастополь гарнизонининг қаҳрамонлигини қайси тарозига солиб ўлчайсиз?

— Қелинг, сўздан ушламайлик; ўлчаш демасак, қадрлаш дейлик. Сиз баҳо бериб бўлмайдиган, бебаҳо нарсалар бор, масалан, денгизчилар матонати бебаҳо дейсиз. Баҳо бера олмасак, мухокама қилишимиз мумкинми?

— Ҳа, мумкин,— деди Нахимов, хаёлга берилиб ва Тотлебен ётган койка ёнидаги креслога ўтириб.— Даҳшатли суд куни келади-ку...

— Сизнингча, Павел Степанович, даҳшатли суд крепостной Россия устидан бўлади...

— Крепостной Россия ўн иккинчи йилда ғолиб келган. Енгилмас Наполеонни енгиб чиққан.

Тотлебен Нахимовнинг тиззасига қўлини қўйиб:

— Башарти биз ғалаба қилмаганимизда ҳам, бари бир крепостной ҳуқуқнинг куни битди деяверинг,— деди.— Менинг жуда кўп вактим бўш, шунинг учун миямга ҳар хил ўйлар келади: Севастополни сақлаб қолишга қодирмизми ё қодир эмасмизми деб кўп ўйлайман.

Нахимов Тотлебеннинг қўлини тиззасидан олиб ташлади-да, ўрнидан туриб кетди ва уй ичидаги юра бошлади.

— Нима? Нима дедингиз?— деб қичқиради Нахимов, уйнинг бу бошидан у бошига юриб.— Сиздан шу гап чиқдими, сиздан-а?.. Узингиз айтдингизми у гапни?— деб тутоқиб сўрарди, Тотлебеннинг тепасига келиб туриб.

— Ҳа, мен айтдим, гарчи дилингизни қаттиқ сиёҳ қилган бўлсан ҳам, азиз дўстим... Жаҳлингиз чиқмасдан менинг фикримни эшитинг. Ўтиринг. Одам ўтирганда вазминроқ бўлади.

Нахимов ўзини зўрға тийди-да, креслога ўтириди.

— Ҳўп. Гапиринг.

— «Эрк» тўғрисидаги овозаларнинг бултур, денгиз ополчениелари тузилган пайтда етиб келганини сиз ҳам биласиз, мен ҳам — буни ҳамма ҳам билади. Эндиликда, худди ўн иккинчи йилдаги сингари давлат ополчениеси тузиш ҳақида эълон чиққандан кейин, урушдан кейин эрк берилармиш деган овоза янада кенгроқ тарқалади.

— Бундай бўлса яна яхши.

— Шундай бўлиши аниқ: баъзи жойларда деҳқонлар ҳозирданоқ исён кўтара бошлабди. Эски тузумни сақлаб қолишнинг энди сира иложи ўйқлиги ҳаммага аён бўлиб қолди. Сиз билан биз Меншиковни ғалаба қозонишимиз-

та ишонмайди деб, ёмонга чиқарган эдик. Хулқи-атвори бутунлай бошқача бўлган Горчаков келди, хўш, нима ўзгарди? Меншиков нима қилган бўлса, бу ҳам худди ўшани қилмоқда.

— Ундан беш баттар,— деб унинг гапига қўшилди Нахимов.

— Балки шундайдир... Қуйи табақалар ғалаба қозонишга интиладилар. Аммо қуйи табақаларни ғалабага ким бошлаб боради? Генерал Хрулёвнинг бир ўзи ёлғизлик қилади. Дарвоқи, Брестовский деган капитанни танийсизми?

— Танишга мұяссар бўлганимизча йўқ.

— Владимир полкida хизмат қилади. Мен уни бирикчи марта владимирлilarни Иккинчи бастионга олиб кетаётгандарida кўрдим. Қарасам, бир тўда солдатлар, хаҳолашиб кулишяпти, ўртада — офицер. Офицернинг қўлида — китоб. Яқинроқ бориб қарасам, офицер — «Ўлик жонлар»дан Чичиковнинг Коробочканикига келган жойини ўқиб берәтган экан. Брестовский билан танишдим. «Ўлик жонлар»ни ҳамиша ёнида олиб юрар экан. Сафарларда, бастионларда бўшаган дамларда солдатларга ўқиб бераркан; агар мен ўлсан, китобни Владимир полки кутубхонасига топширинглар деб васият қилибди. Солдатлар ўртасида қандай фикрларни тарғиб этади у? Қандай фикрни тарғиб этиши равшан: «Сизларга, солдатлар, ўлик жонлар командирлик қилади» деган фикрни тарғиб қилади. Қўшинга ўлик жон қўмондонлик қилса ғалаба қозониб бўладими?

Узоқ давом этган сукунатдан кейин Нахимов деди:

— Сиз жуда қаттиқ ва бешафқат ҳукм қилар эканисиз, дўстим. Сизнинг муҳокамангиз ҳақиқатан ҳам қўрқинчли муҳокама. Биз Қора деңгиз флоти денгизчилари тўғрисида нима дейсиз? ..

— Сизларга кўприкнинг қўрқинчи йўқ. Сизлар қочмай-сизлар ҳам, бунинг учун қўприкдан фойдаланмайсизлар ҳам. Сиз денгизчилар Россиянинг ўтмиши эмас, балки келажагисизлар. Бу сизларнинг баҳгингиз, аммо бало ҳам шунда. Яна муҳим бир нарса шуки, сизларнинг ўрнингизни босадиган ҳеч ким йўқ. Пиёда аскарлардан Севастополга яна ўnlаб дивизия келтириш мумкин, аммо биронта денгизчи олиб келишнинг сира иложи йўқ. Ўттиз минг матросдан тўққиз ой ичидаги йигирма мингдан ортиғи ҳалок бўлиб кетди. Демак сентябрь ойигача Севастополда

жуда оз денгизчи қолиши равшан. Ҳақиқат қанча аччиқ бўлмасин, унинг бетига дадил қарай билиш керак-да, дўстим.

— Менинг қалбим айтган нарсаларни сизнинг ақлингиз айтиб турибди. Шундай бўлса-да, бу гапларни сиздан әшишишим менга ниҳоятда оғир, генерал. Бизнинг ўлиб кетишдан бошқа йўлимиз йўқ.

— Мен бир нарсага яхши тушуниб турибман, Павел Степанович. Сиз бор экансиз, Севастополь ҳам бардош бериб туради. Менинг бирдан-бир истагим — тезроқ оёққа туриб, яна сиз билан бирга бўлиш. Аҳвол уччалик оғир эмас...

— Менинг кўнглимни кўтариб қўймоқчимисиз? Нима кераги бор?

— Сиз билан бизга кўнгил кўтаришнинг кераги йўқ. Мен ҳали умид бор демоқчиман. Сувга чўкиб кетаётган одам сомон парчасига ёпишади. Биз учун сомон парчаси минг қиласа ҳам шу Қрим. қўшини. Солдатлар эркка чиқиши орзу қиласидар,— улар кўрсатаётган матонатининг замини шунда. Улар уруш гирдобидан жон-жаҳдлари билан қутилиб чиқишига умид қиласидар,— улар мардлигининг гарови шунда. Улар фидокорона ва мардона курашадилар... Назаримда, Горчаков Альма ё бўлмаса Инкерман жангини такрорламоқчига ўхшайди. Яна катта жанг қилиб, ишни бир зарб билан бир ёқлик қилмоқчи. Горчаковни айблаб бўлмайди: аҳволи танг қартабоз ё бор-йўғимни бой берай, ё ютай деб таваккалига уради. Ўйин нима билан тугаса тугасину, аммо ўйиндан қутилай дейди. Аммо ихтиёрида Багратион ўрнида Ноэдрёв, Кутузов ўрнида Чичиков бўлса, катта жангни ҳатто Суворов ҳам юта олмас эди.

— Сомон парчаси қани? — бетоқатлик билан Тотлебенning гапини бўлди Нахимов. — Кўрсатинг, менга сомон парчасини.

— Марҳамат. Мана, сомон парчаси. Горчаковнинг катта жангни ютиб чиқолмаслиги равшан. Ҳозир у иккиланиб тураркан, қўшин аскарлари касалликлардан ва душман ўтидан қирилиб кетмоқда. Биз ана штурм бўлади, мана штурм бўлади, деб, солдатларни доим истеҳкомлар линиясида тутиб турибмиз. Бу эса катта талафот келтиради. Нима учунлиги равшанми? Севастополь қалъаси гарчи одамимиз оз бўлса ҳам, торлик қиласиди. Даствлаб қараганда, бу фикр ғалати кўриниши мумкин. Агар ҳозир

мавжуд истеҳкомларга солдатларни икки ҳисса кўпайтирасак, кучимиз ҳам икки ҳисса камаяди. Бунинг устига талафотларимиз ҳам икки ҳисса ошади: нишон гавжумлашади-да. Бинобарин, дала қўшинлари қалъа гарнizonini тўлдириб туриш учун резерв хизматини ўтаркан ва талафот ўрнини тўлдириб тураркан, бундай қўшин бизга керак. Аммо биз бастионлардаги ўқчи ва солдатларни ишлатгандек, резерв қўшинларни ҳам тинмай ишлатиш имкониятига эга бўлганимизда, унда янада яхшироқ фойдаланган бўлар эдик. Яна бир ажиб ҳол туғилади: бунинг учун, гарчи ҳозир биз ҳимоя этиб турган истеҳкомларни зўрға тутиб турган бўлсак ҳам, уларнинг масофасини янада узайтиришимиз керак бўлади. Душман истеҳкомларига рўпарадан туриб штурм қилиб олдинга силжиш — бехуда гап...

— Сомон парчасини кўрмай турибман,— деди Нахимов.— Сомон парчасини топиб бермасангиз, сизнинг сўзларингиз оқимида ғарқ бўлиб кетаман. Қисқароқ.

Тотлебен ҳамсуҳбатининг киноясидан хижолат бўлмай, ўз фикрини айтиб тугатди:

— Кўшин катта жангда ғалаба қила олмайди. Бироқ чап қанотимиздан душманни суриб чиқариш қўлидан келади. Малахов курган ва бутуи чап қанотимиздаги артиллерияни кўпайтириш керак. Душманга ҳамла қилиб, Камчатка люнетини, Килен-балка ортидаги редутларни қайтариб олиш, улар билан Лабораторная балка ўртасидаги тепаликларни қўлга киритиш, хуллас истеҳкомларимизни шарқ томонга узайтириш ва дала қўшинларини шу линияда ишлатиш,—буларнинг ҳаммаси ҳозир қўлимииздан келадиган нарса, шундай қилсан кучимизни икки ҳисса кўпайтирган бўламиз. Хуллас, менинг бу фикрларим генерал-инженер Бўхмайернинг ўз оғзи билан айтган фикрларига тўғри келади. Бинобарин, дўстим, сиз билан биз Горчаков штабига кўприк солишимиз мумкин. Менинча бундай кўприкка қарши ҳеч нима демассиз? Башарти Горчаков бизнинг гапимизга кўнмаса, Бухмайер билан биргаллашиб туриб кўндирамиз. Менинг сомон парчам шу.

Нахимов ўрнидан турди-да, Тотлебеннинг боғлаб кўйилган оёғига қаради:

— Келинг, тезроқ тузалинг. Сизсиз жуда қийналиб кетдим. Хайр, дўстим. Бирон нарсадан муҳтоҷлигингиз борми?

— Раҳмат, ҳеч нарсадан муҳтожлигим йўқ. Сиз мени худди севимли хотинни эркалагандай эркалатиб юбордингиз.

6 июнда қақшатғич зарба еб чекинган душман энди яқинроқ масофадан штурмни тақрорлаш учун қарийб бир ойча илон изидай траншеялар қуриб, Севастополга яқинлашиб келар эди. Артиллерия ўти пасайди, фақат Қемасозлик тарафига душман суткасига бир мингга яқин снаряд отиб турар эди.

Душманнинг траншея қазиш ишларини барбод этиш учун Севастополь аввалгидан кўра кучлироқ жавоб берар эди.

Ёзниг иссиқ ва дим кечалари бошланди. Оқшомлари айрим қисмлар музика билан бастионларга тарқалар эди,— генерал Хрулёв шундай тартиб ўрнатган эди.

Блиндажларда, землянкаларда, окоп ва бастионларда бургалар кўпайиб кетиб, кечалари ҳеч кимни ухлатмасди. Бастион ҳимоячилари эрталабгача мижжак қоқмай чиқар эдилар. Матрослар вахта вақтини ташқарида, кечқурун картечъ билан ўқланиб қўйилган тўплар ёнида ўтказар эдилар. Ўқчилар бастионлардан бир қадам ҳам нари силжимасдилар. Торгина «эгасиз» жойларда пистирмалар кўз-қулоқ бўлиб ётар эди,— улар ҳарбир дўнглик ё тош панасига, чуқурларга ё мина кавлаб кетган воронкаларга тушиб ётар эдилар. Тонг отар пайтда, қуёш баланд кўтарилигунга қадар, тонг шабадасида бироз дам олинар эди. Бу қисқа оннинг қадрига душман ҳам етарди: икки томондан ҳам милтиқбозлик тугарди, замбаракларнинг овози ўчарди. Тўпчилар тўп ёнига навбатчиларни қўйиб, ўзлари дам олгани блиндажларга кириб кетар эдилар, бироқ уларни бу ерда янги бир бало: дув-дув пашшалар кутиб туради. Пашшаларнинг сон-саноғи йўқ эди. Блиндаж шифтлари ва деворларининг бирон жойи бўш қолмасди, пашшалар ҳамма ёқни худди баҳмалдай қоплаб оларди. Бир бурда нонни оғизга келтириб бўлмас эди-да: нон пашшадан қоп-қора бўлиб кетарди; чашка ва кружкаларга юзлаб пашша тушарди; бурунга ва оғизга кириб, сира ухлатмасди. Аллақандай сурранг, ўғринамо, шум ва тезучар пашша пайдо бўлди, чаққанда бургадан ҳам қаттиқ чақар эди. Кўк тусли катта-катта йўл пашшалар тинмай ғинғиллар, ўзларини девор ва ойналарга

уриб, землянка ичидан кетмай безор қиласарди. «Одобли» пашшалар нуқул ухлаб ётган одамнинг лабини келиб чақиб кетарди, унинг захридан одамларнинг бутун юзи шиншиб кетарди. Ўлимтикка ўч, зумраддай ялтираган пашшалар лак-лак бўлиб учиб келиб, ўликлар устини ва кўлмак бўлиб ётган қонларни қоплар эди, шундай пайтларда узоқдан у ерда худди шамол шойи рўмолларни ҳилпиратаетганга ўхшарди. Каллалари сариқ мурдахўр пашшалар ўлимтик излар эди. Пашшаларни блиндажлардан қувиб чиқариш учун солдатлар шундай чора кўрадигаи бўлдилар: бир лист тунукага порох тўкар эдилар, кейин тунукани шифтга кўтариб боғлаб, ёндирав эдилар: порох бирдан ёниб кетар эди-да, лак-лак пашшалар қирилиб кетарди, ташқаридан яна пашша лашкари бостириб киргунга қадар одамлар бир-икки соат ҳузур қилиб олар эдилар. Пашшалар кетидан пашшахўр қушлар — чумчуклар, қалдирғочлар, майналар ва тўргайлар ёпирилиб келар эди. Ҳатто жазирама туш пайтларида ҳам Малахов курган тепасида қушларнинг чуғур-чуғури, чирқиллаши тинмасди.

Пашшалардан касаллар тарқала бошлади. Дизентерия ва вабо касалликларининг эпидемияга айланиб кетиш хавфи туғилди.

Иигирма саккизинчи июнь куни эрталабдан душман учинчи бостионни бомбага тута бошлади. Бастион ҳимоячилари ховотирга тушиб қолдилар: кейинги кунларда душман ўз артиллериясининг ўтини Кемасозлик томонга қаратган ва душман Учинчи бастионга атака қилиш ниятидан ҳозирча қайтгандай эди. Нахимовга одам юбордилар. Нахимов: «Ҳозир етиб бoramан» деб жавоб қилди.

Ярим соатдан кейин Нахимов бастионга етиб келди ва адмирал Панфилов блиндажи олдидаги скамейкага ўтириди. Унинг атрофига денгиз ва пиёда офицерлари тўпландилар. Сигналчининг: «Бомба. Бизники», деб бақиргани әшитилди. Нахимов атрофида тўпланиб турганларнинг ҳаммаси, ҳатто унинг адъютанти Колтовский ҳам, блиндажга қочиб кириб кетдилар. Фақат Нахимовнинг ёлғиз ўзи қолди, у бомба ёрилиб, скамейка олдиларига ва ҳозиргина ҳамсуҳбатлари турган жойга бомба осколкалари, тош ва тупроқ ёғилабошлаганда ҳам жойидан қимирламай ўтирас эди. Нахимовнинг ҳамсуҳбатлари блиндаждан югуриб чиқиб, тутун тарқалгандан кейин қарасалар, Нахимов соппа-соғ ўтирибди,— ҳаммалари суюна-суюна

ва ўзингизни эҳтиёт қилмайсиз деб койиб, унинг ёнига югуриб келдилар.

Учинчи бастонда керакли буйруқларни бериб бўлгач, Нахимов лейтенант Колтовский билан бирга Малахов курганга кетди. Тепаларидан ўқлар чийиллаб учар ва визиллаб пастлаб, тошларга чирқ этиб тегар, чаңгларни учирив юборарди. Нахимов ўзининг ювош отини шоширмас эди, Нахимовнинг чап ёнида бораётган Колтовский ҳам унга қараб отини лўкиллатиб борар эди. Колтовский ўзидан қўрқишдан кўра кўпроқ адмиралдан жаҳли чиқар эди.

— Павел Степанович, рухсат этсангиз, мен сиздан бир нарсани очиқ сўрардим,— деб гап бошлади Колтовский.— Тепангиздан бомба тушаётибдию, қандай қилиб жойингиздан қўмирламай ўтира олдингиз?.. Мен худди ёш боладай блиндажга бир ҳатлашда кириб кетибман.

— Ёш боладай. Бутун гап ҳам шунда. Мен кексайиб қолган одамман. Мен қўрқиб кетишга улгурмадим. Вассалом. Орқага чўзиб турган қўлингизни сиз сира унумасиз? Мен эшикнинг бандидан ушлаб очаману, аммо бандини анча вақтгача ушлаб тураман: уни қўйиб юбориш эсимдан чиқади. Баҳорда бундай эмас эдим. Баҳорда офтобга қарасам, бир минут ўтмасдан қўзим олдидаги қора доғ йўқ бўларди, энди бўлса ўн беш минутча қўзимни парда босгандай бўлиб туради. Мана мен сенга бир қарадиму, юзимни тескари бурдим, сенинг юзинг эса худди йўлда ҳам кўриниб турандай... Рост, урушнинг бир ойини бир йил деб ҳисоблаш ҳам бежиз эмас. Мен ўн ёш кексайдим...

Нахимовнинг бу гапларидан таажжубланган лейтенант:

— Сизни ҳамма фаталист¹⁵⁵ дейдику,— деди.

— Мен бу гапга тушунмайман. Фаталист хавф-хатарни менсимайди, чунки у пешонага, тақдирга ишонади. Менимча, ҳар ким хоҳлаганича яашашга ва ўлишга ҳақи бор.

— Ўлишга. Сиз ўлим излайсизми? Е худо,— деди Колтовский, чуқур қайгули товуш билан.

— Яна бемаъни гапирдинг. Ҳаммага ўлим тайёр туртандан кейин, ўлимни излашнинг нима кераги бор. Ўлим қайғусини ейиш — bemayaни гап. Мен яшамоқ истайман, мен ҳаётни жуда севаман... Мана, сен билан мен bemalol от ҳайдаб кетаётимиз,— шунинг ўзи ҳам завқ эмасми, Павлуша? Нима қилмайлик, ниманинг орқасига беркин-

майлик, нимани қалқон қилмайлик, ўзимизнинг ожизлигимизни кўрсатган бўламиз. Виждони соф ва олийжаноб одам ўз ажалини ҳамиша ўйнаб-кулиб кутиб олади, но мард эса ажалдан қўрқади, чунки у табиатан қўрқоқ бўлади.

Колтовский ортиқ ҳеч нима сўрамади. Нахимов индамасдан Малахов курган осмонига, оқ булутлар остида парвоз қилиб юрган шунқорларга қараб борар эди.

Шайтон кўприкка етганда, Нахимов отдан сакраб тушди. Нахимовни матрослар ўраб олишди. Юнга Могученко тўртинчи жиловни олди-да, отни устунга боғлаб қўйди.

Матрослар Нахимовга савол ёғдиришиди:

— Французлар олдига Наполеон келибди дейишади, ростми? Боя винтли кема келган эди, уни бутун флот салют билан кутиб олди. Наполеон шу пароходда келди дейишади.

— Чекиниш учун бухта устига кўприк қуришаётгани ростми?.. Бундан чиқди, Севастополь билан флот тамом бўлти-да?

— Минг-минглаб хода ташишмоқда, ҳамма аравалар хода ташиш билан банд, порохимиз йўқ. Бомбалар қаерда қолиб кетди?

Нахимов жавоб берди:

— Наполеоннинг бу ерда қиласидиган иши йўқ. Келса ҳам нима, келаверсин. Севастополни денгиздан ҳам, қуруқликдан ҳам қўлга киритишининг иложи йўқлигини ўз кўзи билан кўриб кетади. Тўғри, кўприк қурилмоқчи. Кўприк бизга ўқ-дори ташиш ҳамда штурм бошланиб қолгудай бўлса, Шимолий томондан шаҳарга аскар олиб ўтиш учун керак бўлади. Порох ва бомба масаласи чатоқроқ. Порохни эҳтиёт қилиш керак. Севастополни ташлаб кетиш масаласига келганда, буни хаёлга ҳам келтира кўрманглар. Матрослар! Сизнинг қаҳрамонлигингиизни мендан яхши биладиган одам йўқ. Мичман погонини таққан қунимдан бери мен сизларнинг қандай меҳнат қилиб келаётганингиз ва жонингизни фидо қилишга тайёр турганингизнинг гувоҳиман. Севастополни қўлдан бермаймиз. Ўз байроғимни сизларнинг ёрдамингиз билан бошқа мачталарда қандай шараф билан тикиб юрган бўлсан, бундан буён ҳам шундай шараф билан тикиб юришимга ёрдам беришларингга ишонаман. Шундай, бўлсин, дўстларим, ўзингизнинг ким эканингизни французларга бир кўрсатиб қўйинглар. Яхши жанг қилганларинг учун раҳмат.

— Сента раҳмат, Павел Степанович,— деб жавоб қайтардилар матрослар.

Матрослар билан суҳбатлашиб бўлгач, Нахимов бастионнинг туртиб чиқиб турган бурчагига қараб кетди. Юнга Могученко-тўртинчи Нахимов билан бирга борар ва унга ҳар хил бўёқли сигнал байроқчаларининг сурати солинган дурбинини кўрсатар эди.

— Бунга бир қара, жаноби олийлари, отамдан менга мерос қолди. Мен сигналчи бўлишим керак, негаки мен ҳозир амалсиз қолдим... Айтинг, Павел Степанович, буйруқ ёзишсин. Мендан қарзингиз ҳам бор, эсингиздами?

Нахимов Венянинг дурбинига кўз қирини ташлаб қўйди-да:

— Нега эсимдан чиқсан, юнга? Эсимда. Аммо сен қандай қилиб сигналчи бўла оласан? Банкетга чиққанингда ҳам бруствердан ҳеч нарса кўролмайсанку?

— Хотирингиз жам бўлсин. Бунинг йўлини топиб қўйдим: тагимга табуретка қўйиб оламан. Жуда яхши кўрилади-да...

— Қани, юр бўлмаса, сигналчи. Дурбиннингдан французларга бир қарай...

Юнга суюниб кетганидан хурмат деган нарсани ҳам унутиб, дурбинини Нахимовнинг қўлига тутқизди-да, унинг бир қўлидан тортиб, банкетга судради: банкетга табуретка қўйилган эди.

Нахимов кулумсираб, юнга судраб кетаётган томонга юрди ва кетатуриб, Колтовскийга:

— Лейтенант, юнга Могученко-тўртинчи Корнилов бастионига сигналчи этиб тайинланади деб ёзиб қўйинг,— деди.

— Есть.

Малахов курган командири биринчи ранг капитан Кери ва бурчак батареясининг командири лейтенант Лесли, батареяга Нахимов келганини эшишиб, унинг ҳузурига этиб келдилар. Кейин Нахимовнинг жияни лейтенант Воеводский ҳам этиб келди. Керн бастионда хотиржамлик деб рапорт берди ва Нахимовни хатарли жойдан олиб кетиш учун:

— Образ олдида тунги ибодат ўқилаётган эди. Ибодатга боришни хоҳларсиз, жаноби олийлари?— деди.

— Хоҳласангиз — ўзингиз бораверинг. Мен сизни ушлаб турганим йўқ,— деб қўрс жавоб берди адмирал.

Керн таъзим қилди-да, ҳавф-хатарга шерик бўлиш учун, адмирал блан бирга қолди.

Нахимов лейтенант Воеводскийга қаради ва кулиб туриб:

— Э-э. Айтмоқчи эртага именинниксиз-а, ёдимдан кўтарилибди. Дарвоқи, эртага «Пётр билан Павел» кунния.¹⁵⁶ Ҳозир ёдимдан кўтарилибди, бўлмаса эсимда эди. Мен сизга яхши бир совға ҳозирлаб қўйибман. Кейин кўрасиз...

— Раҳмат, тоғажон.

— Сиз ҳам эртага именинниксиз, Лесли?

— Худди шундай.

— Сизга қандай совға беришимни айтмайман.

Лесли адмиралга таъзим бериб:

— Сизни маросим пирогига таклиф этишгина қолди, жаноби олийлари... Шу ерда батареяниг ўзида...—деди.

— Раҳмат. Сизни табриклагани албатта қеламан...

— Ўзингиз ҳам эртага именинниксиз-ку, Павел Степанович?—деб сўради капитан Керн.—Туғилган кунигиз муборак бўлсин.

Нахимов қўл силтаб қўя қолди. У худди тепада учиб юрган лак-лак пашшаларни қўригандай бўлди. Катта-катта кўк пашшалар Нахимов фуражкасининг оқ матадан тикилган чўққисини кўриб учиб келган эди.

Бу орада батареяда комендор Стрёма адмирал борида отиш учун катта замбаракни бомба билан ўқлаб турар эди. Замбаракниг отишга тайёр турганини қўриб, Веня Нахимовдан дурбинни сўради.

— Бир минутгагина... Қайтариб бераман. Қаерга бориб тушишини қўрай...

Веня лип этиб табуреткага чиқди-да, дурбинни брустверга қўйиб, бир кўзини дурбин ойнасига қўйиб қарай бошлади. Замбарак гумбурлаб отилди.

Душман траншеялари томонидан бомбанинг гумбурлаб ёрилиши эшитилгандан кейин сигналчи:

— Эҳ, жуда боплаб кўтариб ташладими. Уч киши асфаласофинга кетди. Жаноби олийлари, бир қара, худди суваракдай типирлашиб қолишди,—деди.

Нахимов юнганинг қўлидан дурбинни олди-да, энгашиб қарай бошлади. Адмиралниг бруствер тепасидан чиқиб турган фуражкаси француз ўқчиларининг диққатини ўзига тортди. Бир ўқ Нахимовнинг ёнига келиб, вал чўққисини ялаб ўтиб кетди.

— Павел Степанович, бошингиздан фуражкангизни олинг, улар оқни мұлжаллаб отишајпти,— деб маслаңат берди адмиралга Колтовский.

Нахимовнинг ёнидан бир исеча ўқ чийиллаб учиб ўтли.

— Сизга отишајпти, жаноби олийлари. Банкетдан түшинг,— деб худди буйруқ бергандай қичқирди Кери.

Нахимов огоҳлантиришларга э'тибор бермай, ҳамон дурбиндан қараб турар эди, кейин бирдан секин «оҳ», деди-да, чалқанчасига йиқилди, дурбин қўлидан тушиб кетди. Нахимовнинг бошидан фуражкаси ҳам тушиб кетди, ўнг қўзининг сал тепарогидан қон оқиб чиқа бошлиди.

Турганларнинг ҳаммаси бир он тошдай қотиб қолдилар. Сўнgra бехуш ётган Нахимовни кўтариб, оқ манора харобалари ёнига олиб келишди. Бу ерда ҳамиша шафқат ҳамшираси навбатчиликда турарди. Нахимовнинг бошини бинт билан боғларкан, ўқнинг тешиб ўтиб кетганлигини аниқлади: Нахимовнинг энсасидан ҳам қон томиб турар эди.

Нахимов оғир нафас олиб ётарди.

Мусибат ҳақиқидаги хабар бир пасда бутун бастионга ёйилди. Нахимовни Шайтон кўприкдан олиб ўтиб кетаётгандарида замбил кетидан бошларини яланғочлаган бирталай одам борарди. Бултур 6 декабрь куни Веня ибодат вақтида Йилнинг бир ойга ўтишини эшитгач, энди эса тунги ибодат бўлаётган майдончада ҳеч ким қолмади. Пётр ва Павел иконалари турган налой¹⁵⁷ олдида битта ҳам ибодат қилувчи одам қолмади,— ҳамма замбил кетидан борар эди. Фақат кимхоб тўн кийган поп билан дъякон икона теварагида айланиб, худди ҳеч нарса юз бермагандай, бир-бирларига эгилиб таъзим берар ва ибодат ўқишида давом этар эдилар.

Нахимовни Павел бурунига олиб келдилар, бу ердан қайиққа солиб, Шимолий томонга олиб ўтдилар. Докторлар тўпланди, улар ўлим хавфи борлигини аниқладилар. Нахимов гарчи аҳён-аҳёнда кўзини очиб, худди бир нима демоқчи бўлгандай лабларини қимирлатса ҳам, ҳушига келмас эди. Ёнидагилар сувсираётиби деб ўйлаб, лабита стаканда сув тутган эдилар, қўлини кўтариб, стаканни қайтарди.

Нахимов бир кечаю-бир кундуз ўлімга бардош бериб ётди. Госпиталь жойлашган бино олдини индамай тўпланиб турган солдат ва матрослар босиб кетганди.

30 июнь туш пайтида Нахимов жон берди.

Нахимовнинг жасадини тобутга солиб, барказга ўриатилган катафалкка олиб ўтдилар. Севастополь бухтасининг зумрад сувларидан Нахимов сўнгги марта сузиб ўтди. Кемаларда байроқлар эгилди, улар ўзларининг севимили адмиралига мотам салютини эмас, балки тириклигига бериладиган салют бериб, замбараклардан ўқ уздилар. Кемаларнинг командалари тепада бош кийимларини очиб, қатор саф тортиб тураган эдилар.

Граф пристанидан Нахимов тобутини то шаҳардаги уйигача денгизчилар кўтариб борди.

Нахимовнинг жасадини «Мария» кемасининг Синоп жангидаги кўп жойларини снаряд тешиб ўтиб кетган катта байроғи билан ёпдилар. Тобутнинг бош томонига учта адмирал байроғи тикиб қўйилди.

Агар Нахимов кўзларини очолганда эди, залнинг ланг очиқ эшикларидан, атир гуллар очилиб ётган боғ орасидан, ялт-ялт этиб мавж уриб турган денгизни, қуёш шульларида кўриниб турган душман кемаларининг қораларини кўрган бўларди.

Нахимов уйига кечасию кундузи бетўхтов келиб турган солдатлар, матрослар, офицерлар, генераллар, болаларини етаклаб олган солдат ва матросларнинг хотинлари, Кемасозлик томон ахолиси, шаҳар хонимлари, татар хотинлари, бола-чақаларини етаклаб қелган балиқчи грекларнинг кети кўринмас эди.

Кўмиш маросими 1 июлга тайинланди. Нахимов квартирасининг рўпарасига икки пиёда аскарлар батальони билан кемалардан чақирилган флотчилар батальони ва дала артиллерия батареяси саф тортиди. Нахимов тобутини уйидан черковгача, черковдан Шаҳар тепалигигача қўлда кўтариб бордилар: у ерда Истомин, Корнилов ва Лазаревлар ёнидан Нахимовга қабр ҳозирлаб қўйилган эди. Кўмиш маросими кечқурунгача давом этди. Минглаб кишилар марҳум билан сўнгги марта кўришиш ва у билан видолашибни истар эдилар. Черков қўнғироқлари мотам тутиб янграрди. Мотам куйлари тинмасди. Мискарнайларнинг чинқиргани аёлларнинг аччиқ-аччиқ йиғлаган овзлари билан қўшилиб кетарди. Осмонда қора булутлар пастлаб сузиб юрарди: денгиздан шамол уриб турарди.

Солдат ва деңгизчиларининг милини, ғарнizonini жана
«Константин» кемасининг замбарилик ташниларидан сабаки
Нахимов жасадиан қабрга туширилилар.

Севастополь бошига оғир мүснубит түшнаждиги кундан
билар эди. Дағи маросими нақтини дунимий ташниларидан
дан бир марта ҳам түн отилмиди.

Адмирални қабрга кулатиб келгивилардий.

— Уй эгаен кегди, эгаена уй — етим.

Бу сўзлар бир маргагина айттилами дилидаги фикри бир эдин, бироқ ҳамми қаридан да
қарип айттолмаэ эди...

Ҳамон касалдан туротмай ётган Тотлебен, дар бир оғир
видолашгани дағи маросимига кели билиш.

«Мотам менинг бутун вужудимни қўярдилар, 1770 — 1855
ёзди у, хотинига 17 июнда.— Нахимовни жони ғарнizonini
дай яхши кўрардим. У мисленз дараражада қўярдилар.
Уни севмаган ва ҳурмат қўлмаган одам йиғаланадиган
ёрдами билан биз флотда одам ақлига сизайтига киль-
ларни бажардик. У худди қадимги замон ватаншарчали-
ларига ўхшарди, у Россияни беҳад сезар ва ҳудуди на-
димги Греция ва қадимги Римнинг олийжониб ватаншар-
варлари сингари, ўз ватанининг шаъни ва шароди ўзига
бор-йўғини қурбон этишга тайёр эди. Шунинг баланд билиш
нақадар меҳрибон билан киши эди. Жағориётларга сўн-
мак беришларини айтмайсанми. У кўмак бернишга тоға
йўқ эди, ҳамманинг ҳолидан хабар оларди ва бундани
мислсиз фидокорлик билан қиласр эди.»

Нахимов вафотидан сўнг Тотлебен Севастополни таш-
лаб, Бельбекка кўчиб кетди. Нахимов ўзини замон
Тотлебенинг аҳамияти ва таъсири қўлмасди. Сев-
астополь юраги уришдан тўхтади. Тотлебен замонини
кейин Севастополнинг ақли сўнди.

Узил-кесил жанг қилмасдан туриб Севастополни таш-
лаб кетишнинг мумкин эмаслигини бен қўйнади. Гор-
чаков тушунар эди. Император Александер I Нахимовни
нинг маслаҳатига кўра, бош қўймондан ҳарорадиганни
чақирди. Горчаковга ёзган хатигда нозрару «Гарнизон
гарнizon руҳини тушириб юборини мумкин бўлса, сизни
локатли урушга хотима берини учун бирор ёнди жонни
ра кўриш» кераклигини лозим тонар эди.

Горчаков генералларни тўнишо, маржук ғарнizonini
рисида ўз фикрини баён этди на ёргаси кунга қўнгиди. Йиғаланадиган
ёзма ҳолда топширишини таклиф қиласди. Гарнизонни

раллардан: вақтни чўзиш учун Севастополь мудофаасини давом эттирайликми ё бўлмаса Қrimга келаётган янги қўшинлар етиб келиши биланоқ узил-кесил ҳужумга ўтиш керакми? деб сўради. Агар ҳужумга ўтиш керак бўлса, Горчаков қандай чора кўриш ва қачон ҳужум бошлаш кераклигини билмоқ истарди.

Эртаси куни генераллар ўз жавобларини топширдилар. Аксарият Қora дарё орқали ҳужумга ўтиш керак деган таклиф киритди. Дмитрий Ерофеевич Остен-Сакен Севастополни бўшатиб, ҳамма қўшинларни бир ерга жамлаб, очиқ ерда жанг қилиш керак деган таклиф киритди. Инженер-генерал Бухмайер Қora дарёдан ҳужум қилиш билан бирга Кемасозлик томондан ҳам атака қилиш керак дер эди. Генерал Хрулёв уч хил план топширди. Кемасозлик томондан ҳужум бошлаш керак деган таклифга базур қўшилди.

Генералларнинг фикрини ўқир ва ягона хулоса чиқарар экан, Горчаков аниқ қарорга келиб қўйган эди: «Мен ёвга қарши ҳужумга отланмоқдаман,— деб ёзган эди, у, ундан бир кун олдин ҳарбий министрга.— Агар бундай қилмаганимда ҳам бари бир Севастополь яқин орада таслим бўларди...»

Депешани жўнатар экан, Горчаков ҳарбий кенгаш аксариятининг фикрига мувофиқ душманга Қora дарёдан атака қилишга қарор берган эди. Горчаков генерал-адъютант Тотлебенning фикрини билмоқчи бўлиб, Бельбекка ўзи жўнаб кетди. Учрашув вақтида Тотлебен Горчаковни душман позицияларини Қora дарё томондан атака қилиш бемаъни ва беҳуда иш эканига ишонтирди. Тотлебен ҳамма мавжуд кучларни бир ерга йиғиб туриб, Кемасозлик томондан атака қилинсагина, бир натижа чиқиши мумкин деб ўйларди.

Горчаков беҳуда ҳужум қилиш фикридан айнигана эди, бироқ ўз квартирасига қайтиб келгач, штабидаги «ўлик жонлар»нинг таъсирига берилиб, гарчи ғалабага ишончи бўлмаса-да, яъни эски қарорига қайtdi.

Ҳужумни 4 августга ўтар кечаси бошламоқчи бўлдилар, 4 август куни тонг отарида рус қўшинлари Қora дарёдан ўтиб, душман позицияларига атака бошладилар. Солдатлар жонбозлик билан урушдилар, аммо уларнинг Сапун-гора ва Федюхин тепаликларини қўлга киритиш учун ўлиб-тирилиб қилган ҳаракатлари натижа бермади: тарқоқ кучларни бир мақсад сари башлаб бўрувчи яго-

на ирода йўқ эди. Генераллар бекарорлик, ўзбонимчалик, қатъиятсизлик билан ҳаракат қиласар әлилар, ҳатто Горчаковнинг буйрганини бажаришдан очиқ бош тортишлар ҳам бўлди. Кончи жанг натижка бермади.

Севастополнинг куни битиб қолган эди. Горчаков Шимолий бухта кўприги қурилиб бўлиши биланоқ Жанубий томонни ташлаб чиқиб кетмоқчи эди. Ҷунман ҳамон шаҳарга оғир мортиralардан снаряд ва бомбалар ёғдериб турарди. Шаҳарда биронта бехатар жой қолмади. Шаҳар томон тамомила ҳувуллаб қолган эди. Кемасозлик томонида ҳам деярлик одам қолмаганди: душман замбаракларининг ўти тобора кучаяр эди. Кемасозлик томонга паноҳ қидириб келганлар ҳам энди кулба ва землянкаларини ташлаб, Шимолий томонга кўчиб кета бошлаган эдилар. Снарядлардан ўт олиб кетган док мастерскойлари ёниб ҳамом бўлган эди.

Мокроусенко Шимолий томонда, Шимолий истеҳком орқасидаги тепаликда пайдо бўлган янги шаҳарда ўзига бир уйча қуриб олиб, хотини билан кўчиб ўтди. Анна билан Наташа, Стрёманинг ўз қироличаси учун қуриб берган саройида тиқилишиб яшар эдилар. Француэларнинг окоплари Малахов кургандан ўн беш қадамча нарига келиб қолган эди, шунинг учун дурбиндан қарашнинг ҳам ҳожати қолмаганди, шундай бўлса-да, Веня ҳамон Корнилов бастионида сигналчи бўлиб ишларди. Бастионга снарядлар шу қадар қалин ёғилиб турар эдики, уларнинг қайси томонга учишини, қаерга бориб тушишини айтиб бўлмасди. Француэлар элликдан ортиқ оғир замбарак ва яна шунча оғир мортиralарининг ўтини Малахов курганга қаратган эдилар.

Йигирма тўртинчи август тонг отаридаги канонада бошланди, бу канонада олдингиларининг ҳаммасидан зўр бўлди. Бутун Севастополь устини қалин тутун босиб кетди.

Кўёш чиққан, аммо тутундан кўринмасди.

Канонада тунда ҳам давом этиб, бузилган-ёрилган жойларни тузатишга ҳалал берди. Шаҳарнинг кўп жойларини ўт олиб кетди. Рейдда ракеталардан ёниб кетган кемалар аллангалаб ётарди. Малахов курган штурм эҳтимолига қарши кучларини тежаб, душманга сийрак жавоб берар эди. Тонг отарда Малахов курган бутунлай жим бўлди. Корнилов бастионининг олд томонидаги вални

снарядлар бутунлай текислаб, зовурни кўмиб ташлаган эди. Қуриб қолган турлар салга ёниб кетар ва олов атрофга тарқалиб порох складларига яқинлашиб келар эди. Душман канонадаси билан баҳлашиш қаёқда дейсиз, курган ҳимоячилари порох складларини сақлаб қолиш учун фақат ўт ўчириш билан овора бўлар эдилар.

26 августга ўтар кечаси канонада бироз пасайди. Душман эртага Бородино жангига¹⁵⁸ йиллиги шарафига ёппаси-га штурм бошласа керак деган фикр туғилди. Штурмни картеч билан қайтариб туриш учун кечаси Малахов курганинг амбразураларини нари-бери амаллаб тузатдилар.

Душман 26 августда ҳам штурм бошлашга ботинмади, ҳамон кун бўйи замбараклардан ўқ отиб турди. Малахов курган устига яқин окоплардан иргитилган бир неча бочка порох келиб тушди. Бочкалардан бири ёрилиб, валниңг йигирма қадамча жойини текислаб кетди. Яна бир бочка бомба сақланадиган кичкина складни портлатиб юборди.

Малахов курган отишни тўхтатди. Бастионнинг снаряд ва бомбалар кавлаб ташлаган саҳнида курган ҳимоячилари нима қилишларини билмай юрар эдилар. Ҳамма ерда ўликлар ётарди, ярадорларнинг инграшлари эшитиларди. Уларни кургандан олиб кетиб бўлмас эди, чунки курганинг бутун фарбий томонини душман замбарак ва мильтиқлардан ўқса тутиб турарди. Кечки пайт курганга матрос аёллари бир амаллаб ўтиб келишди; баъзилари ёш болаларини оталари билан ҳайрлашгани етаклаб келган эдилар. Анна ва Наташа Веня билан Стрёмага овқат ва икки чеклак сув келтиришди. Матрос ва солдатлар сувни кўриб, хотинларни ўртага олдилар ва жуда бўлмаса бир қултумдан сув беринглар деб ялиндилар: бастионда бир кечаю, бир кундуздан бери сув йўқ эди. Қўлдан қўлга ўтиб кетган чеклаклар бир нафасда бўшади. Стрёмага овқат емайман деди, унинг кетидан Веня ҳам овқат ейишдан бош тортиди.

— Ундан кўра уйга қайтсаларингчи, хотинларга бу ерда нима бор,— овозини жўрттага йўғон қилиб хириллаб дерди Веня, унинг тили зўрга калимага келарди.

— Энди бизнинг уйимиз шу ер. Сизлар бор жой— бизнинг уйимиз,— деб жавоб берди ўзи ва онаси учун Наташа, эрини қучоқлаб.

Анна ўғлини бағрига босди.

— Гандираклаб қолибсанку, ботир ўрлим... *Лурбинг* қани, сигналчи? — деб сўради Анна, ўглидаи.

— Яшириб қўйдим. Фалокат босиб, яна синдириб қўйишмасин. Мана бу тош тагига яшириб қўйдим, шу ёрда ётаверади.

Она ўғлини қучоқлаганича блиндажга олиб кетди. *Кунга* йўқ демади. Блиндажнинг ичи қоронгу ва тутун *Босиб* кетганди. Сўриларда, сўриларнинг тагларида, ерларла солдатлар бир-биғларига сунниб, зич бўлиб ўтиришарди. Анна ўғлини сўрига, икки солдат ўртасига ўтқазиб қўйди, солдатлар сўрида милтиқларини тизза орасида ушлаб, ўтирган ерларидаги уйқуни урмоқда эдилар.

— Сен кетмайтур, ойи, мен фақат бир минутгина ужлаб оламан,— деди Веня, кўзи уйқуга кетаётуб.— Штурм бошланганда мени албатта уйғотиб қўй... Стрёма иккимиз икки кечада ухлаганимиз йўқ...

Веня ухлаб қолди. Анна унинг тепасида бир пас турди-да, блиндаждан чиқди ва челакларни олиб, дўлдадай ёғилиб турган ўқлар остидан қудуққа сувга кетди.

27 август тонг отарида туиги вахтадан қайтган пассирмалар душман окопларида парад форма кийгани аскарларнинг тўпланиб турганини хабар қилдилар. Эрталаб душман қақшатғич канонадани пана қилиб туряб, Севастополь истеҳкомларига яқин турган окопларга бирталай куч ташлаб, уларни эгаллади. Туш пайтида чап қачотдаги Килен-бухтадан тортиб ўнг қанотдаги Бешинчи бастионгача бўлган ҳамма истеҳкомларга ёпиасига штурм бошланди. Сигнал берилиши билан замбараклар бараварига жим бўлди-да, французлар фуж-фуж бўлиб атакага ўтдилар. Асосий зарба Малахов курганга қаратилган эди,— ўн минг кишига яқин бир дивизия ҳайқириб ва бақириб, курганга интила бошлади. Малахов курган замбараклари энди бир мартагина картечъ отиб улгурган эдики, кўмиб ташланган зовурдан французлар бастионга бостириб кирдилар. Бастионнинг ичидаги наизабозлик жанги бошланиб кетди. Кучлар баравар эмас эди: битта рус жангчига учта, балки тўртта француз тўғри келар эди. Ҳамма командирларини йўқотган солдатлар ва бир тўда матрослар курган остидаги ретганшементга чекиндишлар. Оқ манора харобалари олдидағи вал тепасида уч рангли француз байроғи пайдо бўлди. Французлар кургандан

чап томондаги Иккинчи бастионга ва ўнг томондаги Жер-ве батареясига силжиб ўтдилар. Айни вақтда душман Иккинчи бастионга түғридан штурм бошлади, қарши атака билан қайтарилди. Малахов курган билан Иккинчи бастион ўртасида французлар бир неча пиёда аскарлар ротасини енгиб, ретраншемент валидан ўтиб, Кемасозлар слободкасига бостириб кирдилар.

Генерал Хрулёв бутун қолган замбаракларни душман томонга қаратиб, резервда турган аскарларни атакага бошлади. Картечъ ва найзалар билан французларни ретраншементдан суриб чиқардилар ва Иккинчи бастиондан ҳайдадилар. Французлар янги аскарлар билан Иккинчи бастионга яна хужум қилишга уринган эди, бироқ Биринчи бастион ҳамда Килен-бухта оғзиға етиб келган кемаллардан отилган замбарак ўқлари билан қайтарилди. Душман дала тўпларининг ўти билан штурмга мадад бермоқчи бўлди. Милтиқ картечъ ўқлари ёғилиб туришига қарамай позиция эгаллаган француз артиллеријаси иш кўрсата олмади: тўртта замбарагини ташлаб, орқага чекинди. Французлар қамал учун қурилган батареяларининг ҳимояси остига чекиндилар. Кундуз соат учларга бориб бутун чап қанот, яъни Малахов кургандаи тортиб Килен-бухтагача бўлган масофада штурм қайтарилган эди.

Шимолдағи уриб турган совуқ изғирин шамол чангтўзон кўтарар эди. Бошқа жойларда жангнинг қандай аҳволдалигини тутун ва чангдан кўриб бўлмасди.

Инглизлар Малахов курганга уч рағғли байроқ тикилганини кўрганларидан кейингина Учинчи бастионга атака бошладилар. Инглизларнинг атакаси натижка бермади. Улар жуда кўп талафот бериб, ҳамма ерда кетинга чекинди.

Тўртинчи ва Бешинчи бастионларга французлар штурм қилган эди, улар ҳам милтиқ ўқлари ва найзалар билан ўз окопларига улоқтириб ташланди.

Генерал Хрулёв Малахов курганни французлар қўлидан қайтариб олишга қарор берди. Уч полкнинг қолган-қутганларини бир ерга тўплаб, отдан тушди-да, солдатларни узун колонна қилиб тизиб, Малахов курганнинг орқа томонидан штурмга бошлаб кетди. Малахов курганга бу томондан штурм қилиш французларнидан анча қийин эди: французлар курганнинг олд томонидан, кўмиб ташланган зовур ва текисланган валлардан штурм қилинган бўлсалар, генерал Хрулёв тоғнинг тикка кўтирилган

томонидан штурм қилиши керак эди. Корнилов бастионнинг орқа томонини зовур билан вал ҳимоя қилиб турар эди. Солдатлар Шайтон кўпприк орқали ўтснн учун валинг бир ерини ўриби, йўл очдилар. Кўпприки канонада бузиб юборган эди. Атака қилувчиларга зовурдан ўтиш ва валинг бузилган еридан ўриби киришга тўғри келар эди.

Колонна жангга мардона кириб борди. Колоннанинг биринчи қаторлари йиқилди, колонна ҳамон олға қараб борди. Найзалар олдинга қаратилган. Бироқ Хрулёвнинг қўлига ўқ тегиб яраланди, кейин бошидан контузия бўлди-да, солдатларни ортиқ бошлаб боролмади. Қўшинн тўхтади, чекинди-да, курганнинг шимолий ёнбағридаги ўйларнинг харобаларига беркинди. Яра ва контузия оғриғига чидай олмаган Хрулёв қўшинларни генерал Лисенко кога топшириб, жанг майдонидан кетди. Лисенко солдатларни қайта атакага бошлади, бироқ қаттиқ ярадор бўлди. Роталарда ҳамма офицерлар қирилиб кетди. Лисенко нинг ўрнини генерал Юферев босиб, икки марта чекинган қўшинларни учинчи марта штурмга бошлади. Солдатлар жон-жаҳдлари билан жанг қилиб, бастионнинг кўтармаси ичига бостириб кирдилар. Даҳшатли найзабозлик бошланди. Юферев колонна бошида туриб жанг қиласар эди. Француздар генерални қуршаб, таслим бўл деб қичқирап эдилар. Юферев қилич солиб жавоб берди ва бир неча найза зарбидан ерга йиқилиб, ўлди.

Горчаков эрталабдан бери Николай батареясининг бехатар казематида ўтирад эди. Хрулёвнинг ярадор бўлганини эшлитиб, бош қўмондон Кемасозлик томондаги қўшинларнинг бошлиғи этиб генерал Мартинауни тайнилади ва унга француздардан Малахов курганини қайтариб олишни буюрди. Мартинау бастионга фақат икки полкнигина олиб келиши мумкин эди. Улар бирон марта ҳам ўқ узмасдан, барабан садолари остида атака бошладилар. Мартинау оғир ярадор бўлиб йиқилди: ўқ елкасини мажақлаб кетган эди...

Кемасозлик томон қўшинлари командирсиз қолди. Малахов курганнинг бутун ёнбағри ўликларга тўлиб кетди. Шундай бўлса ҳам солдатлар: «Патрон келтир. Бошла бизни», деб қичқирап эдилар.

Корнилов бастионига француздар жуда кўп аскар олиб келдилар. Рус солдатлари бир тўдагина матрослар ва сапёрлар, ҳатто баъзан командирсиз, Корнилов басти-

онига бостириб киришга яна ва яна уринар, ҳаммалари ҳалок бўлиб кетар эдилар.

Малахов кургандаги оқ манорадан фақат шифти билан пастки қават қолган эди. Бу ерда учта ёш офицер ва икки флот юнкери бошчилигида бир тўда солдат ва офицер,— ҳаммаси бўлиб қирқтacha киши қолган эди. Узун-узун абордаж илгаклари билан қуролланган матрослар тор йўлакка тизилиб турар эдилар.

Француздар Малахов курганини тамомила қўлга киритдик деб ўйлар эдилар, бироқ оқ маноранинг туйнукларидан ўқ отила бошлади ва душман аскарларини қира бошлади. Ўқлар кўпинча офицерларга келиб тегар эди, чунки оқ манорадагилар офицерларни таилаб отар эдилар. Француздар туйнукларни ўққа тутган эдилар, натижада бермади: манора ҳимоячилари фақат милтиқ тумшуғига жой қолдириб, туйнукларни ҳамаёғини тўшак ва ястиқлар билан беркитиб ташлаб, ҳамон ўқ узар эдилар.

Генерал Мак-Магон оқ манорани штурм қилиб олишни буюрди. Француздар эшикларни бузиб, торгина йўлакка отилиб кирдилар. Аммо найзаларга дуч келиб, бари қирилиб кетди. Шундан кейин Мак-Магон маноранинг теварагига шох-шабба, тахта ва турлар қалаб, манора ичидагиларни тутун билан қувиб чиқариш учун ўт қўйиб юборишни буюрди. Ут ловуллаб ёна кетди.

Ловуллаб турган алланга устига маноранинг тепасидан тахталар, бочкалар, ёғоч пақирларни ташланишини кўриб, француздар беҳад ҳайратда қолдилар: қамалдагилар манора харобаларининг тепасига чиқиб, аллангани кучайтириш учун у ердан ёнадиган нарсаларни пастга улоқтирасар эдилар. Қамалдагиларнинг ўлимни ҳам писайд қилмасдан, ўт сал наридаги порох складига бориб етсин учун оловни кучайтиromoқчи бўлганликларини француздар тушуниб қолдилар. Улар дарҳол ўтни ўчиришга киришдилар ва манора олдига мортира қўйиб, маноранинг ичига гранатлар ота бошладилар. Манора ичидан милтиқ овозлари босилди. Француздар секин йўлакка кирдилар. Каземат ичидан ярадорларнинг инграшлари эшитиларди,— ярадорлар ўн беш киши эди. Қолганлари казематнинг тош плиталарида ўлик ётар эдилар. Капитан-лейтенант Карпов қўмондонлиги остидаги қирқ киши, француздарнинг бутун бошли бир дивизияси эгаллаб турган Малахов курганинг сўнгги истеҳкомини беш соатгача ҳимоя қилиб турди:



Кеч соат олтиларга бориб қанонада тина бошлади, аммо бутун фронт бўйлаб тинмаган милтиқбозлик қоронғу тушгунга қадар давом этди.

Бу орада Горчаков шлюпкага тушиб, Жанубий бухтага келган ва Кемасозлар слободкасининг денгиз бўйи кўчасидан ўтиб келган эди,— у ерда, ғалати тош биноларнинг харобалари панасида йўқлама бораётган эди: полкларнинг қолган-қутганлари тўпланар ва ўзларини тартибга келтирас. Хизмат бурчи бош қўмондёндан фронт линиясида ўзини бир кўрсатиб ўтишни талаб этар эди. Бош қўмондён Малахов курганга тикилган француз байроқларига бир кўз ташлаб қўйиб, Николай батареясига қайтиб келди-да, Севастополни ташлаб чиқиш тўгрисида буйруқни ва қўшинларни кечаси Шаҳар томонидан кўпrik орқали Шимолий томонга, Кемасозлик томондан эса пароход ва шаландаларда олиб ўтиш тўгрисида олдин тузиб қўйилган режаки имзолади. Бу режага кўра, қўшинлар кетиб бўлгандан кейин бастионлардаги замбаракларни бузиш, порох складларини портлатиб юбориш, шаҳарга ўт қўйиб юбориш, одамлар ташилиб бўлгандан кейин эса кемаларни чўқтириб юбориш кўзда тутилар эди.

Веня ўлгудек чарчаган одамдай, қотиб ухларди. Бундай қотиб ухлаб ётган одамни: «Тўп отсанг ҳам уйғонмайди» дейдилар. Бундай қаттиқ уйқуда ётган одам кўзини бирдан очиб уйғона олмайди, уйғониш ғолидан албатта тушига бирон нарса кириб чиқади. Юнга Могученко-тўртинчи ҳам худди шундай бўлди: бирдан ўзини денгиз тўлқинида чайқалиб кетаётгандай сезди. Веня кўзини очиб, нари-бери қурилган ва смола суртилган қэйиқда, дуб пўстлоги билан бирга қайнатиб пиширилганmallamatadan ясалган елкан остида ўтирганини кўрди. Мачтанинг учидаги байроқча ўрнида сурранг қуш қаноти. Кучли изғирин шамол сувни тўлқинлатар ва тўлқинлар чўққисидаги оқ кўпикларни учирниб юбориб, юзга муздек сочувқ сув келтириб сачратарди. Веня Шимолий денгиздан кетаётганилигини дарров пайқади: онаси Шимолий денгиз ҳақида жуда кўп афсоналарни айтиб бергучи эди. Қайиқ — поморларнинг балиқ овлайдиган қайифи. Елкан — «дориломон». Юнга ҳам энди юнга эмас, балки зуёқ; зуёқ балиқчилар қайифида ўз жойида, яъни мачтанинг ёнидаги тахта девор орқасидаги «митти ҳужрачада»

ётибди. Бу ғалати сўзларнинг ҳаммаси Веняиниг тусида дарров эсига келди. У қайиқиниг кўпrik томонига қараган эди, руль ёнида ўтирган онасини кўрди. Анна «погудало»ни қўлида маҳкам ушлаб ўтиради: руль гардишини онаси ҳали ҳам эскича қилиб: «погудало» дерди. Онасининг эгнида сариқ клеенкадан тикилган жалта тўн, босида ҳам шундай зюйдвестка, оёқларида — балиқилар киядиган оғир этик. Анна лабларини чирт юмиб, қовоқларини солиб олдинга қараб ўтиради... Веня олдиндан, жуда яқин жойдан ораликлари қордан оқариб турган қоп-қора қояларни кўриб қолди, қояларнинг паст томони тўлқин сувларига ясанган эди...

— Ойи. Қаёққа кетаётibmиз? — деб сўради Веня, қўрқиб кетиб.

— Э, уйғондингми. Ҳа, совуққотдингми дейман? Ҳозир, болам, қирғоққа оз қолди.

Қайиқ тўппа-тўғри денгиз тўлқинлари ичидан чўққайиб чиқиб турган катта-катта қояларга қараб елиб борарди.

— Қаёққа кетаётibmиз, ойи?

— Ўйга.

Қайиқ тўхтамасдан ўзини қояга келиб урди, тўлқин сувдан кўтариб туриб, яна тошга урди. Мачта қулаб тушди, шамол елканни узиб, учирив кетди. Ҳамма нарса бўйкирган ва ҳайқирган тўлқин ичидан йўқ бўлаб кетди...

Веняни тўлқин қоядан тортиб олиб, денизга олиб кетди...

Веня кўзини очишга ўзини мажбур этди: унинг тепасида онаси ғамгин юзини эгиб ўтирап эди. Гешонасини рўмол билан танғиб олган. Рўмол тагидан юзига қон томиб тушар эди.

— Уйғондингми,— деди Анна ва юзида табассум пайдо бўлди.— Биз сени ўлиб қолдингми деб қўрқиб кетибмиз...

Веняни онаси қўлтиғидан, Наташа эса сёғидан кўтариб борар эдилар...

— Ойижон, қаёққа кетаётibmиз?

— Павел бурунинга.

— Стрёма қани?

— Стрёма ўз жойида, Малахов курганда қолди.

Веня бир силтандию, ойисининг қўлидан чиқиб, тошга йиқилди, ирғиб ўрнидан туриб, қочмоқчи бўлган эди, гандираклаб кетди: оёқ ва қўллари зирқиллаб оғрирди.

Анна:

— Қаёққа? — деб ўшқириб берди ва ўғлиниңг қўлидан тутиб қолди.

Анна ўғлини кафти билан бир шапатилади. Веня ўзини худди бултурдагидек «кичкина» бола деб ҳис қилди. Ойисининг бағрига ёпишиб йиглади-да:

— Стрёма қани, ойижон? — деб сўради.

— Стрёма ўлди, укажоним, — деб секин жавоб берди Наташа.

Анна билан Наташа Веняининг икки қўлидан етаклаб, Павел буруни томонга, изғирин ва чанг шамол қаршисига қараб кетдилар.

Қош қорая бошлади. Улар кетаётган томонга қуролсиз солдатлар, елкаларига қоп ортган аллакимлар судралиб борар эди. Хотинлар, ёш болалар йиглаб чопар эдилар.

— Э, бахтимиздан ўргилай. «Владимир» кепти-ку, — деди Анна.

Қирғоқ бўйида пароход турарди. Пароходининг юқори палубаси одамга лиқ тўла эди. «Владимир» қисқа сигнал берди-да, жўнашга ҳозирланиб, гидиракларининг парракларини айлантира бошлади. Командир кўприкчадан туриб, орқадаги шаландаги карнай орқали:

— Арқонни маҳкамроқ боғла, — деб қичқирди.

Шаланда ҳам одамга лиқ тўла эди.

— Есть! — деган жавоб бўлди шаландадан.

Анна қизи ва ўғли билан пароходга чиқиш учун кўпrikка югорди. Уларнинг кетидан пароход бортининг эшиги ёпилди.

— Олд томондаги арқонни еч.

Машина юриб кетди, палуба ларзага келди, трубадан бурқисиб тутун чиқа бошлади. «Владимир» кетинга тисланиб, олд томонини зўрға шамол қаршисига буриб олди.

— Кетин томондаги арқонни ечиб юбор.

— Есть.

Машина олдинга қараб юра бошлади, пароход кетидаги шатакни етаклаб, Шимолий томонга қараб йўл олди...

Анна' одамларнинг сўкиш ва ҳақоратларига ўзи ҳам боплёр жавоб қайтариб, палубанинг ўртасига суқулиб кириб олди. Бу ер унча тиқилинч эмас эди: одамлар уюлиб ётган арқонларда ўтирас, палубада ярадорлар инграб, оҳ-войлаб ётар эди. Ҳамма орқада қолган Севастопольдан кўзини узмай қарап эди. Шаҳар томонининг ён-

ғин алангалари пастлаб сузиб юрган булутларни қип-қизил қилиб бўяган эди. Кўкда ракеталар худди камалак янглиғ ловуллаб ёниб учарди. Шамолдан ва ғилдирак парракларининг шовқунидан мйлтиқ овозлари эшитилмас эди. Олисдан замбаракларининг сийрак гумбури эшитилиб қоларди.

Бирдан палубада:

— Қаранглар, оғайнилар, анови тоғлардаги нима?— деган қўрқувли овоз эшитилди.

Ҳамма ЇКанубий бухта томонга қаради. Пастдан, қирғоқ бўйидан тепаликларнинг чўққиларига худди илондай олов ўрмалаб чиқиб борар эди... Ахир олов тепалик чўққисига етди, сўнди ва бир нафас ўтмасдан бастионлар тепасига бирин-кетин ўтли устунлар кўтарила бошлади. Пароход палубасида турганларнинг ҳаммаси бирдан даҳшатли сурагда бақириб юборди ва бунга жавоб бергандай, Кемасозлик томондан портлашларнинг гумбури эшитилди.

Веня дағ-дағ титрарди.

— Ойижон,— деди юнга Могученко-тўртинчи, худди ёш боладай,— Трифоннинг машинахонаси тужиб исинсам майлими?

— Борақол, аммо тез қайт, ҳозир етамиз...

Веня машинахона зинасига бориб, пастга мўралаб қаради.

— Ҳой, Тришка, олдингга тужиб исинсам майлими...

— Иёе,— деб жавоб берди Трифон, пастдан туриб.— Қайси шамол учирди?

Веня тикка зинанинг силлиқ бандидан пастга тирғаниб тушди. Трифон арқон увадалари билан ёғ босиб кетган қўлларини артди.

Ака-ука қўлларини қаттиқ сиқиб кўришдилар.

— Анови ишларни кўрдингми, оғани,— деди юнга Могученко-тўртинчи.— Гумбура-гумбурни эшитдингми? Режага кўра, порох складларини портлатиб юбордик, Бухтадан то тепасигача порох сепиб, ўт қўйиб юбордик...

— Нега у ердан иш тугамасдан кетдинг?

— У ерни портлатиш учун фақат талабгорлар қолди. Биз асосий ишни бажардик, ўт қўйиб юбориш ҳам иш бўйтими.

— Бизнинг пароход четини ўттизта снаряд тешиб кетди,— деди мина юнгаси Трифон Могученко.— Биз эртадан кечгача французни гоҳ ўнг томонимиз билан, гоҳ чап

томонимиз билан ўқقا тутиб турдик. Қилен-балканинг та-
гиға мингдан ортигини ётқизиб келдик. Аммо бизни ҳам
роса боплашди. Гоҳ «полный вперед», гоҳ «стоп», гоҳ «ма-
лый назад»*.

Қўнғироқ жаранглади.

— Стоп! — деган овоз әшиитилди.

— Есть «стоп», — деб жавоб берди ваҳтада турған
навбатчи.

Машинанинг-цилиндрлари тўхтади, поршеньларнинг
ялт-ялт этган штокларининг ҳаракати босилди.

— Средний назад.

— Есть средний назад. Юнга. Таг подшипникларга
мой қуй.

— Есть, — деб жавоб берди Трифон ва дарҳол қўлига
мойдон олди...

Вахта бошлиғи ҳуштак чалди. Кочегар ўтхонанинг
әшигини очди-да, белкуракни ғижирлатиб, ичига кўмир
ирғита бошлади.

«Владимир» Шимолий томондаги Куриная балка яқи-
нидаги кўприклар ёнига келиб тўхтади. Халойиқ бир пас-
да пароходдан пастга тушиб кетди. Ярадорларни пристан-
га олиб туширилдилар. Чарчаб ҳолдан тойган Наташа уйиб
қўйилган арқон устида йиғлаб ўтирас эди.

— Бормайман, ойижон, бормайман... Ёнига қайтаман.

— Жиннилигингни қўй, қизим. Энди сен унга нима
қилиб бера олар эдинг? Ўлган одамни қабристондан кут-
майдилар.

— Бормайман, ойижоним. Унинг тиниқ кўзларини ким
беркитади? Ким уни сўнгги марта ўпиб қўяди? Ўлимтик-
ни кўмгандай, чуқурга кўмадилар-қўядилар... Каерга
кўмилганини ҳам ҳеч ким айтмайди мен бечорага...

— Тентак қизим, борганимиз билан қаердан ҳам қиди-
риб топардик уни?.. У ерда ҳозир душманлар бор-ку...
Улар бизни қийнаб таҳқирлашлари мумкин...

«Владимир» гудок берди. Аёлларнинг олдига матрос
келди.

— Хўш, маликалар, нима қилиб ўтирибсизлар? Ҳозир
яна Қемасозлик томонга жўнаймиз.

— Биз ҳам ўша томонга кетишимиш керак,— деб жа-
воб берди Анна.

— Е уйда бирон нарсаларинг қолганмиди?

* Пароход командалари.

— Шошқолоқликдан бриллиантларимизни ташлаб көзлибмиз.

— Ҳа, майли, ўтирасанглар ўтираверинглар...

«Владимир» пристандан бўш шаландани судраб, Павел бурнига қараб сиљиди...

Наташа ортиқ йиғламас ва Малахов кургандан кўзи ни узмас эди. Бурун бўйида халойиқ тўпланиб турарди. «Тезроқ. Тезроқ ҳайдай!» деган овозлар эшитиларди.

— Веняни чақирайчи,—деди Анна.— Борсак, ҳаммамиз бирга борайлик...

— Ойижон, мана бу еримни ушлаб кўр, юрагим гулгуп уради-я.

Наташа онасининг қўлини, кўкрагига қаттиқ босди...

Анна жим турди ва бир ондан кейин:

— Тентак қизим, бу юрак эмас, қорнингда боланг уйғонди,—деди.

Пароход нима қиласай дегандай гудок берди. Бурун қирғофининг тепасида вахта бошлигининг қўлидаги фонис чайқалиб, пароходга тўхташ жойини кўрсатди. «Владимир» шаландани қирғоқ бўйига келтириб қўйди-да, ўзи унинг ёнига келиб турди. Пароходга халойиқ ёпирildi.

— Қани, қизим, энди ўликни ахтаргани борамизми?—деб сўради Анна.

Наташа онасининг қўлини лабига босиб, кўзидаи дувдув ёш тўкиб, кафтидан ўпди.

— Йўқ, ойижон. Пешонамга битгани шу экан,—деб жавоб берди Наташа онасига, оғир хўрсаниб.

«Владимир» одамларни олиб бўлиб, иккинчи марта Шимолий томонга жўпаб кетди.

Сузма кўприкдан Шимолий бухтага сўнгги пиёдалар қисми ўтиб бўлгандан кейин, кўприк бошида турган инженер командирга:

— Энг охирги киши—сиз. Сиз билан тамом. Кўприкни ажратиб юбораман,—деди..

Аммо Малахов курганнинг тирик қолган ҳар бир ҳимоячиси нажот кўпригидан Шимолий томонга ҳали ўтиб бўлмаган эди.

Агар Кримнинг тоғ йўлидан Яйлу томонга келаётib чарчасанг, тоғ чўққиси ҳали олис бўлса ва дам олгани тўхтасанг—орқангга, босиб ўтган йўлингга қайрилиб қарада, нафасингни ростла, шундан кейин босиб ўтилиши керак бўлган йўлинг осон кўринади.

Тонг қоронғусида Севастополь ҳимоячиларининг ҳар бири қулоқ ўрганмаган машъум сукунатда тўхтар эди-да, шаҳарнинг тутун босиб ётган харобаларига қайрилиб қарар ва бош кийимини ечиб, юзини денгизнинг ҳаётбаҳш шабадасига тутар ва: «Йўқ, ҳали тамом бўлгани йўқ. Ҳали охири бор. Севастополь мудофааси давом этади. Олдинда ҳали чўққига кўтарилиш бор» дерди.

Москва.
1940—1944 йиллар.

ИЗОХЛАР

- 1 *Норд-норд-ост* — шимол-шымолий-шарқий.
- 2 *Коклюинка* — түр түқинганда ҳар бир тола ипнинг учига бөзлаб қўйиладиган қаламча.
- 3 *Вимпел* — кема мачтасига тикиладиган байроқча. Бу ерда вимпел кема маъносиди ишлатилиди.
- 4 *Норд-остдан* — шимол-шарқдан.
- 5 *Рейд* — денгизда портга кираверишда кемалар туриш учун кулагай жой.
- 6 *Флагман* — эскадра қўмонидони тушган кема; эскадра қўмонидонининг қароргоҳи.
- 7 *Антрацит* — тош қўмирининг бир хили.
- 8 *Кардиф* — тош қўмирининг бир хили.
- 9 *Депеша* — хабар, хабарнома; маълумот.
- 10 *Тройка* — уч от қўшилган извош ё чана.
- 11 *Флигель* — адъютант — подшоҳ ҳузурнида хизматда бўлгани оғазцер.
- 12 *Фрегат* — уч мачтали ҳарбий елканли кема.
- 13 *Абордаж* — икки кеманинг бир-бирига яқин келиб, бир-бираға ёпишиб жанг қилиши.
- 14 *Бак* — кемада юқори палубанинг олдинги, тумшуқ қисми.
- 15 *Вант* — елканли кемаларда мачтани ушлаб турадиган йўғон арқон.
- 16 *Борт* — кеманинг чети, ён тарафи.
- 17 *Командор* — ҳарбий кемаларда тўпчи.
- 18 *Мортира* — стволи калта замбарак.
- 19 *Стеньга* — мачтага¹ уланадиган тикка устун.
- 20 *Вест* — гарб; гарб томон.
- 21 *Бушилат* — матрослар камзули.
- 22 *Бейдевинд* — елканли кеманинг шамолга нисбатан оғиши.
- 23 *Крюйт-камера* — кемада порох омбори.
- 24 *Люк* — кеманинг пастки қаватларига тушиш учун қилинган туйнук.
- 25 *Трап* — кемага чиқадиган ва тушадиган нарвои.
- 26 *Коллегия регистратори* — Пётр I даврида Россиянда жорий этилган амал ва мансаблар жадвалига кўра, коллегия регистратори энг қўйи, 14-амал.
- 27 *Титуляр советник* — амал ва мансаблар жадвалида тўққизинчи мансаб.

- 28 *Фемюга* — кінчык елқапли кема.
 29 *Қабельтов* — денгизда узунлик (масофа) ўлчови; 185,2 метрга тұғри келади.
 30 *Склянка* — илгари ҳарбий кемаларда ярим соат вактни күрсатадиган құм соат; шу соатта қараб ҳар ярим соатда кемаларда жомчалинап эді.
 31 *Штуцер* — стволининг ичи бурама мильтик.
 32 *Аврал* — кемада бутун команда билан ёпирилиб ишлаш.
 33 *Док* — кемалар ремонт қылышадиган жой.
 34 *Слободка, слобода* — шаҳар төвәрагидаги маҳалла.
 35 *Амбразура* — истеҳкомларнинг деворларida ўқ узиш учун очиб қўйиладиган туйнук.
 36 *Тур* — ичига тупроқ тұлдириб қўйиладиган баланд сават; ўқлардан пана қўлиш учун ишлатилади.
 37 *Блокшив* — ишдан чиққан эски кема; бу кемалардан казарма, кўмир складлари ва ўқ-дори сақлаш учун фойдаланилади.
 38 *Деловой двор* — илгари вактларда ҳар хил моллар, кўпинча ёғоч-тхата сақланадиган жой.
 39 *Ялик* — иккى ёки тұрт эшкакли қайни.
 40 *Вельбот* — бурни ҳам қўйруғи узүн, эшкакли тезюарар енгил қайни.
 41 *Фалреп* — кемага чиққанда ва кемадан тушганда ушлаб чиқадиган ва тушадиган арқон.
 42 *Шканци* — ҳарбий кема палубасининг ўртасидаги майдонча; бу ерда кўрик, парад ва бошқа расмий маросимлар ўтказилади.
 43 *Флаг-офицер* — флагман штабида хизмат қилувчи офицер.
 44 *Фалгребной* — вахта хизматини ўтатған матрос.
 45 *Каюта* — кемада офицерлар хонаси.
 46 *Ют* — кемада юқори палубасининг қўйруқ қисми.
 47 *Бастион* — бешбурчак шаклида қурилган ҳарбий истеҳком, калъя.
 48 *Шкуна, шхуна* — иккى ёки ундаи кўп мачталы елкан кема.
 49 *Илкапер* — савдо кемаси капитани.
 50 *Лоцман* — маълум бир доирада кема юргизиш йўлини биладиган мутахассис.
 51 *Бүёк* — сувининг хатарлы жойларини кўрсатиш учун қўйиладиган белги.
 52 *Поморлар* — Оқ дengiz ва Муз океани қирғоқларнда яшовчи тубжой рус аҳолиси.
 53 *Шкафут* — палубасининг ўрта қисми.
 54 *Мичман* — флотда биринчи офицерлик унвонига эга бўлган киши.
 55 *Штурвал* — кема рулининг чамбараги.
 56 «... Нахимовга крест беришган...» — Бу ерда Нахимовга орден берилгани айтилади.
 57 *Гюйс* — кеманинг тумшуқ томонида кўтариладиган байроқ. Бу байроқ фақат кема лангар ташлаб турганда кундуз кунлари кўтарилади.
 58 *Бүшприт* — кеманинг тумшуғидан олдинга чиқиб турган хода.
 59 *Ультрамарин* — зангори, тўқ кўк.
 60 *Шторм* — дengизда кучли бўрон, довул, пўртана.
 61 «... курсга бир қараб олайин деб...» — Бу ерда кеманинг бораётгай йўлини кўрсатувчи қомпасага қарамоқчи бўлгани айтилади.

- 62 *Нактоуз* — кемада магнит компаси ўрнатиб қўйиладиган шкафча.
 63 *Фальшорт* — кеманинг юқори валубаси бортининг туртиб чиқиб турган қисми.
 64 *Марсчилар* — елканли кемаларда мачтага чиқиб елкан ёйувчи ва йифиштирувчи матрослар.
 65 *Дрэйфга турди...* — скапаларни кема жойидан дәярли жилмай турадиган қилиб ёзиб қўйиш.
 66 *Фальшфейер* — сигнал берувчи фонис.
 67 *Узел* — кеманинг бир соатда боссан йўли: 1,87 километрга тўғри келади.
 68 *Трапак* — рус халқ рақси.
 69 *Гусарлар* — енгил суворийлар.
 70 *Армада* — ҳарбий кемаларнинг жуда катта бирикмаси.
 71 *Свита генерали* — подшоҳ хонадошида хизматда бўлган генерал; подшоҳ ёнида юрадиган генерал.
 72 *Зюйд-ост* — жануби-шарқ. Бу ерда жануби-шарқдан эсувчи шамол ҳақида гап боради.
 73 «... дастлаб «Руслан» увертиюраси чалинди...» — Глинканинг «Руслан ва Людмила» операсининг увертиюраси.
 74 *Капельмейстер* — духовой оркестр раҳбари, дирижёри.
 75 *Геликон* — духовой оркестрда энг катта карпай.
 76 *Барказ* — катта қайиқ.
 77 *Тузик* — қайиқнинг бир хили.
 78 *Ялик* — икки эшқакли қайиқ.
 79 *Адмиралтейство* — ҳарбий кемалар қўриладиган жой.
 80 *Барка* — юқ ташайдиган кема.
 81 «Черномор марши» — «Руслан ва Людмила» операсидан Черномор марши.
 82 *Люпитсер* — музикачилар олдида турадиган ва потани очиб қўйиладиган асбоб.
 83 *Чепчик* — аёллар бош кийими.
 84 *Горнистлар* — карнайчилар.
 85 *Брамстеньга* — степъганинг давоми; степъга уламаси.
 86 *Яхта* — елканли ёки моторли кичик кема.
 87 *Синопдан кейин...* — 1854 йилда адмирал Нахимов қўмондошлиги остида рус флоти Синопда турк флотини тор-мор келтирган эди.
 88 *Шпангоут* — кеманинг кўндаланг ёғочи.
 89 *Ватерлиния* — кеманинг қаергача сувга ботиб турганини кўрсатувчи чизиқ.
 90 *Рангут* — кеманинг елкан кўтариш, сигналлар бериш ва ҳоказоларга хизмат қиласиган қисмлари (мачталар, гафельлар, бушкрист ва бошқалар) йиғинидиси.
 91 *Шторм* — денгизда кучли бўрои, довул, пўртана.
 92 *Заутреня* — черковда эрталабки ибодат.
 93 *Сбитень* — асал ва ҳар хил хушбўй нарсалардан қайнатиб пишириладиган иссиқ ичимлик.
 94 *Ряя* — мачтада елканни тикиб қўядиган кўндаланг ёғоч.
 95 *Вал* — қалъя ва истеҳкомларнинг атрофига баланд қилиб қурилган кўтарма.
 96 *Рекрут* — чор Россиясида аскарликка янги олинган солдат.
 97 *Аръергард* — асосий қисм кетида борувчи аскарий қисм.
 98 *Флагшток* — байроқ тикиладиган ёғоч, устунча.

- 99 *Лямка* — оғир нарсаларни тортиш учун елкадаң ошириб ташла-
надиган қайиш.
- 100 «Дубинушка» — машхур рус халқ құшиғи.
- 101 *Гальваник команда* — ер остига портловчи мөддалар күмиб
қўпорувчилар командаси.
- 102 *Форт* — қалъа, мустаҳкамланган қўрғон.
- 103 *Урлдник* — казак қисмларида унтер-офицер.
- 104 *Деничик* — офицернинг шахсий хизматидаги солдат.
- 105 *Лейб-медик* — подшоҳ ёки олий мансабли кишини боқувчи
доктор.
- 106 *Мортира* — стволи калта замбарак.
- 107 *Кубрик* — кемада матрослар турадиган хона.
- 108 *Гардемарин* — деңгиз ва кадетлар корпусининг юқори синф
ўқувчиси; маълум амалий тажрибадан ўтгапдан кейин унга
мичман унвони берилар эди.
- 109 *Тромбонист* — музика асбоби тромбон чалувчи.
- 110 «...худди мадоннанинг ўзия!..» Бу ерда фоят чиройлик де-
йилмоқчи.
- 111 *Маэстро* — музикачилар раҳбари, капельмейстер.
- 112 *Карцер* — айборни жазолаш учун вақтинча қамаб қўядиган
якка қамоқ.
- 113 *Декабристлар* — 1815 йилда декабрь ойида крепостнойлик ҳуқу-
қи ва чоризмга қарши қуролли қўзғолон кўтариб чиққаи рево-
люцион дворянлар.
- 114 *Картечь* — ичига йирик питра солинган снаряд; сочма снаряд.
- 115 *Ранецлар* — солдатларнинг хусусий буюмлари турадиган халта.
- 116 *Банник* — тўп стволининг ичини тозалайдиган узун сопли чўтка.
- 117 *Анишуг* — катта-катта ёғоч қозиқлар.
- 118 *Каземат* — артиллерия ўқи ва бомбалардан сақланиш учун бе-
тон билан қопланган мудофаа истеҳкоми.
- 119 *Банкет* — бруствернинг ички томонида супача.
- 120 *Фурштат солдати* — ҳарбий обозда хизмат қилувчи солдат.
- 121 *Чумак* — қадим замонда Украинадан Кримга ва Донга ғалла
олиб бориб сотиб, у ерлардан туз ташиб келтирувчи дехқон.
- 122 *Гомеопатик дори* — жуда оз миқдорда берилган дори.
- 123 *Меланхолик* — хафақоиликка ўрганган одам.
- 124 *Лоуландер* — Шотландиянинг тоғли бўлмаган ерларида яшай-
диган киши.
- 125 *Голиаф* — инжил ривоятига қараганда ниҳоятда зўр паҳлавон.
- 126 *Интендант* — аскарий қисмларни таъмин этувчи.
- 127 *Макферлан* — бир хил кийим.
- 128 *Зуавлар* — француз қўшинлари составидаги жазонири аскарлар.
- 129 *Драгунлар* — енгил суворийлар.
- 130 *Португейя* — қилич осиб юрадиган қайиш.
- 131 *Манерка* — ёнда осиб юрадиган сув идиши.
- 132 *Салон* — меҳмонхона.
- 133 «... князь майда-майда қумларни пуфлаб ташларди...» — илгари
вақтларда сиёҳ қурисин учун хат устига қум сепиларди.
- 134 *Плюр* — юпқа қофоз, хитой қофоз.
- 135 *Комиссионер* — ўртада турувчи, даллол.
- 136 *Бакенбард* — юзининг икки чеккасидан соқол, чекка соқол.
- 137 *Юнга* — кемада шёғирд бола; ёш матрос.
- 138 *Топчан* — ёғоч кровать.

- 139 ...*гоз патлари*... — Севастополь мудофааси вақтида металл перолар ҳали йўқ эди, гоз патининг учини чиқарниб ёзар эдилар.
- 140 *Николи Морской* — денигизчилар ҳомийси.
- 141 ...*кун қишидан ёзга оға бошлади*... — Ҳақиқатда XIX асрда қишики қўёш туриши 21 декабрга тўғри келган эди.
- 142 *Люнет* — дала ёки қалъа истеҳкомларидан бирни.
- 143 *Парламентёр* — уруш вақтида душман билан музокара олиб бориш учун юборилган вакил.
- 144 *Генерал-квартирмейстер* — аскарий қисмларни озиқ-овқат ва турар жойлар билан тъъминловчи киши.
- 145 *Ери* — бу ерда замбаракни отилмаидиган қилиб бузиш учун ўқланадиган жойига уриб киритадиган пона.
- 146 *Вареник* — украинларнинг хамирдан қилинадиган ва қаймоқ қўшиб ейдиган тансиқ овқати.
- 147 *Лихтёр* — юқ ташийдиган кема.
- 148 *Великий пост* — христианиларда рўза.
- 149 *Кулич* — ширин пон; одатда пасха байраминда ёпилади.
- 150 «...*ўзи «фотиҳа» берди*...» — пасха арафасида «рўзани очиш олдидан қуличга черковда руҳоний «фотиҳа» беради.
- 151 «...*француз билан христослашимоқчиликан*...» — христианиларда пасха куни одамлар бир-бирлари билан ўпишиб кўришадилар, бир-бирларини муборакбод қиласдилар.
- 152 *Фата* — шаффоғ оқ рўмол; келинчак икоҳ маросимида ўрайди.
- 153 *Контр-апроши* — қамал этувчи душманни олдинга силжитмаслик учун қамалдагилар томонидан қурилган истеҳком.
- 154 «...*Ватерлоо ёнида бўлган жанг*...» — 1815 йилнинг 18 июнида Бельгиянинг Ватерлоо деган қишлоғи ёнида бўлган катта жангда Наполеон мағлубиятга учраган эди.
- 155 *Фаталист* — тақдирга, битмишга ишонувчи киши.
- 156 «*Петр билан Павел* куни — авліё Пётр ва Павел куни байрами, янги ҳисоб билан 11 июнга тўғри келади.
- 157 *Налой* — черковда икона турадиган баланд стол.
- 158 *Бородино жангиги* — 1812 йилдаги Ватан урушида Бородино қишлоғи ёнида Наполеон I билан рус қўшинилари ўртасида бўлган кучли жанг.

МУНДАРИЖА

Биринчи боб. Қора булут	3
Иккинчи боб. Ҳарбий кенгаш	51
Үчинчи боб. Қайнаб турган чумоли ўяси	83
Тўртинчи боб. Ҳаётбахш сув	122
Бешинчи боб. Подшоҳ бўсаси	172
Олтинчи боб. Кун қайтиши	200
Еттинчи боб. «Красная горка»	241
Саккизинчи боб. Матрос қарзи	264
Изоҳлар	307

УРТА ВА КАТТА ЕШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

На узбекском языке

СЕРГЕЙ ГРИГОРЬЕВ

МАЛАХОВ КУРГАН

(Перевод с издания «Советский писатель», 1948)

Госиздат УзССР — Ташкент — 1956

Редактор С. Мухаммаджонов
Техредактор Л. Ф. Демидова
Корректор М. Рустамов

Теришга берилди 13/VI 1956. Босишига рұксат этилди 4/VIII 1956. Формати
84×108/32. Босма л. 9,75. Шартли босма л. 15,99. Нашр л. 17,0. Тиражи 30 000.
Р 03602. Индекс б/а. Узбекистон ССР Давлат Нашриёти, Тошкент,
Полиграф кўчаси, 74. Шартнома № 369—55.

УзССР Маданият министрлиги Узглавиздатининг З-инчи бўсмахонаси.
Тошкент. Ленинград кўчаси, № 15. Зак. № 222. Баҳоси 6 с. 10 т.

БИБЛИОТЕКА КГГИ

ИИИ. № 42297

